



Йоҳанн Вольфганг  
Гёте

«KAMOLOТ»  
KUTUBXONASI

# Фауст



Central Library (UWED)



00041758

830  
Г 44



«КАМОЛОТ»  
KUTUBXONASI

Йоҳанн Вольфганг  
Гёте

# Фауст

Таржимон ЭРКИН ВОҲИДОВ



МАЖБУРИЙ  
НУСХА

Жаҳон ғиребда ва  
динломан университет  
№. 409208-2

БИБЛИОТЕКА



ИНГИ АСР АВЛОДИ  
ТОШКЕНТ  
2015

**УЎК: 821.112.2**

**КБК: 84(4Нем)**

**Г – 42**

**Гёте, Йоҳанн Вольфганг**

Фауст: трагедия / Йоҳанн Вольфганг Гёте; таржимон  
Э.Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 536 (ет.

ISBN 978-9943-27-312-2

Буюк немис шоирининг бу йирик асари жаҳон адабиети-  
нинг дурдоналаридан саналади. Унда икки мангу қарма-  
қарши куч: яхшилик ва ёвузлик, иқрор ва инкор курашади.  
Фауст — ҳаёт ошиғи, тараққиёт жангчиси, адолат жарчиси.  
Мефистофель — ҳаёт ёви, тараққиёт душмани, адолат қушан-  
даси. Асардаги мураккаб воқеалар силсиласи шу икки қара-  
мон хатти-ҳаракатлари орқали ривожланиб боради.

**УЎК: 821.112.2**

**КБК: 84(4Нем)**

**Таржимон**

**Эркин ВОҲИДОВ**

**Рассом**

**Иван КИРИАКИДИ**

*Иккинчи нашр*

ISBN 978-9943-27-312-2

© Йоҳанн Вольфганг Гёте, «Фауст». «Янги аср авлоди»,  
2015 йил.

Буюк асарларга замон ва макон чегараси бегонадир. Улар муайян давр, муайян халқ ижоди заминида туғилиб, ҳамма даврлар ва ҳамма халқларнинг мулки бўлиб қоладилар. Фирдавсий «Шоҳнома»си, Данте «Илоҳий комедияси, Навоий «Хамса»си асрлар қаърида қолиб кетмай, бизга етиб келгани, бизни ҳануз ҳайрат ва ҳаяжонга солиши нимадан? Улардаги умуминсоний ғояларми? Баркамол ва мукаммал санъаткорликми? Мангу туйғуларнинг рангинлигимми? Ҳа, буларнинг ҳаммаси, ҳаммасининг бир бутунлиги ва яна бир хислат — ҳақиқат тараннуми. Барча ҳақиқатларнинг онаси бўлган Инсон Қалби Озодлигининг тараннуми. Ҳамма замонларда Ҳақ ва Азозил ўртасида қалб учун омонсиз кураш бўлган.

«Фауст» каби асарлар ҳақида сўзлаш жуда қийин. Таржима қилиш ҳам осон эмас. Мен «Фауст»ни жуда улкан қасрга ўхшатаман. Унинг умум қурилмасидан тортиб, ҳар бир нақшигача абадиёт учун мукаммал қилиб яратилган. Ахир Гёте каби улғу ва заҳматкаш даҳо бу асарни олтмиш йил ёзган! Ўн беш минг мисрага яқин бу мўъжизани инсоният тарихининг мағзи дейиш мумкин. Бу тарих бир инсон қисматида мужассам бўлганки, уни ақл на идрок билангина эмас, балки юрак билан ҳис этмоқ даркор.

«Ой ўртанар, кўзларида ёш, бағри доғу юраги қийма. Дер: эй, фалак, мен эдим қуёш, нега мени қилдинг таржима?» Бу сатрлар мен «Фауст»ни тар-

жима қилмоққа киришган пайтларда туфилган. Рости ҳаяжонландим. «Фауст»дек қаср устунларидан ўзбек заминиде тикланадиган иншоот содда ва жўн бўлиб қолмайдими, деган андишани қилдим. Яна бир андишам «Фауст» яратилган замон ва макон руҳини бера оламанми, деган хаёл бўлди. Гётенинг Шарқ фалсафасига яқинлиги менинг йўлимни ёритиб турди, руҳимга мадад бўлди. Немис тилини мукаммал билмасам-да, рус тилига қилинган кўплаб таржималар, тадқиқотлардан баҳраманд бўлдим. Улуф шоир фикри ва руҳига чуқурроқ киришга уриндим. Унинг ватанида бўлиб, Ваймар кўчаларида кезиб юрдим. Неча улуф шоир ва созандаларни берган бу шаҳар менга Фарбнинг Ҳироти бўлиб туйилди.

Мана, «Фауст»нинг иккала қисми бир китоб шаклида сизнинг қўлингизга тегаётир, муҳтарам ўқувчилар. Келинг, «Фауст» оламига биргаликда назар ташлайлик.

*Таржимон*

ЖОНЛАНУР МИСЛИ БИР АЖИБ АФСОНА,  
ЁШЛИГУИЛК БОРА СЕВИШГАН КУНЛАР.



ЎТМИШ ВА ЭЗГУЛИК СОҒИНЧИ МАНА,  
ДИЛИМДА ҚЎЗҒАРКАН АЛАМЛИ УНЛАР.

## БАҒИШЛОВ

Борлиғим банд этган алдоқ соялар,  
Яна бўлдингизми қаршимда пайдо?  
Шоядки назмингиз бўлса муяссар,  
Ёшлигим шавқлари сўнганми ва ё?  
Йўқ, сиз туман каби босиб сарбасар,  
Ўйларим чулғанди дудингиз аро.  
Сиз билан тин олсам тўлар кўкрагим,  
Сиз билан яшарар менинг юрагим.

Мозий лавҳалари жонланур яна,  
Фусункор тонглару сеҳрли тунлар,—  
Жонланур мисли бир ажиб афсона  
Ёшлигу илк бора севишган кунлар<sup>1</sup>.  
Ўтмиш ва эзгулик соғинчи мана,  
Дилимда қўзғаркан аламли унлар,  
У ёруғ чошгоҳда бўлганлар омон.  
Сизни эҳтиром-ла эслайман ҳамон.

Сўнгги қўшиқларим эшитолмади  
Китобим илк бобин тинглаган дўстлар<sup>2</sup>.  
Бу кун ул даврадан ҳеч ким қолмади,  
Қайлардадир сўнди илк мақтов сўзлар.  
Бебаҳралар фикрин ҳеч йўқ қиммати,  
Олқиши дилимга солади музлар.  
Ул хассос зарифлар йитди бу замон  
Кимсасиз йўлларда бесару сомон.

Яна чорлар мени илоҳий бир ун,  
Яна хаёларга чулғанди бошим.  
Сабо арфасидек хазин ва сермунг  
Қуйилар сатрлар, қани бардошим!  
Музлаган жисмимни эритар бу кун  
Кўзимдан қуйилган қайноқ бу ёшим.  
Бу олам чекинур, ўтмиш-чи, аён —  
Кўзларим олдида бўлар намоён.



*Театр директори, шоир ва қизиқчи*

*Директор*

Сиз икковлон бердингиз мадад  
Танг бўлганда неча бор ҳолим.  
Айтинг, бу гал келгайми омад,  
Кулгаймикин бу гал иқболим?

Халқ беҳисоб бўлса бойлик бешумор,<sup>\*</sup>  
Бу боис излармен унга на лойиқ.  
Тахталар терилган, сахна ҳам тайёр,  
Бизлардан томоша кутар халойиқ.

Қошлар кутарилмиш, нигоҳлар чанқоқ,  
Қувончу ҳайратнинг иштиёқида.  
Менга аён эрур бу санъат, бироқ —  
Буқун ёнурман дил иштибоҳида.

Гарчи томошабин диди эмас зўр,  
Лекин китоб кўрган, шу боис сергак.  
Агар бўлсин десак томоша манзур,  
Дўстларим, албатта янги гап керак.

Қани, томошагоҳ бўлсаю тўлиқ,  
Атрофида яна оломон турса,  
Шу тор эшикларга ҳар кеч халойиқ  
Жаннат эшиги деб ўзини урса.

---

\* Бешумор — беҳисоб

Ёдимда, бир маҳал ҳали ботмай кун,  
 Бошланарди бунда ғулу, тўполон.  
 Ғўё патта эмас, оч халойиқ-чун  
 Мана шу дарчадан улашилар нон.

Бундай мўъжизага сен фақат қодир,  
 Кўрсат сеҳринг яна, азизим шоир!

*Шоир*

Қўйгил, қора халқдан гапирма асло,  
 Шовқиндан кўнглимга тушар изтироб.  
 Оломон ҳисларни ютувчи бало,  
 Сурон — тафаккурни кўмгувчи гирдоб.

Кўнглим осудалик излар доимо.  
 Чўққилар ёпиниб туманлик ҳижоб,  
 Мудраган ул маъво сари бошла, юр!  
 Илоҳий сукутдан топурман сурур.

Юрак ўз тубида ардоқлаган ҳис,  
 Лабда қанот ёзмоқ бўлган туйғулар.  
 Ташна кўнгилларда қолдирмаёқ из  
 Замон суронида дарҳол бўғилар.

Бас, ўйлар тошқинин тиндиросак биз,  
 Мукамал ғўзаллик шунда туғилар.  
 Жилванинг умридур бир лаҳза фақат,  
 Авлодларга қолур ҳақиқий санъат.

*Қизиқчи*

Яна авлодларми, тегди-ку жонга!  
 Меҳнат қилсам фақат келажак онга,  
 Бугунги ёшларни хурсанд қилур ким?  
 Замонга ёр бўлиш кичкина ишмас,  
 Чин дилдан кулдириш бачкана ишмас,  
 Кулки — зар, кўчада ётмас, азизим.

Биздан шодлик тилаб келар халойиқ,  
 Унга қулоқ солган ҳурматга лойиқ.

Халойиқ кўп бўлса зўр бўлур таъсир,  
Азиздир қалбларни қилолган асир.

Қобилият бўлсин, гапнинг сираси,  
Жам бўлсин бир ерда ақл ва туйғу,  
Хаёлнинг парвози, шавқ силсиласи  
Сўнг андак топқирлик, бир чимдим кулгу.

*Директор*

Лекин энг зарури, саргузашт бўлсин,  
Кўзга қувонч бўлсин, дилга гашт бўлсин.  
Андак ўрин беринг тафсилотга ҳам,  
Томоша қалбларни банд этсин токим.  
Тўдани ҳангу манг қилолган одам  
Унинг юрагига бўлолгай ҳоким.

Яхлит гўшт берай деб ўлтирманг толиб,  
Халқ ёвфон бўлса ҳам раҳмат айтади.  
Ҳар ким чўмичига сиққанча олиб,  
Сизга қуллуқ қилиб уйга қайтади.

Фақат кўпчиликка кўп нарса керак,  
Баракали бўлсин шунинг-чун қозон.  
Яхлитдан халқ учун фойда йўқ, бешак,  
Бари бир бурдалаб ташлар аламон.

*Шоир*

Санъатда косиблик — козибликка тенг,  
Наҳот одатийдир сизга бу ҳолат.  
Бу ерда ноқобил қаламкашларнинг  
Ҳурмати баландга ўхшар бағоят.

*Директор*

Бундоқ таъналардан камина хандон —  
Чунки бу гапларнинг барчаси бекор.  
Дўстим, ҳар ҳунарнинг ўз амали бор,  
Тахтага арра-ю, темирга сандон.  
Томошагоҳ агар чор бозоримиз,  
Томошабин бизнинг харидоримиз.

Ўйлаб кўринг, недир унинг матлаби?  
Биздан нима тилар, асли ўзи ким?

Унинг томошага келиш сабаби...  
Барини ҳисобга олмоқ шарт, дўстим.

Биров зериккандан келади бизга,  
Бирови шунчаки ҳазми таом деб.  
Бировининг тушиб дониши эсга,  
Бир-иккита гўлни қилурман ром деб.

Хонимлар томоша кўрмоққа тугул,  
Кўрсатмоққа келур фақат ўзларин.  
Улар кўз-кўз қилиб кетишар бепул,  
Ёқадаги тулки ва қундузларин.

Эй, хаёл кўкида учган шоирим,  
Тушинг энди пастроқ, заминга ёвуқ.  
Берироқдан қаранг — томошабин ким?  
У қўпол, бефаҳм, ҳиссиз ва совуқ.

Бу даргоҳдан чиққач, биров қиморга,  
Биров фаҳш уйига урар ўзини.  
Бас, бунда нима бор юксак ашъорга,  
Кимга ёқмоқчисиз қалб юлдузини?

Такрор айтаманки, кўп ёзинг фақат,  
Гап кўп бўлаверсин, фикр шарт эмас.  
Халойиқни ҳанг-манг қилолсангиз бас.  
Сизникидир обрў, сизники шуҳрат.  
Нечун ўйга чўмиб қолдингиз бесас,  
Ёки илҳом билан қилурсиз суҳбат?

*Шоир*

Бор, изла ўзингга бўлак хизматкор,  
Сен бошлаган йўлга асло бормасман.

Менда Тангри бермиш олий ҳуқуқ бор,  
Сени деб мен уни лойга қормасман.

Шеърят қалбларни ёқур не сабаб?  
Наҳот боис бўлса баландпарвоз гап!  
Шоир юрагида пинҳондир олам,  
Жаҳоний уйғунлик унда мужассам.

Парвосиз табиат замон чархида  
Тириклик ишини йигиргани чоғ  
Баркамоллик бўлмас унинг тархида,  
Аралашиб кетар гоҳи хас, пўчоқ.

Чарх ишига шунда ким берур тузум,  
Ҳаёт риштасига ким берур оро?  
Борлиқнинг бетартиб суронига ким  
Муסיқий оҳангдек бахш этар жило?

Кимдир шайдо қалбнинг тугён чоғини<sup>3</sup>  
Тўфон шиддатига қилгувчи қиёс?  
Кимга муҳаббатнинг ўт фироғини  
Сўйлайдур ҳар оқшом ботгувчи қуёш?

Ким ул боғда унган оддий печакни  
Шуҳрат гултожига этди баробар?  
Кимнинг изми ила олам чечакни  
Маҳбублар пойига сочди саболар?

Кимдир ул, забт айлаб Олимп маснадин,  
Тангрилар посбони бўлолган қодир?  
Улдир одамзоднинг буюк қудратин  
Қалбида мужассам айлаган шоир.

### Қизиқчи

Шундай экан, демак, илҳомни чоғланг!  
Ўшал сеҳрингизни кўрсатинг, наби.

Ҳодисалар ипин тезгина боғланг  
Муҳаббат риштасин боғлаган каби.

Ахир севгида ҳам шу бўлур такрор,  
Тасодиф учрашув, дўстлик, сўнг оҳ-воҳ,  
Уришиш, ярашиш, бўса ва никоҳ.  
Мана, қарабсизки, дoston ҳам тайёр.

Мана, ёза қўйинг шунинг ўзини,  
Бу гап ҳар қадамда — қўл чўзсангиз бас.  
Ҳар ким ўз қалбини ўзи англамас,  
Уни кўрсатсангиз очар кўзини.

Ёлғонни дўндиринг, қайнангу жўшинг,  
Лекин икки оғиз рост гап ҳам кўшинг.  
Шунда сиз тайёрлаб узатган шарбат  
Ҳам арзон бўлади, ҳам жонга лаззат.

Савлат тўкиб шунда эл кўрки ёшлар,  
Шу эшик олдида йиғила бошлар.  
Сиз тутган ажойиб неъматдан тотур,  
Ҳар ким ўз қалбига керагин топур.

Барча қулоқ тутиб, кўз қадайдур жим,  
Бу даргоҳдан қуруқ қайтмайдур ҳеч ким.  
Кулар, кўз ёш тўкар қалби гўдаклар,  
Томошадан узмас ҳайрат кўзини.

Кимки тутиб олган бўлса ўзини,  
Унга асар қилмас турфа эртақлар.  
Лекин қадам қўйган ҳаётга илк бор,  
Барин англари, қилари ташаккур изҳор.

*Шоир*

Сен ҳам менга ўшал ёшликни қайтар,  
Ҳаётга илк қадам қўйган онимни.  
Қайтариб бер менга оташин байтлар,  
Куйларга пайваста жисму жонимни.

Оламни чулғаган тонг тумонида  
 Ҳайрат кўзин очган чоғларим қайтар.  
 Ёшликдай етилган баҳор ониди  
 Мени гулга кўмган боғларим қайтар.  
 Қайтиб бергин менга ёшлигим, у пайт  
 Ўзим гадо ва лек кўнглим шоҳ эди.  
 Мен учун ошу нон — шеър ва ҳақиқат,  
 Илҳом ила тўқу кўнглим чоғ эди.  
 Қайтар менга — ҳали доно бўлмаган  
 Суронли ул шўху бебошлигим бер.  
 Меҳри ҳам, қаҳри ҳам сарҳад билмаган  
 Жунун ошиноси — ўт ёшлигим бер.

### *Қизиқчи*

Ёшлик, азиз дўстим, жангларда керак,  
 Душман ҳамла қилса у берур сабот.  
 Жононлар бўйнингга солса-ю биллак,  
 Ўзинг кекса бўлсанг — ундан сўр нажот.  
 Ёшлик керак бўлур маррага қадар —  
 Лаҳзаларни қучиб югурган чоғинг.  
 Май ичиб, шод бўлиб то оппоқ сахар  
 Суронли даврада ултирган чоғинг.  
 Ва лекин рубобнинг торин чертмоққа,  
 Ўрганган оҳангинг қилмоққа такрор,  
 Сўз билан дилларни асир этмоққа.  
 Азизим, аксинча, кексалик даркор.  
 Дерларки, кексалик келгач доимо  
 Болалик қайтармиш, ҳайрон қоламиз,  
 Аслида ҳаммамиз ўлгунгача то  
 Оламдан ғофилмиз — гўдак боламиз.

### *Директор*

Бас, етар, сафсата сотмас иш билган,  
 Бекорчи сиз-биздан қанчалик фойда?  
 Вақт ўтказмоқ нечун такаллуф билан  
 Дарҳол келишмоққа имкон бор жойда?  
 Шеърый кайфиятни тек кутган шоир  
 Умр сўнгигача кутиши мумкин.

Агар шоир бўлса чинакам олғир,  
Илҳом этагидан тутиши мумкин.  
Бизга нима керак сизларга аён,  
Сиздан шинни қилиш — бизлардан қозон.  
Тезгина киришинг, фурсат кутмайди,  
Шартта қилинмаса ҳеч иш битмайди.  
Кун ўтдими тамом қайтмайди у ҳеч,  
Иш жиловин тутинг, то бўлмасин кеч.  
Немис саҳнасида, кўринг ўзингиз,  
Ким нима хоҳласа қилиб ётибди.  
Сиз ҳам иш кўрсатинг етса кўзингиз,  
Қандай асбоб керак тўлиб ётибди.  
Сизга нур керакми — мана чироқлар,  
Қанча керак бўлса аяманг, ёқинг.  
Мана бунда бўрон — бунда чақмоқлар,  
Ёнғин керак бўлса бу ёнга боқинг.  
Бутун коиноту юлдузли олам —  
Шу кичик саҳнада бўлмиш жамулжам.  
Осмон қабатларин баридан ўтиб,  
Бунда тушмоқ мумкин токи жаҳаннам.



# АРШИ АЪЛОДАГИ ДЕБОЧА

*Тангри, само қўриқчилари,  
сўнг Мефистофель. Уч малоика.*

*Расроил*

Муסיқий самовот қабатларида<sup>1</sup>  
Азалий йўлидан еларкан шитоб —  
Гулдурос таратиб фалак қаърида  
Овоз бермоқдадир жаҳонга офтоб.  
Ҳайрат нигоҳини тикмиш малаклар,  
Ажабким, куч бермиш белгисиз дунё.  
Яралиш онидан то бу дам қадар  
Мангу машаррафдир сунъи Таоло!

*Жаброил*

Ақл бовар этмас суръат-ла замин  
Махвар лаврасида чарх ураётир  
Зулмат кечасининг қувлаб қадамин,  
Жаннат нурин сочиб тонг тураётир.  
Денгизлар хубобдин юзга тўр тортиб,  
Вазмин қояларни ювар дамодам.  
Қоя, денгизларни елкага ортиб,  
Елиб бормоқдадир курраи олам.

*Микоил*

Йўлида не кўрса отиб серзарда,  
Жунун тугёнида кўтариб сурон,  
Гоҳи уммонларда, гоҳ саҳроларда  
Ҳукм сурмоқдадир даҳшатли бўрон.  
Титрар гулдиракдан гумбази даввор,  
Шамширин кўтарур ер узра чақин.

Ва лекин, эй Холиқ, бул мўъжизакор —  
Сенинг қудратингга ўқиймиз таҳсин.

### Учовлон

Мусиқий самовот қабатларида  
Азалий йўлидан еларкан шитоб,  
Гулдурос таратиб фазо қаърида  
Овоз бермоқдадир жаҳонга офтоб.

### Мефистофель

Малоикалардан, эй Тангрим, яна  
Сўроқлаб турибсан: «Оламда не гап?»  
Авваллар мени ёт тутмасдинг. Мана,  
Ўзурунингга келдим мен ҳам шу сабаб.  
Биласанки, сўзга чечанлигим йўқ.  
Баъзи малаклардай ваъз айтмам қуруқ.  
Агар баландпарвоз нутқ сўзлар бўлсам  
Юмалаб кулардинг, ҳаттоки сен ҳам.  
Гапирмайман, юлдуз, сайёралардан,  
Сўзлайман ер узра оворалардан.  
Инсон — коинотда кичкина Худо,  
Шундай яралган у азал ибтидо.  
У, балки тузукроқ яшарди букун,  
Сен солмаган бўлсанг кўнглига учқун.  
Ўша учқунни у ақл деб атар,  
Кунни у туфайли ҳайвондан баттар.  
Кечир, гарчи унга бердинг башар от,  
Аммо яшаётир мисли ҳашарот.  
Худди чигирткадек хас-чўплар аро  
Гоҳ учар, гоҳ сакрар, гоҳ тузар наво.  
Майли эди юрса маконида жим,  
Ҳар ишга тумшуғин суқар у, Тангрим!

### Тангри

Арзинг шуми? Яна ўша эски гап!  
Бир ишқал топурсан ҳар ишдан, ажаб?  
Рўзи оламдин сен, демак норизо?

Жаҳон иддиесида  
Виллоятини университет  
Инв. 409208-2

*Мефистофель*

Тангрим, оламингда иш жуда расво!  
Шундай уқубатда яшарки одам —  
Раҳмим келар унга, ҳатто менинг ҳам.

*Тангри*

Фаустни танирсан?

*Мефистофель*

Табибми?

*Тангри*

Қулим.

*Мефистофель*

Гапинг тўғри, аммо тоат усулин  
Бажо этар қулинг ғоят турфа ҳол,  
Унинг ғизоси не — тушуниш маҳол.  
У курашни севар — ошадир довон,  
Йироқ манзилларни кўзлар доимо.  
Истар — юлдузларин узатсин осмон,  
Ер эса бахш этсин туганмас сафо  
Ва лекин ҳар нечук бўлса комрон —  
Таскин топа олмас у кўнгил асло.

*Тангри*

Биламан — мен учун умри меҳнатда.  
Демакким, ҳидоят бўлгай сарвари.  
Ниҳол экар бўлса боғбон албатта —  
Кўз олдида бўлар гули, самари.

*Мефистофель*

Гаровга тайёрман! Ишончим комил,  
Бу қулингни сендан тортиб оламан.  
Мен ўзим уни бир йўлга соламан,  
Ваколат бер — менман бу ишга омил.

*Тангри*

Майли, синаб кўргин, сенда ихтиёр,  
У то тирик экан қўлингда сенинг.  
Изланиш бор ерда адашиш ҳам бор.

*Мефистофель*

Раҳмат, Тангрим. Ўлик зотларда менинг  
Зарра ишим йўқдир. Улар не даркор?  
Мени тортар ўзга фақат тирик жон,

Юздаги қизиллик, юракдаги қон.  
Керак эмас менга мурдалар асло,  
Тирик сичқон керак мушукка, ҳатто.

*Тангри*

Топширурман уни ихтиёрингга,  
Ҳар қанча тубанлик бўлса — бошлагин,  
Кўрайин, қанчалик эргашур сенга,  
Майли, олиб бориб жарга ташлагин.  
Сен гаровни сўзсиз бой бердинг, аён,  
Зулматдан йўл топиб чиқолур инсон.  
Унга чироқ бўлур мен берган идрок.

*Мефистофель*

Гаров ўйнамоққа розиман бебок,  
Лекин аён бўлур ўтмай кўп фурсат,  
Таслим бўлар менга одамзод албат.  
Кўрарсан, сен шунча ишонган одам  
Тупроққа қоришиб бўлади барбод.  
Бамисоли менинг суюкли холам —  
Илондек судралиб кечиргай ҳаёт<sup>5</sup>.

*Тангри*

Ўшанда келақол, тортинма сира,  
Сен кабилар менга ёт эмас, ишон.  
Барча иблислару гумроҳлар ичра  
Менга яқинроқсан, алдоқчи шайтон.  
Инсон табиати уйқута мойил,  
Сен унга қутқу сол, туртиб тур доим.  
Атрофида айлан, қўзғат эрта-кеч,  
Ҳар замон бедор тут, ором берма ҳеч.

(Малоикаларга)

Эй, сиз фаришталар, меҳру донишнинг  
Суюк фарзандлари, сўзим эшитинг.  
Олам гўзаллиги завқ берсин сизга,  
Кимки юрагида шавқ билан яшар —  
Кимки алам чекар, ёнар, курашар,  
Ёру ҳамроҳ бўлсин юрагингизга.

*Осмон ёпилади. Малоикалар тарқалишад<sup>и</sup>.*

*Мефистофель (ёлғиз)*

У сўзлар нақадар сокин, мулойим!  
Унга ўзни яқин тутаман доим.  
Бу чолнинг ажойиб бир хислати бор,  
Ҳатто иблисга ҳам бермайди озор.

**Б И Р У М И И Ч И К И М И С М**

---

РОСТ АЙТСАМ, БУ ИШ ҲАМ  
НАҚАДАР МУШКУЛ.



ПОЁН БИЛМАС ЙЎҚЛИК ОЛАМИ АРО  
КИЧИККИНА ЗАРРАДИР БУ БОРЛИҚ ДУНЁ.

КЕЛИБ ҚОЛИНГ БУ ЁҚҚА,  
КЕЛИБ ҚОЛИНГ, ВАҚТИМ ОЗ.



ҚАРАНГ ТАРХУ БҮЁҚҚА,  
ҚАНДАЙ АРЗОН, ҚАНДАЙ СОЗ.



Готик услубда ишланган шифти  
қуббалик уй. Фауст миктобга қўйилган  
очиқ китобга кўз тикиб, курсида бедор  
ўтиради.

Фауст

Илоҳиёт ила банд бўлдим,  
Файласуфи хирадманд бўлдим.  
Илми ҳуқуқ, илми табобат —  
Барчасини ўргандим, фақат,  
Фақат менга бир нарса аён:  
Нодон эдим, нодонман ҳамон.  
Бордир доктор, магистр отим,  
Ўн йилдирки кечар ҳаётим  
Шогирдларни алдамоқ ила,  
Гоҳ ўнгу гоҳ терс сабоқ ила.  
Таҳсил кўрар улар бесавоб,  
Шундан чекар виждоним азоб.  
Мен-ку авло уламолардан,  
Табиблардан, фузалолардан.  
Булар ичра жин урмаган кам, —  
Мендан-чи, дарс олур жинлар ҳам.  
Кимлигимни биламан, аммо —  
Фурур ила санамам асло  
Ўзни олам боғибони деб,  
Аҳли одам чароғбони деб.  
Топганим йўқ бойлик ва шуҳрат,  
Тотганим йўқ ҳаётда лаззат.  
Ит чидамас, бу қандай ҳаёт!

Мен жодудан изладим нажот.  
Токи руҳлар келсин чорласам,  
Аён этсин асрорин олам.  
Токи мен ғўр, жаҳолатга банд —  
Санамайин ўзни донишманд.  
Танҳоликда билайин, олам  
Қай куч ила уйғун эрур, жам.  
Кўнгил бермай нодон бидъатга,  
Токи, етай туб ҳақиқатга.  
Ой, сен менга бедор ошино,  
Тунлар қўниб дарчамга танҳо,  
Мен хат узра чекканда заҳмат,  
Ўзинг бўлдинг тонггача улфат.  
Қани энди, эй моҳи анвор,  
Кўрсанг мени бунда сўнгги бор,  
Улфат бўлсам сенга тоғларда.  
Чулғаб тонгги мовий туманлар,  
Фаришталар бирла филмонлар —  
Ўйнаб учган кўк ўтлоқларда  
Шабнам кечиб чопсам, унутсам  
Диққинафас олимликни ҳам.  
Танҳоликнинг дарди юракда,  
Лекин ҳануз мен шу катакда.  
Бунда ёлғиз нақшин дарчадур,  
Тушмас ундан, ҳатто парча нур.  
Чангга ботган китоблар билан  
Тўла бу уй шипга қадар то.  
Бу кулбада чироқ дудидан,  
Ҳатто ёруғ кундуз ҳам қаро.  
Бунда сонсиз сўнгак қалашган,  
Оламинг шу — шу сенга маскан.  
Айтгил, яна не учун пайдо  
Юрагингда бўйла ҳаяжон?  
Не асрорким, бу зиндон аро  
Йиллар ўтиб бўлмадинг хазон?

Айтгил, нечун кечдинг Тангри ёр —  
 Табиатнинг тирик жонидан?  
 Девор ичра ясадинг девор  
 Аждодларнинг устихонидан?  
 Қоч бу ердан, ўтказма дамни!  
 Кет ва ҳамроҳ этиб йўлингга  
 Сирлар тўла Нострадамнинг<sup>6</sup>  
 Китобини олгин кўлингга.  
 Шунда сенга юлдузли само  
 Аён қилур тириклик розин.  
 Кўнглинг бўлур доғдан мусаффо,  
 Тинглагайсан руҳлар овозин.  
 Аммо улар белгиси мавҳум,  
 Шарҳ этолмас қуруқ тафаккур.  
 Эй сиз, руҳлар, сизни чорлагум,  
 Жавоб беринг, кўргузинг зуҳур.

*(Китобни очади ва макрокосм  
 белгисини<sup>7</sup> кўради)*

Менга бу сирли хат бахш этиб қудрат  
 Қўзғар юрагимда шодон туйғулар.  
 Бу нечук синоат, бу нечук ҳикмат,  
 Қайта уйғонадур дилда орзулар.  
 Қай Тангри яратмиш ушбу белгини,  
 Яратмиш мукаммал, расо айламиш.  
 Кўнглим дардларига даво айламиш,  
 Ғуссалар тунидан қутқармиш мени.  
 Борлиқ кўз олдимда мисоли суврат,  
 Гўё менинг ўзим холиқи қудрат,  
 Гўё илкимдадир жаҳоний миръот,  
 Гўё кафтимдадир бутун коинот.  
 Аён бўлмиш менга бу доно ҳикмат:  
 «Сенинг ёнингдадир руҳлар дунёси,  
 Эшиги қулф эмас, сен кўрсан фақат.

Сени чўмилтирса саҳар зиёси,  
Кўз очсанг, бу дунё мана, марҳамат».

*(Суратни диққат билан кўздан кечиради)*

Бу тинимсиз коинот ичра  
Ажаб, комил тартиб устивор.  
Мулки борлиқ аро қай бурчда  
Эҳтиётлик хазинаки бор —  
Неча минглаб қанотли жондор  
Навбат ила олтин чўмичда  
Бир-бирига узатадур боз,  
Гоҳи шўнфир, гоҳ қилур парвоз.  
Не манзара! Мен учун бироқ,  
Жонсиз сурат — манзара фақат.  
Сенинг қутлуғ оғушингдан, воҳ,  
Яна четда қолдим табиат!  
Қандоқ мумкин сенга етишмоқ,  
Баҳра олмоқ қучоқларингдан,  
Сенинг зилол булоқларингдан  
Тўйиб-тўйиб шимирмоқ шарбат.

*(Алам билан янги варақ очади ва ер  
руҳининг белгисини кўради)*

Менга марғуб ушбу аломат,  
Замин руҳи ошнодир менга.  
У туфайли шавқ ила фақат  
Интиламан доим олдинга.  
Бундай чоғда тайёр бўлурман  
Ҳамма учун бахш этмоққа жон.  
Куним битган бўлса бенолон  
Бош кўтариб мағрур ўлурман.  
Бурқиб ётар оқ булут,  
Ой бўлди ниҳон.

Чироқ ўчди, тутунга  
 Чулғанди хонам.  
 Силаб ўтди қизғиш нур  
 Ас та пешонам,  
 Вужудимни титратиб,  
 Солиб ҳаяжон,  
 У дунёнинг даҳшатин  
 Этиб намоён,  
 Шипдан бир нафас келди!  
 Эй, руҳи олам.  
 Шу ердасан, келақол,  
 Кел, кел, кел! Тезроқ!  
 Юрак ёнар! Борлиғим  
 Сен билан ҳамдам.  
 Фикрим чувалди, таним  
 Чулғади титроқ.  
 Кел, келақол, майлига  
 Кўрсаму ўлсам.

*(Китобни олиб, сирли дуо айтади.  
 Қизғиш олов ичидин руҳ пайдо  
 бўлади)*

Руҳ

Йўқладингми?

Фауст *(Юз буриб)*

Бедаво хилқат

Руҳ

Дуо билан мени чорладинг,  
 Кўп ёлбординг, кел деб зорладинг.  
 Мана, келдим.  
 Хўш...

Фауст

Қандай даҳшат!

*Руҳ*

Кел, кел деди ўзи бетоқат,  
 Ўзи қилди кўрмоқни орзу.  
 Мен раҳм этиб, ерга тушдиму  
 «Даҳшат» дейди соҳибкаромат.  
 Қани журъат, эй, олий одам!  
 Туйғуларинг оташи қани?  
 Ҳа, йўл бўлсин бизга етгани!  
 Ёки мандан тиларсан ёрдам?  
 Сенми ўша Фауст, мен билан  
 Мағрур туриб сўйлашолган зот?  
 Келдим:, — нечун бир сўз демайсан,  
 Айт, ғуруринг бўлдим барбод?  
 Қўрқув ичра тўлғанурсан лол  
 Аянчли бир чувалчанг мисол.

*Фауст*

Йўқ, руҳ! Қўрққаним йўқ! Сўзларинг абас.  
 Мен Фаустман — сендан зарра кам эмас.

*Руҳ*

Мен — ҳаётнинг уммонидаман,  
 Ҳаракатлар бўронидаман.  
 Оловга ҳам сувга ҳам ёрман,  
 Ҳамма ерда ҳамма вақт борман:  
 Туғилиш, ўлиш  
 Нисбатида мен.  
 Доимо ўсиш  
 Хизматида мен.  
 Мен — дарёдурман,  
 Мавжман — силсила.  
 Мен — дастгоҳдурман —  
 Соҳир ип ила  
 Замон отли кашта тўрин ер узра ёйиб,  
 Либос тиккум илоҳият учун ажойиб.

*Фауст*

Эй сен, тирикликнинг бетинч даҳоси —  
 Менинг тимсолим!

*Руҳ*

Йўқ! Ақлинг зиёси  
Кашф этган руҳ фақат сенга ошино.  
Мен эмас асло!  
(Йўқолади)

*Фауст (аламли)*

Сен эмасми?  
Йўқса кимдир, айт?  
Наҳотки мен —  
Тангрига монанд —  
Оллоҳнинг тимсоли, шу гумроҳга ҳам  
Тенг бўлолмасам?  
(Эшик тақиллайди)  
Ана холос! Ғоят бемаҳал ташриф!  
Мен руҳ висолига бўлганда мушриф,  
Кайфимни тарқатур бадқовоқ, ғалча,  
Саёз қироатхон бу муллабачча.

*Тунги ёпинчиқ ва тақя кийган Вагнер  
чироқ кўтариб келади. Фауст нохушлик  
билан унга қайрилади.*

*Вагнер*

Кечиринг, сиз юнон фожиасидан  
Шеър ўқиганингиз йўқми мабодо?  
Журъат қилиб кирдим, муддао — сиздан  
Шеър ўқиш санъатин ўрганиш, усто!  
Воиз олмоқ бўлса обрў чўққисин,  
У актёрга шогирд бўлиб ўқисин.

*Фауст*

Агар воиз бўлса актёр ўзи ҳам,  
Бундай зотлар, ахир, эмас бизда кам.

*Вагнер*

Биз туну кун уйда қилурмиз меҳнат,  
Оламини кўрурмиз байрамда фақат.  
Ахир қандай мумкин элни бошқармоқ,  
Ибодат аҳлидан биз ғоят йироқ.

*Фауст*

Чинакам иқтидор йўқ бўлган жойда  
 Пешона теридан қанчалик фойда?!  
 Ақлу заковатда бўлолса устун,  
 Воизу носихнинг имони бутун.  
 Кимки ўзи танбал ҳам зехни ўтмас,  
 Аён ҳақиқатдан бир қадам ўтмас.  
 Бўлмагач янгилик излашга тоқат,  
 Ўзгалар фикрини такрорлар фақат.  
 Бундайлар гоҳида топурақлар обрў  
 Баъзи рофиллару гўдақлар аро.  
 Ва лекин бўлмаса фикр ва туйғу,  
 Юракдан юракка йўл йўқдир асло.

*Вагнер*

Аммо катта гапдир овоз, усул ҳам,  
 Сезаман, тажрибам шу борада кам.

*Фауст*

Ҳалол обрў олиб ўрганинг ҳар вақт,  
 Маъни денг, берилманг ортиқ оҳангга.  
 Қуруқ сафсатаю ваъз эса фақат —  
 Жаранглаб тургувчи қалбаки танга.  
 Кўнгилда шавқ ўти ёнса чинакам.  
 Чиройли сўзларни ахтармас одам.  
 Гар маъни пуч бўлса, қофиялик сўз,  
 Оҳангдор жумлаю чиройли мақол  
 Кўнгилни ғаш қилур, бамисоли куз —  
 Хазон япроқларин учирган шамол.

*Вагнер*

Ва лекин умримиз қисқадир ғоят,  
 Билим йўли эса узундан узоқ.  
 Каминангиз ҳоли ҳалитдан чатоқ.  
 Қўрқаман, баттарроқ, бўлгай оқибат.  
 Умрининг ярмини берар баъзилар  
 Етиб олмоқ учун булоқ бошига.  
 Лекин ярим йўлда кўпи чўзилар  
 Урилиб жонбозлик харсанг тошига.



*Фауст*

Қоғоз боса билмас кўнгил ташнасин,  
Тафаккур мифтоҳи китобда эмас.  
Ҳаёт асрорига интилан ҳар кас  
Ўз қалбидан топар сирлар чашмасин.

*Вагнер*

Бироқ бу оламда энг гўзал ва соз  
Ўтмиш асрларга айламоқ парвоз.  
Нақадар завқлидир ўрганиб билмоқ —  
Қанчалар кетибмиз улардан йироқ.

*Фауст*

Сизнингча, улар ер, биз эса само.  
Ўтмиш асрларга қўл урманг асло!  
Ечолмаймиз сирли мозий муҳрини.  
Мударрислар айтган замон руҳини  
Уларнинг ўз руҳи, фикри деб анланг.  
Бу — ўтмиш ҳақида эртақдир. Уни —  
Ҳақиқий ўтмиш деб айтурлар, аттанг.  
Баъзилар ўтмишни қилганда хаёл,  
Бир ҳужра кўринур — тўла чувринди.  
Баъзиларга эса ўтмиш бамисол  
Қўғирчоқ ўйини бўлиб кўринди.  
Эмишки, аждодлар бўлмишлар бир чоқ  
Бозигар қўлида тирик ўйинчоқ.

*Вагнер*

Дунё-чи? Ҳаёт-чи? Одамзод ўсди  
Билмоқ учун олам сирин мукамал.

*Фауст*

Билмоқ ўзи нима? Гап шунда, дўстим,  
Бу жабҳада ҳали кўп нарса ишқал.  
Олам сирдонига калит топганлар,  
Қалб уйин очганлар бўлган хору зор.  
Барчага аёнким, уларни минг бор  
Гулханга ёққанлар, бутга қоққанлар.  
Гап кўп, аммо етар. Дам олиш даркор.  
Кеч бўлди. Бугунча баҳсимиз тамом.

*Вагнер*

Менга қолса қани тонггача бедор  
 Бу ажиб суҳбатни этардим давом.  
 Лекин эрта байрам, фурсат топиб шом —  
 Келарман. Бирмунча саволларим бор.  
 Мен кўп ўқийман, кўп биламан, аммо  
 Билгим келар тўлуғ ва беистисно.

*(Чиқади)*

*Фауст (ёлғиз)*

Ўтга, чўққа урар тентак ўзини,  
 Хазина қидирар солмоқ бўлиб чанг.  
 Дур излаб кўлмакка тикар кўзини,  
 Ўзида йўқ хурсанд — топса чувалчанг.  
 Бунда мен руҳ билан қилганда суҳбат,  
 Мени лол этганда соҳир сиймоси  
 У тинчимни бузди. Лек сенга раҳмат,  
 Дўзахийлар ичра энг паст гадоси!  
 Ақдан озардим ёлғиз, эҳтимол  
 Агар эшигимни очмаган бўлсанг.  
 Руҳ қаршимда эди улкан девмисол,  
 Мен митти одамдай турардим гаранг.  
 Мен Тангри монанди саналган бир зот  
 Ўзни илоҳий деб билибман чиндан.  
 Фурур кўр қилибди кўзимни ҳайҳот,  
 Ҳаддимдан ошибман. Айб ўтди мендан.  
 Осмоний санадим ўзимни бебок,  
 Авлиёман, дедим, дедим Анал Ҳақ.  
 Ўйладим ўзни мен фариштадек пок,  
 Даҳолар сингари зўр, ҳукми мутлақ.  
 Шу фурур туфайли мен тирик ўлдим,  
 Чақмоқдай бир сўз-ла чилпарчин бўлдим.  
 Шармисор этмакка ҳақинг бор мени, —  
 Руҳ! Келишга мажбур этдимү сени  
 Тутиб туrolмадим ва лекин бир дам.

Даҳшатли куч эди елкамдан шитоб,  
Дилимни ўртади сўнгсиз изтироб.  
Тубанликка отдинг мени бекарам, —  
Тубанликким, шу ер — шу хонаи ғам.  
Энди нима бўлди орзу, ширин хоб,  
Эзгу хаёлларим айлайми ҳамдам?  
Рост, ҳаёт заҳмати қийнамас бизни, —  
Ўзимиз тўсамиз ўз йўлимизни.  
Қорин деб ўтурмиз фоний дунёдан,  
Юрак ташналиги бизга бегона.  
Юксак мақсадларни кўзлаган одам  
Бизларда саналур далли девона.  
Энг гўзал, мусаффо, сирли туйғулар  
Ҳаёт гирдобида янчилар, ўлар.  
Гоҳ илҳом забт этса кўнгиллар кунжиц,  
Учурмиз чулғаниб мовий туманга.  
Лекин елкамизга осилган хуржун  
Дарҳол олиб тушар бизни тубанга.  
Сафсата виждонга пўшида бўлар,  
Ўзимиз танбалмиз, бўшангмиз хароб.  
*Шафқат, номус деймиз, аслида булар*  
Ожизлик юзига тортилган ниқоб  
Турфа хил сабабу узр ягона  
Кўнгилни алдамоқ учун баҳона.  
Бола-чақа деймиз, уй-жой ва хотин...  
Гоҳ ўтдан қўрқамиз, гоҳида сувдан.  
Йўқ, булар ожизлик солган қўрқувдан,  
Зоҳир ҳадик эса тубанлик ботин.  
Менми худованд? Йўқ, кимлигим аён,  
Мен коинот аро кўр бир чувалчанг —  
Маҳкумман судралмоқ ва ютмоқда чанг,  
Оёқлар остида бўлмоққа қурбон.  
Ҳа, умрим кечмоқда босиб чанг, моғор,  
Чор атрофим китоб, ўзим тутқунда.  
Эски-туски тўла сандиқлар бунда,  
Барчаси ғубордир, барчаси ғубор.

Топурманми бунда нима изласам?  
Ҳа, минглаб китобдан топдим бир маъно:  
Доимо азобда яшаган одам,  
Бахт эса ҳамиша бўлган истисно.  
Эй сен, бош сўнгаги, тиржайиб ҳамон  
Мени масхаралаб турибсанми, айт?  
Ё сенинг эганг ҳам мендек бир замон  
Шодлик, бахт қидириб топганми кулфат?  
Эй сиз, бағри чизиқ, турфа шишалар —  
Кимё ашёлари, кулмоқдасиз жим.  
Мен сизни калит деб билдим муқаррар,  
Лек табиат кулфин оча билмадим.  
Табиат ўз сирин ганжина тахлит  
Тилсим қопқаси-ла айламиш ниҳон.  
Очиб бера олмас ҳеч қандай калит,  
Бузиб кира олмас ҳеч бир палахмон.  
Эй, мен кўл урмаган синиқ сополлар,  
Кимиё соҳиби қолдирган бисот,  
Эй сиз қай замонлар, қайси бир хаттот  
Кўчирган қоғозлар — не ҳасби ҳоллар,  
Шунча йил сизларга қилгунча тоқат,  
Бўлмасмиди бир йўл айласам барбод?  
Мерос сақламоққа лойиқдир фақат  
Ўзи ҳам бир мерос қолдиргувчи зот!  
Матоҳ йиғар фақат бечора хасис,  
Ҳар янги лаҳзанинг меваси лазиз.  
Ажабо, не учун бу сирли шиша  
Оҳанрабо янглиғ тортар кўзимни?  
Мен нигоҳ ташласам унга ҳамиша  
Ойдин ўрмон аро сездим ўзимни.  
Сени олқишлайман, эй қутлуғ шарбат.  
Кўнглим топинади сен томон фақат,  
Инсон яратолган энг буюк неъмат!  
Сенда мангуликнинг ширин уйқуси,  
Сендадир ўлимнинг энг зўр оғуси.  
Кел, ижодкорингга бер букун нажот!

Сенга боқар бўлсам дардим тағофил,  
Сени қўлга олсам таскин топар дил.  
Тинадур исёнкор юрак қутқуси.  
Мени оғушига чорлар йироқлар,  
Чорлар янги кунлар, янги қирғоқлар,  
Чексиз уммонларнинг нурли кўзгуси.  
Ана, учиб келди ўтли арғумоқ,  
Унинг қанотида учмоқ истайман.  
Белгисиз бу олам, сирли бу равоқ  
Бағрига отилмоқ: қучмоқ истайман.  
Э воҳ, наҳотки мен — хасдек тубан зот  
Тангри даргоҳига восил бўлолсам!  
Ҳа, ер қуёшидан юз бур, эй одам,  
Бир йўл ҳаётингни эта қўй барбод!  
Одамзод ақлига даҳшат солгувчи  
Ўшал дарбозани қилгину яксон,  
Тангрилар олдида инсоннинг куни  
Зарра кам эмасдир, этгил намоён.  
Майли, гирдибоду даҳшат остона  
Ривояти ила солароқ қўрқув  
Хаёлот яратган турфа афсона  
Тамуғ алангасин ёқса ҳам мангу,  
Ўшал остонадан дадил қўй қадам,  
Майли, ҳатто сени қучса ҳам адам.  
Кел, эй аждодлардан қолган майкоса,  
Кўҳна филофингни тарк айлаю чиқ.  
Сени унутгандим. Бир замон роса  
Боболар базми жилвагар, ёниқ —  
Олмос қирраларинг кўргузиб, қадаҳ,  
Неча мажлисларни қилдинг муфаррах.  
Сени қўлга олиб айтдилар алёр,  
Ҳамду сано ўқиб базм аҳли сенга,  
Оппоқ симирдилар такрор ва такрор.  
Ўшал шод кунларни эслатдинг менга.  
Ва лекин мен алёр айтолмам энди,  
Чунки лаб очмоққа бўлмагай фурсат.

Неча йил қуюлди қорайди, тинди  
 Мен ўзим яратган бу сирли шарбат.  
 Уни сипқорурман мен ўзим букун  
 Келажак, қуёшли янги тонг учун.  
 (Қадаҳни кўтаради)

*Шу пайт қўнғироқ ва ялли қўшиқ  
 овози келади.*

*Малаклар қўшиғи*

Тирилди Исо!  
 Бандалар озод,  
 Гуноҳлар барбод,  
 Эй мулки обод,  
 Сенга салламно.

*Фауст*

Илоҳий бу овоз лабимдан  
 Тортиб олди ўлим шарбатин.  
 Хабар қилди қўнғироқ бу дам  
 Элга қутлуғ айём соатин.  
 Худди шундай, дафн тунида  
 Малакларнинг қўшиқ унида  
 Олам уқди ҳадис ҳикматин.

*Аёллар қўшиғи*

Мушк ила айлаб  
 Муаттар бўйлик,  
 Уни авайлаб  
 Тобутга қўйдик.  
 Кафанда эди  
 Исонинг тани.  
 У йўқ-ку энди,  
 Қани у, қани?

*Малаклар қўшиғи*

Тирилди Исо!  
 Ким даҳри Жаббор —  
 Жабрига тайёр,

Доим умидвор,  
 Унга салламно!  
 Самовий садолар, илоҳий куйлар,  
 Нечун янградингиз менинг хонамда?  
 Сизнинг масканингиз ўзга оламда,  
 Бунда имон найлар, диёнат найлар?  
 Мўъжиза имоннинг суюк фарзанди,  
 Мени фазоларга учира билмас,  
 Лек осмондан келган ул илоҳий сас  
 Мени яна бошдин айламиш банди.  
 Ҳаётга қайтармиш кўнглимни яна —  
 Мисоли бир замон осуда ва тинч  
 Шанба оқшомида гўдак пешона —  
 Узра қўйган каби самовий ўпич.  
 Болалик кунларим ёдимда ҳамон,  
 Кўнғироқ садосин тинглаб ноғиҳон,  
 Лабларимдан учган ибодат сўзи.  
 Эҳтирос чорларди далалар томон.  
 Ҳаяжон қўйнида ёш тўкиб кўзим —  
 Менга юз очарди янги бир жаҳон.  
 Уйғонди ёдимда ёшлик ва баҳор,  
 Уйғонди шавқ тўла саодат, виқор.  
 Ўшал илк хотира тутди кўлимдан —  
 Бир йўл халос қилди мени ўлимдан.  
 Ерга олиб тушди қайта тафаккур,  
 Яна кўзларимда ашким шашқатор.  
 Илоҳий садолар, янгрангиз такрор,  
 Шу лутфингиз ҳақи сизга ташаккур.

*Талабалар қўшиғи*

Ўлим тонг қолди,  
 Тарк бўлди тобут.  
 Кўкка юксалди  
 Ул мушриф, собит.  
 Элни қондирди  
 Соҳир зиёга.  
 Бизни қолдирди  
 Фоний дунёга.

Даҳри дун аро  
 Эл ғам ичра боз.  
 Кўнлимиз аммо  
 Сен бирла, устоз!

*Малаклар қўшиғи*

Ўлимни енгди  
 Масиҳи акрам.  
 Парчаланг энди  
 Кишанни сиз ҳам.  
 Кимки даҳр аро  
 Унга доимо  
 Ўқиб ҳамд-сано,  
 Собит ишқда ҳам,  
 Ким билса қонун.  
 Бир парча нонин  
 Дўст ошинонинг  
 Кўрмоғин баҳам,  
 Ким кезиб жаҳон,  
 Ўз сидқин аён  
 Этса ҳар замон,  
 Исодур ҳамдам.

## **ШАҲАР ДАРВОЗАСИ ЁНИДА**

*Одамлар тўда-тўда бўлиб, шаҳар  
 ташқарисига сайрга чиқишмоқда.*

*Бир неча шогирдлар*

Жўралар, қаёққа?

*Бошқалари*

Овга — ўрмонга.

Сизларга йўл бўлсин?

*Биринчилари*

Биз — тегирмонга!



*Шогирдларнинг бири*

Жуда ажойиб жой! Кайфлар бўлур чоғ!

*Иккинчиси*

У ер кўп бемаъни. Йўли ҳам узоқ.

*Иккинчи тўдадан бири*

Сен-чи? Ўрмонгами ё тегирмонга?

*Учинчи шогирд*

Бари бир. Кўпчилик юрган томонга.

*Тўртинчиси*

Яхшиси Бургдорфга борайлик бизлар,

Топилар зўр пиво ҳам жонон қизлар.

Болалар ҳам биз боп, чиқарамиз жанг.

*Бешинчиси*

Гапингдан маълумки, сен олифтанинг

Калтакни соғинган кўринар танинг.

Мени кўй, кетабер ўзинг хоҳласанг.

*Хизматкор қиз*

Йўқ, мен ундан кўра уйга кетаман.

*Бошқа хизматкор қиз*

Балки теракзорнинг орқасида ул.

*Биринчиси*

Мен у ерга бекор бориб нетаман,

У йигит сен билан гаплашар нуқул.

Яхшими сиз икков рақс тушган чоғда

Аҳмоқдай тиржайиб турсам бу ёғда.

*Иккинчиси*

Менимча бир ўзи келмаса керак,

Бирга келар анов сочи жингалак.

*Толиб*

Ана, қўлтиқлашиб келар икки қиз,

Иккисин иккимиз бўлиб оламиз.

Бангу бода бўлса ва гўзал жонон,

Биз қайтган эмасмиз, дўстим, ҳеч қачон.

*Шаҳарлик қиз*

Эси борми, анов иккита толиб —

Ўзларини элга қилар тасқара.

Биздек хонимчалар бу ёқда қолиб,  
 Чўрилар кетидан чопишар, қара.

*Иккинчи толиб*

Ҳей, тўхта, биродар, мана бу ёқда

*(Биринчисига)*

Иккита ажойиб хоним келмоқда.  
 Уларнинг бириси менга сал таниш,  
 Шу ёққа борайлик оғайничалиш.  
 Танишиб оламиз қадрдон бўлиб,  
 Кейин сайр этамиз тўртовлон бўлиб.

*Биринчи толиб*

Қўй, ошна ўлгудек таманно улар,  
 Хизматкор қизлар-ку ўзимизга мос.  
 Шанбада супурги ушлаган қўллар  
 Қучар якшанба кун оловли, ҳассос.

*Шаҳарлик*

Янги бургомистр — бу янги қайғу,  
 Кундан-кун тумшуғин кўтармоқда у,  
 Заррача наф кўрмас ундан халойиқ,  
 Буйруқ чиқаришни биледи фақат.  
 Кундан-кун камайиб элга марҳамат,  
 Кўпайиб бормоқда кундан-кун солиқ.

*Гадо (куйлайди)*

Бормоқдасиз сафога,  
 Мард йигит, шўх санамлар!  
 Оч юпун бир гадога  
 Шафқат қилинг, одамлар.  
 Байрамидир Худонинг,  
 Хайр қилинг Ҳақ учун,  
 Унга байрам ўша кун.

*Иккинчи шаҳарлик*

Шундай байрам куни бир сўлим боғда  
 Қиттаккина отиб, сўзлашсанг икков —  
 Олис турк элида қонли жангоҳда  
 Қилич чопишганин икки улкан ёв.  
 Қандай соз дарчадан қуёш ботганда  
 Кемалар сайр этган дарёга боқиш.

Сўнг иссиқ ўринга кириб ётганда  
Сокин кечаларга ўқимоқ олқиш.

*Учинчи шаҳарлик*

Менинг ҳам фикрим шу. Майлига дунё  
Ўз аҳли қонига олуца бўлсин.

Борлиқ, остин-устин бўлсину, аммо...

Аммо менинг уйим осуда бўлсин.

*Кампир (шаҳарлик қизларга)*

Эй гулдай безанган дўндиқча қизлар,

Нега мен кампирга қарамайсизлар?

Ахир мен биламан юрагингизни,

Мен бажо қиламан тилагингизни.

*Биринчи қиз*

Агата! Кампирдан нари юр бир оз,

У бағоят айёр, доғули жуда.

Лекин ўша кампир у кун кўзгуда

Бўлажак қайлиғим кўрсатгани рост.

*Иккинчи қиз*

Менга ҳам кўрсатган: қайлиғим қўлга

Ўткир қилич тутган саллотмиш ботир

Ҳар кун эрталабдан қарайман йўлга,

Лекин менинг ёрим кўринмаётир.

*Саллотлар*

Тубсиз чоҳлару

Баланд деворлар,

Кўзлари оҳу

Сулув дилдорлар

Биз ҳужум қилсак

Беролмас бардош!

Ортиқ не керак

Сенга, эй йўлдош!

Бурғу овози

Чорлайди жангга,

Қизларнинг сози,

Таннози — менга.

Янгра эй бурғу,  
 Таслим бўлурлар  
 Истеҳкомлару  
 Энг гўзал ҳурлар.  
 Мукофот учун  
 Жанг қилар саллот,  
 Мард саллот учун  
 Шу зўр мукофот.

*Фауст билан Вагнер*

*Фауст*

Мана, ирмоқларни кўклам сабоси  
 Музлик исканжадан этмоқда озод.  
 Баҳор қуёшининг жонбахш зиёси  
 Аёз салтанатин қилди-ю барбод —  
 Қиш ғор-ўнгурларда сақлаб жонини,  
 Ўтлоқларга сочар қор бўронини.  
 Лекин тонг саҳардан уйғониб қуёш  
 Қиш изин супурар мисоли фаррош.  
 Баҳор ёзса ҳамки зумрад гиламлар,  
 Ҳали дала кўкси чечакларга танг.  
 Гул йўғу гуллардек яшнабди башанг  
 Байрам либосини кийган одамлар.  
 Шу юксак қоядан шаҳарга қара,  
 Нақадар улугвор, ажиб манзара!  
 Шаҳар дарбозаси букун кенг очиқ,  
 Диққинафас уйдан чиқиб халойиқ —  
 Зарра қиш ғубори қолмай кўнгилда,  
 Кўм-кўк далаларда қилурлар сафо.  
 Тангримиз тирилган бу қутлуғ кунда  
 Уларнинг ўзи ҳам тирилмиш гўё.  
 Улар халос бўлиб чиқдилар букун  
 Хароб кулбалардан, ертўлалардан.  
 Бегим кун барчаси дастгоҳда тутқун,  
 Байрамда чиқурлар бу тор шаҳардан.

Бадқовоқ черковнинг қоронғу кунжи  
 Фақат бу кун этмиш уларни озод,  
 Чопқир ирмоқлардан бунёд бўлгувчи  
 Анҳорлардай оқар халқ жўшқин ва шод.  
 Дарёга ошиқар ана халойиқ,  
 Қирғоқда ҳам жой йўқ қўйғали қадам.  
 Ҳов сўнгги қайиқда одамлар тўлиқ,  
 Жуда зўр келибди эшкакчига ҳам.  
 Ҳов ана адирда шаҳарлик ёшлар  
 Башангликда ўтар бири биридан.  
 Деҳқонлар ҳам чиқиб тор ўнгиридан  
 Байрамда бир яйраб рақс этабошлар.  
 Мен шулар ичида бўлурман шодмон,  
 Шу ерда сезаман ўзимни инсон.

### *Вагнер*

Мен учун сиз билан сайр этмоқ танҳо  
 Ҳам фойда келтирур, ҳам катта шараф.  
 Оддий халойиқдан ўзимни, аммо  
 Олиб юраман мен, доктор, бир тараф.  
 Чунки қандай йиғин қилмасин деҳқон,  
 Охири бўлади жанжал, тўполон.  
 Улар тузган ўйин, чалган сибизга  
 Тамом бегонадир сиз билан бизга.

### *Деҳқонлар*

*(Арғувон тагида рақс этадилар)*

Қизлар билан рақс этмоқ учун  
 Чўпон чиқди ясаниб у кун,  
 Камзулига гул тақиб кўркам.  
 Арғувонлар остида ул кеч  
 Рақс қизирди бир зум тинмай ҳеч,  
 Тинмас эди фижжакчилар ҳам.

Ўзни урди тўдага чўпон,  
 Туртинди бир қизга ногихон —  
 Кўрса, жонон — кўзлари оху.

Лекин унга деди жонон қиз:  
«Кўзингизга қараб юрсангиз —  
Бўлмайдими, нима қилиқ бу?»

Олам недир чўпон унутди,  
Жонон қизнинг белидан тутди,  
Рақсга тортди чарх уриб чунон.  
Қиз белига ботди билаги,  
Ҳилпиради жонон кўйлаги.  
Ҳансирар киз, ҳансирар чўпон.  
Қиз ёлборар: «Кўйиб юбор!» деб,  
«Қилма менга севги изҳор,— деб,—  
Алдоқчисиз ҳаммангиз, аён!»  
Лекин йигит шавқи ортади,  
Аvloқ ерга қизни тортади...  
Ғижжак куйлар олисда ҳамон.

*Чол*

Рухсат беринг, доктор, халқнинг номидан  
Сизга чексиз ҳурмат қилайин изҳор.  
Шундай юксак шону илмингиз билан  
Халқ ичра кезишдан қилмадингиз ор,  
Биз ҳаммамиз сизни қилурмиз тавоф.  
Мана бу қадаҳда лиммо-лим шароб,  
Ўтинчимиз — шуни қилгайсиз қабул,  
Неча томчи бўлса ушбу қадаҳда,  
Шунча йил оламда яшанг фараҳда.

*Фауст*

Тилагингиз учун минг марта раҳмат,  
Сизлар ҳам шунча йил бўлинг саломат.

*Халқ уларни қуршайди.*

*Чол*

Устоз, ёдимиздан чиқмайди асло  
Сиз бунда жон фидо қилган у кунлар.

Хароб юртимизга келганда вабо,  
 Ҳар ёқни қучганда фарёдли унлар.  
 Вабо гўшасидан ҳақимлар қочиб  
 Ўликлар кўчада қолганда, ҳайҳот, —  
 Раҳматли отангиз жонидан кечиб,  
 Олиб келган эди бизларга нажот,  
 Ёшгина йигитча эдингиз у пайт,  
 Бунда келардингиз дорулар олиб.  
 Касаллар олдида тун бўйи қолиб,  
 Яна қайтардингиз соғу саломат.  
 Хасталарга мушфиқ бўлдингиз доим,  
 Шу сабаб асради сизни Худойим.

*Ҳамма*

Хасталикни кўрманг мутлақо,  
 Соғу омон бўлинг доимо.

*Фауст*

Не учун сиз таъзим қилурсиз менга?  
 Бош эгинг шафқатни ато этганга.  
*(Вагнер билан нари кетади)*

*Вагнер*

Қандай қадри улуғ илму ҳикматнинг,  
 Бунда сизни ғоят қилурлар эъзоз!  
 Тангри берган шуур ҳамда меҳнатнинг  
 Эзгу самарини кўрмоқ қандай соз!  
 Сиз келдингиз гўё зулмат ичра нур,  
 Сиз келдингиз тўлди дилларга сурур.  
 Шодликдан қалпоқлар учди осмонга.  
 Ёшлар рақсдан тўхтаб боқар сиз ёнга.  
 Қаранг қандай ҳурмат, қандай эътибор!  
 Сизга йўл беришар саф чекиб қатор.  
 Дам ўтмай саждага эгилур бошлар,  
 Халқ Тангри деб сизга сиғина бошлар.

*Фауст*

Анов ён бағирга чиқайлик-чи, юр,  
 Бунда мен бир пайтлар сокинликда жим  
 Паришон қояда ўлтирар эдим,  
 Рўзадан тан ориқ, кўнгил беҳузур...

Тангрига сиғинар эдим дилимдан,  
 Даҳшатли вабодан этгин деб халос.  
 Ёлборардим — қутқар юртни ўлимдан!  
 Нақадар зўр эди кўнглимда ихлос!  
 Қарагин кулгули ушбу ҳолимга;  
 Букун биз ҳаммадан азиз кишимиз,  
 Хиждолат бўлурман тушса ёдимга  
 Отам билан бунда қилган ишимиз.  
 Ажойиб бир феъллик зот эди отам,  
 Табиат илмига борлиғи-ла банд.  
 Турфа услуб ила тадқиқ этса ҳам —  
 Умри кечди ҳалол, шул ишга пайванд.  
 Унинг эътиқоди эди алкимё,  
 Минг хил суюқликлар — минг хил кольбада.  
 Сафдошлари билан бир тор кулбада  
 Уймалашар эди саҳаргача то.  
 «Нилуфар» дердилар кумушнинг отин,  
 «Арслон» аталарди у тилда олтин.  
 Уларнинг «фарзанди мукаммали»га  
 Ном берилмиш эди «гўзал малика».  
 У жило берарди сирли зиёда,  
 Билардилар уни шифо деб, ҳайҳот  
 Омон қолмас эди ёруғ дунёда  
 Бу турфа дорудан нўш этган ҳар зот.  
 Уни ичардилар сезмайин хатар,  
 Ўлганга боисдур паноҳи олам...  
 Шундай қилиб менинг раҳматли отам  
 Элга қирон солди вабодан баттар.  
 Не дейин энди бу ҳамд-саноларга,  
 Бунда қанча-қанча бегуноҳларга  
 Мен ўз қўлим билан берганман заҳар.

### *Вангнер*

Қўйинг устоз, ўзни койимоқ нега,  
 Аксинча шу билан ўрнаксиз азал.  
 Сиз ҳар вақт оталар тажрибасига  
 Юксак эҳтиром-ла қилдингиз амал.



Отанинг маслаги фарзандлар учун  
Ҳар нарсадан қутлуғ бўлмоғи керак.  
Ахир ўғлингиз ҳам улғайиб бир кун  
Сизнинг йўлингизни тутади бешак.

### Фауст

Ул инсон бахтликим, бу зулмат аро  
Ҳидоят йўлини излар дамо-дам.  
Аён нарсалардан фойда йўқ асло,  
Сирлар дунёсига интилар одам.  
Бас энди — гўзаллик, шодликдан қочиб  
Нечун шундай оқшом чекмоқ изтироб?  
Дарагин, кенгликка заррин нур сочиб,  
Уфқлар ортига чўкмоқда офтоб.  
Бу юртни тарк этиб шамси коинот,  
Йироқ, ўлкаларга қўймоқда қадам.  
Не учун, не учун йўқ менда қанот?  
Қуёшнинг кетидан қувлашиб учсам,  
Алвон шуълаларга чўмиб борлигим,  
Юксак тоғлар узра этсаму парвоз,  
Ҳам соф ирмоқларга бўлолсам ҳамроз,  
Ҳис этсам қуш янглиғ бахтиёрлигим.  
Қани насиб бўлса менга ҳам қанот!  
Энг юксак чўққини бориб қучардим.  
Кўргизиб камоли қудрату сабот  
Чексиз уммонлардан ошиб учардим.  
Шуъла дастурхонин йиғиштириб кун  
Беркинмоқ бўлганда тоғлар ортига,  
Оқшом бўлганида уфқ лолагун  
Мен қамчи босардим ғайрат отига.  
Ул сўнгги шуълага етиб олардим,  
Қуёш этагидан тутиб олардим.  
Учардим, бошимда нилигун осмон,  
Олдинда ёруғ кун, ортда қаро тун —  
Остимда поёнсиз ложувард уммон...  
Нечун қанотим йўқ, нечун йўқ, нечун?

Кўнгил парвоз истаб талпинади, бу —  
 Барча одамзодга қадрдон туйғу.  
 Бағрини очганда беғубор само,  
 Қайлардадир тўрғай қилганда наво,  
 Тиниқ куз фаслида дилрабо саҳар —  
 Арғимчоқ солганда кўкда турналар,  
 Бургут қанот қоқмай кезганда фалак,  
 Кўкка учмоқ истаб талпинар юрак.

*Вагнер*

Менинг ҳам сиз каби орзуларим мўл,  
 Аммо менда йўқдир бу янглиғ ҳавас.  
 Дилимни банд этар на ўрмон, на кўл —  
 Қуш бўлиб учмоқ ҳам муродим эмас.  
 Кўнглим тилагидир хаёл парвози,  
 Юрагим дардига китобдир малҳам.  
 Китоб ўйларимнинг ёлғиз ҳамрози,  
 Унга ошинодир кечаларим ҳам.  
 Қувончдан фалакда учарман агар  
 Қўлга тушиб қолса нодир бир асар.

*Фауст*

Сенга фақатгина битта тилак ёр,  
 Тамом бегонадир ўзга бир дунё.  
 Менинг кўксимда-чи, икки юрак бор,  
 Иккиси бир-бирин тан олмас асло.  
 Бири она ернинг меҳрига тўлуғ,  
 Вужудимни қилур тупроққа пайванд.  
 Бирининг оташи қуёшдан улуғ,  
 Парвоз этмоқ бўлур юлдуздан баланд.  
 Қани энди фақат хаёлда эмас,  
 Чиндан маъмур этса тақдирим мани.  
 Кўкда учолсайдим мен ҳам бир нафас,  
 Ўзга бир оламни кўрсайдим, қани.  
 Қани, бўлса менда сеҳрли бир тўн,  
 Кийсаму юксалсам йироқ ва йироқ.  
 Жулдур бўлганда ҳам у тўн мен учун  
 Шоҳлар либосидан эди авлороқ.

*Вагнер*

Самовий руҳларни кўзгатманг фақат,  
 Чорлашни, ҳаттоки қилмангиз хаёл.  
 Улар одамзодга ёв эрур қаттол,  
 Ер узра сочурлар ўлим, фалокат.  
 Гоҳ улар шимолдан совуқ ел бўлиб,  
 Ўқдек тешиб ўтар баданларимиз.  
 Гоҳида Жанубдан гармсел бўлиб,  
 Хазон этар боғу чаманларимиз.  
 Гоҳида Машриқдан келгувчи сабо —  
 Дард олиб келадир, дардқи бедаво.  
 Гоҳ келур Мағрибдан булутлар гала,  
 Қуяр бошимиздан даҳшатли жала.  
 Зулмат руҳларига ишонманг асло,  
 Гарчи кўринса-да, фаришта бўлиб,  
 Жилва қилсалар-да нурланиб, кулиб,  
 Улар келтирурлар ўлим ва бало.  
 Хўш, энди кетайлик. Тушди салқин ҳам,  
 Туман кўрпасига бурканди олам.  
 Уйда ўлтирмоқ соз бундай паллада.  
 Дарвоқе, шу тобда нимага бундоқ  
 Тикилиб қолдингиз, азизим, узоқ?

*Фауст*

Кўрдингми, бир лайча чопар далада?

*Вагнер*

Кўрдим. Нима бўпти, оддий бир кучук.

*Фауст*

Диққат қил, нима ул, айланур нечук?

*Вагнер*

У — адашган лайча, одатий нарса,  
 Эгасини излаб юрибди, аён.

*Фауст*

Борган сари торроқ айлана ясаб,  
 Яқинлашиб келар, қара, биз томон.  
 Мени алдамаса агарда кўзим,  
 Кўринмоқда ундан қолган ўтли из.

*Вагнер*

Ахир, қаршимизда лайчанинг ўзи,  
Чиндан алдамоқда, балки кўзингиз.

*Фауст*

Ҳамон теграмизда юрибди кезиб,  
Қарагин, жодули кўзлари бизда.

*Вагнер*

Йўқ, у кўрққанидан думини қисиб  
Кетолмай айланур атрофимизда.

*Фауст*

Айлана қисқарар. Келди! Тўхта, бас!

*Вагнер*

У оддий лайча-ку, шарпа, руҳ эмас.  
Ана, акиллади, ана, ётибди.  
Ит итлигин аён қилаётибди.

*Фауст*

Тўхта! Қўрқма, кучук! Бери кел дарров!

*Вагнер*

Ажойиб ит экан, олов-а, олов!  
Қулоғин динг қилиб қараб туради,  
Тўхтасак тўхтайди, юрсак юради.  
Ўргатилган ит бу — қаранг, ўлтирар,  
Бирор нарса ташланг, дарҳол келтирар.

*Фауст*

Мўъжиза йўқ бунда, фикринг ҳақиқат.  
Оддий лайча экан, машқ кўрган фақат.

*Вагнер*

Олимга ҳам эрмак учун ҳарнечук  
Керак ўргатилган шундай бир кучук.  
У талабалардан дарс олган чоғи,  
Кўриниб турибди улар сабоғи.

*Шаҳар дарвозасига кирурлар.*

## ФАУСТНИНГ ИШХОНАСИ

*Фауст ит билан кириб келади.*

*Фауст*

Туман ичра чулғаниб ётган  
Далаларни тарк этдим, мана.  
Кўксим аро тўлғаниб ётган  
Ҳислар қалқиб чиқмоқда яна:  
Ором топди кўнгил тугёни,  
Таскин берди илоҳий сеҳр.  
Юрагимда яна уйғонди  
Тангри ила инсонга меҳр.

Ҳей, ит, кўп югурма, жим бўл бир нафас,  
Ҳадеб остонани искамоқ нечун?  
Қани, бурчакка кир, тек ёт, энди бас,  
Мана ёстиқ, ухла, ташқарида тун.  
Сакраб-чошиб роса ўйнадинг, етар,  
Бу ер дала эмас, кўп бўлма нодон.  
Иззатингни билгин, шўхсан бунчалар?  
Ахир сен бу кеча уйимда меҳмон.  
Борлиқ узра чўкмиш зулумот,  
Ёритмоқда кулбамни зиё.  
Ишхонаминг ўзимас фақат,  
Юрагим ҳам ёришар гўё.  
Вужудимга тафаккур эга,  
Яна ортур кўнгил ташнаси.  
Яна мени тортар ўзига  
Тирикликнинг зилол чашмаси.

Ҳей ит, бас қил итлик ашуласини,  
Бўлди, кўп рингшима, билиб ёт жойинг.  
Мени асир этган илҳом сасини  
Бўғмоқдадир сенинг хунук хиргойинг.

Сен-ку ит, одамзод феъли ғалати —  
 Ҳаргиз чин донишдан кулмоққа тайёр.  
 Ўзидан баландга ҳуриш одати  
 Ажабо, наҳотки итларда ҳам бор?

Воҳ, тарк этди яна иштиёқ,  
 Яна ҳоким сўник кайфият.  
 Борлиғимни эгаллар ҳар чоғ  
 Илҳомдан сўнг шундай сукунат.  
 Шундай экан ҳамиша аҳвол:  
 Гоҳ парвозда, гоҳ афтодаҳол.  
 Лекин бордир бу дардга малҳам —  
 Адашганнинг ёруғ юлдузи,  
 Бу — илоҳий каромат сўзи —  
 Янги Таълим ичра бўлмиш жам.  
 Қаршимдадир мана ул ўзи —  
 Қудрати зўр бу замонда ҳам.  
 Банд айлади мени каромат,  
 Энди қилиб сабру қаноат —  
 Бул китобда бўлса ҳар нима,  
 Немисчага қилай таржима.

*(Таржима қилиш учун китобни очади)*  
 «Дастлаб Калом бўлган». Илк сатрданоқ  
 Мени лол этди-ку мураккаб жумбоқ,  
 Нима бўлди экан бунинг маъноси?  
 Наҳот сўз оламнинг бўлса асоси?  
 «Дастлаб Идрок бўлган». Таржима мана.  
 Матне маъносига шу сўз яқинроқ,  
 Лекин ўйлаш керак. Бисмиллоданоқ  
 Ишни расво қилиб қўймайлик яна.  
 Йўқ идрок борлиқнинг замири эмас,  
 «Дастлаб Қудрат бўлган». Қолгани абас.  
 Яна юрагимга иштибоҳ солдим.  
 Яна ҳайронликка учрадим қолдим.  
 Йўқ, қудрат ҳам эмас, қилибман хато,  
 «Дастлаб Амал бўлган». Шу асли маъно.

Ҳайдалишни истайсан наҳот?  
 Фингшима, жим ёт.  
 Бўлай десанг мен билан ҳамдам,  
 Қутурма, ошнам.  
 Бу аҳволда ишлаш мумкинмас.  
 Вовуллама, бас.  
 Илож йўқми — ҳал қилмоқ керак:  
 Ортиқчамиз битгамиз, демак.  
 Кетмоқ керак сенга ё менга,  
 Мана, эшик, қани, марҳамат!

Воҳ, ажабо, бу нечук ҳолат!  
 Ўнгимми бу, тушимми экан?  
 Ит тобора бўлмоқда улкан.  
 Ўсаётир энду бўйига  
 Ўсаётир шипга қадар то.  
 Қандай махлуқ кирди уйимга,  
 Йўқ, бу итмас, бегемот гўё.  
 Ўт чақнаган кўзлари даҳшат,  
 Ҳа, англадим, бу албатта жин!  
 Менга мадад бермоғи мумкин  
 «Сулаймоннинг мифтоҳи»<sup>8</sup> фақат.

*Жинлар (Ташқарида)*

Бир дўстимиз тутқунда —  
 Йўл йўқ ичкари.  
 Лек ёрдамга шай бунда  
 Жинларнинг бари.  
 Айланиб учмоқ керак.  
 Гоҳ паст, гоҳ баланд.  
 Бизлар ҳаракат қилсак,  
 У бўлмагай банд.  
 Қани берайлик ёрдам —  
 Биздан умидвор.  
 Ёрдам қилганди у ҳам  
 Бизга неча бор.

## Фауст

Даф қилганда махлуқ, мададкор —  
Мифтоҳ аро тўртта дуо бор: —

Саламандра, ён,

Ундина, мавж ур.

Сильф — сочил ҳар ён,

Кобальд — ишлаб тур.

Кимга бу дуо

Бўлмаса ошно,

Ким сеҳр кучин

Ўз нафи учун

Билмаса агар,

У не афсунгар?

Ўзни ўтга ёқ,

Саламандра,

Жилғаларга оқ.

Ундина,

Юлдуз бўлиб боқ,

Сильфида,

Уйга қарашмоқ —

Сенга, Инкубус,

Бекалар муштоқ

Сенга, Инкубус.

Йўқ! Бу тўрт унсурнинг бирортаси ҳам

Бу махлуқда эмас мужассам.

Ана у ётибди бемалол,

Бу не ҳол!

Агар

Мен айтган дуолар қилмаса асар,

Булардан ҳам зўрроқ бир дуо керак.

Қаршимда — жаҳаннам қувғиндисидур.

Шошмай тур!

Мана бу муқаддас белгига бир боқ,

Сендек гумроҳларга солгай у титроқ.



Ана, белги уни даҳшатга солди,  
Қўрқувдан қалтираб ҳурпайиб қолди.

Эй даҳшат бало,  
Ҳурпайдинг нечун?  
Англадингми ё  
Яратилмаган,  
Ҳеч ким билмаган,  
Ҳаммамиз учун  
Эрк ато қилган  
Ҳамда биз учун  
Бутга тортилган  
Тангрининг кучин?  
Бурчакка қисилиб,  
Не даҳшатки бул —  
Худди филдай бўлиб  
Ўсаётир ул.

Чулғамоқда тутун  
Еру самони,  
Тўлдиргудек бутун  
Борини, дўшман.

Эй сен дўзахий руҳ,  
Буюрдим сенга:  
Жим ёт, руҳи макруҳ,  
Тобе бўл менга!  
Ўқишимни кутма  
Уч карра дуо.  
Менда бор, унутма,  
Оташи Худо.  
Йўқотурман беиз,  
Етгай иқтидор.

*Тутун тарқалиб, печка орқасидан дарвиш  
кийимида Мефистофель  
чиқади.*

*Мефистофель*

Дўқ нечун?

Кулингиз хизматга тайёр.

*Фауст*

Ажабо, кулгулик сир бўлди ошкор,

Ит бўлиб кўринган дарвиш экан-да?

*Мефистофель*

Этай, улуф олим, ҳурматим изҳор,

Роса қийнадингиз сиз мени бандда.

*Фауст*

Исминг нима?

*Мефистофель*

Нечун бу майда сўроқ?

Сўз сен учун ахир ҳеч нарса эмас.

Сенга фақатгина амал муқаддас,

Бас, не керак сенга исмимни билмоқ?

*Фауст*

Ҳар амалнинг ўзга номи бор, аммо,

Англаб олмоқ учун сенинг зотингни

Билмоқ кифоядир фақат отингни.

Жинмисан, шайтонми, иблисмисан ё?

Кимсан, айт!

*Мефистофель*

Мен ҳаргиз ёмонлик тилаб —

Яхшилик қилгувчи кучнинг бир қисми.

*Фауст*

Оддийроқ қилиб айт — нимадур бу гап?

*Мефистофель*

Мен инкор руҳиман, инкор қилишни

Касб қилиб олганман — коинот абас,

Тангри не яратмиш бари керакмас,

Барини йўқотмоқ истагим-сўзим

Хуллас, сиз ёмонлик дея атаган —

Бузиш беомонлик дея атаган

Куч — менинг ўзим.

*Фауст*

Сен қисмман дединг, сўйла не учун?  
Ахир рўпарамда турибсан бутун.

*Мефистофель*

Мен ҳақиқат сўзин айтдим камтарин,  
Манманлик — бу ғофил одамзодга хос.  
Бутун деб биларлар улар ўзларин,  
Мен эсам, қисмнинг қисмиман, холос.  
Ҳа, мен бир бўлакман.

Нимадир бутун?

Бу — тун. Бир замонлар борлиқни бутун —  
Чулғаб олган зулмат! У яратди нур,  
Нур энди зулумот билан курашур.  
Тукқан онасини енгмоқ бўлар у,  
Аммо ниятига етолмас ёғду.

Жисмлар сиртидир унинг макони,  
Жисмлар — жисмидир унинг ва жони!  
Вақт келиб оламдан йўқолса жисм,  
Борлиқда қолмагай нур деган исм.

*Фауст*

Мана, энди менга кимлигинг маълум.  
Йўқота олмагач оламини буткул —  
Майда нарсаларга қилурсан ҳужум.

*Мефистофель*

Рост айтсам, бу иш ҳам нақадар мушкул.  
Поён билмас йўқлик олами аро  
Кичкина зоррадир бу Борлиқ дунё.  
Уни йўқотмоққа уринмай неча.

Ҳануз устивордир, кор қилмас пича.  
Унга юбордим: мен чақмоғу бўрон,  
Даҳшатли зилзила, ёнғину тўфон.

Аммо асар қилмас коинот учун,  
Уммонлар жойида, қуруқлик бутун.  
Парранда, ҳайвонот, бари одамзод,  
Қанча қирон солмай, бўлмади барбод.  
Уларнинг одати — насл қолдирмоқ,  
Шу боис тириклик бўлмайди тамом.

Тагин ҳам бўлмайди тоқатларим тоқ,  
 Тагин ҳам касбимни қилурман давом.  
 Қаён боқма: ерда, сувда, ҳавода  
 Ҳаёт куртаклари мангу намоён.  
 Яхшики олов бор экан дунёда,  
 Йўқса қолмас эди мен учун макон.

*Фауст*

Қара-я турфа бу тутган йўлингни,  
 Демак, оламда не курашар, яшар,  
 Ҳашарот, парранда, жондору башар...  
 Барига кўтардинг машъум кўлингни.  
 Эй зулмат фарзанди, ўзингга бўлак —  
 Дурустроқ касбу кор танлашинг керак!

*Мефистофель*

Йўлаб кўриш мумкин. Бу ҳақда, бироқ  
 Бафуржа гаплашсак бўлур кейинроқ.  
 Менга ижозат бер энди кетмоққа.

*Фауст*

Нима кераги бор сенга рухсатнинг?  
 Кета бер майлига истаган ёққа,  
 Келиб тур гоҳида бўлса фурсатинг.  
 Хўп, хайр. Марҳамат, бу ёқда эшик,  
 Мана дарча, мўри. Бор туйнук тешик  
 Сенинг хизматингда. Бора бер, рухсат.

*Мефистофель*

Бу ердан чиқмоғим мушкулдир фақат.  
 Анов остонага чизилган тасвир  
 Қилаётир чиқмоқ йўлин муаммо.

*Фауст*

Бу пентаграмма\*. Уйга сен, аммо  
 Остонадан ўтиб кирдинг-ку ахир.

---

\* Пентаграмма – юлдузча шакли: тепа бурчаги – сув, чап юқори бурчаги – ер, ўнг юқори бурчаги – олов, қуйи чап бурчаги – ҳаво, қуйи ўнг бурчаги – руҳ.

*Мефистофель*

Шакли нотўғри чизгансиз андак,  
Икки ён чўзилиб иккита бурчак  
Ўртдан киришга йўл қолган, қаранг.

*Фауст*

Сени асир қилди тасодиф; демак,  
Қўлимда тутқунсан, ҳолинг, демак, танг.  
Бундоқ омадни ким қилибди хаёл?

*Мефистофель*

Ит ўтмоғи мумкин сакраб бемалол  
Ва лекин шайтоннинг йўриғи бўлак:  
Қаршимда белги бор — менга берк йўлак.

*Фауст*

Мана, дераза бор — кетавер.

*Мефистофель*

Бироқ —  
Қайдан кирган бўлса шу ердан чиқмоқ —  
Жину шайтонларга азалий қонун,  
Уни буза олмас ҳеч қандай малъун.

*Фауст*

Демак, дўзахнинг ҳам қонунлари бор,  
Бунини билиб қўймоқ албатта даркор.  
Мумкинди сен билан шартнома тузмак.

*Мефистофель*

Бизда асло бўлмас аҳдини бузмак.  
Неки ваъда қилсак бизлар доимо  
Вақтида ҳеч сўзсиз қилурмиз адо.  
Сўйлашурмиз ҳали учрашиб такрор,  
Ҳозир қўйиб юбор — кетмоғим даркор.

*Фауст*

Қаёққа шошурсан, тўхта бир нафас,  
Менга у дунёнинг эртақларин айт.

*Мефистофель*

Мен яна келаман, ҳозир вақтимас,  
Суҳбат қуражакмиз яйраб ўша пайт.  
Ортиқ тутма мени.

*Фауст*

Қизик бу сўзинг,  
 Сени тутган менмас, илиндинг ўзинг.  
 Бу гал озод этсам сени мабодо,  
 Қайтиб илинмассан, балки ҳеч қачон.

*Мефистофель*

Хўп, қилганим бўлсин истагинг бажо,  
 Яна бир оз бўлай уйингда меҳмон.  
 Мени ўз ҳолимга қўюрсан, аммо,  
 Истаганча қилгум сени шодмон.

*Фауст*

Не қилсанг қила бер, сенда ихтиёр,  
 Фақат мени яйрат, дилим ёз бир бор.

*Мефистофель*

Яйратганим бўлсин, бир неча фурсат  
 Дил ёзгач, топурсан бир йиллик лаззат.  
 Тингларсан жинларнинг ашуласини,  
 Банд этгай афсунгар бир шуъла сени.  
 Борлигини берсанг ул сирли унга,  
 Нур севгучи кўзу эшитар қулоқ,  
 Таъм билгувчи оғиз, бўй билгич димоқ —  
 Бари асир бўлгай ўшал фусунга.  
 Фурсат керак эмас ҳозир бўлгани,  
 Ҳаммамиз тайёرمىз. Бошладик қани.

*Жинлар*

Садпора бўлсин  
 Хонаи зулмат.  
 Яйрасин, кулсин  
 Кўргузиб талъат  
 Мовий самовот.  
 Кўк юзин тутар  
 Қора булутлар,  
 Булут оралаб  
 Юлдуз мўралаб  
 Излайди нажот.  
 Булутдан баланд  
 Чексиз фалаклар

Бир-бирга монанд  
Учар малаклар —  
Кўк ўғлонлари.  
Курраи олам  
Ям-яшил гилам.  
Гўзал ёз чоғлар —  
Тоғлар, ўтлоқлар,  
Боғ, бўстонлари  
Япроқлар ёзиб,  
Янги куртаклар,  
Айтар ишқ розин  
Севган юраклар —  
Пинҳон махфилда.  
Ширин висоллар,  
Ширин хаёллар,  
Ваъдаи вафо  
Ҳам сирли наво  
Тилда ва дилда.  
Эзгичдан тошиб  
Улкан хум томон  
Отилгансимон,  
Кўлириб шўшиб  
Узум шарбати,  
Чўққидан тушиб  
Ошиб даралар,  
Гумбурлар жўшиб  
Шўх шаршаралар —  
Буюк шиддати,  
Шиддат ила ул  
Интилар пастга.  
Пастда мовий кўл  
Жимирлар аста,  
Қамишлар куйлар.  
Бунда бир томон  
Поёнсиз ўрмон —  
Шитирлаб елда  
Минг битта тилда

Қайинлар сўйлар.  
 Бунда тонгдан то  
 Оқшомга қадар,  
 Бўлмайдиди адо  
 Ўйин ва лапар,  
 Кулар ер, осмон.  
 Кўнгиллар қувноқ,  
 Бўсалар қайноқ.  
 Сўнгги йўқ роҳат,  
 Айшу фароғат  
 Бунда ҳукмрон.

### *Мефистофель*

Ана, ухламоқда у тинч, беозор,  
 Жинларим, мен сиздан доим миннатдор.  
 Сизлар кўрсатдингиз ажойиб санъат.  
 Ҳа, шайтонни тутмоқ осойиш эмас.  
 Қўшиқ айтиб туринг яна бир нафас,  
 Токи маҳкам олсин бағрига ғафлат.  
 Мана бу шаклни йўқотмоқ эса  
 Каламушнинг иши, кемиргай дарҳол.  
 Ана, келиб қолди кутдирмай, яша!  
 Нажоткорим сенсан, менга қулоқ сол!  
 Каламуш — қурбақа, сичқонлар хони,  
 Бургалар, каналар, битлар хоқони —  
 Сенга буюрмоқда — ҳузуримга кир,  
 Анов остонада белги бор — кемир.  
 Томизиб тураман мен у ерга ёғ,  
 Йўқотмасанг бўлмас — у менга тузоқ.  
 Тезроқ бўл! Қатраси қолмасин фақат,  
 Яна жиндек қолди, яша азамат,  
 Бўлди. Ёрдам учун ташаккур катта.  
 Мен кетдим. Ухлай бер, Фауст, роҳатда.

### *Фауст (уйғониб)*

Яна ғафлат ичра алдандим наҳот!  
 Наҳот ухлаб қолдим мен тентак, нодон.  
 Тушимда келибди қошимга шайтон,  
 Ит эса хонамдан қочибди, ҳайҳот!



# ФАУСТНИНГ ИШХОНАСИ

## Фауст ва Мефистофель

Фауст

Эшик тақиллади! Ким яна, э воҳ, —  
Тинчимни бузмоққа келмиш? Кира қол.  
Кимдурсан?

Мефистофель

Мен келдим.

Фауст

Киравер, гумроҳ!

Мефистофель

Уч марта айтмасанг кирмоғим маҳол.

Фауст

Кир!

Мефистофель

Мана, қаршингда бўлдим мен пайдо,  
Келишиб олурмиз бизлар икковлон:  
Не ғам-андух бўлса кўнглингда, ишон,  
Баридан бўлурсан, дўстим, мусаффо.  
Кўр, мана, мен қандай кийиниб олдим,  
Эгнимда зар ила тикилган камзул,  
Елкамда ёпинчиқ, тоза шоҳи бул,  
Тилла нақшин қинга шамширни солдим.  
Телпагимда эса хўрознинг пати,  
Шунча бўлар битта йигит келбати.  
Сен ҳам шундай кийин, қулоқ бер менга,  
Ҳаёт ўз кўркини очажак сенга.

Фауст

Қай либосда бўлмай, бари бир қалбим  
Сезажак не ғусса бўлса дунёда.  
Ёлғиз сафо учун кексайиб қолдим,  
Беҳавас бўлмоққа ёшман зиёда.  
Не берур мен ўзим билмаган олам?  
«Тобе бўл, сабр ила чека бер алам!»

Шу — такбир бизларга азал ибтидо,  
 Шу — мангу қулоқда янграган нидо.  
 Болаликдан қилдик шуни қироат,  
 Панду насиҳатдан тоқ бўлди тоқат.  
 Ҳар тонг юрагимда бир ғамли туйғу:  
 Янги кун бахт бермас, ишончим комил,  
 Биладан, ушалмас бирорта орзу,  
 Бирорта муддао бўлмагай ҳосил.  
 Билъакс, соф ҳисларни қилгай у забун,  
 Неки бўлса менга энг олий, сара,  
 Барчасини этар остину устин,  
 Терсини кўрсатиб, қилар масхара.  
 Тун чўкиб борлиқни қучар сукунат,  
 Аммо юрагимда бетинч ғалаён.  
 Кечамда ором йўқ, тушларим даҳшат.  
 Ўрнимдан тураман сапчиб ноғиҳон.  
 Ажаб, кўкрагимда макон тутган Ҳақ  
 Ҳоким экан фақат ўй-хаёлимда.  
 Аммо неки бўлса борлиқ оламда  
 Ҳукми ўтмас экан унинг, муҳаққақ.  
 Шу боис ҳаётдан ювганман қўлим,  
 Шу боис ўлимга ташнадир кўнглим.

### *Мефистофель*

Яхши меҳмон эмас ва лекин ўлим.

### *Фауст*

О, қандай саодат, ўлимга ногоҳ —  
 Дуч келса одамзод жанг майдонида.  
 Ва ё бу оламдан бўлмаин огоҳ,  
 Дилбар оғушида ётган онида.  
 Мен ҳам бахтли эдим унга дуч келсам —  
 Кеча руҳ васлига восил бўлган дам.

### *Мефистофель*

Насиб бўлар эди сенга бу фараҳ,  
 Ичилганда агар кечаги қадаҳ.

### *Фауст*

Демак, айфоқчисан, касбинг жуда мос.

*Мефистофель*

Қомусул аъламмас, билгичман холос.

*Фауст*

Кеча мени алдамиш наҳот  
 Илоҳий ул айём куйлари.  
 Ниятимни айламиш барбод  
 Болаликнинг ширин ўйлари.  
 Лаънат бўлсин авраб инсонни  
 Аллалаган ўшал туйғуга.  
 Лаънат бўлсин табаррук жонни  
 Тан ғорига солган доғуга.  
 Лаънат, адо қилғувчи бизни  
 Кўнгилдаги такаббурга ҳам.  
 Лаънат, мурғак ҳисларимизни  
 Алдағувчи тасаввурга ҳам.  
 Лаънат сенга, бизни банд этган  
 Турмуш ўйи, оила, шуҳрат...  
 Лаҳза бизни сарбаланд этган  
 Ширин тушлар, сизга ҳам лаънат!  
 Сенга ҳам, эй бойликка ружу,  
 Лаънат бўлсин бутун умрга.  
 Лаънат бўлсин муҳаббатга-ю,  
 Шароб берган тотли сурурга.  
 Лаънат сенга, ширин хаёлот,  
 Не ғулувлар солғувчи бошга.  
 Барчасига чидармиз ҳайҳот,  
 Лаънат бўлсин сабру бардошга.

*Жинлар қўшиғи (пинҳона)*

Оҳ, бу не алам,  
 Бу не бало, дод!  
 Кулбаи олам  
 Бўлди-ку барбод!  
 Вайрона қилди  
 Сен отган лаънат,  
 Чилпарчин бўлди  
 Гўзал иморат.

Тангри монанди  
 Эй одамизод!  
 Сен энди янги  
 Қаср айла бунёд.  
 Ўзгача бўлсин  
 Сен қурган бино.  
 Яъни жой олсин  
 Юрагинг аро.  
 Мақсадинг сари  
 Дадил кўй қадам.  
 Шодлик куйлари  
 Янграсин бардам.

### *Мефистофель*

Жажжи жинларим  
 Куйлар, тингла жим.  
 Куй тўла ақл,  
 Мағзини чаққил.  
 Дерлар: — Одамзод,  
 Кишанларни от.  
 Оламга кўз оч,  
 Тор кулбангдан қоч.

Гуссаларни унут, ўзни фарруҳ эт,  
 Бошингда қузғундек чарх урмагай ғам.  
 Қанчалик бемаъни бўлмасин муҳит,  
 Бари бир одамсиз яшолмас одам.  
 Тўпори даврага бошламам, ишон,  
 Улфатлар топурмиз суҳбати аъло.  
 Гарчи мен оддий бир камтарин шайтон,  
 Лекин зериктирмам сени мутлақо.  
 Кел, қилиб олайлик икков маслаҳат,  
 Ҳаёт йўлларида ўтмоққа бирга.  
 Мен ҳамроҳинг бўлсам қочгувси кулфат,  
 Қайғу кўрмагайсан бутун умрга.

### *Фауст*

Эвазига нима сўрайсан мендан?

*Мефистофель*

Ҳисоб-китоб кейин, ҳали фурсат бор.

*Фауст*

Не қилса шайтонсан, албатта сендан  
 Холис бир илтифот кутмасман зинҳор.  
 Ҳақингни айт, бугун бўлиб иттифоқ,  
 Эрта орамизга тушмасин нифоқ.

*Мефистофель*

Сенга бу оламда бўлурман маҳрам,  
 Барча истагингни айларман бажо.  
 Ҳақиға нариги дунёда сен ҳам  
 Менинг хизматимни қилурсан адо.

*Фауст*

У дунё қайғуси менга бегона.  
 Бу олам мен учун бўлгач вайрона,  
 Бошқа олам билан қолмагай ишим.  
 Мен замин ўғлиман, шунда ягона  
 Менга ошинодир ғам, шодиёна.  
 Бу ёруғ дунёдан бўлгач равона —  
 Менга қолса ўтга туташсин жисмим.  
 Қанча сўйласинлар боқий дунёни,  
 Мен асло қизиқмам, недур у дунё,  
 Ишим йўқ, қайдадир унинг поёни,  
 Қайда ибтидо-ю, қайда интиҳо.

*Мефистофель*

Жуда соз, шу бўлса сендаги имон,  
 Демакки, ишимиз кўчади осон.  
 Сенга шундай нарса қилайки ато,  
 Уни кўрмагандир бу ёруғ дунё.

*Фауст*

Ажабо, шайтондан хайр ила эҳсон!  
 Не бера олардинг менга, бечора?  
 Билармисан, нелар истайди инсон?  
 Унинг орзуларин тушунсанг зора!  
 Сен таом берурсан, тўймоқ йўқ унга,  
 Сен олтин берурсан, йўқ унга бақо,

Симобдай тутқусиз, келмай қўлингга,  
Ўзга чўнтагига қочар доимо.

Сен қимор берурсан, ютмоқлик йўқ ҳеч,  
Сен шуҳрат берурсан, бир лаҳзалик у,  
Менга ёр берурсан, бағримда ҳар кеч  
Ўзга бир йигитни қилади орзу.

Неъматинг асрори менга аёндир:  
Бутун куртак ёзса, эрта хазондир.

*Мефистофель*

Ҳа, булар барчаси иқтидоримда,  
Истаганча берсам — ихтиёримда.  
Аммо сабр қилу муҳлат бер менга,  
Лазизроқ неъмат ҳам берурман сенга.

*Фауст*

Шунча лазиз бўлса сен берган таом,  
Мен ўшал неъматга оғушта бўлсам,  
Лаззат тўшагида олсаму ором  
Шуҳрат гултожида шавқларга тўлсам,  
Унутсам оламни, майлига ўлсам,  
Майли ўша онда мени олса ер.

*Мефистофель*

Эсда тутажакмиз!

*Фауст*

Майли, қўлни бер!  
Агар мен бир онни улуғлар бўлсам,  
«Тўхта, эй сония!» — деб айтсам агар,  
Сенинг тутқунингман майли ўша дам,  
Сен сайёд бўлурсан — овга муяссар.  
Ихтиёр сеники бўлур у кунда,  
Менинг ихтиёрим — ҳукмингни кутмоқ.  
Тўхтасин умримнинг соати шунда,  
Мен учун чалинсин сўнгги қўнғироқ.

*Мефистофель*

Гапларингни албат сақлагай ёдим.

*Фауст*

Ҳеч сўздан қайтиш йўқ, бўлгин хотиржам.  
Тафаккур қилишдан агар тўхтасам,  
Бари бир эмасми жоним олса ким.

*Мефистофель*

Келишдик докторлик базмида букун  
Садоқатлар билан қилурман хизмат.  
Гап битта ва лекин эҳтиёт учун  
Бериб қўйгин менга икки энлик хат.

*Фауст*

Ажабо, не учун бундоқ расмият,  
Не учун қоғозга шунча зарурат?  
Демак, сенга зарур хужжатнинг ўзи,  
Сен учун икки пул одамнинг сўзи.  
Билгинки, инсонда субут бўлса оз,  
Ёрдам бера олмас ҳеч қандай қоғоз.  
Аксинча, қоғозлар гирдоби аро  
Ҳали ҳам инсоннинг сўзи муқаддас.  
У ўша сўз учун, қоғоз учунмас, —  
Қурбон бўлмоққа ҳам тайёрдир ҳатто,  
Таажжуб қиламан, нечун одамлар  
Эътиқод килурлар хатга, муҳрга.  
Қоғоз — фақат қоғоз, сўз эса гавҳар,  
Қоғоз — йиртилгунча, сўз-чи — умрга.  
Хўш, энди сен айт-чи не билан ёзай?  
Қаламми, чўкичми ё мўйқалам, ҳал...?  
Қоғозга ёзайми, харсанг тош қалай?  
Ёки мрамаргами? Қай бири афзал?

*Мефистофель*

Фигонинг фалакка чиқмасин, шошма,  
Мана, тайёр, етар бир парча қоғоз.  
Бир томчи қон билан шу қоғозга ёз.

*Фауст*

Ана холос! Шуми? Ола қол, ошна!  
Шарт деган эвида бўлса-да бир оз.

*Мефистофель*

Қон — ўзгача шарбат, йўқ унга қиёс!

*Фауст*

Кўй, ўринсиз шубҳалардан кеч,  
 Сеникиман, алдамасман ҳеч.  
 Гаровдадир ҳаётим фақат,  
 Наҳот бўлса у менга қиммат?  
 Ҳаётим не, менинг ўзим ким?  
 Инсонликдан ягона фаҳрим —  
 Коинотга бергувчи тузум  
 Буюк руҳ-ла сўзлашдим ўзим.  
 У назарга илмади мени,  
 Ҳатто писанд қилмади мени.  
 Менинг учун олам жумбоқдир,  
 Тафаккурдан жуда йироқдир.  
 Китоблардан қайтди ихлосим,  
 Энди менинг бор эҳтиросим —  
 Юрагимнинг бор шавқ, файрати —  
 Сенга бўлсин олам лаззати.  
 Ол бағрингга, замон тўфони,  
 Саргузаштлар қучоғига от.  
 Шавқу дардга тўла дунёни,  
 Шодликни ҳам, ғаму жафони,  
 Висолни ҳам ҳижрон балони  
 Берсин менга борича ҳаёт.  
 Элтса фақат шиддат карвони,  
 Ўзлигини топура одамзод.

*Мефистофель*

Истагингга йўқ сира тўғон,  
 Иштиёқда уганда юрак,  
 Шодлик гулин узмоқ бўлган он  
 Бўлма фақат уятчан гўдак,  
 Дадил бўлу юлгин беомон.

*Фауст*

Йўқ, шодликмас мендаги тилак,  
 Мен тилайман довул ва бўрон.  
 Менга ҳислар оташи керак,  
 Керак менга ўртагувчи жон.



Сўнди менда китобга истак.  
 Кўл чўзурман халойиқ томон.  
 Тор қафасдан қутулган юрак  
 Эл дардига бўлсин ошиён.  
 Ҳа, уларнинг ғам, кулфатлари,  
 Шодликлари, уқубатлари,  
 Кўз ёшлари, кулгулари ҳам  
 Юрагимда бўлсинлар ҳамдам.

*Мефистофель*

Тириклик, бу — мисоли чандир,  
 Минг йилларким, тишларим банддир.  
 Уни чайнаб ютмоқ душвордир,  
 Ҳеч ким эмас бу ишга қодир.  
 Бу оламини қамрамоқ бутун  
 Амалидир ёлғиз Тангрининг.  
 Хонаи Ҳақ ёруғ туну кун,  
 Бизлар учун борлиқ нилигун.  
 Ва лекин сиз — одамлар учун  
 Тангри бермиш туну кунни тенг.

*Фауст*

Мен қодирман, аммо!

*Мефистофель*

Бу жуда ҳам соз!  
 Лекин жуда олис камолот йўли,  
 Берилган умр ҳаддан зиёд оз,  
 Зарур садоқатли ёрдамчи қўли.  
 Мададкоринг бўлсин, сен шоирни топ,  
 Унинг таълимига жон қулоғинг ос.  
 Барча фазилатлар сенга бўлгай хос:  
 Шердай мард бўлурсан, алқордай шитоб,  
 Шведдек устивор, римликдай ҳассос.  
 У ўргатар ўзда қилмоқликни жам  
 Мунофиқликни ҳам, тўғрилиқни ҳам.  
 Сўнг ўйлаб тузилган режага монанд  
 Сени қилар севги риштасига банд.

Фикрингда жам бўлур бу мавжуд дунё,  
Ўзинг микрокосма бўлурсан танҳо.

*Фауст*

Мен кимман ҳам нечук бўлурман одам,  
Агарда одамзод қилгувчи ҳавас —  
Орзулар тожига ета билмасам?

*Мефистофель*

Сен — ўзингсан, ўзга ҳеч кимса эмас.  
Миллион жингалаклик соч тақсанг гарчанд,  
Пошнангни бир қарич кўтарсанг баланд,  
Бари бир — ўзингсан, уринмоқ абас.

*Фауст*

Демакки, билимлар маҳзани аро  
Терган дурларимнинг барчаси бекор?  
Демак ночор эдим, мен ҳануз ночор,  
Заррача камолот бермабди дунё?  
Бир қилча ўтмабман ўзимдан нари,  
Бир қадам қўймабман чексизлик сари?

*Мефистофель*

Калта ўйламоқдир бандалар иши,  
Сен ҳам бошқалардан эмассан ортиқ.  
Бор экан кўксингда ҳаёт оташи,  
Сенга Тангри бермиш омонат тортиқ.  
Сен ундан фойдалан, фурсат ганимат.  
Нечун бу дунёдан излаш ҳақиқат?  
Ўзингники сенга берилган бу бош,  
Ўзингники елканг, қўлинг, оёғинг.  
Ҳукму фармонингда не бўлса йўлдош,  
Демак, бу сеники, лозим билмоғинг.  
Агар аравамга олти от қўшсам,  
Қайга бурсам учса тўртта филдирак,  
Демак, меникидир шу учқур қадам,  
Йигирма тўрт оёқ меники, демак.  
Қоронғу кулбангни тарк эт энди, бас.  
Мен билан бирга юр, кезайлик жаҳон,  
Китоб бандаси, бу — бошвоқсиз ҳайвон,  
Юлқиниб чопишдан ўзгани билмас.

Атрофида не бор — йўқ унда ҳавас,  
Гулу чечакларни қиладур пайҳон.

*Фауст*

Қаёққа борурмиз?

*Мефистофель*

Кўз кўрган ёққа!

Қани бўл, бу ердан кетайлик тезроқ.  
Бас, етар, термулиб қора чироққа,  
Фанимат дамларни бекор ўткармоқ.  
Сенинг таълимингдан азобдир фақат  
Бунда ўзингга ҳам, толибларга ҳам.  
Сомон янчмай қўйсанг бўлмагайсан кам,  
Ҳамкасбингга бўлсин бу бенаф меҳнат.  
Не ҳам айтар эдинг шогирдларингга  
Китобда ёзилган гаплардан бўлак?  
Дарвоқе, улардан биттаси сенга  
Дарс истаб келмоқда, ана у гўдак.

*Фауст*

Бемаҳал келибди, ҳозир вақтим йўқ.

*Мефистофель*

Қўй, бола умиди бўлмасин барбод.  
Кира берсин, сенинг кўнглинг бўлсин тўқ,  
Ўрнингга мен ўзим бўлурман устод,  
Тақя ёпинчиқни бу ёққа узат.

*(Фаустнинг кийимларини кияди)*

О, қандай ярашди кийиминг менга,  
Йўлга шайлана бер, бор, жавоб сенга.  
Шогирд билан ўзим қилурман суҳбат.

*Фауст чиқади.*

Нимадир тафаккур, инсон қудрати!  
Йўқ энди сен учун улар қиммати.  
Ўзни алдамоққа йўл берсанг, инсон,  
Менинг қўлимдасан шунда бегумон.  
Унинг феъли маълум, беором ўйи,  
Бутун коинотни қамраш — тилаги.

Олам шодлигию шавқларни қўйиб,  
 Қайгадир интилар телба юраги.  
 Мен унга ўқитай ҳаёт китобин,  
 Тубанликка отай, қилай банди чоҳ.  
 Кўрсин бу оламнинг барча азобин,  
 Барча пасткашликка бўлосин гувоҳ.  
 Мен унга сув бергум ичиб қонмагай,  
 Унга таом бергум — тўёлмагай ҳеч.  
 У ўзи илинди, лекин ҳарқалай  
 Қўлга тушар эди эртами ё кеч.

*Толиб киради.*

*Толиб*

Келганимга кўп бўлгани йўқ,  
 Аммо сизга ҳурматим улуғ.  
 Сиздай буюк зот билан бир бор  
 Кўришмоққа эдим интизор.

*Мефистофель*

Ҳурмат учун чин дилдан раҳмат,  
 Мендайлардан кўп бунда ғоят.  
 Ушбу маскан танишдир сизга?

*Толиб*

Шу борада ёрдамнингизга  
 Муҳтождирман, муҳтарам устоз.  
 Мен билимга бўлиб ишқибоз  
 Жуда олис юртдан келганман,  
 Илм олишни фарз деб билганман.  
 Кўп ёлборди кетма деб онам,  
 Бўлмас эди, аммо кетмасам,  
 Илм менга — тириклик — ҳаёт!

*Мефистофель*

Бунда яйраб ёзурсиз қанот.

*Толиб*

Устоз, сизга ростини айтсам;  
 Фикрим — энди уйимга қайтсам.

Диққинафас ушбу хоналар  
 Дилга солди ғашлик ва кадар.  
 Бунда йўқдир кенглик ва ёғду,  
 Бунда уйлар тор ва қоронғу.  
 Ўйлайман, бу ҳужралар аро  
 Зардоб ютиб бўлурман адо.

*Мефистофель*

Ўрганишда, дўстим, ҳамма гап,  
 Чақалоқ ҳам кўз очмай, дастлаб  
 Олақолмас она кўкрагин.  
 Одат қилгач, ажратиш қийин.  
 Сиз ҳам қўйгач илмга кўнгил,  
 Ундан сизни айирмоқ мушкул.

*Толиб*

Интилардим жон деб билимга,  
 Кўникмоғим мумкинми, бироқ?

*Мефистофель*

Қизиқурсиз қайси илмга?  
 Қайси соҳа сизга мақбулроқ?

*Толиб*

Истагимга йўқ сира поён,  
 Ҳар соҳанинг олими бўлсам.  
 Сириш очса менга ер, осмон,  
 Сув, ҳавою табиат — олам!

*Мефистофель*

Жуда тўғри, жуда соз ният,  
 Энди зарур фақат ҳаракат.

*Толиб*

Кўнгилдаги ниятим учун  
 Борлиғимни бахш этай бутун.  
 Дам олиш кун, таътилда гоҳи  
 Ўйнаб олсам йўқми гуноҳи?

*Мефистофель*

Ўтказманг ҳеч фурсатни бекор,  
 Илм олишда тартибот даркор.

Олим бўлмоқ учун мукаммал  
 Мантиқ илмин эгалланг аввал.  
 У ақлни чархлайди бардам,  
 Ўргатади интизомга ҳам.  
 Сиздаги бу содда тафаккур  
 Илм сари тўғри йўл топур.  
 Шу пайтгача бўлса оддий иш  
 Сизнинг учун ичмак ва емак,  
 Хато қилган экансиз демак,  
 Лозим унга тўғри ёндашиш.  
 Бу ерда бор учта ҳаракат,  
 Бордур субъект, бор предикат.  
 Инсон ақли бамисли дастгоҳ,  
 Бунда ҳам бор дастак ва шона,  
 Бунда ҳам бор ўриш ва арқоқ,  
 Мингни боғлар бир ип ягона.  
 Аён бўлгач ушбу ҳақиқат,  
 Файласуфга келади навбат.  
 Унда ҳам бордир дастур,  
 Ўргатади у ҳам бирма-бир:  
 Биринчи ва иккинчи нима,  
 Учинчи ва тўртинчи надир.  
 Қанча билманг оламини, аммо,  
 Қанча солманг борлиққа нигоҳ,  
 Бу тафаккур аталган дастгоҳ  
 Тўқиёлмас ҳаётий мато.  
 Билмоқ бўлиб олам асрорин,  
 Жондан жудо қилурлар уни,  
 Бўлакларга бўлурлар уни.  
 Бир кун келиб тўпласа барин  
 Топиб бўлмас тирик аслини.  
 Буни «Encheiresis naturae»<sup>9</sup> атар,  
 Ўз устидан кулиб кимёгар.

*Мефистофель*

Тушунарсиз эртами ё кеч,  
Билгач редукция таъбирин,  
Ҷам мураккаб туркумлаш сирин.

*Толиб*

Англамадим, ҳеч нарса, чин сўз,  
Бош айланди фақат, тинди кўз.

*Мефистофель*

Поёнига етгач бу ишнинг,  
Метафизикага киришинг.  
Неким билмоқ мумкин эмасдир,  
Чуқур дея атамоқ басдир.  
Сўз кўп — силлиқ, ҳар ҳолатга мос,  
Машаққатдан қилувчи халос.  
Лекин билим олмоқда илк бор  
Қатъий тартиб, қоида даркор.  
Шуни билинг энг биринчи фарз:  
Ҷар кун бўлсин беш соатлик дарс.  
Чалинмасдан ҳали кўнғироқ,  
Синфда сиз ўтиринг муштоқ.  
Бир маслаҳат — бошланмасдан дарс,  
Қўлланмага ташлаб кўйинг кўз.  
Билажаксиз, домлангиз айтмас  
Ундан ортиқ бир оғиз ҳам сўз.  
Лек эринмай дафтарингизга  
Ёзиб олинг не айтса домло.  
Гўё тақдис сўзларни сизга  
Айтиб турган каби Руҳилло!

*Толиб*

Ёзиб олгум битта кўймай, соз,  
Ёзишга мен жуда ишқибоз.  
Аён, неки хатга тушди, бас,  
Уни асло йўқотиб бўлмас.

*Мефистофель*

Хўш, кирурсиз қайси бўлимга?

*Толиб*

Хуқуқ унча ёқмас кўнглимга.

*Мефистофель*

Балли! Бўлинг бу фандан нари —  
Қуруқ қоғоз даста-дасталик.

Кўҳна қонун ақоидлари  
Бамисоли ирсий хасталик.

Беш-ўн авлод яшар гоҳ қонун,  
Ўтиб борар, аммо давр эса —  
Бир вақт қонун — кори хайр эса,  
Ул кори хайр кулфатдир букун.  
Тирикликнинг қонуни ўзга,  
Аммо уни илмаслар кўзга.

*Толиб*

Қонуншунос бўлмоғим мушкул,  
Унга менда йўқдир иштиёқ.  
Илоҳиёт илми дурустроқ.

*Мефистофель*

Зинҳор урманг бу илмга қўл!  
У мисоли поёнсиз ўрмон,  
Адашади кирган бегумон.  
Мен кўрсатай сизга тўғри йўл:  
Не деб сизни алдаса домло,  
Ишонингу, такрорланг фақат.  
Шак келтирманг унга мутлақо,  
Кўрмагайсиз шунда уқубат.  
Сўзни маҳкам ушланг, тўғри йўл  
Элтар сизни ишонч қасрига.

*Толиб*

Тўғри, аммо ҳар бир сўз эга —  
Ўз мазмуни — маъно аслига.

*Мефистофель*

Маъно излаш — кераксиз меҳнат,  
Унга йўқдир асло зарурат.  
Силлиқ сўзлар топилса боплаб —  
Маъносиз ҳам тузса бўлур гап.



Куруқ сўзнинг ўзидан доим  
 Назариёт яратар олим.  
 Билмоқ керак сўзни муқаддас,  
 Сўзни асло рад этиб бўлмас.

*Толиб*

Савол бериб сизни чарчатсам,  
 Мени маъзур тутарсиз албат.  
 Гар бўлмаса илоҳиёт ҳам  
 Қалай экан илми табобат?  
 Уч йил экан ўқиш муддати,  
 Уч йил унга кўп эмас, фақат —  
 Астойидил қилсам ҳаракат  
 Насиб бўлгай бу фан ҳикмати.

*Мефистофель (Четга)*

Тегиб кетди домлалик жонга,  
 Айлангим бор яна шайтонга.  
*(Толибга)*  
 Табобатнинг асрори надир?  
 Билмоқ буни машаққат эмас.  
 Олам аро бўлса қанча сир —  
 Барчасини ўрганинг бир-бир,  
 Сўнгра улоқтиринг, шарт эмас.  
 Соғ мияни ачитмоқ нечун?  
 Таваккалнинг измини тутинг.  
 Неки сизга лазиздир букун,  
 Олмоқ мақсад бўлсин сиз учун,  
 Ўзга ғамни тамом унутинг.  
 Келишгансиз, кучга тўлгансиз,  
 Ҳали ёшсиз, ўтсиз, аланга.  
 Ким виқорни касб этса — азиз,  
 Халойиқнинг ҳурмати анга.  
 Қўйинг, дониш китобин ёпинг,  
 Аёлларнинг ёнига чопинг.  
 Сиз уларга бўлинг харидор,  
 Сиз уларнинг кўнглини топинг.

Кўлингизда энг зўр дору бор  
 Жононларнинг оҳ-фигонига,  
 Ора киринг улар жонига.  
 Бўлиб гўё камтар камина,  
 Гўё эгри фикрдан йироқ,  
 Сиз касалнинг оҳистагина  
 Юрагига тутасиз қулоқ.  
 Андак дадил, андак ҳаёлик —  
 Текширасиз сўнгра беписанд —  
 Сиқиб қўйган эмасми нозик —  
 Кўкракларни қаттиқ сийнабанд.

*Толиб*

Бу — бошқа гап! Омаднинг нақди!  
 Маслаҳат соз — иш боривождир.

*Мефистофель*

Назария — қуруқ оғочдир,  
 Аммо яшнара ҳаёт дарахти.

*Толиб*

Сўзингиздан йўқолди ҳушим,  
 Ўнгимми бу ва ёки тушим?  
 Раҳмат сизга, яна келаман.

*Мефистофель*

Келинг, жуда хурсанд бўламан.

*Толиб*

Табаррук бу даргоҳингиздан  
 Қуруқ кетмай — балки бирор сўз  
 Дафтаримга ёзиб берарсиз?

*Мефистофель*

Майли, бўлсин хотира биздан.  
 (Толибнинг дафтарига ёзиб беради)

*Толиб*

(Ўқийди)  
 Eritus sicut Deus scientes bonum et malum<sup>10</sup>.  
 (таъзим билан хайрлашиб чиқади).

*Мефистофель*

Холам илон сўзин ёд этсанг агар  
Тангри монандликдан қолмагай асар.

*Фауст киради.*

*Фауст*

Хўш, қаён борурмиз?

*Мефистофель*

Қайга десанг ҳам.

Аввал кичик олам, сўнг катта олам  
Сирин очгай бизга. Фойдали бу дарс  
Сенга завқли бўлур, ҳеч мушкул эмас.

*Фауст*

Аммо соқолимга қара, кўп узун,  
Ярамасам керак шавқу завқ учун.  
Шодлик оламига бўлардим эга —  
Андак енгилтаклик етишмас менга.  
Мен қувноқ улфатлар давраси аро  
Ўзни йўқотурман боладек гўё.

*Мефистофель*

Ҷишшга ўрганиш унча қийинмас,  
Шарти шу — ўзингга ишонч бўлса бас.

*Фауст*

Қандоқ сафардур бу турфа ғаройиб?  
От йўқ, арава йўқ, аравакаш йўқ.

*Мефистофель*

Мана ёпинчигим, уни кенг ёйиб,  
Ҳавога учгаймиз, кўнглинг бўлсин тўқ.  
Аммо ола кўрма ортиқча тугун,  
Халал бергай бизга юксалмоқ учун.  
Менда бор парвозга ўт билан ҳаво,  
Учурмиз, вазнимиз сабодак бўлсин.  
Қутлуғ бўлсин сенга янги бу дунё,  
Янги ҳаёт сенга муборақ бўлсин!

# ЛЕЙПЦИГДАГИ АУЭРБАХ ЕРТЎЛАСИ

*Кайф-сафо билан машгул улфатлар.*

*Фрош*

Ҳеч ким ичмас, демак? Кулги ҳам етар?  
Ҳеч кимга керакмас шодлик ва ханда?  
Кўринишдан туппа-тузук йигитлар  
Сувга тушган нондай ўлтирар бунда.

*Брандер*

Йигитлар кулмаса ўзинг айбдор,  
Қилиқ кўрсатмадинг бизларга бир бор.

*Фрош*

*(унинг бошидан бир қадаҳ май қуяди)*  
Мана керак бўлса!

*Брандер*

Эҳ, тўнғиз, ифлос!

*Фрош*

Сен қилиқ сўрадинг, бажардим, холос.

*Зибель*

Бас, жанжални тугат! Ким бошласа жанг,  
Калтак ейди мендан. Қўшиқ айт ҳамманг!

*Альтмайер*

Бунча бақирмасанг, қулоғим битди,  
Уч қават пардаси ёрилиб кетди.

*Зибель*

Буни йўфон овоз дерлар, яъни бас,  
Девор титрамаса ҳисобга ўтмас.

*Фрош*

Қўшиқ ёқмаганлар чиқсин эшикка,

*Альтмайер*

Та — ре — рай — рай!

*Фрош*

Овозлар мослашди энди қўшиққа.  
*(куйлайди)*

«Айтинг, муқаддас Рим империяси  
Барбод бўлмадими, борми дунёда?»

Брандер

Кўйсанг-чи, сиёсий қўшиқ нимаси,  
 Бемаъни қўшиқ; йўқ бундан зиёда.  
 Тангрига минг бора қилингки шукр,  
 Бесалтанат борсиз саломат ёмон.  
 Сизда империя ташвиши йўқдир,  
 Сизнинг мурудингиз ўзгадир тамом.  
 Яхшиям эмасман на шоҳ, на қирол,  
 Ва на империя котибимасман.  
 Фақат кўп қатори оддий фуқаро,  
 Фақат хўп мириқиб май ичган мастман.  
 Ва лекин бошлиқсиз иш доим чаппа,  
 Шунинг учун керак бизларга папа.

Фрош

*(Куйлайди)*

Уч, булбулим, жон булбул,  
 Юксал осмонга.  
 Саломим етказ кўнгил  
 Севган жононга.

Зибель

Жононларга нима бор?  
 Улар не ҳожат!

Фрош

Жўрабоши, бу қадар  
 Бўлма бешафқат.  
*(Куйлайди)*  
 Эшикни оч, ёр келди,  
 Эй, соҳибжамол.  
 Тонг отди-ю ёр кетди,  
 Энди қулфлаб ол.

Зибель

Нечун жононларга бунча шараф-шон?  
 Уларга қилурсиз бунча жон фидо?  
 Менга жононларнинг кимлиги аён,  
 Бари алдоқчидир, бари бевафо.  
 Чорраҳадан ўтса, мен севган барно,

Така бўлиб унга йўлиқсин шайтон.  
 Блоксбергда эчки берсину салом,  
 Сўнг маъраб тиласин хайрли оқшом.  
 Кўнгли пок йигитга у бегонадир,  
 Қанча нола қилма — боқмас тош юрак.  
 Унга таъзим килган ғирт девонадир,  
 Дарчасини уриб синдирмоқ керак.

*Брандер*

*(Столга мушт уриб)*

Бир таклиф бор, жаноблар, диққат!  
 Мен турмушдан анча хабардор.  
 Бунда барча — аҳли муҳаббат,  
 Бу йиғинни нишонлаш даркор.  
 Менда янги бир қўшиқ бор — зўр,  
 Нақаротга ҳамма бўлсин жўр.

*(Куйлайди)*

Бир каламуш мойни еб.  
 Роса тўйибди.  
 Доктор Лютердек бўлиб  
 Қорин қўйибди.  
 Бека бир кун маргимуш  
 Ташлабди аста.  
 Каламуш беҳол эмиш,  
 Ошиқдай хаста.

*Ҳамма*

Ошиқдай хаста.

*Брандер*

Ўзни ҳар ён урди у,  
 Югурди ҳар ёқ.  
 Ичин ўртади оғу  
 Аммо баттароқ.  
 Кўлмаклардан ичди сув.  
 Айланди гир-гир.  
 Чийиллаб йиғлади у  
 Ошиқдай дилгир.

Ҳамма

Ошиқдай дилгир.

Брандер

Ошхонага кирди у,

Сўнгра ноғихон —

Ўт олдига келди-ю,

Йиқилди бежон.

Бека қаҳ-қаҳ уради:

«Ажабо, не ҳол!

Қаранг, шўрлик тугади

Ошиқдай беҳол!»

Ҳамма

Ошиқдай беҳол.

Зибель

Ажаб, шу ҳам қўшиқ бўлди-ю...

Каламушга бермишлар оғу, —

Бу не эртак, бу не ҳикоя?

Брандер

Гапга қаранг! Қай замондан у

Каламушни қилар ҳимоя?

Альтмайер

Ҳайрон бўлманг, бу қориндор кал

Эшитганда қўшиқнинг сўзин,

Нафс балоси туфайли ўсал

Каламушга ўхшатди ўзин.

*Фауст ва Мефистофель кириб келадилар.*

Мефистофель

Мана, келдик, сенга аввало

Кўрсатурман шу майхонани.

Бунда кўриб фақат кайф-сафо,

Эшитурсан шод таронани.

Маънилик гап йўғу қувнашиб,

Қаҳ-қаҳлашур ичиб олгач май, —

Худди думи билан ўйнашиб

Яйрагувчи мушук боладай.

Улар учун ғам-ташвиш абас,  
 Қилмаса бас бош оғриқ диққат,  
 Қаҳвахона эгаси фақат  
 Нася майни бериб турса бас.

*Брандер*

Ўзга юртлик меҳмонлар, қаранг!  
 Ҳозир келган кўринур улар,  
 Чунки бири жуда ҳангу манг.

*Фрош*

Гапинг тўғри, келгиндидурлар.  
 Лейпциг эса — кичкина Париж,  
 Одамлари тамоман ўзга.  
 Бу ерликни қийинмас таниш,  
 Бир қарашда ташланур кўзга.

*Зибель*

Қайдан келган улар, ўзи ким?

*Фрош*

Мен уларга икки қадаҳ май —  
 Бераман-да, сўрамай нетмай,  
 Кимлигини айтаман ўзим.  
 Мартабалик зот, балки улар,  
 Боқишлари мағрур, бепарво.

*Брандер*

Улар — ўтакетган фирибгар.

*Альтмайер*

Бу тўғри гап!

*Фрош*

Шошманг мутлақо,  
 Мен синайман, шоҳиддир Худо.  
 (Фаустга)

*Мефистофель*

Қара, шайтонга ҳам қилмаслар парво,  
 Боқмаслар бўғзидан тутсам-да агар.

*Фауст*

Салом, эй жаноблар!



Зибель

Саломат бўлинг!

(Мефистофелга кўз қирини ташлаб, ўзича)

Бир оёғи оқсоқ кўринар бунинг!<sup>1</sup>

Мефистофель

Мумкинми кўшилсак биз ҳам суҳбатга?

Бунда яхши шароб топилмаса ҳам

Хурсандмиз учраган яхши улфатга.

Альтмайер

Дидингиз нозикка ўхшар, муҳтарам.

Фрош

Мабодо, сиз кеча Риппахда кўниб —

Ганс тентакка ҳамдам бўлмадингизми?

Мефистофель

Топдингиз, шу бугун сўйлашдик тўйиб,

Акаси экансиз, сўради сизни.

Ёдимдан чиқибди, қаранг, азизим,

Сизга йўллаганди салом ва таъзим.

(Фрошга таъзим қилади)

Альтмайер (секин)

Боплардан шу!

Зибель

Закий экан у, балли!

Фрош

Кўрсатиб кўяман, шошмасин ҳали.

Мефистофель

Бизлар остонадан қадам кўйганда

Кўшиқ айтардингиз сизлар қувноқ, соз.

Ашулага жуда боп жой экан-да,

Жаранглаб чиқади бу ерда овоз.

Фрош

Ўзингиз ҳам куйлаб чаласизми соз?

Мефистофель

Ҳавас зўру, аммо қобилият оз.

*Альтмайер*

Бирор нарса айтинг.

*Мефистофель*

Майли, марҳамат.

*Зибель*

Янги қўшиқ бўлсин, шарти шу фақат.

*Мефистофель*

Биз Испан юртидан келяпмиз бу он,  
У юрт шароб билан ашулага кон.

*(Куйлайди)*

«Бўлган экан бир қирол

Ҳам дўсти бурга».

*Фрош*

Жуда соз — қиролга бургадир ўртоқ,

Лойиқ жуфт топилмас қиролга бундоқ.

*Мефистофель (қўшиқ айтади)*

«Бўлган экан бир қирол

Ҳам дўсти бурга.

Яшар эканлар хушҳол

Икковлон бирга.

Доно қирол чақирди

Чеварин бир кун,

Либос тик деб бақирди,

Бургажон учун».

*Брандер*

Айтиш шарт буйруқда шуни ҳам қўшиб:

Силлиқ, соз кийинсин бургавой жаноб.

Агар бирор ери қолса буришиб,

Чевар боши билан беради жавоб.

*Мефистофель (қўшиқ айтади)*

Мана, бурга эгнида

Шоҳона либос.

Нақшин қилич белида,

Саркардага хос.

Кўксида нишон қатор,  
 Вазирдир оти.  
 Саройда бор мансабдор —  
 Бурга авлоди.  
 Бурга сўрар ҳаммани,  
 Лекин ҳамма дам.  
 Пайса-пайса бадани  
 Қиролича ҳам.  
 Ҳатто қичиб кўргани  
 Журъат йўқ, лек биз —  
 Биз оддий халқ — бургани  
 Шаққа эзамиз.

*Ҳамма (хурсанд)*

Биз оддий халқ — бургани  
 Шаққа эзамиз.

*Фрош*

Нақадар соз кўшиқ! Жуда зўр маъно!

*Зибель*

Барча бургаларга шу бўлсин жазо!

*Альтмайер*

Яшасин озодлик! Яшасин шароб!

*Мефистофель*

Озодлик ҳақиға ичардим мен ҳам  
 Шароб бўлганида агар чинакам.

*Зибель*

Бу тухмат! Қайда бор бундай тоза май!

*Мефистофель*

Майхона эгаси ранжимаса гар  
 Тотиб кўрардингиз мазаси қалай  
 Бизнинг ертўладан чиққан шароблар.

*Зибель*

Кўрсатинг, хижолат чекманг ҳеч, мен бор!

*Фрош*

Фақат шароб таъмин билмоғим учун  
 Тўйгунча симириб кўришим даркор,

Бир-икки қултуми ҳеч қилмагай кор.  
Тўлатиброқ қуйинг, сезай май кучин.

*Альтмайер (секин)*

Ҳа, булар Рейндан келишган, топдим!

*Мефистофель*

Битта парма топинг.

*Брандер*

Не учун парма?

Ёки ташқарида бочкангиз борми?

*Альтмайер*

Анов қутида бор ҳамма асбобдан.

*Мефистофель (пармани олиб Фрошга)*

Айтинг, сизга қандай шароб мақбулроқ?

*Фрош*

Қизиқ! Сизда майнинг хили кўп демак?

*Мефистофель*

Марҳамат, буюринг, кимга не керак?

*Альтмайер (Фрошга)*

Шошма, сўлагингни артиб ол, ўртоқ.

*Фрош*

Менга Рейн майидан ўзгаси бекор,

Ўз юртим шароби мен учун азиз.

*Мефистофель*

*(Фрош ўтирган жойдан столни тешиб)*

Тешикни ёпишга озроқ мум даркор.

*Альтмайер*

Бу одам — афсунгар, ҳали кўрасиз!

*Мефистофель (Брандерга)*

Сизга қай биридан?

*Брандер*

Шампандан бўлсин,

Мавж уриб, кўпириб, шифтга отилсин.

*Мефистофель пармалайди. Меҳмонлардан бири мум билан тешикларни беркитиб боради.*

Ўзга юрт инъомин рад этмоқ абас,  
Олис эллардан ҳам келади савоб.  
Француз немисга гарчи дўст эмас.  
Лекин яхши кетар фарангий шароб.

*Зибель*

*(Мефистофель унинг ёнига яқинлашаркан)*  
Ҳеч ича олмайман мен нордон шароб,  
Ширинроғи бўлса — албатта бизга.

*Мефистофель (пармалайди)*

«Токай» шаробидан қуяман сизга.

*Альтмайер*

Кўзимга бир қаранг, муҳтарам жаноб,  
Бизни лақиллатмоқ бўляпсиз, аён!

*Мефистофель*

Қўйсангиз-чи, ахир эмас-ку осон  
Шундай эътиборли зотларни алдаш.  
Қани, энди қилинг истакни баён,  
Биздан — қуйиб бериш, сизлардан — танлаш.

*Альтмайер*

Не бўлса ҳам тезроқ! Ўртанди-ку жон.

*Мефистофель (турфа ҳаракатлар билан)*

Токда шарбатли узум,  
Эчкининг шохи узун.  
Май онаси оғочдир,  
Оғоч майлик саночдур.  
Агарда мен истасам  
Шу оғоч курсидан ҳам  
Мисли фаввора — тинмай  
Отилиб чиққуси май.  
Мўъжиза тўла олам,  
Битта мўъжиза бу ҳам.

Қопқоқларни очинг, ичинг, марҳамат!

*Ҳамма (тешиклардан мумни кўчиришади, ҳамма-нинг тилаган шароби қадаҳларга қуйилади.)*

Бахтли кун борми бундай!

Булоқ бўлиб оқар май!

*Мефистофель*

Бирор томчисини тўқмангиз фақат.  
(яна бир қадаҳдан ичишади)

*Ҳамма (куйлашади)*

Роса мириқяпмиз, яйраяпмиз биз,  
Мисоли балчиқда беш юзта тўнғиз.

*Мефистофель (Фаустга)*

Озодликка чиқди, қара, дайр эли.

*Фауст*

Кетайлик, кўнгилга тегди бу макон.

*Мефистофель*

Шошмай тур, буларнинг ҳайвонлик феъли —  
Бутун кўрки билан бўлсин намоён.

*Зибель эҳтиётсизлик қилиб, майни тўқади,  
май тўкилган ердан ўт чиқади.*

*Зибель*

Ўт кетди! Дод, ёрдам! Дўзах ўти бу!

*Мефистофель (дуо ўқийди)*

Тинчлан, тез сўн, менга қадрдон офат!  
(Ҳаммага)

Бу фақат аросат алангаси-ку!

*Зибель*

Бас қил, эй жодугар, ҳазилни тўхтат,  
Йўқса орттирасан бошингга кулфат.

*Фрош*

Яна бир такрорлаб кўргин-чи, қани!

*Альтмайер*

Бўлди, яхшиликча жўна, ҳе сани...!

*Зибель*

Қандай журъат килдинг, афсунгар разил.  
Бу ерда биз билан қилмоқда ҳазил?

*Мефистофель*

Жим бўл, меш!

Зибель

Тилни тий, чўлтоқ супурги!  
Керакми ё сенга бир-икки туртки!

Брандер

Ҳали муштимизни синаб ҳам кўрар!

*Альтмайер битта мум қопқоқни  
сугуради — тешикдан олов чиқади.*

Альтмайер

Вой, дод! Олов! Ёндим!

Зибель

Ушланг! Жодугар!  
Мукофот олади ким тутса агар!

*Пичоқ сугуриб, Мефистофелга ташланади.*

Мефистофель (бепарво)

Тинглаб жоду сўзларин,  
Туман қоплаб кўзларин,  
Кўрсин улар ўзларин  
Ҳам бундаю, ҳам унда.

*Ҳамма бир-бирига ҳайрат билан қараганча  
тўхтаб қолади.*

Альтмайер

Ажабо, қайдамен? Қандай сўлим боғ!

Фрош

Бу тоқларни кўру узумларга боқ!

Зибель

Бош-бош узумлардан узилмас кўзим!

Брандер

Мана нақ олтиндай бир шингил узум!

*(Зибелнинг бурнидан ушлайди. Бошқалар ҳам  
шундай қиладилар ва пичоқларини кўтарадилар)*

*Мефистофель (аввалги ҳолатда)*

Тарқалсин кўзларни қоплаган тутун,  
Ёдингизда қолсин шайтоний ҳазил.

*(Фауст билан бирга кўздан йўқолади.  
Қолганлар жой-жойларига тарқалишади.)*

*Зибель*

Бу не ҳол!

*Альтмайер*

Ҳайронман!

*Фрош*

Кўлимда бурун!

*Брандер (Зибелга)*

Мен сенинг бурнингдан ушлабман, сабил!

*Альтмайер*

Курси беринг менга, бу нечук аҳвол, —  
Танимда заррача қолмади мажол.

*Фрош*

Тушунолмай қолдим, ўзи нима гап?  
Қаерда эдим мен! Не кўрди кўрдим?

*Зибель*

Қани у найрангбоз? Ушласам, боплаб  
Адабини бериб қўярдим ўзим.

*Альтмайер*

Кўрдим, у бочкага сакраб минди-ю  
Учиб кетди. Ҳануз титрайди тиззам.  
*(Столга қараб)*

Тешиқдан май чиқди. Рост эдими шу?

*Зибель*

Бўлмаган гап. Алдаб кетди муттаҳам.

*Фрош*

Аммо мен тешиқдан ичдим-ку бода!

*Брандер*

Токзор-чи? Узум-чи? Ёлғонми бу ҳам?

*Альтмайер*

Мўъжиза бор экан, демак, дунёда!



## АЛВАСТИНИНГ ОШХОНАСИ

Пастак ўчоқда ёнаётган ўтга катта қозон қўйилган. Қозондан чиқаётган буғда сирли шарпалар кўринади. Ургочи маймун қозоннинг кўпизини олиб, шопириб туради. Эркак маймун эса ўчоқ бошида болалари билан исиниб ўтирибди. Шифт ва деёларга алвастининг асбоблари осилган.

Фауст ва Мефистофель кириб келадилар.

Фауст

Беҳудман, кўз тинди, кўнгил беором,  
Наҳотки зулматгоҳ бу маскан тамом —  
Андуҳлардан халос этур бошимни.  
Наҳотки алвасти пиширган таом  
Ўттизга қисқартар менинг ёшимни.  
Табиатнинг ўзи қилмаса даво,  
Ўзи мақсудимга бермаса ривож,  
Демакки, валимга йўқ экан шифо,  
Демакки, йўқ экан ҳеч қандай илож.

Мефистофель

Сўзларинг нақадар одил ва оқил,  
Жодудан ўзга ҳам шифо бор албат.  
Фақат сен эмассан бу йўлда омил,  
Бажаришга бўйнинг ёр бермас фақат.

Фауст

У нима?

Мефистофель

Бу амал қийин эмас ҳеч,  
Керакмас манови таом ҳам сабил.  
Бир парча ер олу сен уни боғ қил,  
Ҳайда, чоп, эк, хуллас, тер тўк эрта-кеч.  
Хаёл парвозини тарк эт мутлақо,

Замин ила боғла умрингни тўқис.  
 Бир парча ерингда айлан доимо  
 Бамисоли қўшга қўшилган хўқиз.  
 Тонг отмасдан қўйгин далага қадам,  
 Жирканма, курак ол, ерга гўнг тўқкин.  
 Шунда сен, ҳаттоки саксон ёшда ҳам  
 Қайтадан ёшликка қайтмоғинг мумкин.

*Фауст*

Йўқ, асло! Менга бу тубанликдир ёт,  
 Феълимга бегона ўроғу курак.  
 Талабим ҳамиша юксак хаёлот.

*Мефистофель*

Шундай экан, демак, алвасти керак.

*Фауст*

Бу таомни ўзинг пиширсанг бўлар,  
 Нечун шум кампирга ялиниб турмоқ?

*Мефистофель*

Иқрорман, қўлимдан келмас бу ҳунар,  
 Мингта кўприк солиш менга осонроқ<sup>12</sup>.  
 Бунда билим ўзи етмагай фақат,  
 Керакдир мислсиз бардошу тоқат.  
 Гиёҳ қайнаб, дори бўлгунча тайёр  
 Кўп йиллар сабр ила кутмоқлик даркор.  
 Бунчалик мушкул иш йўқдир оламда,  
 Тоқат қилмоққа ҳеч етмайди кўзим —  
 Шу сабаб, йўлини яхши билсам-да,  
 Дору тайёрлашга ожизман ўзим.  
 (маймунларни кўриб)  
 Дўмбоқларни қара, қандай беозор!  
 Чўриси мана бу, манов хизматкор.  
 (маймунларга )  
 Бекангиз қаерга йўқолди зумда?

*Ҳайвонлар*

Бека ҳозир базмда,  
 Тутиб шамол қўлидан  
 Учиб кетди мўридан.

*Мефистофель*

Қачонгача санқиб юрмоқчи момо?

*Маймунлар*

Панжамизни иситгунча то.

*Мефистофель (Фаустга)*

Қалай бу ҳайвонлар, сенга маъқулми?

*Фауст*

Бундай хунук нарса кўрмаганман ҳеч.

*Мефистофель*

Мен шод этиб шулар билан кўнгилни

Сухбатлар қураман саҳардан то кеч.

*(Маймунларга)*

Қани, жавоб берсин аҳли пазанда,

Нима пишаётир манов қозонда?

*Ҳайвонлар*

Ёвфон қайнаётир гадолар учун.

*Мефистофель*

Демак, хўрандалар кўп бўлар бу кун.

*Эркак маймун*

*(Мефистофелга яқин келиб суйкалади)*

Келақол, бир бор —

Ўйнайлик қимор.

Чўнтагим тўлар

Пулга бой бўлсам,

Манов калла ҳам

Ақли бўлар.

*Мефистофель*

Ўзин йўқотгудек бўларди мамнун

Ютиб олса агар қимордан маймун.

*Маймунчалар ўйнашиб, катта шарни  
хона ўртасида юмалатишади.*

*Эркак маймун*

Қўлингда болам,

Курраи олам —

Тўпдир юмалоқ.  
 Ялтирар юзи,  
 Ичи бўш ўзи,  
 Бир шишадир, боқ.  
 Бир ер нурафшон,  
 Бир ер зимистон.  
 Ўйнашма, болам,  
 Омонат олам,  
 Мўрт ойинадир.  
 Бўл ундан йироқ,  
 Тегсанг қалтисроқ  
 Чил-чил синадир.

*Мефистофель*

Айтинг, нечун манов панжара?

*Эркак маймун (панжарани олиб)*

Ўғри кирса гар хонамизга,  
 Шу панжара кўрсатур бизга.

*(Ургочи маймуннинг олдига келади  
 ва уни панжарадан қаратади)*

Уйимизда ўғри бор, қара,  
 Сен ўғрини кўряпсан, фақат  
 Қилмаяпсан айтмоққа журъат.

*Мефистофель (оловга яқинлашиб)*

Манов кўза нимага керак?

*Эркак маймун*

Бефаҳм тентак,  
 Ажратмоқ керак.  
 Кўза нимаю  
 Нимадир қозон.

*Мефистофель*

Қандай жавоб бу,  
 Бетаъсир ҳайвон!

*Эркак маймун*

Ана, курси, ўлтир марҳамат,  
Супурги бор елпишга фақат.  
(*Мефистофелни ўтқзади*)

*Фауст*

(*Ойна олдида турганча гоҳ яқинлашиб,  
гоҳ узоқлашиб томоша қиларкан*)  
Ажабо, бу қандай мунаввар талъат —  
Сеҳрли кўзгуда бўлди намоён?  
Кел, менга қанот бер энди, муҳаббат,  
Тезроқ олиб учгин парирўй томон.  
Қайдадир гўзалнинг қутлуғ маскани,  
Яқинми, ё олам бурчидами у?  
Ё бу фақат рўё, хаёл тумани,  
Ўшал туман аро қолгайми мангу?  
Бу қандай гўзаллик, тафаккур билан  
Унга бовар қилмоқ мушкул ниҳоят.  
Наҳот, бу оламда бўлса шундай тан,  
Шундай юз, шундай лаб ва шундай қомат.

*Мефистофель*

Бўлмасам-чи, ахир Тангрининг ўзи  
Олти кун тер тўкиб, ишлагач фақат  
Еттинчи кун айтди «Офарин» сўзин,  
Демак, ўзига ҳам ёқди бу хилқат.  
Ҳозирча сен уни қилгин тамошо,  
Мен сенга шундайин топайки ҳали,  
Унинг висолига бир бор етгали  
Олам йигитлари қилсин жон фидо.

*Фауст ҳамон ойнага тикилади, Мефистофель  
эса супургини ўйнаб, курсида ўтирганича  
керишиб давом этади.*

Тахтдаман, қўлимда шоҳона асо,  
Подшоман, фақат тож етишмас, аммо.

*Маймунлар*

(Турфа ҳаракатлар қилиб Мефистофель ёнига келишади ва унга иккига бўлинган тож беришади.)

Мана сенга тож,  
Ямашга илож —  
Кўз ёшу қондир.

(Қўпол ҳаракат килиб тожни қўлдан туширишади, у чил-чил синади)

Тамом! У синди!  
Ишимиз энди  
Оху фигондир.

*Фауст (ойна ёнида)*

Тамом бўлдим, не ҳол, ўнгимми, тушим?

*Мефистофель (маймунларни кўрсатиб)*

Менинг ҳам бошимдан учмоқда ҳушим.

*Маймунлар*

Бўлса бир хуш дам,  
Ҳатто биздан ҳам  
Чиқади маъно.

*Фауст*

Юрагим ёнмоқда бир оташ аро,  
Бас, кетайлик, ортиқ чидашим душвор.

*Мефистофель*

Гарчи булар маймун бўлса ҳам, аммо  
Баъзи шоирлардан минг марта аъло.  
Сўзлари самимий, очиқ ва ошкор.

*Ургочи маймун қозонга қарамай қўяди  
ва қозон қайнаб тоша бошлайди. Аланга  
мўрига ўрлайди. Даҳшатли чинқириқ билан  
ўт ичида Алвасти пайдо бўлади.*

*Алвасти*

Ҳай-ҳай-ҳай!  
Эй анқов, шалтоқ!

Қозонни қандай  
Тоширдинг аҳмоқ?  
Куйдирдинг мени,  
Шошмай тур сени...

*(Фауст ва Мефистофелни кўриб қолади)*

Булар ким энди?  
Бу нечук ташриф?  
Ким сизни этди  
Бу ерга таклиф?  
Айтяпман сизга,  
Йўқолинг дарров.  
Башарангизга  
Сочаман олов.

*(Қозонга чўмич ботириб, ҳаммага олов  
сочади. Маймунлар чинқиршади.)*

*Мефистофель*

*(Супурғи дастаси билан идишларни  
уриб синдиради)*

Биз турмаймиз жим,  
Қилмаймиз таъзим.  
Билмабсан биз ким,  
Шошмай тур ҳали.  
Сингай девор, том,  
Пуф, десам — тамом.  
Сен қилган таом  
Тўкилгай бари.  
Ҳали бу сенга  
Ҳазилим холос —  
Сенинг куйингга  
Жўр бўлганим мос.

(Алвасти даҳшат ичида узоқлашади)  
 Энди танидингми? Эгангман, ўлгур,  
 Сўйласанг бўлмасми сўзингни билиб.  
 Сени бу оламдан йўқотсам бўлур  
 Маймунларинг билан қўшалоқ қилиб.  
 Қизил камзулимни кўрмадингми ё,  
 Сезмадингми хўроз патин бошимда?  
 Гердайиб турибсан зарра бепарво  
 Билмадингми кимдур сенинг қошингда?

*Алвасти*

Кечиринг, билмадим, қарилик қурсин.  
 Не қилай кўрмадим туёғингизни  
 Ҳам қарғани — мангу ҳамроҳингизни.

*Мефистофель*

Кечирдим, балки сен бегуноҳдирсен,  
 Дийдор кўришмадик анчадан буён.  
 Кўп фаслар кечди, ўтди кўп замон,  
 Илму маърифатдан ўзгарди олам,  
 Олам — янги, демак, янги шайтон ҳам.  
 Шимол шарпалари эскирди букун,  
 Урфдан қолиб кетди тирноқ ҳам бутун.  
 Шох ҳам тарк этилди, йўқотилди дум,  
 Буларнинг барчаси эскича удум.  
 Шаклу шамойилим ўзгарди мутлоқ,  
 Менда қолди фақат бир белги — туёқ.  
 Уни ҳам яшириб замонага хос,  
 Қўнж тиктириб олдим оёғимга мос.

*Алвасти (ўйин тушиб)*

Сизни кўрганимдан хурсандман чунон,  
 Хуш келибсиз, бунда азизим шайтон!

*Мефистофель*

Жим бўл, бу исмимни ҳеч олма тилга,  
 Халқ билса обрўйим тушар бегумон.



*Алвасти*

Исмингизни айтсам нимаси ёмон?

*Мефистофель*

Номим аллақачон достондир элга.  
 Доғу касофатнинг тимсоли бўлган,  
 Бу сўздан одамлар қилурлар ҳазар.  
 Олам-ку шайтону ножинсга тўлган,  
 Уларга ҳурмат-ла қилурлар назар,  
 Аммо ёмон отлиқ биз — шайтон азал.  
 Мени барон дея аташинг даркор.  
 Шайтоннинг ҳам баланд наслу насаби,  
 Мен ҳам князлару графлар каби  
 Мағрур юрсам бўлар, мана тамғам бор.

*(Хунук қилиқ қилиб кулади)*

*Алвасти*

Ха-ха-ха-ха! Шунча йиллар ўтса ҳам,  
 Ҳамон шўхлигингиз қолмабди, эгам.

*Мефистофель (Фаустга)*

Ўрганиб қўй, дўстим, алвасти билан  
 Қандай муомала қилмоқни мендан.

*Алвасти*

Буюргайсиз энди менга не хизмат?

*Мефистофель*

Сен ўша шаробдан келтир бир шиша,  
 Оддийсидан эмас — кўҳнаси фақат.  
 Шаробнинг эскиси создир ҳамиша.

*Алвасти*

Сиз айтган шаробдан бир шишаси бор,  
 Гоҳи ўзим озроқ ичиб тураман.  
 Жуда соз, бадбўйи билинмас зинҳор,  
 Бажонидил сизга қуйиб бераман.

*(Мефистофелга аста)*

Ўрганмаган одам чидаши маҳол, —  
 Ҳамроҳингиз ичса ўлади дарҳол.

*Мефистофель*

Нималар деяпсан, ҳамроҳим бу хил  
Шаробдан ўзини йўқотмас мутлақ.  
Дуойингни ўқи, иримингни қил,  
Сўнгра шаробингдан қуй, фақат тезроқ.

*Алвасти галати қилиқлар қилиб, доира  
чизади ва доира ичига ҳар хил идиш-асбоб-  
ларни қўяди. Тозорача-кўзачалар мусиқий  
товуш чиқара бошлайдилар. Алвасти кат-  
такон китоб олади, маймунларни доира  
ўртасига қўяди ва китобни улардан бири-  
нинг устига қўйиб, бошқаларининг қўлига  
машъала беради. Фаустни имлаб чақиради.*

*Фауст (Мефистофелга )*

Бу қандай томоша, бу нечук эрмак?  
Бемаъни қилиқлар нимага керак?  
Ахир булар бари мен учун аён,  
Билиб турибманки, ҳаммаси ёлғон.

*Мефистофель*

Кўя бер, шундайдир унинг одати,  
Сен бу қилиқларга ҳеч қилма парво.  
Ошсин деб дорининг таъсир қуввати,  
Табиблар ҳам шундай қилар доимо.

*(Фаустни доира ичига тортади)*

*Алвасти*

*(Китобга қараб, жазави билан)*

Бирни олиб жўн —

Ундан яса ўн.

Яшир иккини,

Ўйлама уни.

Ёнига қўй уч,

Бу бойлик ва куч.

Тўртни бўлса ёп,  
 Беш, олтини топ.  
 Бўлсин учун қўш,  
 Етти билан қўш.  
 Сўнг уни кўтар  
 Саккизга қадар.  
 Тўққиз жуда жўн —  
 Беркитилар ўн.  
 Мана алвастининг карра жадвали.

*Фауст*

Оббо, алаҳлашга бошлади кампир.

*Мефистофель*

Сабр қил, бу хамир учидан патир,  
 Ҳақиқий томоша олдинда ҳали.  
 Шундай бу китобнинг бошдан оёғи,  
 Мен ўқиб чиққанман сўнггигача то.  
 Унда зид гапларнинг йўқдир саноғи  
 Тентак ҳам, оқил ҳам билмас не маъно.  
 Бу — ҳам янги-ю, ҳам қадимдан бор гап:  
 Асрлар панд бериб, аҳли заминга —  
 Учлигу бирликдан ҳақиқат ясаб,  
 Ўтказиб келдилар ёлғонни чинга.  
 Ҳамон алдайдилар, эл эса кўниб  
 Ўша ақидани қиладилар ёд.  
 Нодон одамлар-чи, куйиб-уриниб  
 Сўзнинг маънисини топганидан шод.

*Алвасти (давом этади)*

Илм асли пинҳон,  
 Етмоқ на имкон  
 Куйдириб жонни.  
 Ва лекин у гоҳ  
 Ўзидан огоҳ  
 Қилур нодонни.

*Фауст*

Васвасадан ақлим йўқотсам керак,  
 Бу гаплар фикримга сифмайди асло.

Шу тобда қулоғим остида гўё  
Баробар қичқирар юз мингта тентак.

*Мефистофель*

Бўлди энди, бас қил доно Сивилла!  
Ундан кўра, қуйгин тўлатиб шароб.  
Кўриб турибсанки, ҳамроҳим — мулла,  
Унча-мунча майдан бўлмайди хароб.  
Илмнинг ҳам, кайфнинг ҳам кўйига кирган,  
Барча даражани бошдан кечирган.

*Алвасти ирим-сиримларни жойига келтириб,  
косага шароб қуяди. Фауст косани лабига  
яқинлаштирганда ундан олов чиқади.*

*(Фаустга)*

Ича бер, бир томчи қолдирмай сипқор,  
Руҳингга шавқ етур, ором топур жон.  
Сен учун оловдан кўрқмоққа не бор,  
Шайтоннинг ўзига бўлгач қадрдон.

*Алвасти доирани очади ва Фаустни  
чиқаради.*

Энди йўлга! Турма! Олга юр фақат!

*Алвасти*

Сизга саломатлик келтирсин шароб!

*Мефистофель*

Яхшилигинг менда қолмагай албат,  
Вальпургия туни қилурмиз ҳисоб.

*Алвасти (Фаустга қозоз беради)*

Битта қўшиғим бор яна сиз учун,  
Бу қўшиқ орттирар шаробнинг кучин.

*Мефистофель*

Қани кетдик! Энди тўхтамоқ зарар,  
Терлаб фуборингни чиқармоғинг шарт.

Шароб ўз қудратин кўрсатгай агар  
 Бутун борлигини қучса ҳарорат.  
 Сайр этгач, навқирон ёшликнинг ҳисси  
 Қалбу вужудингга бўлар ҳукмрон.  
 Шунда муҳаббатнинг гўзал Тангриси  
 Юз жилвалар билан бўлгай намоён.

*Фауст*

Шоширма, бу ҳурнинг тенгсиз жамолин  
 Яна бир зум кўриб, қувонсин кўзим.

*Мефистофель*

Юр, тез, хушрўйларнинг энг баркамолин —  
 Тиригини сенга кўрсатай ўзим.

*(секин)*

Бу шаробни ичгач, унга ҳар аёл  
 Бўлгай Еленадек соҳиби жамол.

## КЎЧА

*Фауст, Маргарита ўтади.*

*Фауст*

Салом, гўзал хоним, хўп денг, бир нафас —  
 Сизга ҳамроҳ бўлиб, кузатиб қўйсам.

*Маргарита*

Мен хоним эмасман, гўзал ҳам эмас,  
 Уйга етоламан кузатувсиз ҳам.

*(Бурилиб жўнайди)*

*Фауст*

О, қандай латофат! Ичурман қасам,  
 Бундайин умримда кўрмадим асло.  
 Нақадар покиза, маъсум бу санам,  
 Андак тикони ҳам йўқ эмас, аммо.  
 Қип-қизил лаблару қонталаш юзлар,  
 Ерга қараб турган уятчан кўзлар

Кўзларимдан нари кетмагай асло,  
Бир умр ёнимда қолгай бу сиймо.  
Қандай оҳанг берди у қисқа сўзга,  
Илож йўқ қойилман демақдан ўзга.

*Мефистофель киради.*

Анов қизни менга кўндириб бер тез.

*Мефистофель*

Қайси қиз?

*Фауст*

Ёнингдан ўтиб кетди-ку.

*Мефистофель*

Гуноҳларин тўкиб, пок бўлиб бу кез  
Кашишнинг ёнидан келаётир у.  
Ўша пайт мен эдим унинг қошида,  
Иқрору тавбасин эшитдим андак.  
Ишон, гуноҳ йўқдир зарра бошида,  
Кўнгли беғубордир мисоли гўдак.  
Унга ҳукмим ўтмас, қилолмам таъсир.

*Фауст*

У ёшмас, ўн тўртдан ошган-ку ахир.

*Мефистофель*

Гапинг ўтакетган суюқнинг гапи,  
Шундай одамлар бор, улар талаби —  
Кўринган ғунчани албатта узмоқ.  
Гўё улар учун яралган олам,  
Улар учун ишқ ҳам, бор гўзаллик ҳам.  
Муқаддас туйғу йўқ уларда, бироқ —  
Сен ҳам ўшаларга ўхшама, ўртоқ.

*Фауст*

Насиҳатингни қўй, муҳтарам ҳомий,  
Усиз ҳам яшамоқ мумкин дунёда.  
Бугун сипқорилсин муҳаббат жоми,  
Кечам шу қиз билан ўтсин сафода.  
Шуни бажарурсан, йўқса тамомий  
Шартномалар бекор бўлгай албатта.

*Мефистофель*

Нима қилмоқ мумкин шу оз муҳлатда?  
Учрашувга сабаб қидирмоққа ҳам  
Икки ҳафта фурсат керакдур, ошнам.

*Фауст*

Ихтиёрим бўлса етти соатда  
Етишардим сўзсиз ўша жононга,  
Ялиниб ўлтирмас эдим шайтонга.

*Мефистофель*

Учар фарангининг гапидир бу гап,  
Аmmo сен бўлмагин бундоқ беқарор.  
Ўйлаб кўр, биринчи кўришдан бошлаб  
Мақсадга етмоқнинг не қизиғи бор?  
Шириндир висолга уриниб етмоқ,  
Тезда қўлга кирган ишқ ҳам беқадр.  
Қандай соз илк дамлар, кўз ёшу оҳ-воҳ...  
Китоблар ҳам шусиз бўлмайди ахир.

*Фауст*

Қўй, шундоқ ҳам менинг иштаҳам дуруст.

*Мефистофель*

Қизиққонлик билан бу иш битмайди,  
Севгида таваккал сира кетмайди.  
Мумкинмас зўр билан висол ундириш,  
Керак тадбир ила ишни дўндириш.

*Фауст*

Топиб бер у қизнинг бирор нарсасин,  
Майли тўғноғичми ва ёки сочбоғ.  
Сўнг мени уйига олиб кир тезроқ,  
Ҳеч кимса билмасин одам шарпасин.

*Мефистофель*

Агар чин бўлса бу шавқу ҳарорат,  
Майли, истагингни бажо қилурман.  
У қиз хонасига ўтқизмай фурсат,  
Шу бугуноқ сени олиб кирурман.

Фауст

Оҳ, уни кўраман, кучаман!

Мефистофель

Асло!

Кўшнисин кўргани чиқиб кетар у,  
Сен эса хонада қолурсан танҳо  
Ҳамда бахт онларин қилурсан орзу.

Фауст

Совға ҳам топиб қўй унга ярашиқ.

Мефистофель

Совға! Ишни шундан бошлаш шарт, балли,  
Хотиржам бўл, ҳады топурман, аниқ.  
Ер остида кўпдир хазина, бугун —  
Бир титиб кўрурман жононинг учун.

## ОҚШОМ

*Кичкина шинам хона. Маргарита сочини  
ўрмоқда.*

Маргарита

Мен боримни берардим агар  
Билмоқ менга бўлса муяссар,  
Кимдир ўша йўлда сўз қотган,  
Оромимни тамом йўқотган.  
У албатта бирор зодагон.  
Йўқса йўлда учраб ноғиҳон  
Нотаниш бир қизга у дадил  
Қилмас эди бу тахлит ҳазил.

(Чиқади)

*Мефистофель ва Фауст кирадилар.*

Мефистофель

Мана келдик. Кир, кўрқма асло.



Фауст

*(Жимликдан сўнг)*

Мени қолдир бу ерда танҳо.

Мефистофель

*(Хонани кўздан кечириб)*

Қандай тоза! Шинам ва сулув.

*(Чиқади)*

Фауст

Дилбаримнинг оромгоҳи бу,  
Менинг учун энг қутлуғ макон.

Бу осуда, бу ним қоронғу  
Хона ичра бир сеҳр пинҳон.

Эй севги деб аталган туйғу,  
Борлигимга бўл сен ҳукмрон.

Не бор бунда, ёр илки барин  
Тартиб этмиш, озода, кўркам.  
Ҳамма нарса бунда камтарин,  
Ҳамма нарса оддий ва шинам.

*(Чарм курсига ўзини ташлайди)*

Кўҳна хонадоннинг сарбаланд тахти,  
Қутлуғ оғушинга ол мени бир он.

Сенда илк соҳибинг ўлтирган вақти  
Кўзларим олдида бўлди намоён.

Ул кўҳна бобонинг осуда бахти —  
Нурсиз нигоҳида бўлганда аён,

Унинг теграсида гўдаклар аҳли  
Жаранг кулгу ила кўтарган сурон.

Менинг дилбарим ҳам шу гурунг аро  
Халоскор ҳақиға айтиб ташаккур

Бобо қўлларида олгандир совғо.

Ҳам ўша қўллардан ўпгандир масрур.

Қандай озодалик! Қандай тартибот!

Оёқ остида йўқ, ҳаттоки ғубор.

Бунда неки бўлса бариди ҳайҳот,  
 Сенинг фариштадек руҳинг устивор.  
 Нозик бармоқларинг сенинг баногоҳ  
 Шу оддий кулбани қилмиш саждагоҳ.  
 Бунда эса...

*(Каравот пардасини кўтаради)*

Э, воҳ, ташласам назар,  
 Бутун вужудимни чулғар бир титроқ.  
 Мен бу кўшк қошида насиб бўлса гар,  
 Соатлаб турардим сезмайин чарчоқ  
 Шу кўшк оғушида соҳиби жамол  
 Ширин тушлар кўрган, гўдак хаёли —  
 Шунда улғайгану тополган камол,  
 Букун — гўзалликнинг нурли тимсоли.  
 Сен-чи? Сен бу ерга келдинг не учун?  
 Ҳеч ўзинг эмассан, бошқасан бугун.  
 Нечун юрагингда ҳаяжон, ҳайрат?  
 Фауст, сен ростдан ҳам ўзингмисан, айт!  
 Излаб келган эдинг бир оний лаззат —  
 Мана юрагингда севги баркамол.  
 Шунчалар ўткинчи наҳот кайфият,  
 Наҳот ўйнар уни эсгувчи шамол.  
 Тасодиф бўлса-ю шу онда дилдор  
 Ногоҳ кириб қолса не қилар эдим?  
 Мен ўз хаёлимдан бўлиб шармисор,  
 Оёғи остига йиқилар эдим.

*Мефистофель*

Келаётир! Тез бўл, тугади фурсат.

*Фауст*

Бўпти, сўнгги марта бир қарай фақат.

*Мефистофель*

Қара қутичамиз оғир ҳарқалай,  
 Манови жавонга солиб қўямиз.

Бунда марвариду зеб-зийнат талай,  
 Эс-хушин йўқотар кўргач шўрлик қиз.  
 Булар овунчоқдир — эрмак бўлгудак,  
 Ўйинчоққа эса ўч бўлар гўдак.

Фауст

Қандоқ бўлар экан?

Мефистофель

Шундайми ҳали!

Балки қутичани олиб қолгали  
 Жазм этдилар жаноб! Билмабман аввал.  
 Сенинг бу ҳолингдан ҳайронман мен ҳам.  
 Шундай хасисмисан? У тобда, ишкал —  
 Бу ишлардан мени озод қил, ошнам.

*(Қутичани жавонга қўяди ва қулфлайди)*

Энди кетиш керак бу ердан тезроқ,  
 Токи сен оғушта бўлган қизалоқ  
 Танҳоликда топиб бу армуғонни,  
 Тайёр бўлсин сенга бермоққа жонни.  
 Киши кўргуликмас ҳозирги чеҳранг,  
 Аттанг!

Мен сени деб қилдим ўзимни гаранг.  
 Сен эсанг,

Турибсан хомушликда танг.

Юзингда йўқ ранг,

Худди одина кун ўтган каби дарс,  
 Метафизикадан қилган каби баҳс.

Юр, кетдик!

*(Чиқишади)*

Чироқ кўтарган Маргарита киради.

*Маргарита*

Нечук ҳаво уйда бўғиқ, дим,  
(Деразани очади)

Ташқарида кезар салқин тун.  
Бир ваҳима чулғар хаёлим.  
Тезроқ кела қолсайди ойим,  
Воҳ, мен бунча қўрқоқман нечун?

*(Қўшиқ айтиб ечина бошлайди)*

Бир қирол бўлган экан  
Қадим шавкатдор.  
Қолган экан ёридан  
Олтин жом ёдгор.

Шу қадаҳда гулгун май  
Ичганда ҳар кун  
Қирол ўзин тутолмай  
Йиғлар экан хун.

Вақт келиб у бойлигин  
Қилди-ю тақсим,  
Ололмади бу олтин  
Қадаҳни ҳеч ким.

У сўнги бор ибодат  
Этмоқ ўйида —  
Берди катта зиёфат  
Денгиз бўйида.

Май қуйди — порлаб турган  
Жомни бўшатди.  
Сўнгра уни мавж урган  
Денгизга отди.

Олтин қадаҳ тўлқинда  
Бўлдию ниҳон,  
Шўрлик қирол ҳам шунда  
Аста берди жон.

*(Кийимларини кўймоқчи бўлиб жавонни  
очади ва қутичани кўради)*

Бу нечук сеҳрдир, нечук ҳикмат бу,  
Қутича қаёқдан келди, ажабо!  
Жавонни қулфлаб кетган эдим-ку.  
Балки онам буни олган омонат,  
Бировга қарз берган бўлса мабодо.  
Мана калит. Қизиқ, унда нима бор?  
Бир бор очиб кўрсам бўлмас-ку гуноҳ.  
О, Тангрим! Мен бунча бойликни зинҳор —  
Умрим бино бўлиб кўрмаганман, оҳ.  
Бундай безакларни энг бой хонимлар  
Олий йиғинларда тақсалар арзир.  
Эҳ, кимники экан бу зару сиймлар,  
Кимники бўлса ҳам тақиб кўрай бир.

*(Қимматбаҳо безакларни тақиб, кўзгу  
олдига келади)*

Оҳ, қани меники бўлса шу зирак,  
Ҳусн ҳам ўзгача — уларни тақсам.  
Табий гўзаллик нимага керак —  
Қачонки, йўқ бизда тузук либос ҳам.  
Ачингандан кўплар мақтар, мақбул дер,  
Асли, барча пул дер,  
Бойлик дер барча.  
Дунёда шўрлик зот йўқдир бизларча.

## САЙРДА

Фауст хаёлга чўмганча кезиб юради.  
Мефистофель унга яқинлашади.

*Мефистофель*

Лаънат бўлсин сенга, дўзахий гумроҳ,  
Афсуски, сўкиш йўқ бундан баттарроқ.

*Фауст*

Сенга нима бўлди? Сўкиниш нега?  
Сен шўрлик шайтонни хафа қилган ким?

*Мефистофель*

Ўзни ташлар эдим дўзах ўтига  
Агарда дўзахий бўлмасам ўзим.

*Фауст*

Ақдан озганинг йўқми мабодо?  
Жазава ярашмас сенга мутлақо.

*Мефистофель*

Бир гап айтсам, сен ҳам бўлурсан ҳайрон,  
Кашишнинг қўлида бизнинг армуғон.  
Бунга Маргарита онаси сабаб,  
«Воҳ» деб ҳушдан кетди бойликка қараб.  
Унинг иши доим тоат-ибодат,  
Черковга жон ила қилур итоат.  
Доим ажратади бечора аёл  
Қай нарса ҳарому қай нарса ҳалол.  
Бизнинг совғамиздан бўлдию огоҳ,  
Нопок эканини сизди баногоҳ,  
Деди: болажоним, қўлингни урма,  
Бировнинг мулки бу, кўз сола кўрма.  
Албатта, бахтсизлик келтирар ишон,  
Кел, буни Тангрига қилайлик эҳсон.  
Қовоғи уюлди бечора қизнинг:  
«Ғамимизни ебди аллаким бизнинг,  
Ҳадясини олсак не гуноҳ экан?  
Берганнинг бетига қарама, деган».

Лекин хабар берди черковга аёл,  
 Маслаҳатга келди кашиш ҳам дарҳол.  
 Она қарорини у мақбул деди,  
 «Балли сизга, ҳақ йўл асли шул, деди.  
 Ўз нафси балосин енга олса ким,  
 Мурод-мақсадига етади доим.  
 Черковнинг даргоҳи кенг, ичи азим,  
 Ҳатто шаҳарларни қилолур ҳазм.  
 Давлатларни сўриб ётар эрта-кеч,  
 Сизнинг совға бўлмас қопчиғига юқ,  
 Ким нима бахш этса ютар — танлаш йўқ,  
 Ҳалолми, ҳаромми суриштирмас ҳеч».

*Фауст*

Ҳа, худди дўкондор яҳудий мисол,  
 Ё қирол — уларга берганинг ҳалол.

*Мефистофель*

Сўнг у жавоҳирни қўлига олди,  
 Йиғиштириб яна қутига солди.  
 Гўё булар эмас олтин тақинчоқ,  
 Балки кўзиқорин ва ёки ёнғоқ —  
 Олди-ю айтмади, ҳаттоки раҳмат,  
 Жўнади Тангридан тилаб саодат.

*Фауст*

Гретхен-чи?

*Мефистофель*

Сира ўрнидан турмас,  
 Тақинчоқ хаёли ҳеч тинчлик бермас.  
 Ким бўлди экан деб совға қилган зот,  
 Ўйлашдан тўхтамас шўрлик бир нафас.  
 Уни олиб қочар сўнгсиз хаёлот.

*Фауст*

Оҳ, бечора қизча! Чекибди азоб!  
 Энди сен тузукроқ бошқа нарса топ.  
 Биринчиси эди ахир овунчоқ.

*Мефистофель*

Сенга ҳамма нарса оддий ўйинчоқ.

*Фауст*

Менинг истагим шу — қилурсан бажо,  
 Қўшниси орқали топажаксан йўл.  
 Шалпайма, шайтонсан — демак, шайтон бўл.  
 Қаердан бўлса ҳам топ янги совфо.

*Мефистофель*

Жоним билан хизмат қилурман, жаноб!

*(Фауст кетади)*

Ажаб, совға қилиш — ошиқнинг дарди!  
 Мумкин бўлса, ҳатто кўкдан моҳитоб —  
 Юлдузларни олиб, ёрга берарди.

## ҚЎШНИНИНГ УЙИ

*Марта*

*(Ёлғиз)*

Э, воҳ, эрим менга қилмади шафқат,  
 Аммо, Тангрим, уни асра саломат.  
 Тирик бева қилиб, ташлаб фироққа,  
 Ўзи сузиб кетди йироқ-йироққа.  
 Мен уни севардим фидо қилиб жон,  
 Садоқатим ёлғиз Тангримга аён.

*(Йиғлайди)*

Ўлиб кетган бўлса йироқда агар,  
 Қани, ҳатто шундан тополсам хабар.

*(Маргарита киради)*

*Маргарита*

Оҳ, Марта!

*Марта*

Гретхен, не бўлди сенга?



*Маргарита*

Қаранг, титрамоқда вужудим бутун,  
Ўша сирли одам жавонда менга  
Қолдирибди яна қутича бу тун.  
Антиқа безаклар — ҳеч йўқ дунёда,  
Аввалгисидан бу юз бор зиёда.

*Марта*

Асло айта кўрма онангга фақат,  
Буни ҳам черковга беради албат.

*Маргарита*

Мана, қаранг буни — қандай аломат.

*Марта*

*(Ясантиради)*

Болажон, кулибди сенга саодат.

*Маргарита*

Афсуски, на черков ва на сайрда  
Тақиб юролмасман уни ҳеч қачон.

*Марта*

Менинг уйимга чиқ, ўзим шу ерда —  
Сени ясатаман ҳар кун, болажон.  
Чиройингни очар марварид, инжу,  
Бунга шоҳид бўлур: сену мен, кўзгу.  
Эрта бир кун байрам, шунда бир дона  
Узукни тақасан... сўнг балдоқ, маржон...  
Онанг ҳам сезмасдан қолади, ишон.  
Сезса топилади бирор баҳона.

*Маргарита*

Ким ташлаб кетмоғи мумкин совғони?  
Бошлаб келмасин-да бирор балони.  
*(Эшик тақиллайди)*  
Балки мени излаб келгандир онам.

*Марта*

Қараб кўрайин-чи...  
*(Эшик тирқишидан қарайди)*  
Йўқ, бошқа одам.  
Аллақандай жаноб.

(Эшикни очади)

Қани марҳамат.

*Мефистофель* киради.

*Мефистофель*

Бостириб кирганим учун бефурсат

Сиз мени, хонимлар, тутгайсиз маъзур.

(*Маргарита олдида тавозе билан чекинади*)

Менга Марта Швердтлейн керак.

*Марта*

Марта — мен.

Биздан нима хизмат, жаноб?

*Мефистофель*

Ташаккур,

Кўп хурсандман, лекин боз бир марта мен

Узр сўрамоғим керак, бемаҳал —

Кирдим чоғи, бердим суҳбатга халал.

Мартабалик хоним олдида ғоят

Ушбу қилмишимдан чекдим хижолат.

Мен кетдим, келарман эртами-индин.

*Марта*

Безакларинг билан, қара, қизалоқ,

Мартабалик хоним бўлиб кўриндинг.

*Маргарита*

Узр жаноб, хоним эмасман мутлақ.

Оддий оиланинг оддий қизиман.

Меники эмасдир тақинчоқлар ҳам.

*Мефистофель*

Хонимларни безак эмас — юзидан,

Қоматидан, мағрур боққан кўзидан,

Хатти-ҳаракати, айтган сўзидан

Ажратиб олади эси бор одам.

Демак, қолсам бўлар. Шодман бағоят!

*Марта*

Менга қандай хабар олиб келдингиз?

*Мефистофель*

Мени кечиргайсиз бўлсам бешафқат,  
Яхши мужда эмас хабарим, эсиз.  
Эрингиз олисда юмди кўзини,  
Олиб келдим унинг видо сўзини.

*Марта*

Э, воҳ, не кўргулик юбординг Худо!  
Ёлғизим, бағримдан бўлдимми жудо?

*Маргарита*

Кўйинг, кўп қайғурманг, йиғлашдан не наф?

*Мефистофель*

Эрингиз ҳақида сўйлай, эшитинг.

*Маргарита*

Ўтмоқ минг бор афзал севгисиз яшаб,  
Бундоқ кун мен учун ўлим билан тенг.

*Мефистофель*

Фамдан кўркқан кулмас шодлик боғида.

*Марта*

Айтинг, қандай ўлди, қаерда, қачон?

*Мефистофель*

Падую шаҳрида у топширди жон,  
Муқаддас Антоний саждагоҳида.  
У қутлуғ даргоҳда — Ҳақ паноҳида  
Тош қабрни этмиш мангулик макон.

*Марта*

Бирор нарса ундан қолдими ёдгор?

*Мефистофель*

У қолдирди сизга ёлғиз васият —  
Топширайин уни — қарздор омонат.  
Арвоҳини йўқлаб унинг уч юз бор —  
Маърака қилмоқни сўради сиздан,  
Лекин юбормади ҳеч нарса биздан.

*Марта*

Наҳот, на бир узук ва на бир тумор  
Бериб юбормади хотира учун.

Ҳар бошда бор экан яхши-ёмон кун,  
 Ҳатто хунарманд ҳам, қашшоқ ва ночор,  
 Ойлаб оч юради ва йиллаб юпун,  
 Аммо қолдиради бирорта ёдгор.

*Мефистофель*

Хоним, сизга жуда қийин албатта,  
 Исрофгар эмасди эрингиз, аммо.  
 Унга ҳужум қилди юз дарду бало  
 Тазарру этди у кўз юмар вақтда.

*Маргарита*

Инсон қандай бахтсиз! Сажда қилган пайт  
 Унинг арвоҳини йўқлайман албат.

*Мефистофель*

Мушфиқ ҳисларингиз эвази учун  
 Турмушга лойиқсиз худди шу бутун.

*Маргарита*

Ҳали ёшман, ҳали анча фурсат бор,  
 Эрта турмуш қуриш урф эмас бизда.

*Мефистофель*

Ундоқ бўлса топинг ўзингизга ёр.  
 Бу ҳусну жозиба бор экан сизда,  
 Лутфингиз кимларни қилмас бахтиёр!

*Маргарита*

Бизда йўл қўйилмас бу ишга асло.

*Мефистофель*

О, бу иш олдида бир хилдир дунё.

*Марта*

У қандай жон берди?

*Мефистофель*

Сўраманг, э воҳ!  
 Кўз юмди оламдан ёлғиз, бепаноҳ,  
 Эгнида увада, тагида похол, —  
 Жон берди ва лекин сўнгги дам ҳалол  
 Гуноҳларин бир-бир сўйлади бутун,  
 Юз минг тавба қилди, йиғлади беун.  
 Деди, лаънат бўлсин мен беватанга!

Хотиним, уй-жойим, ҳунарим ташлаб —  
Нега келдим бу ён, минг лаънат менга!  
Олиб келмиш мени ажалим бошлаб,  
Кечир хотин, деди, сўнг кўзин ёшлаб.

*Марта*

(Йиғлаб)

Кечирдим, руҳини эслай доимо.

*Мефистофель*

Барча айбни сизга тўнкади, аммо.

*Марта*

У ёлғон сўзлаган, баттол, беимон!

Ўлим олдида ҳам сўзлабди ёлғон!

*Мефистофель*

Балки алаҳлашдир, ким билади, у

Сизни кўп гуноҳга қилди рўбару.

Ялқовлик қилмадим, деди, ҳеч қачон,

Ҳеч қачон билмадим меҳнатда тиним.

Бола ҳам туғдирдим, топиб бердим нон,

Ҳеч рози бўлмади, аммо хотиним.

Тинчлик бергани йўқ у менга бир дам

Ичмадим бир қошиқ ёвғон хотиржам.

*Марта*

Наҳот унут бўлмиш уни эрта-кеч

Севиб қучганларим... Айтмадими ҳеч?

*Мефистофель*

Барини эслади, бўлди миннатдор.

Деди у: «Малтадан чиққач кемамиз,

Оиламни эслаб чўкиндим такрор,

Тангри қолдирмади саждамни беиз —

Турклар кемасига учраб қолдик биз.

Бизга ўлжа бўлди, ўлжа эмас бахт,

Султон хазинасин элтгувчи кема!

Олтин, кумушларнинг ҳисобин дема.

Бойликни ўртада тақсим қилган вақт,

Жанг пайтида мардлик қилганим учун,

Катта улуш тегди менга ўша кун».

*Марта*

Қани ўша улуш — кўмиб қўйгандир?

*Мефистофель*

Уни изламоқдан фойда йўқ асло.

Шўрлик эрингизни беомон тақдир

Танҳо қолдирганда Неаполь аро,

Бойликни қандай сарф этишни билмай

Бегона шаҳарда бўлганда сарсон,

Эрингизни ортиқ мунтазир қилмай

Мушфиқлик кўрсатди бир гўзал жонон.

Эрта-кеч қошида бўлди парвона.

Ҳамдам, ҳамдард бўлди унга ягона.

Бечора эрингиз ўлгунича то

Ўша ёр хаёлин қўймади асло.

*Марта*

Аблаҳ, уяти йўқ, ифлос, муттаҳам,

Одатин қўймабди хор-зор бўлса ҳам.

Қутулмабди, гумроҳ, наҳс-балодан.

*Мефистофель*

Мана, яхши бўлди, кетди дунёдан.

Сизнинг ўрнингизда мен бўлсам агар —

Бир йилгина қора кийгач муқаррар

Дарров бошқа эрга тегиб олардим.

*Марта*

Унақасин энди қайдан топардим.

Қандоқ танти эди, қандоқ содда, гул,

Ундайлар топилмас бу оламда мўл.

Айби фақат кўпроқ ичар эди май,

Бузуқ хотинларга эди ишқибоз.

Яна қўйса эди қарта ўйнамай,

Дунёда бўлмасди унингдек мумтоз.

*Мефистофель*

У ўзи нимага бўлса ишқибоз.

Йўл очиб қўйгандир сизга ҳам бир оз.

Эр шунақа бўлса — лаззат бўлади.

Шундай тенг ҳуқуқлик кўрилса баҳам,

Қўлингиз сўрашга тайёрман мен ҳам.

*Марта*

Ҳазилингиз қалтис — уят бўлади.

*Мефистофель (ўзича)*

Дарс беради чоғи бу шайтонга ҳам,  
Энди бўлмас тезроқ қочиб қолмасам!  
Илиниб қолмайин яна сўзимдан.

(*Маргаритага*)

Ҳеч кимга банд эмас кўнглингиз, демак?

*Маргарита*

Нима деганингиз?

*Мефистофель (ўзича)*

Бегуноҳ гўдак!

(*Ошкор*)

Кетдим, хайр!

*Маргарита*

Хайр!

*Марта*

Тўхтанг, мен кимдан

Эрим ўлганига олурман ҳужжат?

Менга керак эди икки энлик хат,

Қаерда ва қачон кўз юмди — билсам,

Элга рўзномадан ошкора қилсам.

*Мефистофель*

Ҳужжат керак эмас, икки кишининг

Далолати ўзи бўлмай кифоя.

Менинг бир дўстим бор — ундан эшитинг,

Тасдиқлар, не қилган бўлсам ҳикоя.

*Марта*

Майли, келсин.

*Мефистофель*

Балки келар хоним ҳам.

Дўстим дилкаш йигит, доно ва ўктам.

У кўп нарса кўрган кезиб дунёни,

Қизу жувонларнинг офати жони.

*Маргарита*

Не бўлур жанобдан уялиб қолсам...

*Мефистофель*

Уялиб қолмассиз шоҳ олдида ҳам.

*Марта*

Бўпти, иккингишни демак, шу бугун  
Борда кутажакмиз икков кечқурун.

## КЎЧА

### *Фауст ва Мефистофель*

*Фауст*

Иш қалай? Мақсудга етамиз қачон?

*Мефистофель*

Вужудингда оташ. Ҳаяжон нечун?  
Бағрингда бўлади албатта жонон,  
Мартанинг боғида кўрамиз бугун.  
Сенга айтсам, асли у бева жувон  
Яралган кўшмачи ҳунари учун.

*Фауст*

Жуда соз, хурсандман.

*Мефистофель*

Бизлардан фақат  
Талаб этилади кичкина хизмат.

*Фауст*

Хизматга хизмат-да, майли, мен тайёр.

*Мефистофель*

Биз ўша жувонга эринг ўлди, деб,  
Падуя шаҳрида нобуд бўлди, деб —  
Гувоҳлик берурмиз, унга шу даркор.

*Фауст*

Аввал у томонга борурмиз, демак.



*Мефистофель*

Santa simplicitas!<sup>13</sup> Нимага керак —  
Арзимас бир ишга шунча қайғурмоқ?  
Бир варақ қоғозга имзо чексанг бас.

*Фауст*

Бошқа бир режа топ бундан дурустроқ,  
Ўйлаган бу ишинг ҳеч тўғри келмас.

*Мефистофель*

Қандай мўътабар зот! Фариштадек соф!  
Ўйлаб кўр, ахир сен шу кунга қадар  
Қанча ёлғон сўзлар айтдинг ноинсоф,  
Қанча-қанча ичдинг ёлғон қасамлар.  
Тангри-ю тириклик, олам ҳақида  
Сен тарқатдинг қанча эртак ақида.  
Яна ишонч билан билониҳоя  
Ўзинг кўрган каби қилдинг ҳикоя.  
Қанча билсанг ўлган эрин Мартанинг,  
Шунчадир оламдан сенинг билганинг.

*Фауст*

Бу — мантиқ ўйини, одатий найранг.

*Мефистофель*

Эй, покиза одам, менга бир қаранг,  
Кўзингизда ёнар эҳтирос — учқун.  
Кўрайлик, бугун ё эрта кечқурун  
Тўшга тортиб гўзал Маргаритани  
Қасам ичмасмилар ўзлари, қани?

*Фауст*

Ёлғонмас, чин дилдан ичаман қасам.

*Мефистофель*

Ҳа, яна чин дилдан қилурсиз изҳор,  
Муҳаббатим дея мангу барқарор.

*Фауст*

Ҳа, севгим оташи мангу деб айтсам,  
Виждоним кафилки, тўла ҳақим бор.  
Ахир борлиғимни қучган аланга  
Ифодаси учун сўз тополмасам,

Ҳислар қанотида учсам баландга —  
 Ёниқ кўкрагимга тор келса олам,  
 Мени асир этган ул сиймин танга  
 Ишқим боқий дея ичурман қасам.  
 Биламан, боқиймас тириклик ўзи.  
 Биламан, жоизмас мангулик сўзи.  
 Аммо юрак сўзим изҳор айласам,  
 Наҳот бу иблистик, наҳот бу алдоқ?

*Мефистофель*

Ҳарқалай мен ҳақман.

*Фауст*

О, ҳақсан мутлақ!  
 Таслим бўлдим, сени енгмоқлик душвор,  
 Сенда шайтонлик ҳам, чечан тил ҳам бор.  
 Баҳдан фойда недир, кўнаман, нетай,  
 Сен менга кераксан, ҳўп дейман атай.

## БОҒ

*Маргарита Фауст билан, Марта эса  
 Мефистофель билан қўл ушлашиб богда  
 сайр қилиб юришади.*

*Маргарита*

Жуда ҳам раҳмдил, мунис экансиз —  
 Илтифот қилдингиз менга жуда ҳам.  
 Кўп юртлар кезгансиз, кўпни кўргансиз,  
 Сизга одат бўлмиш такаллуф, карам.  
 Бу — менга шафқату лутфингиз фақат,  
 Суҳбатимдан зарра топмайсиз лаззат.

*Фауст*

Сенинг бир нигоҳинг, бир сўзинг бироқ  
 Оламча донишдан менга азизроқ.  
 (Қўлини ўпади)

*Маргарита*

Қўлларимни ўпманг, бўсангиз увол,  
 Меҳнатда қабарган, дағал ва қўпол,

Уйда бу кўлларга тиним йўқ бир дам,  
Жуда қаттиқ тутар тартибни онам.  
(Нари кетадилар)

*Марта*

Йўлда ўтар бутун умрингиз, демак?

*Мефистофель*

Не қилай, касбим шу, шу менга аъмол.  
Бизга насиб бўлмиш оламни кезмак,  
Бир ерда қолмоқ йўқ ёзмишда аммо.

*Марта*

Ёшликка ярашар изламоқ, кезмоқ,  
Ҳаёт нима — йўқдир заррача парво.  
Лекин қариликда танҳо ва бўйдоқ  
Қора ерга бормоқ кўп оғир савдо.

*Мефистофель*

Шуни хаёл қилсам увишар юрак.

*Марта*

Вақт ўтмай бу ҳақда ўйламоқ керак.  
(Нари кетишади)

*Маргарита*

Кўздан нари кетгач унутади дил,  
Бу сузлар одағий илтифот холос.  
Дўстларингиз кўпдир ўзингизга мос,  
Улар оқил, доно, мен битта ғофил...

*Фауст*

Ишон, инсондаги дониш ва ҳикмат  
Бемаъни кибрнинг белгиси фақат.

*Маргарита*

Наҳот!

*Фауст*

Э, воҳ, нечун поклик, соддалик  
Билмас бу дунёда ўз баҳосини.  
Фақат маъсумликдир шарафга молик,  
Инсон шундан топар муддаосини.

*Маргарита*

Йўқласангиз эди сиз мени бир бор,  
Эслаб юрар эдим сизни умрбод.

*Фауст*

Доим уйдамансан?

*Маргарита*

Кўпинча ёлғиз.

Хўжалик эмас-ку унчалар катта,  
Лекин юмуши кўп уйнинг албатта.  
Бари менга, йўқдир хизматкоримиз.  
Уйин тозалаш ҳам, овқат қилиш ҳам  
Тикиш, чатиш, ювиш — бари ўзимга.  
Тартиб-интизомга қаттиққўл онам,  
Гоҳ қоронғу бўлар дунё кўзимга.  
Оиламиз унча қашшоқ эмас, йўқ,  
Яшаймиз ҳарқалай ўзимизга тўқ.

Бизга мерос қилиб қолдирган отам  
Озроқ мол-мулк, яна уй-жой, боғча ҳам.  
Менга анча енгил — бир йилдан буён  
Акам саллотликда, синглим берди жон.  
Эрта-кеч у билан эдим овора,  
Эсласам юрагим бўлади пора.  
Аммо у тирилик келсайди қани —  
Тайёр эдим қайта азоб тортгани.

*Фауст*

Бўлгандир албатта бамисли малак,  
Сенга ўхшар бўлса агар у гўдак.

*Маргарита*

У дунёга келди отам ўлган йил.  
Мен энага бўлдим, бечора онам  
Оғир жудоликдан бўлиб хаста дил  
Ҳушсиз ётар эди, бизлар ундан ҳам  
Тирик қолмас дея узгандик кўнгил.  
У шўрлик шунчалар эдики беҳол,  
Бола эмизмакни қилмасди хаёл.  
Синглимни мен боқдим, сут бердим ва сув,  
Кўтариб юрардим уни эрта-кеч.  
Менсиз туролмасди бир нафас ҳам у —  
Яйрай олмас эдим мен ҳам усиз ҳеч.

*Фауст*

Бахтли санармидинг ўзингни у вақт?

*Маргарита*

Ҳолдан тояр эдим баъзида фақат,  
 Ёнимда турарди тунлар беланчак.  
 Уйғонардим дарҳол йиғласа гўдак.  
 Унга сут берардим, алла айтардим,  
 Ўрнимга олардим, ҳеч бўлмаса жим —  
 Олиб чиқар эдим ўроғлаб боққа.  
 Тонгда эса яна саҳар турмоққа  
 Мажбур эдим — яна кир-чир ва бозор...  
 Шунча азобларнинг ҳақиға фақат  
 Уйқу — роҳат эди, луқма ош — лаззат.

*(Нари кетадилар)*

*Марта*

Сиздек бўйдоқларни ҳақ йўлга солмоқ  
 Шўрлик хотинларга жуда ҳам қийин.

*Мефистофель*

Мен жон деб ўқувчи бўлишим мумкин,  
 Сиздек муаллима берса гар сабоқ.

*Марта*

Ундоқ бўлса менга айтинг-чи қани,  
 Кўнглингиз истарми бирор кимсани?

*Мефистофель*

Гап борки, ўз уйинг, жуфти ҳалолинг  
 Дунёча бойликдан кўра афзалроқ.

*Марта*

Сизни банд этганми севги хаёли?

*Мефистофель*

Мен ҳар вақт бўлганман севикли қўноқ.

*Марта*

Йўқ, мени тушунинг. Сиз астойидил  
 Сира қўйганмисиз бировга кўнги?

*Мефистофель*

Мен хотинлар билан қилмайман ҳазил.

*Марта*

Нега тушунмайсиз?

*Мефистофель*

Нетай — мен гофил,  
Фаҳмим йўқ ва лекин тушуниб олдим.  
Юрагингиз экан ишққа лиммо-лим.

*(Нари кетадилар)*

*Фауст*

Оҳ, жонгинам, букун кўришган чоғда  
Мени танидингми бир боқишдаёқ?

*Маргарита*

Албатта танидим кўрибоқ боғда,  
Сўнг уялиб ерга қарадим шу чоқ.

*Фауст*

У кун йўл устида ранжитдим сени,  
Узр энди, жоним, кечиргин мени  
Ҳаддан зиёд кўпол ҳазилим учун.

*Маргарита*

Ўзимни йўқотиб қўйгандим у кун,  
Ҳали сўз отмаган ҳеч кимса менга,  
Мен ҳақимда ҳеч ким сўйламас ёмон.  
Ўйладим сўз қотди у йигит нега,  
Мени аллаким деб қилгандир гумон.  
Балки бунинг учун ўзим айбдор,  
Ножўя бир қилиқ қилгандирман ё?  
Йўқса йўл устида учратиб илк бор  
Қиз болага бундоқ қилмаслар асло.  
Сиздан ранжимадим сира ўша кун,  
Гапим рост, ўзимни койидим бутун.

*Фауст*

Жонгинам!

*Маргарита*

Шошманг-чи...

*(Мойчечакни узиб, япроқларини бир-бир  
уза бошлайди)*

Фауст

Нима ҳаракат?

Гулдаста учунми?

Маргарита

Шунчаки ҳавас...

Фауст

Нима бу, тушунтир.

Маргарита

Кулмангиз фақат.

(Ўзича пичирлайди)

Фауст

Нега пичирлайсан?

Маргарита

Севади... севмас...

Фауст

Гўзалим!

Маргарита

Севади. Севмас. Севади.

Севмас.

(Сўнги гулбаргни узиб, севинч билан қаттиқ)

Севади, ҳа!

Фауст

Севганда қандоқ!

Ишон, у сен учун жонин беради,

Гул билан фол очдинг, бу фол, қизалоқ,

Тангри башорати бўлгай бегумон.

Маргарита

Титраяпман.

Фауст

Кўрқма, жоним, ҳеч қачон.

Шу қўл ҳарорати,

Шу кўз оташи

Буюк чексизликни айласин баён.

Бу бир чексизликки,

Унинг таърифиди,

Тавсифига йўқдир сира ифода.  
 Оламда шодлик бор —  
 Икки юракни  
 Боғлагувчи шодлик фақат дунёда.  
 Бу шодлик, бу бахтнинг  
 Ниҳояси йўқ.  
 Ниҳоя нимадир?  
 Не тушунча у?  
 Севгининг сўнги бу — оламнинг сўнги.  
 Йўқ, севги мангудир,  
 Муҳаббат мангу.

*Маргарита унинг қўлини қаттиқ қисади  
 ва юлқиниб боғ ичига қочади. Фауст бир  
 дақиқа саросимада қолади, сўнг қизнинг  
 кетидан кетади.*

*Марта*

*(Ичкаридан чиқаркан)*  
 Қоронғу чўкмоқда.

*Мефистофель*

Ҳа, қайтиш керак.

*Марта*

Мен сизга бунча тез бермасдим жавоб,  
 Бизнинг шаҳарчада одамлар сергак,  
 Ётга тикилган кўз бунда беҳисоб.  
 Ҳар кимнинг қадамин кузатиб турмак  
 Уларнинг ҳунари — иши йўқ бўлак.  
 Бизни боғ ичида кўрсалар шу тоб  
 Эртага қилурлар каттакон китоб.  
 Дўстларимиз қани?

*Мефистофель*

Улар боғ аро  
 Бир жуфт парвонадек ўйнашар ҳамдам.

*Марта*

Қизча севиб қолди уни жуда ҳам.

*Мефистофель*

У эса қизчани. Шунақа дунё!



## СУҲБАТГОҲ

Маргарита чоғиб киради ва эшик орқасига яшириниб, бармогини лабига босганча эшик тирқишидан қарайди.

Маргарита

Келаяпти.

Фауст

(Кириб)

Мендан қочолмайсан, қиз!

Маргарита

(Ўнади)

Борлиғимга ҳоким фақат ўзингиз.

(Мефистофель эшик қоқади)

Фауст

(Тепиниб)

Кимсан?

Мефистофель

Ўз оғайнинг!

Фауст

Бефаҳм ҳайвон!

Мефистофель

Кетиш керак.

Марта

(Киради)

Тўғри, кеч бўлди, жаноб.

Фауст

Бормикин кузатиб қўймоққа имкон?

Маргарита

Йўқ, йўқ. Кўриб қолса онам ноғиҳон,

Бу қилмишим учун тортаман азоб.

Фауст

Афсус. Демак менга бергайсиз жавоб.  
Хайр.

Марта

Омон бўлинг.

Маргарита

Кўришгунча хайр.

*(Фауст ва Мефистофель кетишади)*

Унинг фикри қилар оламни сайр,  
Мен-чи, қаршисида бир гўдак мисол  
Тураман уятдан қизарганча лол.  
Лол тураман ёки «ҳа» дейман фақат.  
Аммо бир нарсага тушунмам ҳамон:  
Унинг-ку бошида бир олам ҳикмат —  
Қандай ёқиб қолдим унга — мен ҳайрон.

*(Кетади)*

## ЎРМОНДАГИ ҒОР

Фауст

*(Ёлғиз)*

Эй сен илоҳий руҳ, неки тиласам,  
Барча тилагимни айладинг бажо.  
Сен олов ичида кўриндинг менга,  
Табиат кўркини қилдинг армуғон.  
Менга бердинг сўнгсиз шавқ туйғусини.  
Энди мен эмасман олам кўркига  
Ҳайрат нигоҳини тиккан бир меҳмон.  
Унинг замирини очиб қарайман  
Дўстнинг юрагига боққандек гўё.  
Неки жонли бўлса бу олам аро  
Сен бир-бир ўтказдинг кўзим олдидан  
Ҳам ўргатдинг менга улар барини —  
Барча жонивору қуш, ўт-ўланни  
Оға биродар деб билиш фунунин.

Ўрмонни қучганда даҳшатли бўрон  
 Ерга қулар экан асрий қарағай,  
 Ўзга дарахтларни қилганда поймол,  
 Акс садо берганда унга уфқлар —  
 Ўрмондаги форга етаклаб мени,  
 Бунда танҳоликда ўлтириб сокин,  
 Ўқитдинг ўзимга қалбим китобин,  
 Мени ошно қилдинг ажиб сирларга.  
 Мен ойга қарайман ва шабнам инган  
 Япроққа, қояга солурман нигоҳ.  
 Аста сузаётган булут сояси  
 Ўтмиш шарпаларин эслатур менга.  
 Қарайман ва менга юксак камолот  
 Насиб бўлмаганин сезаман шунда.  
 Мени тангриларга тенг қилгувчи куч —  
 Юксак хаёлларга айлаб ҳамнафас  
 Яна ҳамроҳ бердинг тубан ва шаккок,  
 Усиз ҳаётим йўқ, гарчи у сенинг  
 Менга бағишлаган барча неъматинг —  
 Қилган бўлса ҳамки тупроқ билан тенг,  
 У менга кўрсатди гўзаллик селҳин,  
 Ёқди юрагимга сирли аланга.  
 Совутмоқ бўламан ўзимни, аммо  
 Яна ўртар мени сўнгсиз эҳтирос.  
 (Мефистофель келади)

*Мефистофель*

Эҳ, дарвеш! Жонингга тегмади наҳот,  
 Кимсасиз ўрмонда ўй сурмоқ танҳо.  
 Бу қандай кўргилик, бу нима ҳаёт,  
 Ўйлаб топмадингми ўзга бир савдо?

*Фауст*

Топсанг бўлар эди сен ҳам бирор иш  
 Айғоқчилик қилиб юришдан бўлак.

*Мефистофель*

Ҳазиллашдим. Ҳадеб арра тортишиш  
 Ўзинг ҳам ўйлаб кўр, нимага керак?

Бадфеъл, одамови экансан жуда,  
 Сенга дучор қилди не учун тақдир?  
 Эрта-кеч сен учун қайғурсам ахир,  
 Нимаки истасанг, олам бурчида  
 Бўлса ҳамки, сенга қилсам муҳайё —  
 Яна айбдорман, бошимда бало.

*Фауст*

Таажжуб, айтмоғим керакми раҳмат  
 Эрта-ю кеч хира бўлганинг учун?

*Мефистофель*

Эй инсон, сўрашга қилурман журъат,  
 Мен бўлмасам қандай яшардинг букун?  
 Ким сени танҳолик уқубатидан  
 Диққинафасликдан қутқарди мудом?  
 Мен бўлмасам жисминг, эй доно одам,  
 Замин саҳфасидан ўчарди тамом.  
 Бу тоғ ўрмонига келдинг не сабаб?  
 Ғамларинг ёзмоқчи бўлдингми танҳо —  
 Ёлғиз хониш қилган бақага ўхшаб,  
 Вайронага қўнган бойқушдек гўё?  
 Бир карра ишондим, кўксингда ҳамон  
 Ўша яккаш олим яшар бегумон.

*Фауст*

Қани билсанг эди мен бу маснаддан  
 Топурман қанчалар қувонч ва ёғду.  
 Билганингда эди, сўзсиз, ҳасаддан  
 Ўшал қувончимга солардинг оғу.

*Мефистофель*

Мана бу ҳақиқий самовий лаззат!  
 Тун бўйи ўй сурмоқ тоғли ўрмонда!  
 Илоҳий ҳисларни асрамоқ жонда  
 Ва танҳо изламоқ роҳи ҳидоят.  
 Олам яратилган қутлуғ олти кун —  
 Ҳикматин жам этмоқ кўнгилда бутун.  
 Бу ёруғ дунёда бўлса не дониш,  
 Неки асрор бўлса барини олиш —

Сўнг тафаккур элтган ўша юксақдан  
Алланарса қадар йиқилмоқ тубан.

*(Хунук қилиқ қилади)*

У нарса нимадир айтардим, фақат  
Тилга олмоқ учун йўл қўймас уят.

*Фауст*

Нақадар разолат!

*Мефистофель*

Разолат? Ажаб!

Нечун кўзларингда бунчалар ғазаб?

Номусдан қизардинг, вужудинг — қаҳр

Оғзимдан чиқмаёқ ҳақиқат сўзи.

Тириклик ичра бу бор гап-ку ахир.

Ахир усиз йўқ-ку номуснинг ўзи.

Майли алдамоқни қўймагин сира,

Мунофиқ юзингга тута бер ниқоб.

Аммо билиб қўйгин, тор кулба ичра

Гретхен сен учун чекмоқда азоб.

У ёлғиз, у сени ўйлайди фақат,

Висол иштиёқи эзмоқда уни.

Емоқ, ичмагида йўқдир ҳаловат,

Тамом унутган у ором, уйқуни.

Унинг муҳаббати тошқин беқирғоқ,

Унинг муҳаббати билмас интиҳо.

Сен эса шўрликни унутдинг, қочқоқ,

Изтироб ичида қолдирдинг танҳо.

Тинч ўрмон қўйнида юлдузлар билан

Суҳбат қуриб бунда ётгандан кўра,

Хабар ол ўртанган қизнинг ҳолидан,

Сен деб хароб бўлган кўнглини сўра.

У шўрлик дарчадан термулиб букун

Карвон булутлардан сўрмоқда нажот,

Қўшиқ айтмоқда у оҳиста, маҳзун:

«Э, воҳ, қани энди қуш бўлсам озод».

Гоҳ кулади шўрлик, гоҳ чимиран қош,  
 Гоҳ маъсум хаёлин чулғайди туман.  
 Ва лекин ҳамиша кўзларида ёш,  
 Ва лекин ҳамиша кўнглида армон.

*Фауст*

Илонсан! Илонсан!

*Мефистофель (ўзича)*

Ўт солдим жонга,  
 Отган ўқим бориб тегди нишонга.

*Фауст*

Бас қил васвасангни, эй руҳиллаъна,  
 У ҳақда бир оғиз сўз қота кўрма.  
 Базўр ором топган бўронни яна  
 Дардкаш юрагимда уйғота кўрма.

*Мефистофель*

Аммо қиз кўнглида кўрқув, ҳаяжон,  
 Мени унутди деб қилмоқда гумон.

*Фауст*

Йўқ, қайда бўлмай, у менга ҳамнафас,  
 Кўзим олдида у, у деб тепар қалб.  
 Мен, ҳатто санамга қилурман ҳавас —  
 Ул санамга ёрим босганида лаб.

*Мефистофель*

Гуллар оғушида ётган жуфт танга  
 Қарамоқ нақадар завқ берур манга.

*Фауст*

Йўқол, эй қўшмачи!

*Мефистофель*

Маили сўка бер,  
 Мен эса эшитиб куламан холос.  
 Тангри яратди-ю аёл билан эр —  
 Бир-бирига мойил берди эҳтирос.  
 Етар, қувла мунгли хаёлларни, бас,  
 Ўзни йўқотма сен гўдак мисоли.  
 Ахир сени жаллод ёки дор эмас,  
 Кутаётир гўзал ёрнинг висоли.

## Фауст

Ох, дилбар оғуши мен учун жаннат,  
 Барча лаззатларнинг етук камоли.  
 Аммо ёр бағрида топганда роҳат  
 Кўз олдимдан кетмас қизнинг заволи.  
 Мен ким? Бир беватан, гамли сояман,  
 Девона кўнглимда ором йўқ зарра.  
 Мен гўё кўз етмас юксак қоядан  
 Ўзни тубсиз жарга отган шаршара.  
 Ёнимда эса ул — сокин кулбада  
 Осуда тириклик кўргувчи бир жон.  
 Ўша ниҳол қомат, ўша гул бадан —  
 Торгина кулбаси унга кенг жаҳон.  
 Мен-чи, ёвуз тошқин, менга гўё кам  
 Юксак қояларни отганим пастга,  
 Улкан харсанглару зарангларни ҳам  
 Беаёв қорганим қумга ва хасга.  
 Мен яна ул маъсум жон бир гўдакнинг  
 Сокин ҳаётига солурман чангал.  
 Айтганинг бўлсин сен ёвуз малакнинг  
 Бошла мени қизнинг ёнига жадал..  
 Диёнат ҳислари чекинсин бир дам,  
 Адолат, шафқатга кўр бўлсин кўзим.  
 Мен уни қучганча баланд чўққидан  
 Тубсиз жар қўйнига отгайман ўзим.

## Мефистофель

Яна ғазаб, яна мислсиз тугён!  
 Бор унинг ёнига, овутгин тезроқ.  
 Берк кўчага кириб қолса гар аҳмоқ —  
 Олам тугади деб қилади гумон.  
 Ахир сен ҳамиша мард эдинг, ботир,  
 Олға юр, чекинма, хаёл сур камроқ.  
 Дадил бўл, нимадан қўрқасан, ахир —  
 Шайтоннинг ўзи-ку ёнингда ҳамроҳ.

Гретхен

(Ёлғиз урчуқ йигиради)

Кўнглимда нечун  
 Йўқ зарра ором.  
 Асирман маҳзун  
 Ҳйларга тамом.  
 У бўлмаса гар  
 Ёнимда бир дам,  
 Қоронғу бўлар  
 Менга бу олам.  
 У қайда қолди,  
 Қуйилар ёшим.  
 Ақлим йўқолди,  
 Айланди бошим.  
 Кўнглимда нечун  
 Йўқ зарра ором?  
 Асирман маҳзун  
 Ҳйларга тамом.  
 Дарчадан боқсам —  
 Уни кутарман.  
 Йўлига ҳар дам  
 Кўзим тутарман.  
 Хаёлдан кетмас  
 Қадду қомати.  
 У олган нафас,  
 Барча одати...  
 Унута олмам  
 Майин сўзларин.  
 Табассумин ҳам  
 Ёниқ кўзларин.  
 Кўнглимда нечун  
 Йўқ зарра ором?  
 Асирман маҳзун  
 Ҳйларга тамом.



Висолин тилар  
 Юрагим букун.  
 Унга интилар  
 Вужудим бутун.  
 Не бўлгай охир  
 Бенашиб бўлсам?  
 Майли эди бир  
 Қучсаму ўлсам.

## МАРГАРИТАНИНГ БОҒИ

*Маргарита ва Фауст.*

*Маргарита*

Ваъда қил, Генрих!

*Фауст*

Хўп, ваъда қиламан.

Сен учун тайёрман ҳар не савдога.

*Маргарита*

Айт, ишончинг борми, динга, Худога?

Сен яхши одамсан, буни биламан,

Аммо эътиқодинг тушунмасман ҳеч.

*Фауст*

Қизалоқ, сен бундай саволлардан кеч.

Сен менга азизсан, шунинг ўзи бас,

Бошқа ҳеч эътиқод менга керакмас.

Ким менга азиздир — унга жон фидо,

Аҳли саждалардан кулмасман аммо.

*Маргарита*

Фарз эрур Тангрига доим сифинмоқ.

*Фауст*

Нечун?

*Маргарита*

Ишонтириш мушкул, сен ахир

Тангри асрорларин қилмассан қадр.

Фауст

Қадрлайман.

Маргарита

Фақат ақлда бироқ.

Асли бу сирлардан сен жуда узоқ.

Черковга бормассан қанчадан буён,

Худойинг борми, айт?

Фауст

Жоним, ҳеч қачон

Бу саволга тегма. Айта олур ким

Ҳайиқмасдан, дадил, бор деб, Худойим!

Сўраб кўр донишманд руҳонийлардан,

Уларнинг жавоби нақд турар ҳар дам.

Кулгудан ўзгамас бу жавоб аммо.

Маргарита

Демак, ишонмассан!

Фауст

Жонгинам, асло —

Чиқарма сўзимдан ўзгача маъно.

Комил ишонч билан ким айта олур

«Мен унга албатта ишонаман» деб?

Ёки ким

Манманлик билан сўйлайдур:

«Йўқ, мен унга ишонмайман», деб.

Оламни яратган — У,

Ҳам унинг таянчи — У

Унинг паноҳида ҳамма нарса жам:

Сену мен,

Ҳаттоки унинг ўзи ҳам.

Бошимизда йўқми гумбази само,

Оёқ остимизда йўқми ё тупроқ?

Йўқми тонг уфқидан қараган Зухро

Ва шуъла таратган бизга ярқироқ?

Беғубор кўзингга сенинг, эй сулув,

Маҳдиё кўз тиккан мен эмасми ё?

Ҳақиқатда йўқми теграмизда бу —  
 Сену мен сезгану сезмаган дунё?  
 Шу дунё бағрида борлигини бил,  
 Ҳаёт бутунлигин англа доимо.  
 Буни не атасанг сўнг, билганингни қил,  
 Севги, бахт дейсанми ва ёки Худо?!  
 Бунга ярашиқ ҳеч топилмас нисбат,  
 Ном йўқ уни қамраб қолгувчи бутун.  
 Барча гап туйғуда, сўз эса фақат  
 Нурафшон фалакни тўсгувчи тутун.

*Маргарита*

Гапларинг барчаси тўғри, жуда соз.  
 Шундай дерлар бизга саждагоҳда ҳам,  
 Фақатгина бошқа сўз билан бир оз.

*Фауст*

Шаксиз, бу фикрни такрорлар олам,  
 Ҳар ким ўз тилида қилади баён.  
 Ҳеч таажжуб йўқдир мен ҳам бу аён —  
 Ҳақиқатни яна такрор айласам?

*Маргарита*

Ҳақиқатга ўхшар даставвал сўзинг.  
 Маъносини чақса билинар аммо —  
 Исо мазҳабидан эмассан ўзинг.

*Фауст*

О, қизалоқ!

*Маргарита*

Нечун — билмайман, дўстинг —  
 Негадир кўнглимга ёқмайди асло.

*Фауст*

Хўш?

*Маргарита*

Қаердан топдинг бундай улфатни?  
 Иккингида ўхшаш бирор хислатни  
 Топмадим. Унга мен ташласам назар  
 Таним жимирашар, қилурман ҳазар.

Чин сўз, шу пайтгача ҳеч ким ҳеч қачон  
Уйғотмаган менда бунчалар нафрат.

*Фауст*

Ҳайиқма, кўрқинчли эмас у, ишон.

*Маргарита*

Кўрсам вужудимни қучади даҳшат.

Йўқ мен одамови эмасман сира.

Бошқаларга менда меҳру илтифот,

Сенинг ёнингда-ку мен бир асира,

Аммо дўстинг тамом юрагимга ёт.

Кўнглим асло суймас, кўрқаман кўрсам,

Кечир Тангрим, агар мен ноҳақ бўлсам.

*Фауст*

Не қилай, улфатим шундай девона.

*Маргарита*

Сенга ҳеч ўхшамас, тамом бегона.

У билан бир нафас бўлмасдим ҳамдам.

Кириб келганда у бу ерга ҳар дам

Жодутар бир оташ ёнар кўзида,

Масхара сезилар ҳар бир сўзида.

Одамни бир пулга олмайди зинҳор,

Менимча, улфатинг умрида бир бор

Муҳаббат шавқига бўлмаган ошно.

Эзгу ҳисларни у билмаган асло.

Биз иккимиз бўлсак — олам нурафшон,

Аммо унинг билан бўлсак учовлон,

Қоронғу кўринар кўзимга дунё.

*Фауст*

Фариштам, ҳисларинг нозик нақадар

*Маргарита*

Уни кўриш менга даҳшат ҳар сафар.

Тикилиб турганда совуқ кўзлари,

Тилимга келмайди сажда сўзлари.

У биз билан бўлса, кўнглимда ҳатто

Сенга муҳаббатим туйилар ёлғон.

Юракда бир бўшлиқ сезарман аён.

*Фауст*

Демак, кўнглинг уни суймас мутлақо.

*Маргарита*

Вақт бўлди, мен кетай.

*Фауст*

Шошма бир нафас!

Наҳотки бир соат сен билан якка —

Дилни-дилга — кўксинг босиб кўкракка,

Бирга бўлмоқ менга ҳеч насиб бўлмас.

*Маргарита*

Бу кеча ётсайдим мен ўзим танҳо,

Эшик занжирини солмасдим, ишон.

Онам ухлар доим ёнимда аммо,

Жуда сезгир ётар, агар мабодо,

Иккимизни кўриб қолса ёнма-ён,

Мен ўша ондаёқ бўлурман адо.

*Фауст*

Бунинг чораси бор, мана шиша, ол,

Бу доридан сувга уч-тўрт томчи сол.

Ўша сувдан унга ичириб қўй кеч,

Онаниг тонгга қадар уйғонмайди ҳеч.

*Маргарита*

Жоним, сен учун мен ҳар ишга тайёр,

Бу оғу эмасдир, қилмасдир зарар?

*Фауст*

Сенга берармидим, жонгинам, заҳар?

*Маргарита*

Монелик қилмоққа куч қолмас зинҳор,

Сен бир бор кўзимга тикилсанг агар.

Неки истар бўлсанг — мен шунга ҳозир,

Сени жондан суйиб мен беистифно —

Бутун борлиғимни бахш этдим, ахир,

Ҳеч нарсам қолмади қилмоққа фидо.

*Мефистофель*

(Кириб)

Маймунчанг кетдими?

*Фауст*

Айғоқчи! Яна —  
Эшитиб турганми эдинг?

*Мефистофель*

Албатта  
Эшитдим ҳам билдим, бир қизча катта —  
Олимга дин дарсин ўргатди, мана!  
Қизлар орзусига эътиқод йўлдош,  
Ниятлари аён — улар шундай дер:  
Қанча эътиқодли бўлса агар эр,  
Бўлур хотинига у шунча ювош.

*Фауст*

Ёвуз махлуқ! Қайдан билурсан, бу дам —  
Қизнинг юрагида эътиқод — ёғду.  
У фақат мен учун кўрқар, мени ҳам  
Динсизлик чоҳидан қутқармоқчи у.

*Мефистофель*

Севги бор, ишонч бор кўнглингда ёлғиз,  
Сен шўрликни роса лақиллатди қиз.

*Фауст*

Оташ ва ифлосдан яралган! Йўқол!

*Мефистофель*

У қиз жуда айёр, юздан бемалол  
Ўқиб олур ақлу дониш белгисин.  
Менинг олдимда у, сезасанми сен,  
Сира ўлтиролмас, билади аён —  
Мен ё донишмандмен ва ёки шайтон.  
Демак бу кечаси?..

*Фауст*

Нима ишинг бор?

*Мефистофель*

Мен ҳам бу орада қолмасман бекор...

## ҚУДУҚ ЁНИДА

*Кўза кўтарган Гретхен ва Лизхен.*

*Лизхен*

Барбалхен ҳақида эшитдингми гап?

*Гретхен*

Эшитмадим, ахир уйдаман доим.

*Лизхен*

Ҳаммани кулдирди Сибилла сўйлаб:

Қўлга тушиб қопти ўша гулойим.

Ажаб бўпти — энди сал тушар пастроқ!

*Гретхен*

Нима гап?

*Лизхен*

Хунук гап. У еб-ичган чоғ —

Бир вужудда икки одам баҳраманд.

*Гретхен*

Тавба!

*Лизхен*

Баттар бўлсин, ҳаммадан баланд  
Олиб юрар эди ўзини — ажаб!

Ҳаммага топилди мана текин гап.

Уялмай турфа хил қилиқ қиларди,

Йигити бўйнига кўп осиларди.

Доимо ҳуснини қиларди кўз-кўз.

Унга ёғиларди доим мақтов сўз.

Йигити қўлидан оларди совғо,

Рақсга тушар эди бирга доимо.

Ўзини санарди ҳаммадан гўзал,

Ўша йигит билан бирга ҳар маҳал

Қаҳвахоналарда ичарди шароб,

Бўлишин билмасди охири азоб.

Мана жазосини берибди Худо,

Гул шохи бўлибди гунчадан жудо.

*Гретхен*

Бечора!

*Лизхен*

Бечора демагин уни,  
Бизга ким ачинган? Бизлар ҳар куни  
Кечгача қоронғу кулбада қолиб,  
Урчуқ йигирганда эзилиб, толиб,  
Севгани ёнида яйраганди у,  
Билмаганди недир ёлғизлик, қайғу.  
Мана энди барча қилмиши учун,  
Заб бўлди — эгади мағрур қоматни  
Ва бўйнига илиб тавқи лаънатни,  
Тавбасин айтади черковда букун.

*Гретхен*

Йигит энди унга уйланса керак.

*Лизхен*

Э, уйланиб бўпти! Йўқ бундай тентак.  
Хотин топиладир бошқа, тузукроқ.  
Ишини битириб ростлади жуфтак.

*Гретхен*

Чакки бўпти. Инсоф қилмапти, аҳмоқ.

*Лизхен*

Уйлангани билан бари бир ҳеч ким  
Қутқара олмайди қизни номусдан.  
Тўй куни йигитлар турармиди жим,  
Гулчамбарни юлиб ташлар ноқусдан.  
Биласан, бизнинг ҳам феълимиз ёмон,  
Остонага сепиб қўямиз сомон.

*Гретхен*

*(Уйга қайтар экан)*

Авваллари мен ҳам роса кулардим,  
Гоҳ жаҳдим чиқар, гоҳ ҳайрон бўлардим.  
Бирор қиз гуноҳ иш қилиб қўйганда,  
Қандай номус дердим, қандай шарманда.



Тутардим ўзимни ҳаммадан мағрур,  
 Лаънат ёрдиардим ҳаммадан кўпроқ.  
 Гуноҳ қилиш ўзи қанақа бўлур —  
 Ҳаттоки тасаввур қилмасдим бироқ.  
 Ўзимга қайтди бор нафратим, сўзим —  
 Ўша гуноҳ йўлга кирдим мен ўзим.  
 Билмам нима бўлар энди оқибат,  
 Нима бўлар бу мен орттирган кулфат?  
 Аммо мени асир этган у туйғу  
 Қандай ширин эди, қандай серёғду?

### ШАҲАР ДЕВОРИ ЁНИДА

*Қалъа деворининг тоқча қилиб ўйилган ерида  
 Биби Марям ҳайкали. Ҳайкал қаршисида  
 гуллар. Гретхен ҳам гул қўяди.*

*Гретхен*

Эй мунис, меҳрибон —  
 Табаррук онажон,  
 Дардин юрагимга бир ташла назар.  
 Кўзларингда алам,  
 Қўлларингда боланг, —  
 Салибга тортилган Исо мукаддар.  
 Лабингда зорларинг,  
 Фалакдан чорладинг,  
 Чорладинг: «Қайдасан, қайдасан, падар?»  
 Ким била олур, ким  
 Юракдаги дардим?  
 Бағрим ёнаётир — ҳеч кимса билмас.  
 Фақат сенга менинг борлигим аён,  
 Сен ўзинг мадад бер менга, онажон,  
 Мунис нигоҳингни ташла бир нафас.

Эл ичида тамом  
 Йўқдир менда ором,  
 Кўтара олмайман кўзимни асло.  
 Уйда бўлсам ўзим  
 Мен йиғлаб-йиғлаб жим,  
 Бўшатиб оламан кўнглимни танҳо.  
 Мана бу гулларни  
 Тердим сен учун  
 Кўз ёш-ла уларни  
 Хўл қилдим бутун.  
 Хонамга тонг нури  
 Тушганда илк бор —  
 Мен бедор ўлтириб  
 Чекар эдим зор.  
 Қутқар бу номусдан,  
 Қутқар, онажон!  
 Суянчиғим сенсан,  
 Ёлғиз меҳрибон!

### ТУН, ГРЕТХЕННИНГ УЙИ ҚАРШИ СИДАГИ КЎЧА

*Валентин — саллот, Гретхеннинг акаси.*

*Валентин*

Давраларда тортар экан май,  
 Баъзи нодон мақтанчоқ тинмай,  
 Ўз ёрини мақтаб кетарди,  
 Пари қилиб тасвир этарди.  
 Гўё унинг ёридек барно  
 Бу дунёга келмаган асло.  
 Мен-чи унинг сўзини тинглаб  
 Парво қилмай ўлтирардим жим.  
 Охирида бураб мўйловим  
 Қойил қилиб кўндирардим гап.

Май косани кўтариб баланд,  
Боплаб туриб сўзни бичардим:  
«Кимнинг кўнгли, майли, кимга банд,  
Мен-чи синглим учун ичардим.  
Борми юртда бирор қиз, айтинг,  
Менинг гўзал синглим билан тенг?  
Балли дерди майхона эли,  
Лол бўларди мақтанчоқ тили.  
Бу кун тамом ўзга ҳол аммо,  
Ғазабимдан гоҳида ҳатто  
Юлгим келар битталаб сочим,  
Ургим келар деворга бошим.  
Ҳар томондан, билмайман, нега  
Учирма гап қилишар менга.  
Аллақандай қочирма маъно,  
Нимагадир ишора, имо...  
Мен уларнинг сўзини тинглаб  
Очолмайман бирор сўзга лаб.  
Мен уларни қўймасдим омон,  
Агар бўлса сўзлари ёлғон.  
Ана, келар девор паналаб  
Икки соя, кўрай-чи қараб,  
Ўша иблис бўлса мабодо,  
Тирик кетмас бу ердан асло.

*Фауст ва Мефистофель киришади.*

*Фауст*

Қара, ҳов саждагоҳ даричасида —  
Юксақда липилар танҳо бир чироқ.  
Гоҳида сўнгудек пасаяр жуда,  
Гоҳ эса ёнади яна баландроқ.  
Уни қоронғулик бўғмоқда гўё,  
Худди шу кечадек кўнглим зим-зиё.

*Мефистофель*

Мен эсам қайғудан ўзгаман бутун,  
 Ҳассос дилим ажиб хушнудлик топган.  
 Томда бароқхоннинг кетидан чопган  
 Нар мушук сингари бахтлиман букун.  
 Шўхликда таралган шуҳратим маним,  
 Шўхлик базми яқин — ўта шоддирман.  
 Завқдан ўйнаб бутун аъзойи таним,  
 Вальпургия тунин кутаётирман.  
 Ул кеча орзуси солмоқда қутқу,  
 Ул кеча илинмас кўзларга уйқу.

*Фауст*

Шунда ер юзига чиқажакми ул —  
 Олисдан нур сочиб ётган хазина?

*Мефистофель*

Ҳа, албатта, фурсат қолди озгина,  
 Ўша хазинани қилурсан қабул.  
 Мен унинг ичига бир назар солдим —  
 Лиқ тўла турфа хил кумуш ва олтин.

*Фауст*

Йўқмикин мабодо сирға ё узук,  
 Гретхенга совға бўлгудек тузук?

*Мефистофель*

Кўнглингдаги совға шаксиз топилур,  
 Бор, кўрдим, бир талай марварид ва дур.

*Фауст*

Жуда соз! Олмасдан бирор армуғон,  
 Қиз ёнига бормоқ жуда мушкул иш.

*Мефистофель*

Албатта совғами? Усиз ҳам, ишон,  
 Мумкиндир оламда кўнгила яйратиш.  
 Гапни қўй, юлдузга тўлмоқда само,  
 Мен бир қўшиқ айтай бу ажойиб тун.  
 Бунда куйланади номус ва ҳаё,  
 Қизни алдаб уйдан чиқармоқ учун.  
 (Гитара чалиб қўшиқ айтади)

Бу осуда тун  
 Катрихен нечун  
 Турибсан маҳзун  
 Сен бу эшик ёнида танҳо?  
 Қилмасмисан ҳис —  
 Эшикдан ёлғиз  
 Киражаксан — қиз,  
 Қиз ҳолингча чиқмассан, аммо.  
 Ишонма сўзга,  
 Нияти ўзга —  
 Иш битгач қизга:  
 «Хайр энди» — дейди, вассалом!  
 У қанча барно  
 Ва қанча доно  
 Бўлмасин, аммо —  
 Никоҳгача то  
 Кўнма унга, бўлурсан тамом.

*Валентин*

*(Олдинга чиқиб)*

Нима овляяпсан, каламуштутар?<sup>14</sup>  
 Сўйла, бу кўчада ким керак санга?  
 Даставвал кирк бўлак бўлади титгар,  
 Сўнгра шу кун тушар аҳмоқ каллангга.

*Мефистофель*

Парчалаб ташлади гитарни тентак.

*Валентин*

Энди каллангни ҳам парчалаш керак.

*Мефистофель*

*(Фаустга)*

Қани, доктор, чиқар қилични тезроқ,  
 Менинг ёнимга тур, бошла, ҳужум қил.  
 Олға! Мендан бўлсин зарба қайтармоқ,  
 Сен эса қилич сол, қилич сол дадил.

*Валентин*

Қани, қайтариб кўр!

*Мефистофель*

Қайтараман ҳам!

*Валентин*

Буни-чи? Мана, ол!

*Мефистофель*

Шаймиз доимо.

*Валентин*

Йўқ, бу одам эмас — шайтон чинакам,  
Куч, мажол қолмади кўлимда асло.

*Мефистофель (Фаустга)*

Санч тез!

*Валентин*

Тамом бўлдим.

*Мефистофель*

Тинчиди тентак,  
Энди қолди тезроқ ростламоқ жуфтак.  
Ўлтиришнинг пайти эмас имиллаб,  
Ҳозир халқ йиғилиб, бошлар вовайло.  
Миршабни кўндириш мумкин амаллаб, —  
Иш қозига етса бутунлай расво...

*(Кетишади)*

*Марта*

*(Дераза олдида)*

Ким бор? Тез бу ёққа!

*Гретхен*

*(Дераза олдида)*

Келтиринг чироқ.

*Марта*

Бунда бўлаётир жанжал, қирпичоқ.

*Халқ*

Биров ўлган.

*Марта*

*(Чиқиб)*

Қани у қотил ўғри?

Гретхен

(Чиқиб)

Бу ерда ётган ким?

Халқ

Онангининг ўғли.

Гретхен

Оҳ, Тангрим! Алам йўқ бундан ортиқроқ!

Валентин

Мен дунёдан юммоқдаман кўз,  
Фарёд қилманг. Тугар ҳаётим,  
Кўнглимда бор икки оғиз сўз,  
Шуни айтай, қулоқ тутинг жим.

*Халқ уни қуршайди.*

Жуда ёшсан, Гретхен, ҳали,  
Қилмишингни англаб етгали —  
Ақлинг ҳали жуда, жуда кам.  
Энди бир йўл, йўқ ўзга имкон:  
Фаҳш қўйнига кирдингми пинҳон,  
Фоҳиша бўл ошкор, чинакам.

Гретхен

Оҳ, акамни ўлдирма, Эгам!

Валентин

Эгам энди беролмас ёрдам.  
Наф йўқ энди бўлди бўлар иш,  
Мумкин эмас уни қайтариш.  
Сен биттага бўлдингми эрмак,  
Эрта келар бошқаси, демак.  
Жазманларинг бўлгач ўн нафар,  
Кела бошлар сўнг бутун шаҳар.  
Ҳароми ҳам келар дунёга,  
Ҳозирча у чиқмай зиёга,  
Бошга кийиб зулматдан қалпоқ,  
Сокин ётар — кўзлардан йироқ.  
Бўлмай туриб ҳали намоён,  
Ҳозир уни йўқ қилмоқ осон.

Ва лекин ул яширин уят  
 Ўсаётир соатма-соат.  
 Келганда у ёруғ дунёда,  
 Даҳшат бўлмас бундан зиёда.  
 Ишонаман, вақт келар бир кун,  
 Инсон борки, имони бутун,  
 Ҳазар қилар сендан тамоман,  
 Ҳазар қилган каби вабодан.  
 Лаънат дейди ҳам ёш, ҳам қари,  
 Одамлардан юрарсан нари,  
 Кўтармайсан ердан кўзингни;  
 Кўз-кўз қилиб энди ўзингни,  
 Фурур билан қўймассан қадам,  
 Туролмассан саждагоҳда ҳам.  
 Вақт келарки, мажруҳ ва гадой —  
 Афтодалар бергай сенга жой.  
 Тангри сени кечирганда ҳам  
 Ер юзида энг тубан одам  
 Ўзинг бўлиб қолурсан танҳо, —  
 Номус доғи ювилмас асло!

*Марта*

Ҳадеб лаънат отгандан кўра,  
 Тангридан ўз имонинг сўра.

*Валентин*

Эй, қўшмачи! Нетай, йўқ кучим  
 Умуртқангни синдирмоқ учун,  
 Шундай қилсам балки, илоҳим  
 Кечар эди барча гуноҳим.

*Гретхен*

Оҳ, акажон! Бу қандай жазо?

*Валентин*

Бас, йиғлама, фойда йўқ асло.  
 Сен йўқотиб ору номусинг,  
 Пичоқ урдинг кўксимга ўзинг.  
 Мен бегуноҳ ва тоза имон —  
 Саллот каби бермоқдаман жон.  
 (Ўлади)



## БУТХОНА

Орган чалинади, халқ ибодат қўши-  
гини айтади. Гретхен халқ ичида.  
Унинг орқасида Иблис.

*Иблис*

Авваллар, Гретхен,  
Сен меҳроб қошида  
Турар эдинг маъсум,  
Ҷам ўқир экансан  
Ибодат сўзларини  
Титилган китобдан, —  
Хаёлларинг эди  
Гоҳи Тангрида-ю,  
Гоҳи болаликнинг  
Шўх ўйинларида.  
Гретхен!  
Қайларда кезмоқда  
Фикру ўйларинг?  
Нечун чекмоқдасан  
Сўнгсиз изтироб?  
Ё сени дсб мангу  
Уйқуга кетган  
Онани арвоҳини  
Йўқлаётирсан?  
Остонагда кимнинг  
Қони тўкилмиш?  
Юрагинг остида  
Сақлаётганинг не?  
Нимадир ул сени  
Титроққа солган?

*Гретхен*

Яна ўша,  
Яна ўша машъум хаёллар.  
Мен улардан қочиб  
Қутулолмасман.

*Хор*

Dies irae, dies illa  
Solvat saecula in favilla

*(орган товуши)*

*Иблис*

Тангри ғазаб  
Етди бошингга.  
Ана карнай саси!  
Титрар қабрлар.  
Дўзах ўтида  
Ёнмоқда мангу  
Хоки турбатдан  
Чиқаётган ул  
Сенинг жонингдур.

*Гретхен*

Кетайин, кетайин  
Бу ердан тезроқ.  
Даҳшат куй мени  
Бўғаётир, э воҳ.

*Хор*

Iudeo ergo sum sedebit  
Quid gladius latet, adparevit  
Miles inultum remanevit

*Гретхен*

Нафасим тиқилди,  
Эзар мени гумбаз.  
Қани эшик? Ҳушдан  
Кетаётирман.

*Иблис*

Қоч! Аммо гуноҳинг  
Беркита олмассан.  
Ҳаво, нур керакми?  
Улар йўқ энди,  
Бор ёлғиз кулфат.

*Хор*

Zudex ergosum sedebit  
 Quidguid letet, avparetit  
 Nil ipultum remanevit

*Иблис*

Аҳли имон сендан  
 Пок юзин ўтирган.  
 Сенга ёрдам қўлин  
 Узатмоқдан улар  
 Қилишар ҳазар.

*Хор*

Quid sim miser tunc dicturus?  
 Quem patronum rodaturus?  
 Cum vix justus sit securus

*Гретхен*

Тамом бўлдим! Қани  
 Шишангиз, қўшни?  
 (Беҳуш йиқилади)

## **ВАЛЬПУРГИЯ КЕЧАСИ<sup>15</sup>**

*Ширке ва Элено<sup>10</sup> қишлоқлари  
 яқинидаги Гарц тоғлари.*

*Фауст ва Мефистофель.*

*Мефистофель*

Миниб олармидинг супурги бўлса?  
 Жон деб минар эдим эчкига ҳозир.  
 Хўп чарчадик, ҳали олис йўл эса.

*Фауст*

Унча толгани йўқ ҳали оёғим,  
 Йўлни енгил қилар кўлда таёғим.  
 Қисқа қилмоқ нечун бу йўлни, ахир —  
 Сайёҳга шавқ берар юришининг ўзи,  
 Не наф йўлдан баҳра олмаса кўзи.

Менга йўл туйилмас унчалик оғир —  
 Чўққига интилсам қоялар ошиб,  
 Жилғалар куйига қулоқ тутсам жим...  
 Мен шуларни ўйлаб завқ билан тошиб,  
 Қўлга таёқ олиб, пиёда чиқдим.  
 Қайин барг ёзмоқда — олам Наврўзи.  
 Хушнуд кўкрак кермиш қайрағочлар ҳам,  
 Наҳот бизга қудрат бермаса кўклам!

### *Мефистофель*

Йўқ, менинг кўнглимда қаҳратон музи,  
 Аммо менга роҳат совуқ ва бўрон,  
 Аёз, изғириндан ором топар жон.  
 Қора туман ичра бўлиб асира  
 Маънос нур таратар ярим ой хира.  
 Атроф тим қоронғу, бунда ҳар қадам  
 Дуч келмоғи мумкин битта фалокат.  
 Бошинг уриб олсанг бало қоя ҳам,  
 Оёғинг илашса илдиз ҳам офат.  
 Мен ҳозир чорлайман, сўрайман ёрдам —  
 Дайди шуъла бизга беражак мадад.  
 Бунда яқин йўлни у билар фақат.  
 Ана бўлиб қолди ўзи ҳам пайдо.  
 Ҳей ошна, бекорга таратмай зиё,  
 Бизларга ҳамроҳ бўл — йўл кўрсат бизга,  
 Нурингни сочиб тур сўқмоғимизга.

### *Дайди шуъла*

Менга одат эмас тўғрига юрмак.  
 Шундай яратибди мени Худойим,  
 Эгри чизик бўйлаб юраман доим.

### *Мефистофель*

Одамзодга тақлид қилурсан демак!  
 Шайтон номи билан буюрдим сенга,  
 Тўғри йўлдан нур соч, йўл кўрсат менга!  
 Йўқса ўчираман нуриинги, тайин.

*Дайди шуъла*

Демак, сиз бу ерда катта хўжайин!  
Сўз йўқ, бўйсунаман албатта сизга,  
Доимо тайёрман хизматингизга.  
Аммо юксак тоғнинг ўзи ҳам бу кун  
Сеҳр жунбишида остину устин.  
Дайди нур ёритар экан йўлингиз —  
У беайб, шу боис, одил бўлингиз.

*Фауст, Мефистофель, Дайди шуъла  
навбат билан қўшиқ айтишади.*

*Фауст*

Бизлар бу кун сеҳр ва рўё  
Оламига бўлдик рўбару.  
Бошла бизни, эй дайди зиё,  
Йўлимизга соча бер ёғду.  
Элт бизларни чўққига томон.

*Дайди шуъла*

Икки ёнда поёнсиз ўрмон  
Елиб учиб боради, ажаб,  
Бир-бирининг устидан сакраб,  
Букик қадди ташлаб соялар,  
Мудраётир улкан қоялар.

*Фауст*

Тошдан-тошга сакраган ирмоқ  
Қўшиғига соламан қулоқ.  
Не куйлар у — эшитаман жим,  
Нималарни сўйлар бетиним?  
Унут бўлган севги куйими,  
Ё бенасиб висол ўйими?  
Балки толе, шодлик орзуси  
Ё топталган умид қайғуси?  
Таралади сирли акс садо —  
Олис ёшлик эртаги гўё.

*Мефистофель*

Водийларда гала бойқушлар  
 Қўшиқ айтиб кўнглини хушлар.  
 Эшитилар узоқдан кулгу.  
 Уккиларнинг қаҳқаҳаси бу.  
 Ой нурида нақадар кўркем —  
 Яйрамоқда калтакесак ҳам.  
 Бу илдизлар — харсанглар аро  
 Ётган улкан илонлар гўё.  
 Даҳшат билан турар ейман деб  
 Қарағайлар бамисоли дев.  
 Бу зимистон ўрмон йўллари  
 Худди улкан махлуқ қўллари.  
 Бунда сичқон, юмрон, каламуш  
 Кавакларда гала-галамуш.  
 Миллион юлдуз каби ярқироқ  
 Шиллиқ қуртлар бесону санок,  
 Жилва қилиб таратар зиё —  
 Шуълаларнинг ўйини гўё.

*Фауст*

Ақл билан боқингиз сизлар:  
 Жойимизда турибмиз бизлар.  
 Юраётир ўрмонлар, тоғлар.  
 Гўё ўзни ҳужумга чоғлаб,  
 Кўркем солиб қоя турибди.  
 Дайди нурлар кезиб юрибди.

*Мефистофель*

*(Фауст)*

Этагимни ушла маҳкамроқ,  
 Қара, тоғлар бағрида, пастда —  
 Нур таратиб, ҳар ён Маммон шоҳ,<sup>17</sup>  
 Қўк тоқини айлаб ярқироқ,  
 Чиқаётир тахтига аста.

*Фауст*

О, нақадар, нақадар кўркем  
 Бунда қизғиш шафақ жилоси.

Ўнгирларга, жарликларга ҳам  
Етиб борар соҳир зиёси.  
Бир томонда кўкимтир туман,  
Бир томонда тим қора тутун, —  
Отилмоқда гўёки вулқон  
Чулгагудек оламини бутун.  
Бунда шафақ кўкка талпинур  
Нафасидан ўт сочиб гўё.  
Зулмат билан курашмоқда нур,  
Йўл очмоқда булутлар аро.  
Бунда сонсиз ва бениҳоя  
Учиб юрар олтин зарралар.  
Уйғонмоқда олис даралар,  
Шуълаларда ёнмоқда қоя.

*Мефистофель*

Наҳот Маммон шунақа кунда  
Ўз қасрини этмас нурафшон!  
Бу ташрифинг соз бўлди жуда,  
Ана келар бир гала меҳмон.

*Фауст*

Бўрон турди. Бас йиқилмасам,  
Хасдек учиб кетмасам бас-да.

*Мефистофель*

Қоя тошни қучоқла маҳкам,  
Йўқса ҳозир қуларсан пастга.  
Туманларга чулғонди осмон,  
Довул билан уйғонди ўрмон.  
Бу — базмнинг оғози келар,  
Безовтадир бойқуш, уқкилар.  
Дарахтларни қулатар довул,  
Ўрмон кўркин ҳеч аямас ул.  
Учаётган қайинларни кўр,  
Қулаётган биноларга боқ.  
Ҳа, базмнинг даҳшати ҳам зўр,  
Лаззати ҳам оламча бироқ.

Ана, яқин келар тобора  
 Дилбар овоз — уввос, қичқириқ.  
 Ана, байрам аҳли тоғ аро  
 Биргалашиб айтмоқда қўшиқ.

*Алвастилар қўшиғи*

Ҳамма юрсин Брокен томон!  
 Арпа, буғдой пишмаган ҳамон.  
 Шоҳ Уриан<sup>18</sup> кўтарганча қўл,  
 Кўрсатмоқда баландликка йўл.  
 Алвастилар супурги минди,  
 Жинлар базми бошланур энди.

*Овоз*

Баубо<sup>19</sup> кампир тоғи азимга  
 Тўнғиз миниб борар базмга.

*Кўпчилик*

Шум кампирга бўлсин шараф-шон!  
 Тўнғизга ҳам олқиш, бегумон!  
 Йўл бошласин Баубо амма,  
 Олға юрсин ортидан ҳамма!

*Овоз*

Сен қаердан?

*Овоз*

Ильзенштейндан.<sup>20</sup>  
 Юриб келдим ўрмон ичиндан.  
 Бойўғлининг кўрдим ўзини —  
 Олайтирди менга кўзини.

*Овоз*

Ҳей, қаққайма, йўл бўшат, қани!

*Овоз*

Ҳей, сен ўша... Шошмай тур сани...  
 Тимдаладинг этимни қара,  
 Ҳамма ёғим тирноқдан яра.

*Алвастилар*

Тиқилишмай юринг илдамроқ,  
 Қийнамоқда бир ёқда чарчоқ.



Ҳей, қорнимдан паншаҳангни ол,  
Қиласан-ку боламни увол.

*Ялмогизлар*

*(Ярми)*

Эрлар бунча секин одимлар?  
Нега бунча чопар хотинлар?  
Қайда бўлса қиёмат, бало —  
Хотин зоти олдда доимо.

*Ялмогизлар*

*(Бошқа ярми)*

Бўлмаган гап, бу йўлда хотин  
Бўлса ҳамки минг қадам олдин,  
Эркак нечун ортда қолади?  
Икки ҳатлаб етиб олади.

*Овоз*

*(Юқоридан)*

Турманг пастда, қани бу ёққа!

*Овоз*

*(Пастдан)*

Биз ҳам ҳозир чиқамиз тоққа.  
Қуймоқдамиз устимиздан сув,  
Фориғ қилди пуштимиздан сув.

*Ялмогизлар*

*(Ҳаммаси)*

Бўрон тинди — юлдузлар хира,  
Беркинмоқда ой булут ичра.  
Коинотни қучди қора тун,  
Учмоқдамиз биз сочиб учқун.

*Овоз*

*(Пастдан)*

Тўхта, тўхта!

*Овоз*

*(Юқоридан)*

Ким у дарада ётган,  
Ким у мени чақираётган?

## Овоз

*(Пастдан)*

Менман бунда — берингиз ёрдам,  
Олиб кетинг йўлга мени ҳам.  
Мен роса уч асрдан буён  
Қўшилолмай тўдамга сарсон.

*Ялмогизлар**(Ҳаммаси)*

Эчкига мин, супургига мин,  
Хаскашга мин, йўл бўлар яқин.  
Агар бугун чиқмасанг, ишон,  
Бўлмас ўзга чиқмоққа имкон.

*Ярим алвасти**(Пастга)*

Уринаман саҳардан буён,  
Етолмайман уларга ҳамон.  
Уйда узун кун уймалашсам,  
Ўралашиб қолдим бунда ҳам.

*Алвастилар**(Ҳаммаси)*

Баданга мой суртиш соз экан,  
Латта-путта — бизларга елкан.  
Тоғора ҳам кема биз учун,  
Ҳеч учолмас учмаган букун.

*Ялмогизлар**(Ҳаммаси)*

Аввал учар чўққига томон,  
Сўнгра ерга тушар оломон.  
Қирни кезиб, эню бўйига,  
Тўлдирамиз шайтон бўйига.

*(Ерга қўнишади)**Мефистофель*

Боқ, булар нақадар жирканч башара,  
Сурон кўтаришар, туртишар, қара,  
Чопишар бир-бирин устидан оша.

Алвасти бозорин қилдинг томоша,  
 Қани берироқ кел, узат қўлингни,  
 Ур-сурда йўқотиб қўйма йўлингни.  
 Қанисан?

Фауст

Мен бунда!

Мефистофель

Зўрға топдим: Бас —

Энди хўжайинлик қилмасам бўлмас.  
 Четлан, эй аламон, шайтонга йўл бер,  
 Доктор, кел бу ёққа, тез менга қўл бер.  
 Тўполондан четга чиқайлик тезроқ.  
 Бу халқ иззат қилмас, ҳаттоки бизни  
 Эҳтиёт қилайлик қовурғамизни.  
 Қара, ҳов у ерда милтирар чироқ:  
 У ерга ўтайлик, уринмай ортиқ,  
 Майсалар устида олайлик ҳордиқ.

Фауст

Ажабо, сени ҳеч тушуниб бўлмас.  
 Сенда бир-бирига тескари ҳавас.  
 Жинлар базмига-ку, бошлаган ўзинг,  
 Энди челека жойини мўйиналар кўзинг.

Мефистофель

Биз ёлғиз бўлмасмиз ўша ерда ҳам,  
 Қара, кўпаймоқда унда чироқлар,  
 Давра қуришмоқда аста кўноқлар.

Фауст

Менинг орзум эса — баландга чиқсам!  
 Шайтон қавми унда йиғилмиш бутун,  
 Барча алвасти-ю жинлар унда жам,  
 Ана, ўт ёқилди, чиқмоқда тутун.  
 Балки ўша сирли даврада бу дам  
 Ечилмоқда қанча мураккаб тутун.

Мефистофель

Тугун ечилгани билан тугамас,  
 Бўла берар яна янгиси пайдо.

Менга маъқул этмоқ холи ерда баҳс,  
 Катта давраларга ҳушим йўқ асло.  
 Ҳар вақт шундай бўлар, шак йўқ албатта.  
 Кичикдан йифилур доимо катта.  
 Ҳов, ёш алвастилар бўлди яланғоч,  
 Қарилари эса тутди ёпинчиқ.  
 Ўша хонимларга сен кўнглингни оч,  
 Бунда қоида шу — суҳбат қур очиқ.  
 Унчалик қийин иш эмас бу аммо,  
 Оқибати унинг туганмас сафо.  
 Ишга тушиб кетди, ана, чолғулар —  
 Нақадар бемаъни чийилдоқ овоз.  
 Билганини қилсин, майлига, улар,  
 Биз эса олдинга юрамиз бир оз,  
 Томоша қиламиз икков сарафроз.  
 Кел, мана бу ердан атрофга қара,  
 Нақадар ажойиб сирли манзара.  
 Машъалларда ёнар Брокен тоғи,  
 Гулханларнинг эса йўқдир саноғи.  
 Ана, кайфу сафо, ўйин ва кулгу,  
 Ана базму ишрат, ҳаяжон, ғулу.  
 Минг йил кезсанг ҳамки қитъалар оша,  
 Топа олмас эдинг бундай томоша.

### Фауст

Сен қандай ҳолатда бўлурсан пайдо?  
 Шайтон бўлурмисан, ялмоғизми ё?

### Мефистофель

Аслида ўзимни қилмайин ошкор,  
 Пинҳон юриш менга ёқар одатда.  
 Бу ер йўли бошқа, ҳамма албатта  
 Нишонларин тақиб келмоғи даркор.  
 Гарчи олий нишон — боғичвоғим йўқ,  
 Аммо туёқ — катта обрў, кўнглим тўқ.  
 Ана, кўр, шиллиқ қурт таниди мени,  
 Шу сабаб ўзини тортди панага.  
 Бу ерда яшириб бўларди нени?

Ҳамманинг турмуши аён ҳаммага.  
 Қани, юр, айланиб бир қилайлик ов,  
 Мен совчи бўлурман, сен эсанг куёв.

*(Сўнаётган гулхан атрофида йиғилган  
 чолларга мурожаат қилади)*

Ҳей, нечун бўлдингиз бир чеккада жам,  
 Ёшлар гуруҳига боринг яқинроқ.  
 Ҳаётга қўшилинг, мумкин уйда ҳам  
 Оғизга сув солиб, бўкиб ўлтирмоқ.

*Лашкарбоши*

Миллатдан яхшилик кўрмадим асло,  
 Фидо қилсам ҳамки минг бора жоним.  
 Халойиқ хотинлар каби бевафо,  
 Ёшлар томонига оғади доим.

*Вазир*

Замон ўтиб кетди қолдириб доғда,  
 Ўша хотиралар кўнгилда ҳамон.  
 Бизлар ҳукуматни бошқарган чоғда  
 Олтин замон эди, ҳа, олтин замон.

*Уддабурон*

Тентак эмас эдик биз ҳам мутлақо,  
 Фойда этагидан тутардик шитоб.  
 Мана, остин-устин бўлди-ю дунё,  
 Бозоримиз касод, ҳолимиз хароб.

*Муаллиф*

Нега керак бу кун китоблар ёзмоқ,  
 Бари бир ўқимас ҳеч ким бегумон,  
 Ёшлар ҳеч нарсани тан олмас, бундоқ —  
 Қайсар бўлган эмас улар ҳеч қачон.

*Мефистофель*

*(Бир зумда чол қиёфасига киради)*  
 Ажабо, бу ёшлар қайга интилур?  
 Уларга ачиниб қарайман доим.  
 Охир замонанинг нафаси келар,  
 Яқинга ўхшайди қиёмат қойим.

*Латтафуруш алвасти*

Келиб қолинг бу ёққа.  
 Келиб қолинг, вақтим оз.  
 Қаранг тарху бўёққа,  
 Қандай арзон, қандай соз!  
 Тартиб билан терилган,  
 Бир-биридан эмас кам.  
 Булар бари келтирган  
 Одамзодга кулфат, ғам.  
 Келиб қолинг, харидор,  
 Билиб қўйинг, дунёда —  
 Топилмагай ҳеч бозор  
 Бу бозордан зиёда.  
 Мана қилич! Зангида  
 Қора қоннинг изи бор.  
 Мана коса! Тагида  
 Зўр оғунинг ўзи бор.  
 Мана бунда зар, инжу,  
 Совға бўлиб ноқусдан,  
 Қанча-қанча қизни у  
 Жудо қилган номусдан.  
 Мана ханжарлар, кўринг.  
 Қатор-қатор терилган.  
 Булар бари инсоннинг  
 Кўкрагига урилган.

*Мефистофель*

Нелар олиб чиқдинг бозорга?  
 Янги нарсанг йўқми, холажон?  
 Буларингни биров бекорга —  
 Олмас ҳатто — бошқадур замон

*Фауст*

Бу не бозор, бу қандай савдо!  
 Хаёлимни олди мутлақо.

*Мефистофель*

Интилмоқда ҳамма юксакка,  
 Урилади тирсак тирсакка.

Фауст

Ким у?

Мефистофель

Лилит.

Фауст

Не қилай отин.

Айт, ким, нега келган дунёга?

Мефистофель

Билмайсанми. Одам Атога  
Лилит<sup>21</sup> эди биринчи хотин.  
Унинг танҳо чиройидир соч,  
Сен у сочга яқин келма, қоч.  
Кимни асир айласа бу дом,  
Озод бўлмас бу домдан мудом.

Фауст

Ҳов у ерда ёш қиз ва кампир  
Олишмоқда рақсдан сўнг ҳордиқ.

Мефистофель

Ҳордиққа ҳеч фурсат йўқ ҳозир,  
Қани улар олдига бордик.

Фауст

(Қиз билан рақсга тушиб)  
Мен бу кеча ширин туш кўрдим,  
Тушда олма боғига кирдим.  
Кўрдим шохда қизил олмани,  
У дер эди узиб ол мани.

Гўзал қиз

Олма узиш ҳавас албатта,  
Ўргангансиз бунга жаннатда.  
Кирасизми мен таклиф этсам,  
Олмалар бор бизнинг боғда ҳам.

Мефистофель

(Кампир билан рақсга тушиб)  
Мен тушимда кўрибман терак,  
Терак эмиш — ўртаси кавак,  
Хунук, аммо билмадим нега,  
Ёқиб қолди у кавак менга.

*Кампир*

Марҳаматли туёқли жаноб!  
Сизга биздан мана бу жавоб.  
Таъзим бўлсин иззатингизга,  
Кавак тайёр хизматингизга.

*Проктофан тасмист*<sup>22</sup>

Бас, тўхтагин, бу қанақа гап!  
Ахир, руҳнинг бўлмас оёғи.  
Шундай экан, одамга ўхшаб,  
Мумкин эмас рақсга тушмоғи.

*Гўзал қиз*

*(Рақс этар экан)*

Не қилар у бизнинг базмда?

*Фауст*

Ичи қора ва бадҳазм-да!  
Тентаклиги кўпдан аёндир.  
Бу оламда нимаики бор,  
Барини у қилади инкор.  
Ҳамма нарса унга ёмондир.  
Кимки юрса олдинга қараб,  
Ўтади у албатта қарғаб.  
Ким бир жойда айланса агар  
Худди унинг ўзи сингари —  
Сира юрмас бўлса илгари  
Ва ким уни мақтаб солса жар,  
Ўша унга албатта ёқар.

*Проктофан тасмист*

Ҳамон сизлар бундамисиз, воҳ!  
Буюрсамда кетмайсиз наҳот?  
Табиатда йўқ руҳу арвоҳ,  
Буни, ахир, қилганман исбот!  
Аммо сизлар нечун доимо  
Тигель<sup>23</sup> ичра бўлурсиз пайдо?

*Гўзал қиз*

Бас қил энди, тегди-ку жонга!



*Проктофан тасмист*

Барча руху жину шайтонга  
 Очиқ айтай, бу аламга ҳеч  
 Чидолмайман, рух бермас бардош.

*(Рақс давом этади)*

Аммо бир кун эртами ё кеч  
 Бизлар яна бўлармиз йўлдош.  
 Шунда шоир аҳли ва шайтон  
 Мендан сира топмагай омон.

*Мефистофель*

У кўлмакка қўяр кетини,  
 Бўлмоқ учун дардидан тузук.  
 Шарпалардан қутқарар уни  
 Орқасига қўйилган зулук.

*(Рақсдан тўхтаган Фаустга)*

Нега жимсан? Гўзалинг қани?  
 Қани сени ром этган жонон?

*Фауст*

Лаб очганда қўшиқ айтгани,  
 Чиқиб қочди, лол этиб мани,  
 Тил остидан қип-қизил сичқон.

*Мефистофель*

Нима бўпти? Шу гапми энди?  
 Сичқон кулранг бўлмаса бас-да,  
 Танлаш бўлмас ишқда, ҳавасда.

*Фауст*

Ана...

*Мефистофель*

Нима?

*Фауст*

Менга кўринди  
 Ҳов у ерда бир гўзал қомат.

Боқ, Мефисто, кўзим ўшанда.  
 У зўр-базўр қилар ҳаракат,  
 Оёқлари гўё кишанда.  
 Борлиғида маъсумлик, қайғу,  
 Гретхеннинг ўзгинаси у.

*Мефистофель*

Қўй, қарама ортиқ унга, бас,  
 Ундан сира яхшилик келмас.  
 Илон сочлик махлуқ арвоҳи,  
 Тушса унинг совуқ нигоҳи —  
 Томирларда қотиб қолар қон,  
 Харсанг тошга айланар инсон.  
 Оғиз очма, сўзимга кир сан.  
 Медузани эшитгандирсан?

*Фауст*

Меҳрибон қўл ёпиб қўймаган,  
 Очиқ қолган беэиё кўзи.  
 У ахир мен қучиб тўймаган —  
 Маъсума қиз Гретхен ўзи.

*Мефистофель*

Сен ҳам бўлдинг сеҳрига банда,  
 Барча кўрар ёрин ўшанда.

*Фауст*

Шўрлик боқар маъюс ва танҳо,  
 Узолмайман кўзимни асло.  
 Не азоблар тортган экан қиз,  
 Қара, унинг оппоқ бўйнида  
 Худди пичоқ тиғи энида  
 Кўринмоқда қип-қизил бир из.

*Мефистофель*

Ҳайрон бўлма, сен кўрган чизик  
 Персей урган қиличнинг изи.  
 Унинг бўйни узук, шу сабаб  
 Баъзан юрар бошин қўлтиқлаб.  
 Кўп ўй сурма, ана, қир оша  
 Тепага боқ, базм қизиётир.

Бир базмки оламга татир.  
 Яйлов бу кун худди Пратер,<sup>24</sup>  
 Балки бунда бирор театр —  
 Кўрсатмоққа келган томоша!  
 Ҳей, нима гап?

*Servibilis (югурдак)*

Бошланур ҳозир  
 Томошанинг янгиси яна.  
 Еттинчи бор мавсумда мана  
 Премьера қилар театр.  
 Муаллифнинг ўзи ҳаваскор,  
 Ҳаваскорлар қилишар ижро.  
 Хизматчилар гуруҳи аро —  
 Бир ҳаваскор — камина ҳам бор  
 Кўтармоғим керак пардани,  
 Кетдим, маъзур тутгайсиз мани.

*Мефистофель*

Брокенга қараб чопибсиз,  
 Жойингизни энди топибсиз.

## ВАЛЬПУРГИЯ ТУНИДАГИ ТУШ ЁКИ ОБЕРОН ВА ТИТАНИЯНИНГ<sup>25</sup> ОЛТИН ТҶЙИ

### ИНТЕРМЕДИЯ

*Театр директори*

Эй сиз, Мидинг<sup>26</sup> авлоди,  
 Бу кун сизга дам.  
 Саҳнамизда тоғ, водий  
 Бўлғай жамулжам.

*Герольд*

Олтин тўй надур ўзи?  
 Элик йил турмуш!  
 Олтиндир умр ўзи  
 Ўтса беуриш.

*Оберон*

Гувоҳ бўлсин бу чоғлар,  
Малаклар, қани!  
Севги риштаси боғлар  
Шоҳ, маликани.

*Пук*

Пук келар шод базмдан  
Қилиб ўйинлар.  
Келаётир ортимдан  
Мингларча жинлар.

*Ариэль*

Ариэль най чалганда  
Жим тинглар олам.  
Куйга гўзаллар банда,  
Бедаволар ҳам.

*Оберон*

Яшай десанг бахтиёр,  
Кулфатдан йироқ,  
Вақтида висол даркор,  
Вақтида фироқ.

*Титания*

Агар бўлса эр тажанг,  
Бижилдоқ хотин,  
Бирин Жанубга йўланг,  
Шимолга бирин.

*Оркестр*

Олам ичра бунақа  
Чолғу йўқдир соз.  
Пашша, чивин, қурбақа —  
Бари жўровоз.

*Яккахон*

Қўшнайтчига бир қаранг,  
Кўпикдир юзи.  
Бу ерда у катта занг,  
Тентакроқ ўзи.

*Шаклга кирмаган жин*

Қурбақага ўргимчак  
Оёғини бер.  
Пайдо бўлар ўргимчак  
Бадиҳа ё шеър.

*Ошиқ-маъшуқ*

Сакраб-сакраб ўйнаймиз,  
Диламиз сафо.  
Учишни ҳам ўйлаймиз,  
Қанот йўқ аммо.

*Синчков сайёҳ<sup>27</sup>*

Бу ўнгимми, тушми ё,  
Мен ҳануз ҳайрон.  
Наҳот қаршимда пайдо  
Буюк Оберон!

*Ортодокс*

Шох, туёғи йўқ унинг,  
Аммо Оберон —  
Юнон худоларининг  
Баридек шайтон.

*Шимоллик рассом*

Бичиғини чизурман  
Теграмнинг бутун.  
Мен Румони кезурман  
Вақт келиб бир кун.

*Пурист*

Бунда алвасти насли  
Саноқсиз, бироқ —  
Фақат икки алвасти  
Упа сепган, воҳ!

*Ёш алвасти*

Упа-элик суришар  
Фақат қарилар.  
Қип-яланғоч юришар  
Биздек парилар.

*Қари алвасти*

Бир замонлар бизлар ҳам  
 Ёш эдик сиздек.  
 Вақт келарки, сизлар ҳам  
 Бўлурсиз биздек.

*Капельмейстер*

Учди яланғоч танга —  
 Пашшалар бари.  
 Парво қилмас оҳангга  
 Кўл бақалари.

*Шамол кўрсаткич<sup>28</sup>*

(Бир томонга бурилиб)  
 Қандай ажиб давра бу,  
 Кўнгилни овлар —  
 Гўзал келинчаклару  
 Қобил куёвлар.

*Шамол кўрсаткич*

(Бошқа ёққа бурилиб)  
 Э, барини ер ютсин,  
 Кўрмасин кўзим.  
 Бўлмаса, дўзахга мен  
 Кирурман ўзим.

*Ксении*

Бизлар келдик бу ёнга —  
 Ҳашарот аҳли.  
 Падаримиз шайтонга  
 Таъзим этгали.

*Геннингс<sup>29</sup>*

Қаранг, улар бўлишар  
 Гирдикапалак.  
 Балки улар дейишар  
 Бор бизда юрак.

*Музагет*

Илҳом аталмиш пари  
 Мендан йироқдир.  
 Шимол алвастилари  
 Ёқимлироқдир.

*Ўз даврининг буюк алломаси*

Кимнингки бор хуш-эси,  
 Даргоҳидур кенг.  
 Немиснинг зўр чўққиси  
 Брокенга тенг.

*Синчков сайёҳ*

Анов жаноб сўкинар,  
 Қаранг юзига.  
 Яҳудийлар кўринар  
 Балки кўзига.

*Турна<sup>30</sup>*

Тиниқми, лойқаи сув —  
 Овайман балиқ.  
 Демангиз — шайтонга у  
 Улфатдир аниқ.

*Ринд<sup>31</sup>*

Ўзни фаришта деган  
 Йўл топгай осон.  
 Кўрсам, Брокен экан  
 Уларга макон.

*Раққос*

Кучли довул сингари  
 Турди тўполон.  
 Ҳа, бу ботқоқ қушлари  
 Кўтарди сурон.

*Рақс ўргатувчи*

Барча чўзар бўйини  
 Рақс айламоққа.  
 Ким қўйибди ўйинни  
 Букур, маймоққа.

*Ғижжакчи*

Қўшнаи тинчиса агар  
 Бир дам бу ерда,  
 Улар бир-бирин қилар —  
 Бурда ва бурда.

*Қироатхон*

Ўтмас танқид сабоғи,  
 Бор бўлса шайтон —  
 У нимадир бўлмоғи  
 Керак, бегумон.

*Идеалист*

Агарда борлиқ бутун  
 «Мен»да бўлса жам,  
 Демакки «мен»да бу кун  
 Дониш жуда кам.

*Реалист*

Олам борлигига ман  
 Келтирдим имон.  
 Бу кун ўша имондан  
 Қолмади нишон.

*Супранатуралист*

Фараз муҳим ҳар ишда:  
 Эзгудан фараз,  
 Ажинадан фаришта  
 Ясайди фараз.

*Скептик*

Ишонч менга ҳеч қачон  
 Бўлмаган йўлдош.  
 «Шайтон» билан «даргумон»  
 Ахир оҳангдош.

*Капельмейстер*

Чигирткаю қурбақа  
 Чалолмади соз.  
 Эй пашшалар, сиздақа  
 Чалғувчи йўқ соз.

*Уддабуронлар*

Биз узоққа борамиз  
 Йўлимиз билан.  
 Оёқ қолиб, юрамиз —  
 Қўлимиз билан.



*Лапашанглар*

Бир замон бизларнинг ҳам  
Юрган ишимиз,  
Бугун пул йўқ — муттаҳам  
Бўлган кишимиз.

*Дайди шуъла<sup>32</sup>*

Олис ботқоқлик узра  
Туғилдик, бироқ —  
Наслимиз сиздан кўра,  
Сал покизароқ.

*Учган юлдуз*

Кўкда ёнардим, бирдан  
Тушдим тупроққа.  
Ким менга берар ёрдам  
Қайта турмоққа?

*Семизлар*

Пўшт, йўл очинг тез, жой кам,  
Йўл бер тоғ, ўрмон.  
Бизлар жинмиз — бўлса ҳам  
Оёқлар йўғон.

*Пук*

Эй сиз кўпол, фил бадан,  
Бас қилинг, бу чоқ —  
Пукнинг ўзи ҳаммадан  
Бўлур семизроқ.

*Ариэль*

Мен билан учсин кимнинг  
Бўлса бол-пари,  
Гулга чўмиб ётган кенг  
Водийлар сари.

*Оркестр*

Уфқда бир тутам нур,  
Ёришур само.  
Туман аста тарқалур  
Уйғонур сабо.

*Фауст ва Мефистофель**Фауст*

У бечора танҳо! Изтироб чекмоқда! Неча қийноқларда зору саргардон кезиб, ниҳоят қоронғу зиндон асоратига тушди. У ҳибсда. Бегуноҳ бир вужуд жинояткор каби мислсиз қийноқларга маҳкум. Мана, оқибат! Сен эсанг, сен тубан сотқин, бунга йўл қўйдинг. Яна буларнинг ҳаммасини мендан беркитдинг! Энди яйра, ҳузур қил, беномус! Иблисона бақрайган кўзларингни менга қарат! Бу манфур вужудингни кўрсатиб жонимни ҳалқумимга келтир! Тутқунда! Азобу аламда! Иблислар қўлида ва қаттол инсонлар ҳукмида! Шўрлик бу уқубат алангасида ёнар экан, сен мени бемаъни саргузаштларинг билан овутдинг, уни ҳалокат қўйнида бенажот қолдириб, бу ҳолни мендан яширдинг.

*Мефистофель*

У биринчи эмас.

*Фауст*

Ит! Манфур ҳайвон! Эй илоҳий руҳ! Бу махлуқни ўз аслига қайтар! Ўша менинг қаршимда кечалари ликиллаб юрган, адашган йўлчиларнинг елкасига осилиб, йиқитишга ўрганган ўша ит шаклига қайтар! Унга ўзи суйган ҳолатини бер, токи менинг қаршимда қорнини ерга бериб судралсин ва мен бу малъунни оёқларим остида топтаб-топтаб аламимни ёзай. Бунга қаранг! У биринчи эмас! Бу сўзлар замири-

да ётган укубатга инсон қалби сира чидаш беролмайди! Бу кўргиликлар бир эмас, неча-неча маъсумалар бошига тушганидан ўртанмай бўлурми! Наҳотки биргина бегуноҳнинг чеккан изтироблари Буюк ва Мангу Раҳмон қошида қолган ҳаммасининг гуноҳини абадул-абадга ювмоқ учун етмас. Мен фақат битта жоннинг кийноқларини кўриб ёнаяпман, сен эсанг минг-минглаб изтироб маҳқумаларининг ҳолидан шодумонсан.

*Мефистофель*

Яна бизлар заковатимизнинг поёнига етдик. Бу ерда ақл тугаб, жаҳл бошланади. Охир чидамас экансан, биз билан ҳамроҳ бўлиб нима қилардинг? Ажабо, парвоз қилмоқчи бўласану бошинг айланиб қолишидан қўрқасан. Асли ким кимга ёпишди? Биз сенгами, ё сен бизга?

*Фауст*

Оғзингни юм! Бу даҳшатли сўйлоқ тишларингни менга курсатма! Эи оуюк ва поёнсиз руҳ! Сен мени бир бор кўрдинг, қалбимга қулоқ тутдинг. Нега энди мени бу махлуқ билан, хаёлида фақат ёмонлик бўлган, ўзгалар ғамидан доимо яйраган бу беномус билан боғладинг?

*Мефистофель*

Гапинг тугадими?

*Фауст*

Уни қутқар, йўқса омон топмайсан! Ёвуз бошингга минг йиллар лаънат тоши ёғилур.

*Мефистофель*

Мен қасос кишанларини синдиrolмайман, зиндон эшикларини бузолмайман.

«Қутқар!» Ажабо, ахир уни ҳалокатга дучор қилган ким? Менми ё сенми?

*(Фауст газаб билан атрофига қарайди)*

Ҳа, шу пайт чақмоқ қиличи қўлингда бўлса. Яхшиямки, сен бунга қодир эмассан. Ҳа, гап қайтаргани йўқ қилиш золимларнинг азалий одати!

*Фауст*

Мени ҳозироқ унинг ёнига элт! У озод бўлиши керак!

*Мефистофель*

Ўз жонингни хавф остида қолдиришдан кўркмайсанми? Ахир биз бу ерга нима учун қочиб келдик? Шаҳарда сен тўккан қоннинг изи ҳали кетгани йўқ. У ерда қасос малаклари учиб юришибди. Улар қотилнинг қайтишини кутишмоқда.

*Фауст*

Яна нималар дейсан? Фалакнинг бор газабу лаънати сенинг бошингга ёрсин! Мени дарҳол унинг ёнига элт, тезроқ уни озод қил!

*Мефистофель*

Майли, олиб борай. Аммо еру осмоннинг ихтиёри менинг қўлимда эмас. Бажара оладиган ишим бу: мен эшик олдидаги соқчини ухлатаман. Сен калитларни ўғирлаб, қизни ҳибсдан ўзинг олиб чиқасан.

Мен ташқарида кўриқлаб тураман. Сехрли тулпорлар ёнимда шай туради. Мен сизларни олиб қочаман. Бу иш қўлимдан келади.

*Фауст*

Тез бўл, кетдик!

## ТУН. ДАЛА

*Фауст ва Мефистофель икки қора тулпорда елиб боришади.*

*Фауст*

Нега ҳамма учар қатлгоҳ томон?

*Мефистофель*

Билолмадим. Бордир бирор гап.

*Фауст*

Учишмоқда гоҳ у, гоҳ бу ён.

*Мефистофель*

Жоду иши шудир, не ажаб?

*Фауст*

Не тиклашар? Бу қандай одат?

*Мефистофель*

Олга! Қара олдинга фақат!

## ҲИБСХОНА

*Фауст қўлида бир бойлам калит билан эшик олоида турибди.*

*Фауст*

Вужудим аламдан ёнаётир, воҳ,  
Сўнгсиз уқубатдан юрагим пора.

Мана шу хонада маъсум бегуноҳ —  
Банди бўлиб ётар битта бечора.

Нега жим турибсан, титрайсан нечун?

Кўзига боқишдан кўрқасанми ё?

Тез бўл! Иккиланма! Ўтса агар тун,

Унинг ҳаётига етгай интиҳо.

*(Қулфга кўл узатади)*

*Ичкаридан овоз*

Мени ғар онам  
 Бўш қўйган эди,  
 Одамхўр отам  
 Гўштимни еди.  
 Танимни опам  
 Тупроққа берди.  
 Келганда кўклам  
 Топарман ҳаёт.  
 Учарман мен ҳам  
 Чиқариб қанот.

*Фауст*

*(Эшикни очиб)*

Бечора сезмади бунда юрганим,  
 Кишан садосини тинглаб турганим.

*(Ичкари киради)*

*Маргарита*

*(Похол орасига яшириниб)*

Мени ўлдиргани келишди, ана!

*Фауст*

*(Секин)*

Жим бўл, сени олиб кетгани келдим.

*Маргарита*

*(Оёғига йиқилиб)*

Эй қотил, озгина сабр қил яна!

*Фауст*

Йиғлама, соқчини уйғотасан, жим.

*(Кишанларни синдирмоққа уринади)*

*Маргарита*

*(Тиз чўкиб)*

Қатл этмоққа мен бечорани  
 Ҳуқуқ берди ким сенга, бедод!

Қўй, тонггача ўлдирма мени,

Кўриб қолай тонг юзин, жаллод!

Ҳали вақт бор, ярим тун ҳозир,  
 Ҳукм тонгда этилгай ижро.

*(Ўрнидан туради)*

Жуда ёшман, ёшман-ку ахир,  
 Бўлмоқдаман бемаҳал адо.  
 Гўзал эдим ғоят бир замон,  
 Ҳусним мени ўлдирди, аён.  
 Ёр ёнимда эди у чоқда,  
 Ҳозир эса йироқ-йироқда.  
 Мен гул каби сўлиб фироқда  
 Бўлурман хазон.  
 Қаттиқ қисма мени, шафқат қил,  
 Қилганмидим ёмонлик сенга?  
 Сени энди кўряпман, қотил,  
 Нажот бер менга.

*Фауст*

Қандай чидай мен бу аламга?

*Маргарита*

Майли, жаллод, майлига, ўлдир,  
 Қатлим яқин, тақдирим шулдир.  
 Сут берайин фақат боламга.  
 Ёлғизимни қучоқлаб бу тун  
 Йиғлаб чиқдим у билан бутун.  
 Уни мендан тортиб олдилар,  
 Мени шундай дардга солдилар.  
 Энди эса қилишар тухмат,  
 Мен ўзимни қотил ўйлашар,  
 Мен ҳақимда кўшиқ куйлашар,  
 Бу қандай офат!

*Фауст*

*(Унинг қошида тиз чўкиб)*

Мен бундаман, менга қулоқ ос,  
 Келдим сени қилгали халос.

*Маргарита**(Унинг ёнида тиз чўкиб)*

Кел, чўкайлик тиз

Икков ёнма-ён.

Қўл чўзайлик тез

Тангримиз томон.

Ёришмоқда-ку

Зиндоннинг таши:

Сочмоқда ёғду

Дўзах оташи:

Ана, туради

У ерда иблис,

Қаҳ-қаҳ уради,

Дида кўрқинч ҳис.

*Фауст**(Қаттиқ)*

Гретхен! Гретхен!

*Маргарита*

Ёрнинг овози!

У мени чақирди — мен энди озод!

*(Сакраб туради. Кишанлар тўкилади)*Яқин эрк қушининг бахтли парвози,  
Тутар истибдод!

Югурмоғим керак мен унга пешвоз,

Оҳ, кучмоғим керак бўйнидан маҳкам

У «Гретхен» деди, таниш бу овоз,

Барча дардларимга бўлгувчи малҳам.

У эшик олдида. Сезмоқда кўнгил.

Бу ваҳший зулмату ғам-кадар аро,

Даҳшатли дўзахий хандалар аро

Уни тингладим мен — чорлаётир ул.

*Фауст*

Шу ердаман!



Маргарита

Ана шу ерда ёрим!  
 Яна бир бор этгил сўзингни такрор.  
 Унут бўлди барча чеккан озорим,  
 Қолмади бир зарра кўнгилда ғубор.  
 Энди мен ўлмасман! Сен қилдинг халос!  
 Эртаю кеч сени ўйладим холос.  
 Кўз олдимда кўча, ул оқшом чоғи —  
 Шунда илк бор гапга тутгандинг мени.  
 Кўз олдимда яна Мартанинг боғи —  
 Шунда биринчи бор кутгандим сени.

Фауст

(Шошиб)

Кетайлик, юр тезроқ!

Маргарита

Шошма, жонгинам,  
 Соғиндим, юзингга тўйин бир дам.  
 (Қучоқлайди)

Фауст

Тез бўл, тез!

*Агарларда йўл, қўлларим билан сени тира.*

Чиқиб жўнамасак агарда бу кез,  
 Кейин бўлар кеч.

Маргарита

Кўп бўлганинг йўқ-ку мендан йироқда,  
 Кўнглинг совудими ёки фироқда?  
 Ўпишни эсингдан чиқардинг наҳот?  
 Айт, нега бунчалар муздексан, ҳайҳот.  
 Не учун сен билан таним титроқда?  
 Кунни кеча ахир қандоқ қучардинг,  
 Қучиб осмонларга олиб учардинг!  
 Кўзларингда эди жаннат яширин,  
 Бўсанг тотли эди, сўзларинг ширин.  
 Нега энди бунча совуқ нигоҳинг,  
 Ўп мени, ёлборар сенга нигоринг.

Ўп, нега қулоғинг эшитмас сўзим,  
Кел, ўпай ўзим.

*(Қучади)*

Бу не ҳол? Шулмиди умидим сендан?  
Аввалги ҳарорат, ёнишлар қани?  
Сен меники эдинг, йўқотдим сани?  
Оҳ, ким ўғирлади, ким, сени мендан?

*(Ундан юз ўгиради)*

*Фауст*

Жонгинам, юр энди, кетайлик тезроқ,  
Юрагимда ёнган муҳаббат ҳақи.  
Мени олиб келган садоқат ҳақи,  
Кетайлик, кетмасак бўлмас ҳозироқ.

*Маргарита*

*(Унга ўгирилиб)*

Наҳотки бу сенсан? Ишонмас кўзим.

*Фауст*

Менман.

*Маргарита*

Қутқаргани келдингми ўзинг?  
Келдингми қилгани кишандан озод?  
Олурмисан яна бағрингга, жоним!  
Мендан кўрқмайсанми? Мен аслида ким —  
Билмасанг наҳот?

*Фауст*

Тонг отмоқда, тез бўл, ўтказма дамни.

*Маргарита*

Мен ўлдириб қўйдим онамни,  
Сувга отдим туққан боламни.  
У фарзандинг эди сенинг ҳам,  
У келтирди толе эмас, ғам.  
Сен келдингми? Туш эмасми бу?

Таниёлмай турибман сани,  
Кўзим олди доим қоронғу.  
Бер-чи менга қўлингни, қани.  
Не кўргилик? Қўлларингда қон.  
Артиб ол дарҳол.  
Кўз тушмасин унга ҳеч қачон!  
Қиличингни филофингга сол,  
Тез яшира қол.

*Фауст*

Ўтган ишга энди салавот,  
Тез қочмасак топмасмиз нажот.

*Маргарита*

Сен ҳаммамиз учун ҳам  
Яшашинг керак.  
Қабрларга, жонгинам,  
Эк гулу чечак.  
Учта чуқур кавлагин  
Мозорда бу кун:  
Онам ва акам учун,  
Ҳамда мен учун.  
Қабримни наридан ўй  
Ўлардан озроқ.  
Қизимни бағримга қўй,  
Бўлмасин йироқ.  
Уни қучиб жимгина  
Уйқуга кетай,  
Энди сени бу сийна  
Қучолмас, нетай.  
Гарчи ҳамон ўшасан,  
Севгим, бироқ сен —  
Бегонага ўхшайсан,  
Мендан йироқсен.

*Фауст*

Мен билан юр, агар севгинг бўлса чин.

*Маргарита*

Озодликками?

*Фауст*

Ҳа, чиқ бу зиндондин.

*Маргарита*

Мени кутар бўлса у ерда ўлим,  
Олиб борса мени мозорга йўлим —  
Майли чиқай унга мен пешвоз, аммо  
Ўтмам ундан нари бир қадам, ҳатто.  
Кетяпсанми, Генрих, жонгинам?  
О, қани энди  
Биргалашиб сен билан мен ҳам  
Кетолсам эди.

*Фауст*

Эшик очиқ! Фақат сен истасанг бас!

*Маргарита*

Менга ҳеч озодлик имкони бўлмас.  
Гарчи чиқолсам-да, бу ердан қочиб,  
Қайда юролардим юзимни очиб?  
Элдан юзим шувут, виждоним нопок,  
Яшамоқ не керак доим аламноқ?  
Не керак одамлар кўзидан пинҳон,  
Ўзгалар юртида бўлмоқ саргардон?  
Унда айғоқчилар кутишар мени,  
Бир куни бари бир тутишар мени.

*Фауст*

Унда қолажакман ёнингда мен ҳам.

*Маргарита*

Йўқ, йўқ, жонгинам,  
Бу ердан тез бор,  
Қизингни қутқар!  
Бора қол, тез бўл,  
Чакалак ёққа.  
Сени элтар йўл  
Тўғри булоққа.  
Кўприкдан ўтиб,  
Бурил ўнг қўлга.

Тезгина етиб —  
 Оласан қўлга.  
 Боланг тирик, топ,  
 Йиғлар чақалоқ.  
 Қутқар уни, чоп,  
 Чопақол тезроқ.

*Фауст*

Эсингни йиғ! Фурсат ганимат!  
 Озодликнинг йўли олисмас,  
 Қўйсанг етар бир қадам фақат.

*Маргарита*

Тепаликдан ўтиб олсак бас,  
 Тош устида ўлтирар онам.  
 Титрамоқда муз бўлиб танам.  
 Йўл бўйида ёлғиз бу нафас  
 Тош устида ўлтирар онам.  
 У бошини тебратар аста,  
 Бемажол хаста.  
 Кўз очмоққа йўқдир мадори —  
 Уни қаттиқ ухлатмиш дори  
 Бизнинг ширин айшимиз учун.  
 қандаи шавқли эди уша тун,  
 Қандай лаззат топганди жонлар!  
 Оҳ, қанисиз ўша хуш онлар.

*Фауст*

Яхши гапга кўнмас бўлсанг нетарман,  
 Сени зўрлик билан олиб кетарман.

*Маргарита*

Йўқ, йўқ, куч ишлатма, кўнмасман асло.  
 Қўлларимни қаттиқ тутма бунча ҳам.  
 Шундоқ ҳам гапингга кўндим доимо.

*Фауст*

Тонг отар, оппоқ тонг, қара, жонгинам.

*Маргарита*

Тонг отар, янги кун. Сўнгги кун менга.  
 Керак эди бу кун тўйим бўлмоғи.

Мен билан бўлганинг айтма ҳеч кимга,  
 Сира лозим эмас элнинг билмоғи.  
 Бошимга бу кулфат тушди ногихон,  
 Бевақт гулларимни қилдилар хазон.  
 Насиб бўлмас энди бирга рақс этмоқ,  
 Кўришмоғимиз бор олдинда, бироқ.  
 Халойиқ юради қатлгоҳ томон,  
 Каттакон майдонга сифмас оломон.  
 Мен учун чалинар сўнгги кўнғироқ,  
 Жаллод бошим узра синдиран таёқ.  
 Чўкаман, тегади бошим кундага,  
 Даҳшат ичра боқар йиғилган одам  
 Мендек маҳжум бўлган осий бандага.  
 Кўзларида кўрқув, гўё хаёлда  
 Уларнинг бошига тушмоқда болта.

*Фауст*

Ўлсам бўлмасмиди бу кунни кўрмай.

*Мефистофель*

(Эшикда пайдо бўлиб)

Тез кетдик, ўласиз йўқса икковлон.  
 Бекорга оху воҳ қилиб ўлтирмай,  
 Чиқиш керак. Ана кунчиқар томон  
 Қизармоқда. Тингланг отлар кишноғин,  
 Улар сезаётир тонготар чоғин.

*Маргарита*

Ногоҳ ер остидан пайдо бўлган ким?  
 Бу ўша, танидим, нақадар даҳшат.  
 Ҳа, у келган албат олгани жоним,  
 Бу муқаддас жойда турмасин, жўнат.

*Фауст*

Яшамоғинг керак, кетайлик, жоним!

*Маргарита*

Сенинг ҳукмингдаман, Тангрим, Хоқоним.

*Мефистофель*

(Фаустга)

Юр, кетдик! Бўлмаса ташлаб кетаман!

*Маргарита*

Қутқар Тангрим, сенга нола этаман,  
Малаклар, теграмда қилингиз парвоз,  
Менга қалқон бўлинг ва айланг халос.  
Сендан қўрқаяпман, Генрих.

*Мефистофель*

У мангу  
Қийноқларга маҳкум.

*Осмондан нидо*

Халос бўлди у.

*Мефистофель*

Тез бўл, кетдик!

(Фауст билан йўқолади)

*Маргарита*

(Қоронгилик ичидан)  
Генрих! Генрих!

MINIMUMIMUM





МИЛЛИОН ОДАМЛАРНИ ЧОРЛАБ У ТОМОН,  
БИР ЮРТ БАРПО ЭТАЙ ЯНГИ, БЕАДАД.



ГАРЧИ БУНДА ХАТАР БЎЛГАЙ ЁНМА-ЁН,  
ЭЛЛАР ҲУР, МЕҲНАТДАН ТОПУРЛАР МАДАД.

У ҲАЛОВАТ БИЛМАЙ ЎТДИ БИР НАФАС,  
ШАРПАЛАР КЕТИДАН ҚУВЛАДИ МАНГУ.



ОҚИБАТ БЕМАЪНИ, ПУЧ ВА АРЗИМАС,  
СЎНГГИ ДАҚИҚАНИ ТУТМОҚ БЎЛДИ У.

ХУШМАНЗАРА ЖОЙ

Оқшом. Ҳоргин Фауст чечаклар очилган далада ётибди. Кўзларида мудроқ, аммо кўнгли бетинч. Теграсида кичкина руҳлар қўшиқ айтмоқда.

Ариэль

(Сабо арфасининг оҳанги остида куйлайди)<sup>33</sup>

Баҳор чоғи илк борон  
Ерга текканда,  
Далаларни ноғиҳон  
Кўм-кўк этганда,  
Аҳли дардга эльфлар чин  
Бўлгай хайрихоҳ,<sup>34</sup>  
Ҳол у тунуқкор булсин,  
Хоҳи бегуноҳ.

Сиз унинг бошида бўлинг парвона,  
Меҳру шафқатингиз кўргузиб яна —  
Хаста бу жонига берингиз ором.  
Виждон азобидан юрак бағри хун<sup>35</sup>,  
Малҳам бўлсин унга бул осуда шом.  
Истифода этинг, тўрт қисмлик тун<sup>36</sup> —  
Ихтиёрингизга берилмиш тамом.  
Юмшоқ кўкатларга бошини қўйинг,  
Уйқу дарёсига ташланг вужудин.  
Оппоқ тонгга қадар тин олсин тўйиб,  
Фориг этинг жонин сўнгсиз қайғудин.  
Кўксини тўлдириб яна зиёга,  
Қайтарингиз уни ёруғ дунёга.

## Хор

*(Якка-якка, жуфт ва жам бўлиб)*

Далаларга оҳиста

Чўкмоқда оқшом, —

Тароватлик, осуда,

Салқин, дилором.

Айтиб алла-қўшиғин

Танҳо ўзига,

Ёпинг кундуз эшигин

Ҳорғин кўзига.

Осмон тўла юлдузлар —

Саф-саф юлдузлар

Кўк узра ҳам кўл узра

Жимгина юзар.

Кенг оламга таратиб

Тенги йўқ чирой,

Ҳам улуғвор, ҳам латиф —

Сузаётир ой.

Ортда қолдилар бутун

Сафою жафо,

Кўнгил азоби учун —

Вақт энг соз даво.

Тинчлан, фақат келажак —

Кунларга ишон.

Бошингда кўм-кўк фалак,

Тегрангда ўрмон.

Ҳадя этсин янги кун

Янги орзулар.

Хаёлингни тарк этсин

Мудроқ уйқулар.

Шижоатни қил одат,

Ўйчилик зарар.

Кимки бўлса оқил, мард,

Шуники зафар.

Даҳшатли гулдурос қуёш чиқаётганидан  
дарак беради.

Ариэль

Тингланг — кўкда гулдурак!  
Бу Ора берган дарак<sup>37</sup>.  
Янги кун учун фалак —  
Очган дарбозаси бу.  
Қулоқ тутинг садога:  
Феб<sup>38</sup> ҳам чиқди самога,  
Нурлар овозаси бу!  
Феб ҳам чиқди олдиндан,  
Аробаси олтиндан.  
Бу қандайин қалди роқ?  
Қоматга келди қулоқ!  
Тангри, руҳларга аён,  
Лек бандалардан ниҳон  
Сирли само саси бу.  
Бу садо жон қасдига —  
Ханжардир, қочинг йироқ.  
Тошу гулбарг остига  
Беркининг, эльфлар, тезроқ!

Фауст

Туманлар ичидан тургувчи саҳар,<sup>39</sup>  
Сенга яна шодон чиқурман пешвоз.  
Азалий кўркинг-ла айлаб мусаҳҳар,  
Замин, бу кеч менга бўлибсан ҳамроз.  
Сен яна кўксимда уйфотдинг истак,  
Орзулар кўкида қилурман парвоз.  
Ҳаёт чўққисига интилурурак,  
Ором уйқусидан уйфонур дунё.  
Тонгги шуълалардан ёришар фалак,  
Қушлар тилга кирди ўрмонлар аро,  
Мовий ранг олмоқда йироқ-йироқлар.  
Туманларни ҳайдар насими сабо,  
Шудрингга чулғанган мудроқ япроқлар  
Уйфониб минг рангда кўргизур зийнат.

Тирилди кўксимда шавқ — иштиёқлар,  
 Олам кўзларимга бамисли жаннат.  
 Бош кўтариб, нурли чўққиларга боқ:  
 Азалдан уларга бўлмишдир одат —  
 Тонгни энг биринчи қаршилаб олмоқ.  
 Бизга эса сўнгроқ келар янги кун.  
 Ана нурга чўмар тоғдаги ўтлоқ,  
 Ана ён бағирлар бўлмоқда гулгун,  
 Шуълалар тушмоқда қадам-бақадам.  
 Ҳайҳот, ана қуёш! Хисрави гардун  
 Боқурга ва лекин йўқ кўзда чидам.  
 Худди шундай бўлур сўнгсиз иштиёқ,  
 Орзу кўнглимизда ўт ёққанда ҳам.  
 Ойлар ўртанамиз, етишгач, бироқ,  
 Истак қошида биз лолу паришон.  
 Биз ҳаёт шаъмини бўлурмиз ёқмоқ —  
 Лек тақдир аланга бергай бир жаҳон.  
 Бу не ўт? Меҳрми ва ёки нафрат?  
 Бизни йўқ қилур ул беному нишон.  
 Гўдак кўрқувсида бизлар ниҳоят  
 Яна қайтадурмиз сокин заминга,  
 Унинг қучоғидан топурмиз шафқат.  
 Қуёш, ҳаргиз орtdан нур сочгин менга,  
 Мен-чи шалолага ташлайин нигоҳ.  
 Кўз қувнар боқиб, бул турфа ўйинга!  
 У гумбурлар суриб қояларни, гоҳ —  
 Чор атрофга сочур олмос зарралар.  
 Акс этар камалак шуъласи, ногоҳ,  
 Бундан етти рангда жилва яралар.  
 Ажаб, ўзгариш ҳам, турғунлик ҳам бор,  
 Гоҳ сакрар, гоҳ тошар, ундан таралар —  
 Борлиққа бир ажиб салқинлик, мадор.  
 У бизга кўзгудир! Биздаги истак —  
 Худди камалакка ўхшар — беқарор.  
 Ҳаёт ҳам аслида ўша камалак.

## ИМПЕРАТОР САРОЙИ

*Император қабулхонаси. Давлат кенгаши императорни кутиб турибди. Карнайлар чалинади. Император кириб, тахтга ўтиради. Унинг ўнг ёнидан мунажжим жой олади.*

*Император*

Ҳаммангизга салом. Сиз бўлибсиз жам  
Йироқ-йироқлардан келиб бу ерга.  
Шу ерда саройнинг мунажжимми ҳам,  
Лекин масхарабоз кўринмас нега?

*Зодагон ўғли*

Этагингни тутиб келар эди ул,  
Қоқилиб йиқилди, аҳволи мушкул  
Кўтариб кетишди. Бизга номаълум:  
У ҳамон мастми ё бўлдими марҳум?

*Бошқа содагон ўғли*

Эски масхарабоз ўрнига, аммо  
Қаердандир бўлди янгиси пайдо.  
Кийими антиқа ва лекин юзи —  
Шундайки... бамисли махлуқнинг ўзи.  
Соқчилар эшикда кўрган ҳамоно  
Найза туширдилар тутмоқчи бўлиб,  
Лек у ўтиб кетди эпчиллик қилиб.

*Мефистофель*

*(Тахт олдида тиз чўкиб)*

Ҳам марғуб, ҳам манфур биз учун — надир?<sup>10</sup>  
Нима ул — ҳам зарур, ҳам зарар бизга?  
Не бизга боқадр ҳамда беқадр?  
Не яқин ҳам йироқ нақадар бизга?  
У недир, қошида ҳокимлар ҳам лол,  
Аммо йўлатмаслар ўзларига ҳеч?  
Ул недир энг содиқ қулбачча мисол  
Пойингда ётибди сенинг эрта-кеч?

*Император*

Жумбоқни кўй. Жумбоқ ўзи етарли.  
 Ундан кўра ўзинг жавобини айт.  
 Кўриб турибсанки, аёнлар бари  
 Жумбоқ айтиш учун йиғилган бу пайт.  
 Ўлиб қолди менинг масхарабозим,  
 Сен унинг ўрнини олишинг лозим.

*Мефистофель тахт зиналаридан чиқиб  
 императорнинг чап ёнидан жой олади.*

*Оломон*

Янги масхарабоз — ундан фойда оз,  
 Бўлингиз хавотир — у сергал, ботир.  
 Анов мечкай эди — нақ мешдай эди,  
 Бу — фарқсиз таёқдан, келди қаёқдан?

*Император*

Бахтиёр бу дамда қутлайман сизни,  
 Шодликлардан дарак бермоқда гардун:  
 Салтанат юлдузи шод этиб бизни  
 Саодат буржида муҳайё букун<sup>11</sup>.  
 Лекин мен ҳайронман — наҳотки ҳозир  
 Кенгаш ўтказмоқнинг бўлса хонаси?  
 Бизнинг олдимизда турибди ахир  
 Ниқоб базмининг<sup>12</sup> зўр шодиёнаси.  
 Агар букун кенгаш бўлсин деб албат  
 Сиз этган бўлсангиз қатъиян қарор,  
 Майли, сизча бўлсин, айлаб қаноат  
 Эшитмоқдан ўзга не иложим бор?

*Канцлер*

Улуғ император — эл меҳрибони,  
 Соҳиби мурувват, соҳиби шафқат.  
 Ул ўзи адолат, қонун посбони,  
 Унинг измидадир бутун мамлакат.  
 Ҳақиқат шамшири унинг забони,  
 Шуни истар ундан халойиқ фақат.



Ва лекин буларнинг баридан не наф,  
Не наф марҳаматдан, ақл донишдан,  
Не наф иродаю куйиш, ёнишдан,  
Қачонки, безгакдай титраб ва қақшаб  
Иситма ўтида ёнар салтанат,  
Фалокат устига келар фалокат.  
Сен бу юксакликдан кўз ташла бир бор:  
Қўрқинчли туш бўлиб кўринар диёр.  
Бу юртда қай томон ташлама назар,  
Кўрурсан тубанлик ҳам фаҳш, алҳазар!  
Ким биров молини ўғирлаб сотар,  
Ким биров хотинин кучоқлаб ётар.  
Ибодатхоналар мулки талондир,  
Ҳеч кимдан қўрқмаса ўғри — ёмондир.  
Ўғрилиқ айб эмас бу юртда зинҳор,  
Ўғрилиқ, аксинча шараф-ифтихор.  
Курсида бепарво ўлтирур қози,  
Ҳақиқат қидириб келганлар ҳайрон.  
Халойиқ эзилган — бари норози,  
Қўрқаман — бошланур каттакон исён.  
Золимлар ҳаддидан ошмасми бебок,  
Ҳакамларнинг ўзи бўлгач мадаккор.  
Айбдорлар бунда фариштадек пок,  
Беайб бечоралар эса айбдор.  
Бунда бор на имон ва на эътиқод.  
Эзгулик — оламнинг бу туб асоси,  
Унинг ибтидоси ва интиҳоси —  
Истибдод қўлида бўлмакда барбод.  
Софдил одамлар ҳам бу гирдоб аро  
Нопоклик йўлига кирмоқда кам-кам.  
Қози беролмагач ўғрига жазо  
Демак, шерик бўлар унга ўзи ҳам.

*(Бир оз сукутдан сўнг)*

Аянч тасвир этдим ҳолатни бироқ,  
 Асли юртда аҳвол бундан баттарроқ.  
 Ҳалокат чоҳига яқин мамлакат,  
 Авжига минмоқда зулм, истибдод.  
 Бу ҳол давом этса бир кун оқибат  
 Тахту салтанатинг бўлгуси барбод.

### *Саркарда*

Осудалик битди, йўқолди суқун,  
 Эл ичра хунрезлик авж олди букун.  
 Қаттиққўллик керак, интизом даркор,  
 Олий ҳокимият ва лекин ночор.  
 Ҳунарманд — шаҳарда, форис\* — қишлоқда  
 Беркиниб қалъаю, қўрғонлар аро,  
 Яқин йўлатмасдан бизни мутлақо,  
 Ҳукуматга қарши ғавғо қилмоқда.  
 Ёлланган аскарлар тинчлик бермас ҳеч,  
 Улар ўз маошин қилмоқда талаб.  
 Қодир бўлиб ҳақин тўласак бу кеч,  
 Эрта тонгда бари кетгай ҳар тараф.  
 Ва лекин ёлланган аскарга тегмоқ —  
 Ари уясини кавламоқ демак.  
 Улар бош кўтарса, шаҳару қишлоқ —  
 Могу дунёсига ғорат солажак.  
 Букун ғалаёнда мамлакат бари!  
 Қайси юрт тинч эса вақтинча агар,  
 Бепарво ўлтирур тож соҳиблари,  
 Яқин инқироздан тамом беҳабар.

### *Хазинадор*

Иттифоқчилардан фойда йўқ асло,  
 Иона пулларнинг оқими битди.  
 Солиқлар ҳам келмай қўйди мутлақо,  
 Хазина қуриди — сўнгига етди.  
 Бетайин — фуқаро киму подшо ким?

\* Форис — рицарь.

Букунги зодагон мулкдорга қара —  
 Уларнинг ҳаммаси ўзига ҳоким,  
 Сенга тобеликни сезишмас зарра.  
 Сиёсат ҳам қилиб кўрдик бир-икки,  
 Улар парво қилмас — бу қандай ҳолат!  
 Биз уларга шунча ҳуқуқ бердикки,  
 Ўзимиз ҳуқуқсиз қолдик оқибат.  
 Қандайин ном билан аталмасин ул —  
 Таянч бўлмас бизга партиялар ҳам.  
 Уларнинг олқишу нафрати бир пул,  
 Бизларга йўқ бундан наф ҳам, зарар ҳам.  
 Бари бир — сен гелфми ёки гиббелин<sup>43</sup>  
 Букун сўрамайди бирорта инсон,  
 Ҳамманинг ўз жони ўзига ширин,  
 Ҳамма ўзига бек, ўзига султон.  
 Мол-давлат тўпламоқ барчада хаёл,  
 Омборларга қўш-қўш қулф уриб маҳкам.  
 Хазина эса бўш — шуниси малол.

*Сарой хизматчиси*

Дарду ҳасратларим каммас менинг ҳам:  
 Қилмоқ бўлсак ҳамки қанча иқтисод,  
 Кундан-кун боримиз бўлмоқда барбод.  
 Ошпазлар тасарруф қилар беҳисоб,  
 Қуён, ўрдак, кийик гўштидан кабоб...  
 Буларни, ҳақ олиб тилла баробар,  
 Саройга жўнатар жуҳуд савдогар.  
 Танқислик шу фақат; майнинг таги кам,  
 Тўлуғ бўлар эди хумлар бир замон,  
 Бор эди шаробнинг ҳар туридан ҳам.  
 Ёлғон бўлар букун оз қолди десак,  
 Улардан қолмади бир ному нишон,  
 Барини қуритди бу аҳли аъён.  
 Уларнинг мириқиб ичмоғи учун  
 Майхонасин очсин ратуша букун.  
 Ҳукамолар майга тўйгунча ботсин,  
 Сўнг стол остида ағанаб ётсин.

Улар базм қилсин эрта-кеч хандон —  
 Яҳудийга бўлай мен балогардон.  
 У эса ҳақини қилади талаб,  
 Жарақлатиб олар тиллани санаб.  
 Кундан-кун чиқмоқда ишнинг чатоғи:  
 Камайиб кетмоқда чорва туёғи.  
 Умидим йўқ энди, уринмоқ абас,  
 Бу мушкулдан сира чиқмас бошимиз.  
 Ботганимиз қарздир — пар тўшак эмас,  
 Қарздир, ҳаттоки еб турган ошимиз.

*Император*

*(бир оз хаёлдан сўнг)*

Масхарабоз, борми сенда ҳам ҳасрат?

*Мефистофель*

Ҳасрат нима қилсин бу ерда, ҳазрат?  
 Шикоятга сира ўрин йўқ, ахир —  
 Кундан-кун гуркираб, кенг ёзиб бағир  
 Яшнаб бормоқдадир улуф салтанат.  
 Бу юрт ёвларига сира йўқ омон,  
 Сарҳадларга қанча азамат посбон.  
 Эл шодон, тинимсиз қилмоқда меҳнат,  
 Барча кўнгилларда Сизга садоқат.  
 Саодат юлдузи нур сочган пайтда,  
 Бўронлар писандмас бизга албатта.

*Оломон*

Алдашини қаранг! Нақадар айёр!  
 Ичидан қуюлиб келади ёлғон.  
 Гапидан сезилиб турибди аён:  
 Бир таклиф киритар — режаси тайёр.

*Мефистофель*

Ҳар кимнинг ўз дарду эҳтиёжи бор,  
 Бунда пул йўқ, демак, пул топиш даркор.  
 Олтин ерда ётмас — буни биламиз,  
 Уни ер остидан қазиб оламиз.  
 Тоғларда, деворлар остида талай —  
 Олтинлар ётибди арзон ва қулай

Топмоқ, мумкин ақлу заковат билан,  
Ўктам руҳ эш бўлиб табиат билан.

### *Давлат котиби*

Руҳ билан табиат безга ёт бутун,  
Уларни насроний гуноҳ деб билар.  
Бу янглиғ ошкоро шаккоклик учун  
Осий бандалар ўтда ёқилар.  
Табиат — ҳаромдир, руҳ эса шайтон,  
Улардан туғилар шубҳа ва гумон.  
Улуғ император қудратин сири —  
Икки тоифага суянур фақат,  
Бири дин аҳлидир, форислар бири.  
Уларники ер-сув, иззату ҳурмат.  
Қора халқ бедониш — қора аламон,  
Жоҳил, кетаберар ким тутса қўлдан.  
Уларни бир талай даҳрий беимон  
Исёнга етаклар оздириб йўлдан.  
Ҳа, сен ҳам ёқлайсан шу тоифани,  
Масхарабоз асли эшдир гумроҳга.  
Ниқоб қилиб ҳазил-мутоибани,  
Кириб келдинг сен бул қутлуғ даргоҳга.

### *Мефистофель*

Олим мана шундай беради таълим:  
Унинг учун йўқдир неки номаълум.  
Нимани қўл билан тутолмаса ул —  
Оламда бор демак эмасдур маъқул.  
Неники санашга етмаса бармоқ,  
Демак, у ғайри илм, ёлғон ва чатоқ.

### *Император*

Фалсафа сотмоқнинг фойдаси йўқ, бас,  
Гап билан ҳеч қачон хазина тўлмас.  
Панду насиҳатни бўлак жойда қил,  
Пул керак, пул топу бизга фойда қил.

*Мефистофель*

Топаман, қўлимдан келар албатта,  
 Ортиқроқ топаман керагидан ҳам.  
 Бу иш осон, аммо меҳнати катта,  
 Керак бўлар андак топқирлик, чидам.  
 Қадим замонларда — босқину талон  
 Элу элатларга солганда яғмо,  
 Одамлар жон сақлаб қочган ҳар томон,  
 Ўраларда қолган олтинлар, аммо.  
 Бундай ҳол қадимий Румода бўлган.  
 Қайси юрт кўрмаган торожу форат?  
 Неки ер остида бўлса — ер билан  
 Сеники бўлади, эй олий ҳазрат!

*Хазинадор*

Дуруст масхарабоз, калласи бутун,  
 Ер давлат мулкидир. Ҳақиқат. Қонун!

*Давлат котиби*

Эҳтиёт бўлингиз, сизларга шайтон  
 Ҳозирлаб қўйибди олтиндан қопқон.

*Сарой хизматчиси*

Мен эсам омборим тўлишин билсам,  
 Тайёрман ҳар қандай қилвир ишга ҳам.

*Саркарда*

Тентакнинг гапи ҳақ. Пул берсанг агар,  
 Қаердан деб сўраб ўлтирмас аскар.

*Мефистофель*

Сизни қилар бўлса шубҳалар гаранг,  
 Мунажжим шу ерда. Ундан ҳам сўранг.  
 Бизга нима ваъда этмоқда фалак?  
 Юлдузлар нимадан бермоқда дарак?

*Оломон*

Ажаб, тахт олдида, буни қара, боз —  
 Иттифоқ мунажжим ва масхарабоз.  
 Масхарабоз унга нима айтадур,  
 Қараб тур, мунажжим шуни қайтарур.

*Мунажжим*

(*Мефистофель айтиб турган сўзларни қайтаради*)

Ярқираб турибди қуёш фалакда,  
 Уторид бойликдан хабар бермакда.  
 Ваъда этиб бизга қувонч ва сафо —  
 Тонгда ҳам, кечда ҳам нур сочар Зухро<sup>44</sup>.  
 Ой инжиқ кўринди. Ожизу бироқ  
 Миррихнинг авзойи бир оз бузуқроқ.  
 Муштарий намоён хушнуд ҳолатда,  
 Кайвон гарчи кичик, залвори катта.  
 Маъдани офирдир, шунинг учун ҳам —  
 Бу маъдан баҳоси бошқалардан кам.  
 Мос тушса ой билан қуёш жамоли,  
 Бу мўл-кўл олтину кумуш тимсоли.  
 Ҳеч бир тўсиқ йўқдир йўлимизда, рост,  
 Нимаки истасак қўлимизда, рост.  
 Бизники саройлар, боғ, хиёбонлар,  
 Ёноқлари қизил гўзал жононлар.  
 Биз учун буларнинг барини бекам  
 Муҳайё қилажак донишманд одам.

*Император*

Гарчи икки карра сўзлади, аммо  
 Гапидан топмадим заррача маъно.

*Оломон*

Бунда йўқ гумон:  
 Ҳамма гап ёлғон.  
 Биз биламиз, ким —  
 Доно мунажжим?  
 Эшитдик юз бор,  
 Ҳаммаси бекор.  
 Алдаб ўтди боз  
 Бизни лўттибоз.

*Мефистофель*

Балки сўзларимга ишонмас ҳеч ким,  
 Балки дер — бу гаплар ақлдан холи.

Алавун гиёҳин ўйлар бўлса ким,  
 Кимнинг қора итга учди хаёли<sup>15</sup>.  
 Ажабо, биз нечун қичишса товон.  
 Ёки мадор кетиб титраса тизза —  
 Буни сеҳр дея қилурмиз гумон?  
 Бунда ҳеч бир сир йўқ, аслида бизга  
 Табиат ўзининг кўзга кўринмас  
 Зарралари билан қилади таъсир.  
 Замин сирли кучлар кони экан, бас,  
 Биз мангу мана шу кучларга асир.  
 Қаерда зирқираб оғриси суяк,  
 Қаерда ҳеч ором тополмаса жон,  
 Дарҳол ўша ерни кавламоқ керак,  
 Дафина тоғурсиз ундан бегумон.

#### *Оломон*

Шу пайт оғриб қолди негадир белим,  
 Менинг эса қақшар оёғим, кўлим.  
 Биқиним санчмоқда, ҳеч дармоним йўқ,  
 Елкамни мисоли тешиб ўтган ўқ.  
 Оғришига боқсам сирқираб жоннинг,  
 Бундадир бойлиги бутун жаҳоннинг.

#### *Император*

Бас, етар сафсата, қани, бошла иш,  
 Сўзинг ҳақлигини исбот қил дарҳол.  
 Не даркор гап сотиб бунда ўлтириш,  
 Ўша хазинани кўрсат, бўла қол!  
 Қиличу тожимни қўйиб ўзим ҳам  
 Белкурак кўтариб борай изингдан.  
 Сўзинг рост бўлса сен ҳеч бўлмайсан кам,  
 Агар ёлғон бўлса, кўргин ўзингдан.

#### *Мефистофель*

Етаклаб борурман у ерга ўзим,  
 Йўлларини яхши билурман, бироқ —  
 У ерда хазина шу қадар лим-лим,  
 Ҳатто мумкин эмас тасвир айламоқ.  
 Мана, тасаввур эт: ер ҳайдар деҳқон.



Омоч нимагадир урилар шу зум.  
 Кавлаб ер тагидан олса ногихон —  
 Олтин тўла хум!  
 Ёки бошқа деҳқон ер этагига  
 Ўфит кўмган бўлса бир йилча олдин,  
 Уни кавлар экан — белкурагига  
 Илиниб чиқади... бир халта олтин.  
 Аммо бойликларнинг дафинасига —  
 Олтин, биллурларнинг хазинасига  
 Ер ости уй томин бузиб кирилур;  
 Узун йўлаклардан адашмай ўтмоқ,  
 Ёқут инжуларнинг конига етмоқ —  
 Режасини аввал тузиб кирилур.  
 Бунда олтин кўза, олтин тобоқлар,  
 Биллур қадаҳлар ҳам турар ёнма-ён  
 Мабодо, қақраган бўлса томоқлар,  
 Ичинг мана шароб — ором олсин жон.  
 Кўриб, балки дерсиз сиз ажабланиб:  
 Бирмиллар чирибди — май бўлмабди кам<sup>16</sup>.  
 Шароб қуйқалари тошга айланиб  
 Ерга туширмабди томчисини ҳам.  
 У ерда мангулик қоронғу дунё,  
 Жаҳон бойлик ётар у зулмат аро.  
 Меҳнат талаб этмас унчалик катта  
 Уларни ёруғда қилмоқ тамошо.  
 Лекин топмоқ учун кезиб зулматда  
 Билим, ақлу дониш керак, албатта.

### *Император*

Ҳақиқатга ётдир қоронғу зулмат,  
 Сен бизга олтинни ёруғда кўрсат.  
 Ким билар тун кеча зим-зиё чоқда —  
 Нима ҳақиқий-ю, нимадир сохта?  
 Халқда мана шундай мақол бор қари:  
 «Тунда қўнғир бўлар мушуклар бари».

*Мефистофель*

Қани, олий ҳазрат, белкуракни ол,  
 Юксакка кўтарар инсонни меҳнат.  
 Тер тўк, сенга кулиб боқажак иқбол,  
 Пойингга олтинлар тўкилур албат.  
 Тиллолар ичида кезарсан боғда,  
 Инжуга ўрарсан севгилингни ҳам.  
 Гўзаллик ва қудрат бир бўлган чоғда  
 Нақадар улўфвор кўринур одам.

*Император*

Қани, тезроқ ишга! Йўқ ўзга тоқат.

*Мунажжим*

*(Аввалгидек Мефистофель айтиб турган гапларни қайтаради)*

Бир оз сабр қилгин, эй олий ҳазрат,  
 Аввал байрам ўтсин. У ҳам катта иш,  
 Нечун икки ишга бирдан киришиш?  
 Фалакнинг бу тенгсиз савфоси учун  
 Ўзимиз ҳам лойиқ бўлайлик букун.  
 Ким агар тиласа ҳақдан саховат,  
 Ўзи ҳам мурувват кўрсатсин албат.  
 Ким май ичмоқ бўлса — узумни эзсин,  
 Ким мўъжиза кутса — эътиқод сезсин.

*Император*

Жуда соз! Рўзанинг олдидан байрам!  
 Майлига, ундан сўнг нима бўлса ҳам.  
 Бор нарсани тўкинг, аяманг, қани —  
 Ниқоб базмига тез чорланг ҳаммани!

*Карнайлар чалинади, ҳамма тарқалади.*

*Мефистофель*

Тентаклар! Қувонур топгандай дунё.  
 Меҳнатсиз келарми инжу билан зар?  
 Мен уларга иксир берардим, аммо<sup>47</sup>  
 Афсуски бу ерда йўқдир кимёгар.

## НИҶОБ БАЗМИ

*Бир неча хоналарга туташган катта зал ниҶоб базми учун ясатилган.*

*Герольд*

Йўқ, сиз олмон ўлкаси<sup>48</sup> аро  
Қилмагайсиз букун тамошо  
Жинлар базми, арвоҳлар рақсин,  
Бунда шодлик базми муҳайё.  
Подшоҳимиз,— унга минг таҳсин,—  
Альп тоғидан ошиб музаффар,  
Румо сари айлади сафар.  
Ўша ердан кийиб қайтди тож —  
Ўпиб қутлуғ Бобо бошмоғин<sup>49</sup>.  
Бизга олиб келди, не илож,  
Масхарабоз тентак қалпоғин.  
Шундан буён ясаниш шундоқ,  
Энгил шундоқ башанг, пардозлик,  
Ҳаммамизда тасқара қалпоқ,  
Бутун юртда масхарабозлик.  
Ана, жуфт-жуфт бўлиб шодумон —  
Етаклашиб дўсту ёронлар  
Боғ ичидан ўтиб, биз томон  
Келаётир азиз меҳмонлар.  
Улар қандоқ кийиниб олган!  
Бу одатии! Таажжуб оздир.  
Асли бизни шу кўйга солган  
Дунё ўзи масхарабоздир.

*Богбон қизлар*

*(Мандолина чалиб қўшиқ айтишади)*

Базмингизга келдик бизлар,  
Кўриб қўйинг бизларни.  
Флоренциялик<sup>50</sup> қизлар  
Хурсанд қилар сизларни.

Биз ҳаммага ёққандурмиз,  
Шойи кийиб ранг-баранг.  
Сочимизга таққандурмиз  
Турфа гуллар, бир қаранг.

Улар шойи, бахмал улар,  
Бундоқ гуллар сўлмайди.  
Бизнинг қўлдан чиққан гуллар  
Сира адо бўлмайди.

Улар асли қийқим-қийқим  
Эски-туски бир латта.  
Гул ясадик — кўп бежирим,  
Бу ҳам ахир санъат-да!

Бизда бутун элнинг кўзи,  
Ким боқмас бу жамолга?  
Гўзаллик ва санъат ўзи  
Эш бўлади аёлга.

*Герольд*

Майлими бир қараб кўрсак  
Саватларда нима бор?  
Ҳеч кўрмаган бўлса керак  
Жаҳон бундай гулизор.

Гул савдоси, не ажаб, боз  
Вола қилса бизларни.  
Билолмадик қай бири соз —  
Гулларми ё қизларми?

*Богбон қизлар*

Келиб қолинг гул олар ким?  
Қийишмасмиз пулига.  
Фақат таъриф айтсин ҳар ким  
Олган ҳар бир гулига.

*Зайтуншохи*

Мен зайтунман, зайтунман,  
 Чечаклардан устунман.  
 Йўқ ўзгага менда кин,  
 Нифоқлардан холиман.  
 Мен тинч ҳаёт ва эркин  
 Меҳнатнинг тимсолиман.  
 Япроқларим муанбар,  
 Арзир бўлсам гулчамбар.

*Олтин бошоқлардан ясалган гулчамбар*

Қўйинг гуллар раъносини,  
 Мен ҳам гўзал, ҳам фойда —  
 Цереранинг<sup>51</sup> савфосини  
 Тақиб юринг ҳар жойда.

*Ғалати гулчамбар*

Ҳайрон бўлманг, мен йўсунда  
 Етишган гулхайриман.  
 Урф бўлдим шу йўсинда,  
 Табиатдан айруман.

*Ғалати гулдаста*

Менинг номим недир, билмас  
 Теофрастнинг<sup>52</sup> ўзи ҳам.  
 Мени кўплар эъзоз қилмас,  
 Ишқибозим жуда кам.

Менга кимдир қиё боқса,  
 Кимдир қилса сал ҳавас,  
 Кимдир ногоҳ олиб тақса,  
 Шунинг ўзи менга бас.

*Даъват*

Майли, сунъий, баландпарвоз,  
 Табиатга бегона —  
 Инжиқ таъблар урфига мос  
 Қилиқ қилсин замона,  
 Майли, сочга турфа хандон

Гул тақсин ҳар беқарор.

Бизлар эса —

### *Фунчалар*

Кўздан ниҳон

Бизни топган — бахтиёр.

Кўклам ерга ёйса гилам,

Ҳосил бўлар тилаклар.

Муҳаббатга бизлар билан

Очилади юраклар.

Уйғонади ўшал тонг —

Қалб ҳам, ҳис ҳам, кўз ҳам онг.

*Богбон қизлар усти ёпиқ хиёбонга  
сават тўла гулларни териб қўйишади.*

### *Богбонлар*

*(Теорбалар<sup>53</sup> садоси остида  
қўшиқ айтишади)*

Гул-чекакни кўриб, шундай

Маъқул қилиб бўлади.

Лек мевани татиб кўрмай

Қандай билиб бўлади?

Кўриб улар жамолини —

Нима сезар кўзингиз?

Олуча-ю шафтолини

Татиб кўринг ўзингиз.

Шоир гулга боқиб қолса,

Ҳар балолар деб кўрар.

Лекин олма ёқиб қолса,

Аввал уни еб кўрар.

Бери келинг, гулчи қизлар,

Қувноқ қизлар, хуш хандон,

Гулингизни қўйинг сизлар

Мевамизга ёнма-ён.

Гул боғ аро бўлсин букун  
 Базм адо бўлгунча —  
 Ҳар кўнгилнинг кўйи учун:  
 Мева, япроқ, гул ғунча.

*Гитара ва теорбалар садоси остида  
 ҳар икки гуруҳ ўз молларини хиёбон  
 четига терадилар.*

*Она ва қиз*

Она

Қизалоғим, сен туғилиб,  
 Очдингу кўзинг —  
 Ўсдинг оппоқ, дўмбоқ бўлиб,  
 Чиройли юзинг.  
 Неча йилки мен ўйга банд:  
 Бир эр бўлса бой, давлатманд,  
 Лойиқсан ўзинг.

Йил кетидан ўтди йиллар,  
 Олам бир бозор.  
 Сенга қанча соз йигитлар  
 Бўлди харидор:  
 Кўзларини бойлаб кўрдик,  
 Бошларини айлантирдик,  
 Бўлмади — бекор.

Ўтди қанча базму йиғин —  
 Ўриндиқ ҳалол —  
 Кўп ҳаракат қилдик, лекин  
 Кулмади иқбол.  
 Бугун омад келса керак,  
 Учраб қолса бирор тентак —  
 Илантириб ол.

Уларнинг ёнига дугоналар келишади.  
 Фала-говурлик, очиқ-ошкора кўнгилдан  
 суҳбат бошланади. Тўр, қармоқ кўтар-  
 ган балиқчилар, қуш тутуш учун елим  
 таёқлар ушлаган қушчилар йиғилиша-  
 ди. Улар шўх ҳазиллар айтишиб, қиз-  
 лар билан қувлашишади.

### Дарахт кесувчилар

(Қўпол бачкана юриш билан  
 кириб келадилар)

Пўшт! Бизга йўл оч!

Биз ўрмон кезиб,

Қарағай кесиб,

Қилурмиз тахта.

Ташиган вақтда

Бошни сақла! Қоч!

Бизлар, халойиқ,

Қўпол кишимиз,

Лекин ишимиз

Ҳурматга лойиқ.

Кесмаса ўтин

Қўпол билаклар,

Нима қиларкин

Жони ипаклар?

Ишламасак биз

Терларга ботиб,

Ўлар эдингиз

Совуққа қотиб.

### Полишинеллар<sup>54</sup>

(Тентак қилиқлар билан)

Бел букувчи — сиз,

Тер тўкувчи — сиз,

Чунки жоҳилсиз;

Мана оқил — биз,



Биз иш қилмаймиз,  
 Ташвиш билмаймиз.  
 Бошларда — қалпоқ,  
 Оёқда — бошмоқ,  
 Жулдур — энгилда,  
 Шодлик — кўнгилда.  
 Тунлар беозор  
 Ухлаб турамиз,  
 Кундузлар бозор  
 Кезиб юрамиз.  
 Биз эркин қушдак  
 Галамиз билан —  
 Гоҳида ҳуштак  
 Чаламиз бирдан.  
 Бошланар қий-чув,  
 Ана, тўполон!  
 Тарқаламиз дув,  
 Бўламиз қуён.  
 Эл минг солсин дод,  
 Йўқдир ишимиз —  
 Таралабедод  
 Юрган кишимиз.

### *Текинхўрлар*

*(дарахт кесувчиларга суйкалиб  
тамагирлик билан)*

Сиз — меҳнаткашсиз,

Сиз — заҳматкашсиз.

Сиз бермасангиз

Ўтин ва кўмир

Бўлади эсиз

Бизларнинг умр.

Мақтов керакмас,

Турфа хил қилиқ,

Сўздан на фойда?

Сиз бўлсангиз бас,

Хонамиз иссиқ,

Бутмиз ҳар жойда.

Ёғмайди ўтин  
 Сира осмондан,  
 Ўтинчи бетин  
 Ташир ўрмондан.  
 Мана ўчоқда  
 Олов гуриллар.  
 Темир тобоқда  
 Балиқ қовриллар,  
 Ошпаз лаганда  
 Келтирганда гўшт,  
 Лаб ялаганда,  
 Гўштхўр, айтинг, хўш —  
 Унга ўша кун  
 Бўлмасми фараҳ?  
 Ўтинчи учун  
 Ичмасми қадаҳ?

### *Шаробхўр*

Шодлигимга йўқ тўсиқ,  
 Ҳамма дўсту улфатим.  
 Менинг бойлигим — қўшиқ,  
 Эркинликдир одатим.  
 Тортинишни қўй, ошна,  
 Тезроқ майни қуй, ошна.  
 Қадаҳлар тўлуғ бўлсин,  
 Фараҳлар тўлуғ бўлсин.

Мен ҳам хотиндан куйган,  
 Наштарини қадайдим.  
 У мени ниқоб кийган  
 Алвасти деб атайди.  
 Ийманишни қўй, ошна,  
 Тезроқ майни қуй, ошна.  
 Қадаҳлар тўлуғ бўлсин,  
 Чаҳ-чаҳлар тўлуғ бўлсин.

Қарз дафтарим бор тайин,  
 Қахвахона бизга ёр.  
 Ҳайдаб солса хўжайин,  
 Қуйиб берар хизматкор.  
 Четда турма, қўй, ошна,  
 Тезроқ майни қуй, ошна;  
 Қадаҳлар тўлуғ бўлсин,  
 Қах-қаҳлар тўлуғ бўлсин.

Ҳар кимда бор бир ҳавас,  
 Менга шу ер бўлса бас.  
 Стол таги хуш келди  
 Чўзилайин бир нафас.

*Ялли қўшиқ*

Қани, ичинг, ташналар!  
 Ана, кириб бурчакка —  
 Бизнинг баъзи ошналар  
 Кетиб қолди пинакка.

*Герольд турли йўналишдаги шоирларнинг —  
 табиат куйчилари, сарой маддоҳлари ва  
 фотислап тоифасини илигловчи шеър  
 соҳибларининг келганини эълон қилади.  
 Улар гап таллашиб, бир-бирига сўз бермай,  
 уймаллашиб кетадилар. Фақат биттаси  
 олдинга чиқиб икки оғиз сўз айтишга  
 улгуради.*

*Ҳажвчи*

Биласизми, мен қай дам  
 Бахтли сезарман ўзни?  
 Кўпчиликка ёқмасам —  
 Айтиб ҳақиқат сўзни!

*Қабристон ва шабистон куйчилари узр  
 сўрайдилар. Улар ҳозир янги пайдо бўлган,*

эрта бир кун шеъриятда янги бир йўналиш бошлаши мумкин бўлган ялмоғиз билан берилиб, суҳбат қилмоқдалар. Герольд бунни таъкидлайди ва эътиборга олади. У юнон афсонасининг қаҳрамонларини чақиради. Улар замонавий кийинган бўлсалар ҳам, ўзига хослик ва давр тароватини сақлаганлар.

### УЧ НАЗОКАТ<sup>55</sup>

*Аглая*

Ҳаёт учун шавқ, лаззат  
Бағишлагай назокат.

*Гегелона*

Шавқ, лаззат туйганда ҳам  
Назокат бўлсин ҳамдам.

*Ефросина*

Ким бу шавқдан миннатдор —  
Назокатга бўлур ёр.

### ПАРКАЛАР<sup>56</sup>

*Антропос*

Қисматимда бор хизмат —  
Мураккаб иш, мушкул иш.  
Талаб этгай матонат  
Ҳаёт ипин йигириш.

Узилмасин учун ип,  
Силлиқ бўлсин учун, соз,  
Уни яхшилаб эшиб,  
Сўнгра бераман пардоз.

Меъёр билинг сафода,  
Йўқса сафо бузилар.  
Ипни ҳаддан зиёда  
Тортиб бўлмас — узилар.

*Клото*

Қўлимга қайчи тутмиш  
Мен шўрликнинг қисматим.  
Онамиз қилмаган иш  
Бўлди менинг хизматим.

У мажруҳлар кунини  
Ҳаддан кўп чўзиб қўйди.  
Лекин ёшлар умрини  
Ярмида узиб қўйди.

Аммо бу ишда мен ҳам  
Янглишганман кўп, тайин,  
Энди қайчимни маҳкам  
Филофига солайин.

Яйранг, ўйнанг бемалол,  
Тўйиб-тўйиб карайин.  
Буқун сизга йўқ завол,  
Мен ҳам бир бор яйрайин.

*Лахезис*

Бу даврада оқилроқ  
Фақатгина мен ўзим.  
Ишим тартиб ўрнатмоқ.  
Чархнинг иши бетузум.

Бўйсунди ҳар бир ип  
Қоидага, йўриққа,  
Ҳар тола кўлдан ўтиб  
Охир тушар урчуққа.

Қарамаса бир зум гар  
Олам қулайди чоҳга.  
Чарх айланар, вақт ўтар,  
Иплар борар дастгоҳга.

*Герольд*<sup>57</sup>

Гарчи таниш сизга қадимги дунё,  
Таниб ололмассиз буларни аммо.  
Уларнинг кимлигин билмай эҳтимол,  
Азиз меҳмонлар деб қилурсиз хаёл.

Бу гўзал қизларни фуриялар<sup>58</sup> деб,  
Балки бирор кимса қилмайдир гумон.  
Аммо сўзлашсангиз яқинроқ келиб —  
Билурсиз — бу ҳурлар илондир, илон.

Улар жуда маккор, лекин бу — байрам,  
Ҳар ким ўз феълени этар ошикор.  
Шу боис бениқоб фуриялар ҳам  
Очиқ айтадурлар кўнгилда не бор.

## ФУРИЯЛАР

*Алекто*

Ниқобдан фойда йўқ — бунни биламиз,  
Шум ғийбат дарсини ўқиймиз сизга.  
Уйланмоқ бўлсангиз бирорта қизга,  
Бизлар уни боплаб таъриф қиламиз.

Айтамиз — у инжиқ, эрка ва тантиқ,  
Сизни эр қилару бошқада кўзи.  
Боз бунинг устига ғилайдир кўзи,  
Оёғи ҳам маймоқ, бўйни ҳам чандиқ.

Бўлажак келинга айтамыз: — «Эринг —  
Бузуқ одам — сира тушмайди изга,  
Сени ёмонлади бошқа бир қизга!»  
Мана шундан кейин уйланаберинг.

### *Мегера*

Шу ҳам иш бўптими, эр-хотин бўлиб,  
Ёшлар яшаб кўрсин қани иттифоқ.  
Улар орасига солурман нифоқ,  
Тошар бахт косаси оғуга тўлиб.

Инсон табиати мухталиф мангу,  
Ҳаёт силлиқ бўлса тегади жонга.  
Агар қуёшли кун берсанг инсонга,  
У қору музликни қилади орзу.

Кимки бир-бирига дўсту ёр бўлур,  
Кимки бир-бирига азиз меҳрибон,  
Уларга кун йўқдир мендан ҳеч қачон,  
Асмодей<sup>59</sup> ёнимда мададкор бўлур.

### *Тизифона*

Фисқу фасод, ғийбатлар эмас —  
Менда қурол — ханжар ва оғу.  
Ким хиёнат қила кўрса у —  
Эртами кеч жазо тогур бас!

Экканини ўрар ҳар ким, рост!  
Лаззат ичра кечган он учун,  
Лаҳза ором топган жон учун  
Мен беаёв олурман қасос!

Гуноҳ борми, демак, бор жазо,  
Фойда бермас нолаю ҳасрат.  
Тавбаларга тоғ-тошдан фақат —  
«Алқасос» деб қайтадир садо.

*Герольд*

Пўшт, янги меҳмонлар келмоқда бизга<sup>00</sup>,  
 Улар ўжшамайди ҳеч бирингизга.  
 Ёпиниб устига матолар хил-хил,  
 Ана тоғдай бўлиб келаётир фил.  
 Хартуми бамисли даҳшатли илон.  
 Бу не жумбоқ! Сизга қилурман баён:  
 Фил бўйнига миниб таёқли аёл,  
 Бошқариб келмоқда филни бемалол.  
 Ундан баландроқда турганча тикка  
 Яна бири мағрур боқар кенгликка.  
 Икки томонида филнинг, қарангиз,  
 Келмоқда кишанлик икки асира:  
 Бири изтиробда сўлғин ва рангсиз,  
 Бири эса парво қилмайди сира.  
 Улар ким, бу не ҳол — англамоқчимиз —  
 Уларнинг ўзидан тингламоқчимиз.

*Қўрқув*

Атрофимда машъаллар  
 Солди мени қийноққа.  
 Қочай десам кишанлар  
 Қўймас мени ҳеч ёққа.  
 Ҳамма мендан кулмоқда,  
 Ҳамма менга ёв, душман.  
 Ҳамма таҳдид қилмоқда,  
 Ҳамма изимга тушган.

Дўст — йўлимга қазиб чоҳ,  
 Мени янчмоқ бўлади.  
 Душман — ордан баногоҳ  
 Пичоқ санчмоқ бўлади.  
 Уни тутмоқ бўлурман,  
 Лек кишанда қўлларим.  
 Қочиб кетмоқ бўлурман,  
 Лекин беркдир йўлларим.



*Умид*

Салом, опа-сингиллар!  
Ниқоб, турфа энгиллар  
Сизга бугунлик холос.  
Эрта тонгдан биламиз,  
Аслимизга лойиқ, мос  
Кийимларни иламиз.  
Аммо опа-сингиллар  
Аниқ шундай кун келар —  
Ўшанда ниқобсиз ҳам  
Ҳар куни бўлар байрам.  
Меҳнат қўшиқ туфайли  
Эрмак каби бўлади.  
Ҳаёт худди гул сайли  
Эртак каби бўлади.  
Зўр келмас ҳеч билакка,  
Гоҳ ишлаб, гоҳ олиб дам —  
Истасак якка-якка,  
Истасак хоҳ бўлиб жам —  
Чиқажакмиз сайрга,  
Хандон уриб шод-қувноқ.  
Бизлар борсак қаерга,  
Барча очар кенг қучоқ.  
Шундай кун келар албат,  
Қаердадир бор-ку бахт!

*Дониш*

Умид билан қўрқувдан  
Ортиқ ёв йўқ инсонга.  
Улар ўт билан сувдан  
Баттар офат жаҳонга.  
Фил гарчи тоғ билан тенг —  
Лекин изми мандадир,  
Манов икки балонинг  
Қўллари кишандадир.  
Юксакликда турган бул  
Маъбудани танирсиз:

Борлиқ олам унга қул,  
 Қаршисида чўккан тиз.  
 Мағрур боқар шон-шуҳрат  
 Шуъласидан мунаввар.  
 Исмин айтсам, у — Нусрат  
 Ҳамма ишда музаффар.

*Зоило — Терсит*<sup>61</sup>

Бу ерга келдим букун  
 Сизларни боплаш учун.  
 Энг биринчи нишоним —  
 Нусрат аталган хоним.  
 Ўзни қанотли аёл —  
 Бургут деб қилар хаёл  
 Уйлар бор қишлоқ, шаҳар —  
 Бўлур унга мусаххар.  
 Учраса бир шуҳратлик  
 Тепа сочим бўлур тик.  
 Қани гуноҳни шонга,  
 Ҳақиқатни ёлфонга  
 Айлантирсаму хандон —  
 Элга қилсам намоён.

*Герольд*

Эҳ, иблис, йўқол тезроқ,  
 Бошингга тушар таёқ!  
 Ажиб, букур йўқолди,  
 Юмалоқ бўлиб қолди,  
 Ана, чир-чир айланди,  
 Воҳ, тухумга айланди.  
 Буни бир мўъжиза денг.  
 Иккига бўлиниб тенг,  
 Ундан икки жон чиқди:  
 Шабпарак, илон чиқди.  
 Илон ер қучиб кетди,  
 Шабпарак учиб кетди.  
 Улар мақсади аён,  
 Бирлашмоқчи икковлон.

Бўлмоқни учинчи кас,  
Қилмас эдим ҳеч ҳавас.

*Оломон*

Одамларнинг бир қисми  
Рақс этар. Кетмаймизми?  
Бошимизда учиб жам —  
Бўлмоқдадир руҳлар ҳам.  
Сочимга тегиб-тегмай  
Бир нарса учиб ўтди.  
Алланарса пайдар-пай  
Пойимни қучиб ўтди.  
Ҳеч ким эмас ярадор,  
Лек ғалва, қий-чув катта.  
Бу — ўша икки мурдор  
Бошлаган иш албатта.

*Герольд*

Герольд бўлгандан буён,  
Ҳали бошланмай базм,  
Ким деб ҳар битта меҳмон  
Албат солурман разм.  
То келмасин ногаҳон  
Бу ерга офат олиб,  
Бирор фалокат олиб  
Чақирилмаган меҳмон.  
Буқун ҳайратда қолдим,  
Тўполонда йўқолдим.  
Деразадан тала-тўп  
Руҳлар кириб келмоқда.  
Қаранг, улар жуда кўп,  
Мен биттаман бу ёқда.  
Ҳалиги кирган букир —  
Зоила эди, аён.  
Лекин мана буни кўр,  
Бу не ҳол — ўзим ҳайрон.  
Уларни таништирмақ  
Асли менинг вазифам,

Аммо мушкул бу жумбоқ  
 Ҳайрон қилди мени ҳам.  
 Манзарага қара ва  
 Маъносини қил баён.  
 Тўртта отлиқ арава<sup>62</sup>  
 Келаётир биз томон —  
 Ҳеч кимни босмай, эзмай,  
 Бир йигитча ёвқур, дов —  
 Гўё ҳеч нарса сезмай,  
 Тутиб келмоқда жилов.  
 Теграда жило билан  
 Ярақлайди юлдузлар.  
 Чироқлар шуъласидан  
 Қамашиб кетди кўзлар  
 Ана келди, лолмен, ганг...  
 Четланинг! Даҳшат!

*Жиловдор бола*

Тўхтанг!  
 Учқур тойлар, бир нафас  
 Ором олинг энди, бас!  
 Ақлингиз бор сизнинг-да,  
 Бўлинг жилов изминда.  
 Бу қутлуғ жой, билингиз,  
 Уни ҳурмат қилингиз.  
 Мухлислар, аҳли зариф  
 Бизларни ўрамоқда.  
 Герольддан бизни таъриф  
 Қилишни сўрамоқда.  
 Герольд, қайдасан, бошла,  
 Ташбеҳни териб ташла.

*Герольд*

Сен кимдурсан, жиловдор,  
 Мен қаёқдан билайин?  
 Етганича иқтидор  
 Сифатингни қилайин.

*Жиловдор бола*

Бошла, қани.

*Герольд*

Аввало,  
Ёшсан, бақувват, барно.  
Ҳали сен ғўрсан, аммо  
Хотинларга ёқасан.  
Улғайиб, топгач камол,  
Сен неча соҳибжамол —  
Қалбига ўт ёқасан.

*Жиловдор бола*

Давом эт. Жумбоқни топ.  
Бошланиши лекин боп.

*Герольд*

Кўзларинг тим қора, сочинг жингалак,  
Безакларинг ёқут, инжу била зар.  
Эгнингга кийибсан ҳарирдан кўйлак,  
Белингга тақибсан кумушдан камар.  
Қизлардек латифсан, дилрабо талъат,  
Безамиш назокат, хуш ибо сени.  
Лек қизлар жонига бўлурсан офат —  
Ўқигач муҳаббат алифбосини.

*Жиловдор бола*

Қара, усти боши зар —  
Ким бул — тахтда ўлтирар?

*Герольд*

Олтинларга бурканган —  
Саховат султони ул.  
Мурувватга ўрганган,  
Улус меҳрибони ул.  
Бойликни сақлагунча  
Кўпроқ элга тортади.  
Лек қанча берса, шунча —  
Хазинаси ортади.

*Жиловдор бола*

Бу таърифнинг ҳали оз,  
Балки бошланиш, холос.

*Герольд*

Уни таърифлаш қийин,  
Аммо ойдек юзидан,  
Мағрур боққан кўзидан,  
Ва бул шоҳона кийим,  
Улуғвор қоматидан  
Ҳамда салобатидан  
Кимлиги намоёндыр:  
Бирор юртга султондыр.

*Жиловдор бола*

У — Плутус бўладур,  
Бойликлар маъбуду ул,  
Сизларнинг император  
Уни қилмоқчи қабул.

*Герольд*

Аммо, сенинг ўзинг ким?

*Жиловдор бола*

Мен — ижодман, қилмишим —  
Ўзлим сарф этмоқдыр.  
Боримни берсам, демак  
Ҳосил менга — энг юксак  
Чўққиларга етмоқдыр.  
Бойликда, билинг, мен ҳам  
Плутусдан эмас кам,  
Унда не йўқ — менда бор;  
Базми шоҳоналарда,  
Рақсу тароналарда —  
Мен бўлурман унга ёр.

*Герольд*

Мақтанишинг соз, фақат  
Санъатингни ҳам кўрсат.

*Жиловдор бола*

Шақиллатсам бармоғим,  
Зарга тўлур ҳар ёғим.

*(Бармоқ шақиллатади)*

Мана бу — марварид, дур<sup>63</sup>.  
Тақингиз, қилинг ҳузур.  
Мана бу — ёқут зирак,  
Сизларга қанча керак?  
Мана бу — олтин узук,  
Тиллақошми ё тузук?  
Ўтлар сочурман ҳар ён,  
Ёниш-ўчиши гумон.

*Герольд*

Мана, ур-сур, тўполон,  
Совга бериш бошланди.  
Қий-чув билан аламон  
Ўлжаларга ташланди.  
Ҳамма олар зар, кумуш —  
Бу гўё ширин бир туш.  
Асли, инжу тилласи —  
Плутуснинг ҳийласи.  
Сирғаю тилла балдоқ.  
Яна қанча тақинчоқ —  
Қўлга олишган замон  
Йўқ бўлмоқда ногаҳон:  
Зирак учди фалакка —  
Айланиб капалакка.  
Тўғнағич ҳам йўқолди.  
У қўнғиз бўлди-қолди.  
Бирдан тинди бу сохта  
Олтинларнинг жаранги.  
Ҳамма энди билмоқда —  
Бу — боланинг найранги.

*Жиловдор бола*

Герольд, устасан жуда,  
 Қила олурсан баён  
 Қай ниқоб, қай мавзуда  
 Ўзни қилар намоён.  
 Аммо моҳият, негиз  
 Баёнига сен ожиз.  
 Ва лекин баҳс не даркор?  
 Хоқон, сенга сўзим бор!

*(Плутусга қараб)*

Сен эмасмидинг менга  
 Тўрт от берган ҳукмдор?  
 Мен эмасмидим сенга  
 Садоқатли хизматкор?  
 Сен айтсанг, қувиб елни  
 Ўқ бўлиб учмадимми?  
 Ҳар қанақа манзилни  
 Бир зумда қучмадимми?  
 Пойгаларда ҳар сафар  
 Келтирмадимми зафар?  
 Сен учун доим жангга  
 Ўт бўлиб кирмадимми?  
 Нусрат гултожин санга  
 Келтириб бермадимми?

*Плутус*

Ҳа, булар бари аён  
 Айтмасам ҳам, бегумон.  
 Ҳа, сен менинг руҳимсан,  
 Муридим, шуқуҳимсан.  
 Бой бўлмайин қанча мен,  
 Мендан бойсан анча сен.  
 Гултожинг тождир менга,  
 Меҳринг — ривождир менга.



Сенинг билан ҳар қачон  
Фахр этарман, эй ўғлон.

*Жиловдор бола*

*(Халойиққа)*

Савфо бўлсин деб биздан  
Олтин сандирим очдим.  
Сизларнинг бошингиздан  
Бир қутлуғ олов сочдим.  
Сочларингизга кўниб —  
Гоҳ учқунлаб, гоҳ сўниб,  
Сакраб бошдан бошларга,  
Ўхшаб тилла қошларга,  
Милтираб ёнаётир.  
Гоҳо бўлиб аланга,  
Ўрлаётир баландга.  
Кўплари сўнаётир.

*Хотинлар*

Бу ишлар бари найранг.  
Ҳайдовчиси фирибгар, —  
Орқадагисин қаранг,  
Худди арвоҳга ўхшар.  
Сўнгак, ҳатто пўсти йўқ,  
Чимчилашга гўшти йўқ,

*Ориқ одам<sup>64</sup>*

Вайсақи аёллар, жим!  
Бир замонлар, шубҳасиз,  
Бека эди хотиним,  
Мен эдим оқил хасис.  
Бой-бадавлат эдик, тўқ,  
Кирим бору, чиқим йўқ.  
Наҳот тўлатиб омбор  
Яна бўлсам гуноҳкор?  
Энди бошқа замона,  
У одатлар бегона.  
Мол-дон йиғмоқни аёл,  
Ҳатто қилмайди хаёл.

Бепосанги торозу;  
 Ҳамёндан катта орзу.  
 Эркак бўйнида қарздир,  
 Иши нолаю арздир.  
 Неки тушса ҳамёнга,  
 Хотин сарфлар меҳмонга.  
 Безак олар тақишга,  
 Ўйнашларга ёқишга.  
 Шундан хотинлар юзин  
 Кўргани йўқдир кўзим,  
 Олтин менга кўп азиз,  
 Мен эркакман, мен хасис.

*Аёлларнинг бошлиғи*

Бари ёлғон. У бир тан —  
 Аждаҳолари билан.  
 Эркакларни қўзғар ҳам,  
 Гўё улар зулми кам.

*Аёллар*

*(Оломон ичидан)*  
 Иблис! Бир халта сўнгак!  
 Сени бир боплаш керак!  
 Қўрқманг масхарабоздан,  
 Аждаҳоси — қоғоздан.  
 Бир қилайлик ур калтак!

*Герольд*

Тўхтаг! Эшитинг сўзим!  
 Керак бўлса мен ўзим...  
 Таёғим бор ва лекин  
 Бўйнини чўзиб секин,  
 Аждаҳолар буралиб,  
 Қанотлари судралиб,  
 Оғиздан ўт сочдилар.  
 Қўрқиб кетган аламон  
 Бир лаҳзада ҳар томон  
 Питирлашиб қочдилар.

Тўполон ҳам йўқолди,  
Олам тинчиди қолди.

*Плутус аравадан тушади*

Ана Плутус турди,  
Аждарларга буюрди  
Сандиқни тушурмокқа.  
Хасисни киприк билан —  
Имлади, тезлик билан  
Тушгил дея бу ёққа.  
Бари қилинди шу он  
Бундай тез — ақл ҳайрон.

*Плутус*

*(Болага)*

Юкдан қутулдинг энди,  
Чин эркин бўлдинг энди,  
Бас, ҳайда учқур тойинг,  
Бу ерда эмас жойинг.  
Ниқоблик бандалардан,  
Маънисиз хандалардан  
Қоч танҳолик гўшангга,  
Сен лойиқсан ўшанга.  
У тиниқ ойдин дунё,  
Ўзинг каби мусаффо.  
Унда гўзал, беғубор —  
Яратурсан бир диёр.

*Жиловдор бола*

Ижод аталган ул сокин дунёда  
Элчинг бўлиб, сени қилгум ифода.  
Ахир иккимизнинг маслагимиз бир;  
Сен бор жойда тўқлик, ҳамма нарса тахт,  
Мен бор жойда шўхлик, хушнудлик ва бахт.  
Интилиш, орзу ва тилагимиз бир.  
Биров қидиради бойликни — сени,  
Биров қидиради ижодни — мени.

Сени топган одам лаззат топади,  
 Мени топган одам — заҳмат топади.  
 Беркинишга менинг йўқдир ҳавасим,  
 Мени ошкор этар олган нафасим.  
 Жавоб бердинг, раҳмат, кетдим, алвидо,  
 Қачон истар бўлсанг қайтурман, аммо.

*(Қандай пайдо бўлган бўлса шундай йўқолади)*

### *Плутус*

Мана етди сандиқ очмоқнинг чоғи,  
 Қулфга тегса бас Герольд таёғи.  
 Мана у очилди. Қаранг, мис қозон.  
 Унда эриб ётар олтин мисли қон.  
 Бунда олтин тожу занжир, ҳалқадур,  
 Тилла сувидек қон узра қалқадур.

### *Аламоннинг сурони*

Ваҳ, қарангиз бу ёқда  
 Олтин суви тошмоқда.  
 Тилла идишлар қатор,  
 Пастда тангалар ётар —  
 Кўзни олиб ярақлар,  
 Олтин пуллар жарақлар.  
 Менга йўл беринг, ҳайҳот,  
 Эриб йўқолур наҳот?!  
 Ерда ётибди пуллар,  
 Менинг жоним-ку улар!  
 Қўл узатсанг — оласан,  
 Бой бўласан-қоласан.  
 Йўқ, биз ортдан борурмиз,  
 Сандиқ билан олурмиз.

### *Герольд*

Тентаклар! Бу не ғулу?  
 Ахир ниқоб базми бу.  
 Бунда ҳамма билади,  
 Олтин нима қилади?

Тиллани-ку қилманг ғам,  
 Йўқдир сизга чақа ҳам.  
 Ҳеч ким ҳазилни билмас,  
 Чангал ташлаб қолса бас.  
 Демак, йўқолсин эртак!  
 Демак, ҳақиқат керак!  
 Қани, эй сен, ниқоб-ла  
 Плутус бўлган одам!  
 Бу очкўзларни бопла,  
 Қайтар хаёл — рўёдан!

*Плутус*

Яна таёғинг зарур,  
 Бир нафасга бериб тур.  
 Уни ўтга ботирай,  
 Ниқобларни қотирай.  
 Қизиди темир таёқ,  
 Мана тобланди оппоқ!  
 Ким яқин келса бу ён,  
 Куйдираман бегумон.

*Ур-сур тўполон*

Қочиб қол! Хароб бўласан!  
 Тириклай кабоб бўласан.  
 Қоч орқага! Йўл бу ёқда!  
 Юзимга ўт урилмоқда.  
 Таёқ тегди этагимга,  
 Ўт туташди кўйлагимга.  
 Йўл берк, йўқдир нажот менга,  
 Учай, беринг қанот менга.

*Плутус*

Мана очилди ўрта:  
 Ҳеч ким куймади ўтда.  
 Бундан буён  
 Оломон  
 Ҳовлиқмасин деб яна  
 Чизиб қўяй айлана.

*Герольд*

Катта дониш, шижоат  
Кўрсатдинг, сенга раҳмат!

*Плутус*

Керакмас мақтаниш кўп,  
Ҳали олдинда иш кўп.

*Хасис*

Энди мумкин хотиржам, мана,  
Чор атрофга ташламоқ назар.  
Интилади олдинга яна  
Одатини қилиб хотинлар.  
Ва лекин мен ўлганимча йўқ,  
Сўлиб тамом бўлганимча йўқ.  
Жононалар айлаган хиром  
Ҳалигача мени қилар ром.  
Ўзгартириб шу-чун юзимни,  
Кўрсатурман шодон ўзимни.  
Аммо авжда ғулув тўпалон,  
Бунда сўздан йўқ сира фойда.  
Шу боисдан рақс ила бу он  
Мақсадимни қилай ифода.  
Наф бўлмаса рақсу ўйиндан  
Ўзга ҳийла йўлин биларман.  
Хамир қилиб олтинни, ундан  
Фикримга мос шакл қиларман.

*Герольд*

Кўрингиз бу сабилни —  
Қуруқ суяк бўлса ҳам,  
Йиқилай деб турса ҳам  
Сира қўймас ҳазилни.  
Олтиндан хамир қилиб,  
Зувалаларга бўлиб,  
Шакллар ясар ғалат.  
Қаранг, шакллар — уят!  
Даврани айланиб гир,  
Қилиқ қилиб ўтади.

Қўлидагин бирма-бир  
 Хотинларга тутади.  
 Аёллар қочар тўз-тўз,  
 Йўқми унда ор-номус?  
 Бу қандай хунук эрмак?  
 Уни ҳайдамоқ керак.  
 Ишга солиб таёқни,  
 Қуваман у аҳмоқни.

*Плутус*

Билмас — яқин фалокат,  
 Мажбур қилса зарурат,  
 Ишин қўяр ноилож,  
 Қонундан зўр эҳтиёж.

*Шовқин ва қўшиқ*

Тоғдан тушиб биз томон  
 Келаётир оломон —  
 Тошқиндай сурон билан.  
 Энг олдинда улуф Пан<sup>65</sup>.  
 Оломон қилар таъзим,  
 Ўқир Панга шараф-шон.  
 Пан ниқобин кийган ким,  
 Фақат уларга аён.

*Плутус*

Сизлар кимсиз, кимдир улуф Пан,  
 Мен бу сирни яхши биламан.  
 Шу боисдан илтифот билан  
 Даврамизга таклиф қиламан.  
 Сизга фақат толе бўлсин ёр,  
 Мўъжизага бўлинг ошино.  
 Сиз йўлдасиз — олдинда не бор —  
 Ўзингиз ҳам билмайсиз аммо.

*Ваҳшат қўшиғи*

Сарой аҳли — сохтадир,  
 Бизнинг макон — тоғдадир.  
 Қўполмиз ҳам асовмиз,  
 Чаққон, бақувват, довмиз.

*Фавнлар*<sup>66</sup>

Келар қувноқ фавнлар,  
 Бошда шундоқ  
 Гулчамбар.  
 Гулчамбар остига боқ,  
 Кўринар узун қулоқ.  
 Фавннинг юзи ялпоқ.  
 Фавннинг бурни пачоқ.  
 Фавннинг қадди бироқ  
 Жононларга ўт солар.  
 Ким олмас қўпол қўлин,  
 Қайси қиз тушмас ўйин?

*Сатир*<sup>67</sup>

Фавндан орқароқда —  
 Сакраб эчки оёқда,  
 Кўринг, сатир келмоқда.  
 Алқор каби чаққон ул,  
 Ориқ пай, чопоғон ул.  
 У тоғларда яйрайди,  
 Гоҳи пастга қарайди.  
 Бундаги эркак, аёл —  
 Ҳаётини кузатар.  
 Унга келар бу малол,  
 Дер, бу — зулматдан баттар.  
 Боқар — кенглик бепоён,  
 Гўё уники жаҳон.

*Гномлар*<sup>68</sup>

Паканамиз, қорамиз,  
 Тўда бўлиб борамиз.  
 Эгнимиз моғор бизнинг,  
 Маконимиз ғор бизнинг.  
 Кончилармиз — чироқли,  
 Ялтироқ қурт сиёқли.  
 Чумолидек қатормиз,  
 Уймалашиб ётармиз.  
 Кобольдлар ҳамроҳимиз<sup>69</sup>,  
 Тоғларнинг жарроҳимиз.



Топиб маъдан конини,  
 Биз оламиз қонини.  
 Неча конлар кезганмиз,  
 Тоғ томирин кесганмиз.  
 Бизни кузатган дамлар  
 «Оқ йўл!» дейди одамлар.  
 Соф ниятга йўлдошмиз,  
 Яхшиларга қўлдошмиз.  
 Лекин биз топган маъдан —  
 Қўрғошину тилладан  
 Баҳра олмай муфлислар<sup>70</sup>,  
 Фойдаланур — иблислар.  
 Ясарлар улардан ўқ,  
 Бунда бизнинг гуноҳ йўқ.  
 Аёндур: кимки бормас  
 Уч ўгитнинг йўлидан,  
 Ҳеч нарсадан тап тортмас,  
 Ҳар иш келар қўлидан.  
 Ноиложмиз, нетармиз, —  
 Фақат бардош этармиз.

### *Улканлар<sup>71</sup>*

Гарц тоғида қолганмиз,  
 Ёввойи ном олганмиз.  
 Чунки бизлар ҳаётда —  
 Яланғоч, баланд, содда.  
 Қайрағоч — таёқ бизга,  
 Пўшида — япроқ бизга.  
 Папа соқчилари ҳам  
 Бизлардек эмас ўктам.

### *Нимфалар<sup>72</sup>*

*(Улуғ Панни ўраб, ялпи қўшиқ қилиб)*  
 Баланд тоғлардан  
 Соҳиби дунё,  
 Энг улуғ Худо —  
 Келаётир Пан.

Атрофини ўрайлик  
 Уни шодлантирайлик.  
 У очик диллик сарвар.  
 Ўйин-кулгуни севар.  
 Кечалар ўйчан, якка,  
 Термулади фалакка.  
 Кундузлар тин олади,  
 Кўзи уйқуда бўлар.  
 Чор атроф жим қолади,  
 Олам осуда бўлар.  
 Ҳар ён ўйга толади,  
 Ҳар ён кўрқувда бўлар.  
 Олмас шаббода нафас,  
 Япроқлар шитирламас.  
 Жилғалар бир хуш наво,  
 Майин куй таратади.  
 Гул чечаклар дилрабо,  
 Ажиб бўй таратади.  
 Шунда мудроқ нимфа ҳам  
 Оҳиста ташлар қадам.  
 Лекин таратса садо —  
 Момагулдурак гўё  
 Қолмай бирор тирик жон  
 Барча қочар ҳар томон.  
 Бузилиб жанговар саф,  
 Сочилур тараф-тараф.  
 Барчага даҳшат бўлган,  
 Бизларга мадад бўлган  
 Ул қодирга шон-шараф.

*Гномларнинг вакиллари*

Олтин топмоқ йўлида —  
 Гномлар кезади фор,  
 Гномларнинг қўлида  
 Сеҳрли таёғи бор.  
 Гном жони озурда,  
 Кирар зулумот томон

Сенинг бойлигинг нурда  
 Қилмоқ учун намоён.  
 Биз бу ўнгурлар аро  
 Топиб олдик ажиб қоп.  
 Бундаин тушда ҳатто  
 Кўрмагансан бегумон.  
 Кошки унда сен турсанг,  
 Сеники бўлса фақат,  
 Нимага сен қўл урсанг  
 Тинчликка қилур хизмат.

*Плутус*

*(Герольдга)*

Энди бунда нима бўлса ҳам  
 Кўрсатурмиз бардошу чидам.  
 Мард, ботирсан биламан сани,  
 Бир даҳшат ҳол юз берар, тайин  
 Ишонмагай одамлар кейин,  
 Ҳужжатга ёз бу ҳодисани.

*Герольд*

Ана қаранг, Улуғ Пан  
 Келар гномлар билан —  
 Оловлик қудуқ томон.  
 Бунда оташ аланга  
 Интилади баландга.  
 Ўтли фавворасимон.  
 Гоҳ тушиб, гоҳ ўрлайди,  
 Гоҳ тиниб, гоҳ зўрлайди.  
 Яқин келиб бепарво  
 Пан қилмоқда тамошо.  
 Ёқут сингари гулгун  
 Ҳар ён сочилар учқун.  
 Ошар Панда иштиёқ,  
 Келар яна яқинроқ.  
 Ҳайратдан яйрайди ул,  
 Қудуққа қарайди ул.

Шу пайт худди дарахтдан  
Узилган барг мисоли,  
Тушиб кетди тўсатдан  
Оловга Пан соқоли.  
Бечора Пан мажолсиз —  
Кўсадек афти билан!  
Тўсади у соқолсиз  
Иякни кафти билан.  
Яна бир даҳшатли ҳол:  
Қудуқдан ёнган соқол  
Қайтиб яна изига —  
Ёпишар Пан юзига.  
Ўт туташди бошига,  
Олов кетди тожига.  
Куйди кўл, кўкраги ҳам,  
Ёнмоқда кўйлаги ҳам.  
Ана бошқалар ёнди,  
Ҳар ёқда доду фарёд.  
Байрам бўлдию барбод,  
Тўй азага айланди.  
Биров эгнин ечмакда,  
Ерга ташлаб тепгани,  
Биров эса челақда  
Сув ташийди сепгани.  
Барча уринар, бироқ  
Олов ёнар баландроқ.  
Барча лол янги гапдин.  
Наҳот бу гап бўлса чин?  
Шунча фалокатни, тун,  
Бирдан бердинг не учун?  
Ҳа, бу чин! Эрта саҳар  
Билади бутун шаҳар —  
Даҳшатли иш бўлипти —  
Император куйипти!

Оташда бўлиб кабоб,  
Тождор улуг жаноб  
Чекмоқда қаттиқ азоб!  
Демак, Пан — соҳиб ниқоб  
Олий ҳазрат ўзидур,  
Куйган унинг юзидур!  
Шу ерми унинг ўрни?!  
Улуг императорни —  
Юзига боғлаб хашак —  
Эл ичра қилиб эрмак —  
Ўтга солган манфурни  
Мангу лаънатлаш керак.  
Эй ёшлик, шўх тўполон —  
Ҳаддин қачон билурсан?  
Эй иқтидор, сен қачон  
Ақлга эш бўлурсан?

Ўт кетди хиёбонга,  
Туташимоқда ўрмонга.  
Аланга зўрламоқда.  
Бўғотга ўрламоқда.  
Энди тамом! Йўқ нажот!  
Бир кечадаёқ, ҳайҳот,  
Ўн йиллар тикланган бул  
Ҳашамат бўлгуси кул!

*Плутус*

Бўлди энди! Етар, бас!  
Ортиқ даҳшат керакмас!  
Ерга урсам таёқни —  
Тутади ҳамма ёқни  
Гулдуракдай бир садо.  
Келтир бизга, эй сабо,  
Боғлардан салқин ҳаво!  
Туманлар, қулоқ тутинг,  
Уммонлар узра ўтинг,  
Қанотингизда бу дам

Олиб келинг муздек нам.  
 Булутлар, қовоқ уйинг,  
 Челак-челак сув қуйинг!  
 Кўрай бу аланганинг  
 Шафақда айланганин.  
 Ёндирса ўт сеҳр гар,  
 Тийиб қўяр сеҳргар.

## САРОЙ БОҒИ

*Қуёш чиқаётган пайт. Император сарой аъёнлари орасида. Унинг қаршисида Фауст ва Мефистофель тиз чўккан. Улар бедабадаба, сипо кийинишган.*

*Фауст*

Ҳазил ёнғин учун, подшоҳим, узр.

*Император*

*(Уларни туришга ишора қилиб)*  
 Тезроқ бўлиб турсин бу ҳазил-ҳузул.  
 Мен олов ичида бўлдим пайдо,  
 Ўзимни Плутон ҳис қилдим гўё.  
 Қоялар ичидан чиқиб аланга,  
 Туташди хиёбон, боғу чаманга.  
 Чуқур чоҳ тубидан чиқдию олов,  
 Равотнинг томига чирмашди дарров.  
 Улкан қуббаларда жам бўлиб ногоҳ,  
 Гоҳ кўздан йўқолиб, пайдо бўлиб гоҳ,  
 Ажиб манзаралар кўрсатди ёнғин.  
 Ўз кўзларим билан кўрдим мен тағин:  
 Оловлар ичидан ўтиб мен томон  
 Келарди бўлгали тобе аламон.  
 Ёнаётган мрамар устунлар аро  
 Бундай ниқоб базми бўлмаган асло.  
 Мен кеча бир ажиб дунёни кездим,  
 Ўзни самандарлар подшоси сездим.

*Мефистофель*

Сен уларнинг шоҳи бўлдинг, чин сўзинг,  
 Ҳа, барча унсурлар подшоси ўзинг.  
 Олов ҳайиқади сендан, билинди  
 Денгизлар бағрига кўкрак ур энди.  
 Ўзингни энг ваҳший тўлқинларга от,  
 Сув девори аро кўрарсан равот.  
 Оёғинг остида марварид, инжу,  
 Бошинг узра тўлқин. Пастдан боқсанг, у —  
 Кўринур бамисли лаъли ранг пештоқ,  
 Сен соҳиб бу рангин сарой ичра тоқ.  
 Қаерда турма ё юрмагин қаён —  
 Доимо энг марказ бўлур сенга жой.  
 Бу шундай салтанат, бу шундай макон:  
 Сенинг билан бирга юради сарой!  
 Тирик, ҳаракатда жонли бу девор.  
 Атрофингда эса турфа хил жондор  
 Уймаллашиб юрар, ўйнашар, аммо  
 Сенга яқинлашиб келолмас асло.  
 Ана, наҳанг, сенга оғзин очади,  
 Аммо деворларга тегиб қочади.  
 Денгиз аждарлари туришар келиб.  
 Сен эса уларга қарайсан қулиб.  
 Сен рақслар базмини кўрурсан ҳар кеч,  
 Аммо бундай базм кўрмагансан ҳеч.  
 Ёнингга келади нереидалар,  
 Меҳмон бўлар сирли қасрингда улар.  
 Сув ости саройи ҳақида хабар  
 Етар Фетиданинг қулоғига ҳам<sup>73</sup>.  
 Сени Пелей<sup>74</sup> каби қилади ҳамдам,  
 У билан қилурсан Олимпга сафар.

*Император*

Самовий қасрлар ўзингга, ошнам,  
 Гўдаклар интилар унга доимо.

*Мефистофель*

Замин — сеникидир, шубҳа йўқ асло!

*Император*

Не бахтки, сен бўлдинг саройда пайдо,  
Сени юбордими ё «Алиф лайло»!  
Истагим, ҳамиша шу маъвода бўл,  
Топқирликда мисли Шаҳризода бўл.  
Кўргизурман сенга катта марҳамат,  
Доим ҳозир тургин хизматга фақат.  
Кун бўйи можаро, ташвиш мен билан,  
Кечқурун овунай андак сен билан.

*Сарой хизматчиси*

*(Шошиб киради)*

Ўйлаган эмасман мен бирор сафар —  
Олиб келурман деб бундоқ хушхабар.  
Подшоҳим, бу бир туш, хаёл, бу айём —  
Барча қарзларимиз тўланди тамом.  
Қутулдик! Қандай бахт! Нақадар шодман!  
Судхўрлар жабридан энди озодман.  
Дўзах азобидан халосман бу дам,  
Бундай шодлик бўлмас жаннатларда ҳам.

*Саркарда*

*(Шундай шошиб)*

Ландскнехтлар<sup>75</sup> ҳақин тўладик бизлар,  
Аскар энди бизга содиқ умрбод.  
Майхона соҳиби ўзида йўқ шод,  
Яйрашар солдатлар, яйрашар қизлар.

*Император*

Эркин нафас олар барча, ажабо!  
Юздан ажинлар ҳам кетмиш мутлақо.  
Барча дадил қадам, хушнуд боқиши.

*Хазинадор*

*(Тўсатдан пайдо бўлиб)*

Мўъжиза сабаби — бу икки киши.

*Фауст*

Ҳисобот — соҳиби девоннинг иши.



*Давлат котиби**(Аста яқин келиб)*

Қариган чоғимда бахт кулди менга,  
Илк бор шод ҳисобот берурман сенга.  
Мана шу бир варақ қоғоз — умрбод  
Барча мушкуларни айлади кушод.

*(Ўқийди)*

«Барчага маълуми ошкоро бўлсин,  
Шу қоғоз баҳоси минг тилло бўлсин.  
Салтанат ерида ётган барча кон  
Бу қоғозга асос бўлур бегумон.  
Дафиналар зухур бўлгани фурсат  
Қоғознинг қиммати тўланур албат».

*Император*

Бу не алдоқчилик? Бу не масхара  
Мен учун қоғозга ким чекди имзо?  
Айтинг, ул муттаҳам топдими жазо?

*Хазинадор*

Шоҳим, бу ўз кўлинг, яхшироқ қара,  
Сен ниқоб базмида кеча бўлдинг Пан,  
Биз икковлон — давлат котиби билан  
Ёнингга келдигу дедик: «Подшо —  
Эл ҳожати учун чек бунда имзо».  
Сен кўл кўйдинг. Ўша қоғоздан кеча —  
Тун бўйи ухламай ўлтириб неча —  
Хаттотлар кўчирди нусха беҳисоб.  
Бизлар ҳам фурсатни ўтказмай шитоб,  
Қилмоққа киришдик қоғоз пуллар чоп.  
Турли баҳодадур патта — сармоя,  
Ўнталик, ўттизу эликталик бор.  
Халойиқ қувончи билмас ниҳоя,  
Уларга кўшилиб биз ҳам бахтиёр,  
Аввал ҳам номингни эшитган замон  
Яйраб кетар эди севинчдан жаҳон.  
Энди халқ номингдан ўзга сўз демас,  
Фақат исминг ўқир, алифбо эмас.

*Император*

Наҳотки халойиқ, аскар — барчасин  
Хурсанд қилса шу бир қоғоз парчаси.  
Ҳайронман, лекин йўқ менда эътироз.

*Сарой хизматчиси*

Бир зумда тарқалди бу сонсиз қоғоз.  
Уларни тўхтатиб бўлмас ҳеч энди,  
Биринчи тўлқини растага келди.  
Саррофларнинг тегмас қўли-қўлига,  
Олтин берар элнинг қоғоз пулига.  
Қоғозни тўлдириб эл ҳамёнига,  
Борар майхонага, гўшт дўконига,  
Ҳамма ичиб олган, шодумон, гўё  
Базмдан ўзгани ўйламас дунё.  
Барчада чиройли кийимга ҳавас,  
Чеварлар ҳам бичиб, тикиб улгурмас.  
Майхоналар тўлуғ, ҳар ёнда садо:  
«Подшо учун ичинг, яшасин подшо!»

*Мефистофель*

Томошабоғ аро сайр этганда сиз,  
Хилватда бир гўзал қизни кўрурсиз.  
Қўлда товусқанот елпигич, жонон  
Қиё боқиб кўяр аста сиз томон.  
Унга сиздан меҳр, ширин сўз эмас,  
Фақат қоғоз керак, қоғоз бўлса бас.  
Пулни тутинг доим кўкрак чўнтакда,  
Ёр хатин тутгандек доим юракда.  
Бу пулдан саллотнинг мушкули осон,  
Энди осиб юрмас у зилдай ҳамён.  
Кашишга ҳам енгил, беркитганда пул  
Инжилнинг ичига солиб кўяр ул.  
Кечир, майда-чуйда гап билан бу дам  
Улуғ иш қадрини туширган бўлсам.

*Фауст*

Сонсиз хазина бор еринг бағрида,  
Фойдасиз ётибди замин қаърида.

Хаёлот бўлмасин қанча улуғвор,  
 Бу бойликни тасвир айламоқ душвор.  
 Бўлмасин қанчалар дадил ва учқур,  
 Унинг поёнига етмас тасаввур.  
 Фақат зўр донишманд буни қилур ҳис,  
 Чунки чексизликка ишончи чексиз.

### *Мефистофель*

Бу қоғозлар нак роҳати жон,  
 Керак эмас тангаю ҳамён.  
 Йўқ бўлади ташвишлар талай,  
 Харид енгил, сотиш ҳам қулай.  
 Керак бўлса кумуш ё олтин —  
 Саррофлар бор — бордингу олдинг,  
 Топилмаса уларда агар,  
 Ер остида тахланиб ётар.  
 Қазиб-қазиб оламиз дарров,  
 Бозорларга соламиз дарров.  
 Ишонмаган, кулган ҳар банда  
 Шунда бўлур буткул шарманда.  
 Олтин, кумуш билан ёнма-ён  
 Қоғоз бўлур элда ҳукмрон.

### *Император*

Бойлик бердингиз сиз юртга беҳисоб,  
 Мен имкон борича қайтаргум жавоб.  
 Сизлар соҳиб бўлинг конларимизга,  
 Уларни асрамоқ хизмати — сизга!  
 Ҳазиналар қайда — кўрсатмоқ сиздан,  
 Қазиб, ер остидан чиқармоқ — биздан  
 Икки хазинадор ишлангиз ҳалол,  
 Давлат хазинасин тўлдилинг дарҳол.  
 Қўшилиб ер усти, ер ости дунё  
 Битта олам бўлсин ажойиб, танҳо.

### *Хазинадор*

Менинг учун жуда соз бўлур агар  
 Мададкорим бўлса шундоқ сеҳргар.

*(Фауст билан чиқади)*

*Император*

Мукофотлай сарой аҳли ҳар қайсин,  
Ҳар ким пулни қайга ишлатур, айтсин.

*Маҳрам*

(Совгани қабул қилиб)

Мен энди беташвиш уйнаб қолурман.

*Бошқа маҳрам*

(Шундай)

Жононимга тилла сирға олурман.

*Камергер*

(Шундай)

Мириқиб май ичиш менинг тилагим.

*Бошқа камергер*

(Шундай)

Қиморга тортмоқда менинг юрагим.

*Вассал*

(Ўйлаб)

Қаср солдираман улкан, чиройлик.

*Бошқа вассал*

(Шундай)

Мен эсам қўшаман бойликка бойлик.

*Император*

Ўйлаган эдимки, сизларда бу дам

Янги орзу-истак бўлур намоён.

Бошингиздан олтин сочганимда ҳам

Ўшал аслингизча қолурсиз, аён

*Масхарабоз*

(Пайдо бўлиб)

Савфо берилмоқда! Бизга нима бор?

*Император*

Тирилдингми? Ичиб қўясан бекор,

*Масхарабоз*

Сеҳрли қоғозга ақлим етмайди.

*Император*

У сенга бари бир — фойда этмайди.

*Масхарабоз*

Яна ёфилмоқда! Барчаси менга?

*Император*

Олабер! Буларни мен бердим сенга.

(*Чиқади*)

*Масхарабоз*

Беш минг крон! Ростми? Ёки бу уйқум?

*Мефистофель*

Тирилик келдингми, кўш оёқлик хум?

*Масхарабоз*

Тирилиш кўп бўлган, лек бундайи кам.

*Мефистофель*

Шодликдан жикқа тер бўлибсан, ошнам.

*Масхарабоз*

Наҳот шу қоғозлар пул бўлса? Шу чин?

*Мефистофель*

Олурсан нимани сўраса қорин.

*Масхарабоз*

Олсам бўладими бунга ер, сув, мол?

*Мефистофель*

Албатта! Кўнглинг не тусар бўлса ол.

*Масхарабоз*

Демакки қаср ҳам, ҳовуз, хиёбон...

*Мефистофель*

Яшарсан бамисли катта зодагон.

*Масхарабоз*

Зодагон бўламан шу бутуноқ, кўр!

(*Кетади*)

*Мефистофель*

Шубхам йўқ, тентакнинг ақли жуда зўр!

# ҚОРОНҒИ ЙЎЛАК

*Фауст ва Мефистофель*

*Мефистофель*

Нечун бошлаб келдинг бу қаро  
Зулумотли тор, зах йўлакка?  
Ташқарида хиёбон аро  
Сабаб кўп-ку ҳазил, эрмакка.

*Фауст*

Жиддий иш бор! Бас қил бу сўзни,  
Доим эрмак томон чопурсан.  
Гапдан олиб қочиш-чун ўзни  
Доимо бир сабаб топурсан.  
Чап берурсан неча кунки сен,  
Киришгинг йўқ чоғи бу ишга.  
Форис билан Еленани мен<sup>76</sup>  
Ваъда қилдим олиб келишга.  
Сўз айтилди — бажармоқ керак,  
Эшитибоқ улар отини  
Аҳли сарой кўрсам дер эркак —  
Ва аёлнинг камолотини.  
Шоҳнинг ўзи кутмоқда жавоб,  
Гап шу, мана кўриб турибсан,  
Не қилсанг ҳам иложини топ.

*Мефистофель*

Аттанг. Бекор ваъда берибсан.

*Фауст*

Сезмай қолдинг ўзинг ҳам, ўйин —  
Шунга олиб келди оқибат,  
Одамларни бой қилиб қўйдинг,  
Энди бергин уларга ишрат.

*Мефистофель*

Сен бу ишни ўйлама осон,  
Бир нафасда битгуликмас ул.

Бегонадир бизга ул томон,  
 Сўқмоқлари бағоят мушкул.  
 Еленани чақириб келмак  
 Қоғоздан пул ясаш эмасдир.  
 Сенга қанча ажина керак —  
 Ҳозир қилай. Чақирсам басдир.  
 Ялмоғизу шумкампиру жин  
 Кўз олдингда бўлсинми бунёд?  
 Танишларим ҳеч бири лекин  
 Бўла олмас ҳуру паризод!

*Фауст*

Тавба! Яна ўша эски гап,  
 Шубҳаларга олий падарсан.  
 Нимаики қилурман талаб  
 Аввал уни мушкул атарсан.  
 Суф-куф қил, бас.  
 Келмасин малол.  
 Пайдо бўлар Елена дарҳол.

*Мефистофель*

Мажусийлар дўзахи ўзга,  
 Улар юрмас мен айтган сўзга.  
 Лекин йўл бор.

*Фауст*

Айтақол тезроқ,

*Мефистофель*

Менга мушкул бу сирни очмоқ,  
 Билки шундай маъбудалар бор:  
 Уларга йўқ вақт, макон асло —  
 Тилга олмоқ уларни душвор,  
 Улар — Момо<sup>77</sup>!

*Фауст*

(Чўчиб)  
 Не дединг? Момо?

*Мефистофель*

Чўчидингми сўзимдан, ажаб?

*Фауст*

Момо... Момо... Ғалати бу гап.

*Мефистофель*

Ҳа, ғалати, чунки мутлақо —  
 Бандаларга бегона олам.  
 Билки, улар номини ҳатто —  
 Қўрқиб тилга олурмиз биз ҳам.  
 Қаърларда улар маскани,  
 Сенга улар мадади керак —  
 Иложинг йўқ, мажбурсан демак  
 Ул масканга қадам босгани.

*Фауст*

Йўли борми?

*Мефистофель*

Йўл йўқ, мутлақо,  
 Кўздан ниҳон сирли у дунё.  
 Ҳозирмисан? Бунда сўқмоқ йўқ,  
 Қасрларни бузиб ўтмоқ йўқ.  
 Сен бўлурсан бўшлиқда пайдо  
 Ва кўрурсан сукут фазосин.  
 Билурмисан бўшлиқ дунёсин?

*Фауст*

Бу саволинг эслатур менга  
 Алвастининг ошхонасини.  
 Ул оламга боз қайтмоқ нега  
 Босиб ўтгач остонасини?  
 Етмасмиди кезганим жаҳон —  
 Уқубатда, зору саргардон.  
 Етмасмиди бекорга маним  
 Ўқитганим ва ўқиганим?  
 Қанча оқил бўлмасин сўзим,  
 Қарши чиқдим ўзимга ўзим.  
 Шунда виждон азоби аро  
 Танҳоликка бўлдим ошино.  
 Одамларга бегона бўлдим,  
 Бўшлиқ ила ҳамхона бўлдим.



Ортиқ теккач танҳолик жонга,  
Жонни охир сотдим шайтонга.

*Мефистофель*

Йўқ. Кимсасиз денгиз ичра ҳам  
Танҳоликдан бўлмагай асар.  
Кўкка сапчир тўлқин дам-бадам —  
Ҳаётингга солғувчи хатар.  
Унда ўйнаб дельфинлар юзар,  
Унда бордир ою юлдузлар...  
Ўзгачадир, аммо бу жаҳон —  
Ҳеч нарсадан йўқ ному нишон.  
Унда ҳоким мангу сукунат,  
Заминсиз бир бўшлиқдир фақат.

*Фауст*

Мен сенга бир неофит<sup>78</sup> гўё,  
Алдаяпсан мистагог<sup>79</sup> мисол.  
Ул дунёга ўзимни аммо  
Йўлламоқни қилурсан хаёл.  
Кўрсатурсан нимаики йўқ,  
Найрангларинг аёндир бироқ —  
Тушунаман, ушламоққа чўғ  
Ўзгаларнинг қўли яхшироқ.  
Майли йўлла. ўшал аламдан  
Борлиқ топгум ҳар бир қадамдан.

*Мефистофель*

Хайрлашув олдидан бир гап:  
Сен шайтонни ўрганибсан зап.  
Мана калит.

*Фауст*

Бу не ўйинчоқ?

*Мефистофель*

Керак бўлар олиб қўй.

*Фауст*

Бироқ  
Катталашиб сочмоқда у нур.

*Мефистофель*

Ҳа, у оддий калит эмасдур.  
Сени олиб боргай у омон  
Момоларнинг маскани томон.

*Фауст*

*(Титраб)*

Момолар! Зўр момақалди роқ  
Солур гўё жисмимга титроқ.

*Мефистофель*

Янги сўздан нечун титрар жон?  
Сенга фақат керакми такрор?  
Мўъжизага сен аллақачон  
Одат қилган бўлмоғинг даркор.  
Интилноғинг керак-ку фақат  
Номлар қанча бўлмасин даҳшат.

*Фауст*

Йўқ мен сира ором истамам.  
Агарда бир нафас тўхтасам —  
Тўхтатган ул мени — ҳайратдир,  
Ҳайрат эса зўр саодатдир.  
Одат қилур истагимиз тор,  
Ҳайрат қилур чексизликка ёр.

*Мефистофель*

Бас энди, сен ул қаърга туш,  
Йўқ, йўқ, юксал бамисоли қуш  
Унутиб бу борлиқ дунёни,  
Қуч адами беинтиҳони.  
Кўз олдингда бўлсин намоён  
Аллақачон йўқ бўлган жаҳон.  
Шарпаларни келтирма яқин,  
Калитни тут бамисли чақин.

*Фауст*

*(Шавқ билан)*

Қудрат олиб сирли калитдан,  
Жўш урмоқда юрак ҳалитдан.

*Мефистофель*

Ытда ёнган мазбах кўрурсан,  
 Шунда, бил, энг тубда турурсан.  
 Ыша ерда бўлур Момолар,  
 Ҳаракатда доимо улар.  
 Бири турар, бири ўлтирар,  
 Бири эса бетиним юрар.  
 Сен у ерда ҳаракат, сукун —  
 Айланишин кўрурсан у кун.  
 Сени улар кўрмас ҳеч қачон —  
 Фақат чизик уларга аён.  
 Бориб мазбах ёнига сен тез<sup>80</sup>,  
 Унга дадил калитни теккиз.

*(Фауст калитни кўтариб буйруқ ҳаракатларини қилади.)*

Мана шундай. Сўнг аста юксал.  
 Борар калит ортидан мазбах.  
 Сизмай туриб бирорта Момо,  
 Сен бу ерда бўлурсан пайдо.  
 Сўнг у чуқур зулмат дунёдан  
 Сен филмонни паризод билан  
 Чақирурсан. Оламда бу кор  
 Сенга насиб бўлади илк бор.  
 Бахур дуди ўрлаб фалакка<sup>81</sup>,  
 Айланади икки малакка.

*Фауст*

Нима қилай?

*Мефистофель*

Ерни теп бир бор,  
 Қайтишда ҳам қилурсан такрор.

*(Фауст ерни тепади ва кўздан йўқолади.)*

*Мефистофель*

Калит унга қилса бас хизмат,  
Қайтармикин соғу саломат?

## ЁРУҒ КОШОНА

*Император ва князлар. Сарой гала-говур.*

*Камергер*

*(Мефистофелга)*

Руҳлар қачон бўлур намоён<sup>82</sup>?  
Кутмоқдадур интизор хоқон.

*Сарой хизматчиси*

Ҳозир яна сўради. Тезроқ.  
Уят бўлур шоҳни кутдирмоқ.

*Мефистофель*

Бир хонада беркиниб танҳо,  
Шунинг учун ўлтирар ошнам.  
Кўрсатмоққа шундай тамошо  
Керак бўлур мислсиз даҳо  
Ва айламоқ бор вужудни жам.  
Юз минг дуо айтур бехато  
Бу сеҳрга киришган одам.

*Сарой хизматчиси*

Сеҳринг билан ишим йўқ асло,  
Бошланса бас тезроқ тамошо.

*Оқ-сариқ жувон*

*(Мефистофелга)*

Қиш кунлари тузукман ўзим,  
Чиройлиман, силиқман, аммо  
Етгач баҳор фаслига, юзим  
Сепкил тошиб бўлар бедаво.  
Айтинг, борми бу дардга шифо?

*Мефистофель*

Наҳот шундай чиройли жувон  
Ёзда бўлса қоплондай чипор.

Асло! Бунинг бир чораси бор,  
 Тузатишга топамиз имкон.  
 Бақа тили тухмини олиб,  
 Ойдин тунда қозонга солиб  
 Қайнатингу сувин сузингиз,  
 Уни ёзда суртинг — юзингиз —  
 Ойдай бўлур сепкил йўқолиб.

*Қорача жувон*

Барча шошар сиз томон, аммо  
 Қийин менинг юриб келмоғим.  
 Рақс этмоққа базмда ҳатто  
 Қўймас совуқ олган оёғим.  
 Топилурми дардимга даво?

*Мефистофель*

Оёғингиз босмоғим керак.

*Қорача жувон*

Оёғимни босмаган эркак.

*Мефистофель*

Ўйламанг, йўқ бунда бўлак гап,  
 Ирими шу — елкага елка,  
 Қўлга қўлу бел эса белга  
 Шифо бўлур. Мана шу сабаб  
 Оёқ дарди ҳеч мушкул эмас,  
 Оёқ билан босиб қўйсам бас.

*Қорача жувон*

Вой-вой! Бунча оғир бу оёқ,  
 Оёқ эмас, бамисли туёқ.

*Мефистофель*

Қутулдингиз мана, жонгинам,  
 Энди ўйнанг, рақсга борингиз.  
 Оғримайди жазманларингиз  
 Бул оёқни қанча эса ҳам.

*Хоним*

*(Туртиниб)*

Ёрдам беринг! Сўнгсиз бир қайғу  
 Юрагимда бамисли тугун.

Кечагина севар эди у,  
Кўнгил қўйди бошқага бутун.

*Мефистофель*

Сиз мана бу кўмирни тутинг,  
Фурсат топиб, билдирмай тунда  
Камзулининг енгига суртинг,  
Азоб чекар виждони шунда.  
Сўнг кўмирни ютинг бутунлай,  
Ҳеч суюқлик ичмангиз бироқ.  
Сизни севиб у аввалгидай,  
Қайтиб келар эртасигаёқ.

*Хоним*

Заҳармасми?

*Мефистофель*

Йўқ! Буни билган  
Тополмайди излаб бир умр.  
Дин, эътиқод учун ёқилган  
Гулханлардан тушган бу кўмир<sup>83</sup>.

*Маҳрам*

Севдим. Ёшсан дейдилар, бироқ.

*Мефистофель*

(Ўзича)  
Қай бирингга солайин қулоқ?

(*Маҳрамга*)

Кўнгил қўйманг сира ёш қизга  
Боқур ёши ўтганлар сизга.

(*Мефистофелнинг ёнига бошқалар  
ҳам ёпирилиб кела бошлайдилар*)

Барча урар мен томон ўзни,  
Айтайми ё ҳақиқат сўзни?  
Мени эзиб ташлашмаса бас.  
Эй момолар! Аҳволим чатоқ!

Ёрдам қилиб, Фаустни тезроқ  
Қайтарингиз! Йўқса иш бўлмас.

*(Атрофга қарайди)*

Хира тортди аста чироқлар.  
Шоҳ ва унга яқин-йироқлар —  
Гуруҳ-гуруҳ ва якка-якка  
Йўл олдилар, ана, йўлакка.  
Аҳли сарой келмоқда саф-саф  
Форисларнинг залига қараб.  
Ана улар залга ҳам етди,  
Бир нафасда зал тўлди-кетди.  
Деворларда безаклар қатор,  
Қуролларнинг барча хили бор.  
Бунда руҳни чорлаш керакмас.  
Руҳлар ўзи тайёр ҳар нафас.

## РИЦАРЛАР ЗАЛИ

*Император ва сарой аъёнлари  
кириб ўтиришибди. Чироқлар хира  
қилиб қўйилган.*

*Герольд*

Вазифамга киришай букун,  
Ишим аён ва лекин бу гал  
Томошани бошламоқ учун  
Руҳлар менга бермоқда халал.  
Ўлтиришди томошабинлар,  
Ўз ўрнида император ҳам.  
У деворга осилган кўркам  
Сувратларни томоша қилар.  
Бунда ажиб нақшлар битилган,  
Жангномалар тасвир этилган.

Шоҳу аён барча бўлди жам,  
 Бўш қолмади тахта курси ҳам.  
 Ошиқлар ҳам бунда келишган:  
 Энг ортдаги курсида писиб,  
 Бир-бирининг қўлини қисиб  
 Ўлтирибди икки севишган.  
 Аёлларнинг гаплари тинди,  
 Руҳлар келса бўлади энди.

*Карнай чалинади.*

### *Мунажжим*

Хоқонимиз тезроқ драма  
 Бошлансин деб бердилар фармон.  
 Сурил девор! Ана, гиламлар —  
 Кўтарилди аста баландга  
 Бамисоли ўраб аланга.  
 Мана, сахна бўлди намоён.  
 Сирли шуъла таралмоқда жим,  
 Мен сахнанинг олдига чиқдим.

### *Мефистофель*

(Мулаққин кўшкидан бош чиқариб)<sup>84</sup>  
 Бизлар айтиб турувчи киши —  
 Рўйқачилик шайтоннинг иши.  
 (Мунажжимга )  
 Сайёралар йўлин билурсан,  
 Мен не десам англаб олурсан.

### *Мунажжим*

Сеҳр кучи ила сарбаланд  
 Эҳром бўлди бунда намоён.  
 Бамисоли қадимий Атлант<sup>85</sup>,  
 Елкасига қўнмишдир осмон.  
 Устунлари сонсиз, муҳташам,  
 Кўтаргудек кифтида осмон.  
 Бу устунлар иккитаси ҳам  
 Бир эҳромни тутгай бегумон.



*Меъмор*

Мана шу-да қадимий дунё!  
 Қандай кўпол, қандай баҳайбат!  
 Беўхшовлик аталар даҳо,  
 Ваҳимани дейдилар санъат.  
 Устун бўлса ингичка, нафис,  
 Учлик бўлса қуббалари ҳам!  
 Токи унга қараган одам  
 Ўзни қушдай енгил қилса ҳис!

*Мунажжим*

Ато этган бу дамни бизга —  
 Шараф бўлсин ўшал юлдузга.  
 Букун хаёл бўлсин сарбаланд,  
 Фикрат уни қилолмасин банд.  
 Кўринг, дўстлар, не ёқса сизга —  
 Ақл бовар қилмаслиги чин,  
 Ҳақиқатга, демакки, яқин.

*Саҳнанинг бошқа томонидан Фауст чиқади.*

Ана келди, қилингиз қабул,  
 Толе излаб кезгувчи жаҳон.  
 Қаландарнинг либосида ул,  
 Гултож ила бўлди намоён.  
 Кўринг, бахур тутуни аро  
 Мазбах бўлди ортидан пайдо.  
 У тасхирни бошламоққа тахт,  
 Кулиб боқар, чоғи, бизга бахт.

*Фауст*

*(Улуғвор)*

Эй Момолар, сиз сукут аро  
 Тождорсиз, яшайсиз айру.  
 Айру, аммо эмассиз танҳо,  
 Тегрангизда сизларнинг мангу —  
 Ёзмиш жонсиз шарпалар қанот,  
 Улар жонсиз — аммо барҳаёт.

Неки тирик эди бир замон,  
 Интилади ул маскан томон.  
 Нимаики яшабди бир бор,  
 Яшамоққа уринар такрор.  
 Бир вақт тирик ул жонларни сиз  
 Кун ва тунга тақсим қилурсиз.  
 Бири бўлур ҳаётга ошно,  
 Бири яшар тасхирлар аро —  
 Ва нимага дил бўлса шайдо  
 Сеҳр ила қилғуси пайдо.

*Мунажжим*

У мазбахга калит урган дам  
 Тутун кучди атрофни бирдан.  
 Бу тутунмас мисли қаро тун  
 Сонсиз руҳлар ёзди қанотин.  
 Бу садо ҳам улар нафаси,  
 Улардан бу мусиқа саси.  
 Қадамидан уларнинг ҳар ён  
 Таралади куй оромижон.  
 Шарпасини тинглаб куй чалар  
 Девор, устун, пештоқ, қуббалар,  
 Қаранг тутун ичидан бу он  
 Чиқиб келар бир хушрўй ўғлон.  
 Не мўъжиза! Тенги йўқ барно  
 Форис бўлди бу ерда пайдо!

*Форис пайдо бўлади.*

*Хоним*

Ёшлик кучи тўлиб турибди.

*Иккинчиси*

Юзи олма бўлиб турибди.

*Учинчиси*

Лаби бунча чиройли, ажаб!

*Тўртинчиси*

Ўша лабга қўярмидинг лаб?

*Бешинчиси*

Жуда кўркам, сал қўпол бироқ,

*Олтинчиси*

Юриши ҳам жиндай хунукроқ.

*Форис*

Шаҳзодамас, чўпонга ўшар —  
Назокатдан йўқ, ҳатто асар.

*Бошқа*

Ёмон эмас яланғоч тани,

*Форис*

Совет кийсин, кўрайлик қани!

*Хоним*

Ўлтиради, оҳ, букиб тизза...

*Форис*

Ул тиззада ўлтирсангиз-а!

*Бошқа хоним*

Аста қўяр қўлини бошга.

*Камергер*

Бу не қилиқ, ётди ёнбошга.

*Хоним*

Ҳар нарсадан айб топар эркак

*Камергер*

Шоҳ олдида ётмоқ не керак?

*Хоним*

У саҳнада. У ахир танҳо.

*Камергер*

Саҳнада ҳам керак-ку ибо.

*Хоним*

Кетаётир ширин пинакка.

*Камергер*

Ана холос. Тушди хурракка.

*Ёш хоним*

(Завқ билан)

Алланечук хушбўй ҳид, э воҳ,

Димоғимга уриди ногоҳ.

Шу бўй била тўлиб кўкрагим,  
Тезроқ урар менинг юрагим.

*Ўрта ёшли хоним*

Ҳақ гап. Ажиб ҳисга тўлади  
Нафасидан ҳар қандай юрак.  
Худди шундай нафас олади  
Тонгги ширин уйқуда гўдак.

*Ёши ўтган хоним*

Кучга тўлган ёшлик ҳиди ул,  
Мушки анбар таратгувчи гул.

*(Елена пайдо бўлади)*

*Мефистофель*

Шуми экан паризод! Кўп соз.  
Аммо менга мос эмас бир оз.

*Мунажжим*

Оташ забон шоир бўлсам-да  
Лол қолардим бу ажиб дамда.  
У саҳнада намоён бўлди,  
Барча шеърү қасида ўлди.  
Бир дамгина унга бўлган ёр.  
Оҳ, нақадар экан бахтиёр.

*Фауст*

Ҳақиқатми ва ёки рўё  
Кўрганам бул пари жамоли.  
Чинданми бул қаршимда пайдо  
Гўзалликнинг буюк камоли.  
Мақсудимга етказди, шукр,  
Шунча умид, изтироб, сабот...  
Тушкун эди нақадар умр,  
Тубан эди қанчалар ҳаёт.  
Сени кўрдим, кўзимга олам  
Тоза, марғуб, асл кўринди.  
Сени кўрдим, ўлар бўлсам ҳам  
Ул ҳаётга қайтмасман энди.

Ёдимда ул менга бир замон  
 Кўзгу ичра кўринган сиймо.  
 Қаршингда у кўрксиз, нотавон  
 Соя бўлиб қолди, ажабо!  
 Менинг барча кучу иродам —  
 Донишим ҳам ва жунуним ҳам,  
 Шавқим, ишқим, ҳаётим бари  
 Сенга бўлсин, эй гўзал пари.

*Мефистофель*

(*Суфлёр кўшкидан*)

Эсингни йиғ, чиқма ўйиндан.

*Ёши ўтган аёл*

Қадди-басти келишган чиндан,  
 Боши жуда кичкина бироқ.

*Ёш жувон*

Бош кичкина, оёқ — кўполроқ.

*Элчи*

Кўп кўрганман маликаларни,  
 Кўнглимдаги экан бу, аммо,  
 Гўзал бошдан-оёққача то.

*Сарой аъёни*

Ора кирмоқ учун жонига  
 Келаётир йигит ёнига.

*Хоним*

Йигит — гўзал, қизнинг ҳусни кам.

*Шоир*

Қиз ҳуснидан йигит ҳам кўркам.

*Хоним*

Эндимион, Диана мисол<sup>86</sup>.

*Шоир*

Яқинлашиб келдию хиёл —  
 Туйди пари йигит нафасин  
 Ана ўпди. Тошар ҳавасим.

*Кампир*

Ҳамманинг кўз олдида! Уят!

Фауст

Шундай ўпар болани фақат.

Мефистофель

Жим! Не қилса қилсин ул пари,

Аъён

Уйғонди ул, қиз кетар нари.

Хоним

Орқасига қаради жонон,  
Бу қилигин кутгандим аён.

Аъён

Йигит ҳайрон. Қизни кўриб лол.

Хоним

Қизга эса таниш бундай ҳол.  
Кўпни кўрган. Маълум-ку. Мана...

Аъён

Орқасига қайтди қиз яна.

Хоним

Ҳозир унга дарс беради қиз.  
Йигит шўрлик ўзини шаксиз  
Биринчи деб ўйласа керак.  
Эркакларнинг ҳаммаси тентак.

Форис

Ўтли нигоҳ, шоҳона хиром!

Хоним

Бузуқлик бу, уят йўқ тамом.

Маҳрам

Шу йигит мен бўлсайдим, қани,

Аъён

Қиз домига асир бўлгани  
Барча тайёр.

Хоним

Аён-ку менга.  
Сийқаланиб кетган бу танга.

Бошқа хоним

Ўн ёшидан юрган бу санам.

Форис

Биздек оддий камина камга  
Ярар эди сийқа бўлса ҳам.

Олим

Қиз кўнглимга шубҳа солмоқда.  
Кўрганим чин ва ёки сохта?  
Бунга амин бўлмоғим учун  
Керак китоб кўрмоғим букун.  
Афсонада этилмиш зуҳур,  
Кексаларга кўп ёққан у ҳур —  
Гар чин бўлса Гомернинг сўзи,  
Елена — шу парининг ўзи.  
Чунки ўзим кекса бўлсам ҳам  
Эт жимирлар унга қарасам.

Мунажжим

Бола эмас энди у — эркак!  
Мана қизни кўтарди. Жонон  
Энди ундан топмагай омон.  
Олиб кетаётир.

Фауст

Эй тентак!  
Қайт орқангга! Бас, тингла сўзим!

Мефистофель

Бу саҳнани қўйган-ку ўзинг.

Мунажжим

Пьеса маълум... Билар ҳар киши:  
«Еленанинг ўфирланиши»<sup>87</sup>.

Фауст

Ўфирланиш? Наҳот? Мен-чи, мен?!  
У оламга мен-ку элчи мен!  
Машаққатли зулмат йўлинда  
Ҳамроҳ бўлган, қўллаган мени,  
Мақсудимга йўллаган мени  
Сирли калит ахир қўлимда!  
Кезиб жонсиз кўрқинч саҳрода,  
Қайтдим кўриб гирдобларни ҳам:

Мен — ердаман — борлиқ дунёда,  
 Оёқ кўйиб турибман маҳкам.  
 Беллашмоққа қодир кўринди  
 Руҳлар билан руҳим саросар.  
 Насиб бўлса не ажаб энди  
 Икки олам менга баробар.  
 Қутқармоғим керак парини,  
 Етолмасман қайтиб санамга.  
 Ер қаърининг Момоларини  
 Чақираман энди ёрдамга.  
 Мадад беринг! Бу шундай дийдор!  
 Бир бор кўргач айрилмоқ душвор.

*Мунажжим*

Тўхта, Фауст! Эсинг йиғиб ол!  
 У парига ёпишди! Не ҳол?  
 Дарҳол кўздан йўқолди сиймо.  
 Яқинлашур йигитга, ногоҳ —  
 Унга калит тегизди, э воҳ!  
 Энди тамом! Бўлурмиз адо!

*Кучли портлаш. Фауст йиқилади.  
 Руҳлар кўздан йўқолади.*

*Мефистофель*

(Фаустни елкага кўтариб)  
 Ана холос! Бўлолмас ошно  
 Тентак билан шайтон ҳам, ҳатто.

*Қоронғилик. Тўполон.*



**ГОТИК УСЛУБДА ҚУРИЛГАН БАЛАНД  
РАВОҚЛИ ФАУСТНИНГ УЙИ ҶША ҲОЛИДА**

*Парда орқасидан Мефистофель чиқади.  
У пардани суриб орқасига қараганда бобо-  
лардан қолган қадимги сўрида ётган  
Фауст кўринади.*

*Мефистофель*

Ётабер эй, ошиқ бечора,  
Дардинг офир, тин олабер жим.  
Еленага кўнгил берса ким —  
Умр бўйи юраги пора.

*(Хонани кўздан кечиради)*

Кўрдим уйнинг ҳар бурчагини,  
Ўзгариш йўқ, ҳамон ул ҳолат.  
Қорайибди ойналар фақат,  
Кўпайибди ўргимчак ини.  
Сиёҳдонда сиёҳ қурибди,  
Сарғайибди қоғозлар юзи.  
Мана ўша қалам турибди  
Унда ҳануз қотган қон изи.  
Ёдгорликлар ичра бегумон  
Бу қаламда ўзгача қиммат.  
Унинг билан Фауст бир замон  
Берган эди шайтонга тилхат.  
Ҳамон ўша жойида илгак —  
Унда ридо осифлиқ ҳамон.  
Кийиб олиб уни мен бир он.

Толиб билан қилгандим эрмак.  
 Улғайгандир ул, лек бегумон  
 Такрор қилар дарсимни ҳамон.  
 Яна кийиб олим либосин,  
 Қиёфамни ўзгартай бир дам.  
 Бу энгилни елкага осиб  
 Бўлур не деб валдираса ҳам.  
 Шундай қилар олим доимо  
 Бу иш қийин шайтонга аммо.

*(Ёпинчиқни қозикдан олади ва қоқади.  
 Ундан чанг аралаш турли ҳашаротлар —  
 капалак, қўнғиз, ниначилар тўзғиб кети-  
 шади)*

### *Ҳашаротлар қўшиғи*

Ассалом, ассалом,  
 Меҳрибон хўжамиз,  
 Тегрангда чарх уриб  
 Финғиллаб учамиз.  
 Сен бизни битталаб  
 Эккандинг бир замон —  
 Биз энди юзлармиз  
 Минглармиз, миллион.  
 Қабоҳат кўнгилда  
 Кўринмай сургалар.  
 Ва лекин ошкора  
 Сакрашар бургалар.

### *Мефистофель*

Янги авлод! Қилурман ҳавас!  
 Ҳосил ўзи келар, эксанг бас.  
 Ёпинчиқни силкитай яна,  
 Атрофимда яна парвона  
 Қўнғизчалар, капалакчалар:  
 Фужфон ўйнар ва чапак чалар,

Тўда-тўда бўлиб учишар,  
 Ана энди ҳар ён қочишар.  
 Тараф-тараф ва чакка-чакка,  
 Беркинишар турли бурчакка.  
 Беркинишар ушалган сопол  
 Ва сарғайган қоғоз тагига.  
 Неча юз хил ашқолу дашқол,  
 Эски қути, бош суягига.  
 Шундай чиркин жой бўлса, наҳот  
 Макон этмас уни ҳашарот!

*(Ёпинчиқни елкага ташлайди)*

Яна уни ташлай елкамга,  
 Устоз бўлай мен яна бир бор.  
 Аммо танҳо пир бўлмоқ кам-да,  
 Мурид керак. Ҳей, қани ким бор?

*Қўнғироқни тортади. Қаттиқ  
 жарангли садодан деворлар ларзага  
 келади ва эшик очилиб кетади.*

*Фамулус<sup>88</sup>*

*(Узун қоронғу йўлакдан гандираклаб  
 келади)*

Бу не даҳшатли садо,  
 Ларзага келди бино.  
 Гўё момақалди роқ,  
 Дарчада ёнди чақмоқ.  
 Фирчиллайди пол аянч,  
 Тўкилади шипдан ганч.  
 Деворлар тарсиллайди,  
 Эшиклар қарсиллайди.  
 Воҳ, Фауст либосинда  
 Улкан одам қошимда.  
 Мени имлаб чорлайди,

Оёқ эса бормайди.  
 Ҳеч нарса қилолмасман,  
 Не бўлар, билолмасман.

*Мефистофель*

(Имлаб)

Келинг. Сиз Никодим эмасмисиз ё?

*Фамулус*

Ҳа, шундай. Қилайлик ибодат бажо.

*Мефистофель*

Буни қўятулинг.

*Фамулус*

Шодман бағоят,  
 Мени таниркансиз.

*Мефистофель*

Эсимда албат.

Лекин анча қариб қолибсиз  
 Наҳотки сиз ҳамон толибсиз?  
 Ҳа, шунақа олимлик ўзи:  
 Тикилганча китобга кўзи —  
 Вақт ўтганин билмайди олим.  
 Жам қилиб бор фикру хаёлин  
 Тиклар қумда чўпакдан бино.  
 Лек бўлмасин у қанча доно,  
 Қанча содиқ ўз ғоясига,  
 Ўшал чўпак уйни ҳам, ҳатто  
 Етказолмас ниҳоясига.  
 Аммо Вагнер — у бошқа дунё,  
 Устозингиз машҳури олам.  
 Фан мулкида тенги йўқ якто,  
 Ўрганишдан тинмас шунда ҳам.  
 Элу юртга манзур сабоғи,  
 Сомеларнинг<sup>89</sup> йўқдир саноғи.  
 Танҳо қилур минбардан бори —  
 Олам сири изоҳини ул.  
 Бамисоли Петр ҳаворий,  
 Тутган ер-кўк мифтоҳини ул.

Ҳечдир илму онги олдида  
 Ўзгаларнинг дониш ҳикмати.  
 Унинг тенгсиз донғи олдида  
 Сўнди, ҳатто Фауст шуҳрати.

*Фамулус*

Узр, лекин фикрингиз хато,  
 Муаллимга бу ўй бегона.  
 Илмда ул танҳодир, аммо  
 Камтарликда яна ягона.  
 Устозини ўйлар эрта-кеч,  
 Фауст қайга йўқолди, ҳайрон.  
 Жудоликка кўниколмас ҳеч,  
 Умиди бор, кутади ҳамон.  
 Донишманднинг хонасига у  
 Ҳеч кимсани йўлатгани йўқ.  
 Вагнер ўзи посбон бўлди-ю,  
 Ҳеч нарсани кўзғатгани йўқ.  
 Юлдузларнинг амри-ла букун  
 Чақиб чақмоқ, гулдираб осмон,  
 Ҳар ён бўлди остину устин,  
 Гўё қўрқув ичра ноғиҳон,  
 Қулфу занжир сочилиб кетди,  
 Дарча, эшик очилиб кетди.  
 Шу дуфайтигга бего булди нағиди,  
 Йўқса кирмоқ йўқ эди асло.

*Мефистофель*

Устозингиз қаерда ҳозир?  
 Ул зот агар бўлсалар рози,  
 Бир бор кириб зиёрат қилсам,  
 Ё ўзлари келсалар.

*Фамулус*

Билмам,  
 Улуғ ишга банд ҳозир ҳазрат,  
 Ҳеч кимга йўқ кирмоққа рухсат.  
 Неча ойки ўз хонасида,  
 Ташқарига чиқмайди устод.

Шу кунларда, бўлса насиба,  
 Пайдо бўлур бир буюк ижод.  
 Авваллари бизга муаллим  
 Тозалиқдан берарди таълим.  
 Бу кун эса ўзи қоп-қора,  
 Кўмирчидан фарқи йўқ асло.  
 Кўриб бўлмас энгил-бошини,  
 Қурум босган кўзу қошини.  
 Эртаю кеч ўт пуфлар фақат,  
 Фақат даврақ анбиқу милқат\*  
 Садосидан устозимиз маст,  
 У ҳеч кимни ёнига қўймас.

### *Мефистофель*

Яширинса наҳот мендан ҳам,  
 Ижодига берардим ёрдам.

*Фамулус чиқади. Мефистофель  
 мағрур, ястаниб ўтиради.*

Ана холос, ўлтирганим он  
 Келди таниш янги бир меҳмон.  
 Буниси ёш, ҳозирги авлод,  
 Ўтакетган қайсар ва шаддод.

### *Бакалавр<sup>90</sup>*

*(Йўлакдан шовқин солиб кириб келади)*  
 Воҳ! Эшиклар очилган,  
 Занжир-қулфлар сочилган.  
 Демак, ҳибс тамомдир,  
 Демак, озод замондир.  
 Демакки, талаб аҳди  
 Нафас олмоққа ҳақли.

Девору том омонат,  
 Эҳтиёт зарур албат.

\* Кимё ашёлари.

Қийшайган, хунук туриш,  
Қочиб қолган ҳам дуруст.  
Таппа ташласа ёмон.  
Мардмиз, аммо ширин жон.

Менга таниш бу хона,  
Илк бор босиб остона —  
Кирган ёш толиб эдим,  
Бунда дарс олиб эдим.  
Не деса узун соқол,  
Ишонибман содда, лол.

Энди билсам, домуллам  
Ҳақ сўзи деб айтган дам —  
Бор гапи ёлғон экан.  
Ҳаводан олғон экан.  
Зое кетибди умрим,  
Дарвоқе, анови ким?

Кўрган замон танидим;  
Эгнида ўша ридо.  
Ўша курсида танҳо  
Ўлтирар ўша домло.  
Ёш эдим, мўмин-маъқул,  
Лақиллатган эди ул.  
Энди бошқа гап, қани  
Алдаб кўрсин-чи мани.

Муҳтарам зот! Агар мабодо,  
Унут дея аталган дарё —  
Хотирангиз ювмаган бўлса,  
Эслаб кўринг, мен сизнинг ўша  
Тажрибасиз, содда, нодон, ғўр —  
Шогирдингиз бўламан. Узр,  
Ўзгармабсиз, ўшасиз ҳамон,  
Мен-чи, букун ўзгаман тамом.

*Мефистофель*

Келганингиз соз бўлибди, сиз —  
 Менга ёққан эдингиз ул чоғ.  
 Ажабланманг, билиб олурмиз  
 Капалакни тухумидаёқ.  
 Ёшлигингиз эсимда, бир вақт  
 Сочларингиз эди жингалак.  
 Тўр ёқангиз бежирим ғоят,  
 Шод эдингиз бамисли гўдак.  
 Энди эса шведларга хос —  
 Бошни сочдан холи қилибсиз  
 Ўзингизга ярашибди, мос,  
 Аввалгидан кўркам бўлибсиз.  
 Аммо бугун файласуфона  
 Ваҳдатдан сиз бўлинг бегона.

*Бакалавр*

Гарчи усто, эски жойдамиз,  
 Аммо букун шароит ўзга.  
 Эрмак фикри энди фойдасиз,  
 Тушунамиз қочирим сўзга.  
 Гўдак эдим — билган эдингиз,  
 Мендан роса кулган эдингиз.  
 Энди мазах бунда кетмайди,  
 Ҳунарингиз сира ўтмайди.

*Мефистофель*

Юзга айтса не учун, ажаб,  
 Ёшларга ҳеч ёқмас тўғри гап?  
 Чинлигини биз айтган сўзнинг  
 Ҳаёт ўзи тасдиқлар, бироқ  
 Ёшлар дейди: ўсдим мен ўзим,  
 Домлам эди қип-қизил аҳмоқ.

*Бакалавр*

Аҳмоқ эмас, алдамчи, айёр,  
 Сўзламаслар сира ҳақиқат.  
 Йўқ деб кўринг. Устоз қайда бор —  
 Ҳақиқатни айтувчи фақат.



Бари сўйлар кўшиб ё олиб,  
 Оқни қилиб кўк, кўкни қора.  
 Нима қилсин бечора толиб,  
 Ишонмоқдан ўзга йўқ чора.

*Мефистофель*

Ҳар бир ишнинг ўз поёни бор,  
 Таҳсил бундан мустасно эмас.  
 Шунча шогирд бўлганингиз бас,  
 Ўқиб бўлгач, ўқитмоқ даркор.  
 Тажрибангиз эмас унча оз,  
 Фурсат етди бўлгали устоз.

*Бакалавр*

Тажрибани ўлтирманг сўйлаб,  
 Руҳ олдида у не деган гап?  
 Шу пайтгача не билган бўлсак —  
 Бари бир пул, бари нокерак.

*Мефистофель*

Тўғри, мен ҳам шундай деганман,  
 Мен ҳам бир вақт тентак эканман.

*Бакалавр*

Биринчи бор учратдим букун  
 Чоллар ичра мияси бутун.

*Мефистофель*

Маҳзан излаб кўп чекдим заҳмат,  
 Лекин топдим чиринди, ахлат.

*Бакалавр*

Сочсиз қолган бошингиз бу дам  
 Ҳеч фарқ қилмас бош сўнгагидан.

*Мефистофель*

Бунча кўпол бўлмасанг, ажаб,  
 Йўқ экан-ку сенда андиша.

*Бакалавр*

Немисларда фақат ёлғон гап  
 Назокатли бўлур ҳамиша.

*Мефистофель*

(*Филдиракли курсичасини аста-аста суриб,  
сахна олдига, халққа яқин келади.*)

Жой қолмади менга. Ҳойнаҳой,  
Сиз берарсиз мен шўрликка жой.

*Бакалавр*

Қизик, инсон ёшини яшаб,  
Сўлиб адо бўлгач мутлақо —  
Яқин қолгач тўрдан гўр, ажаб,  
Кўп нарсани қилади даъво.  
Ахир ҳаёт тимсоли-ку қон,  
Совумоғи юракнинг — мамот.  
Ёшлик эса ёниб турган жон.  
Яратгувчи ҳаётдан ҳаёт.  
Борлиқ тинмас, ҳаракат қилур,  
Қудрат енгар, ожизлик ўлур.  
Биз эгаллаб ярим дунёни,  
Ўзимизга қилганда таслим,  
Сиз ҳақиқат билиб рўёни,  
Хом режалар тузардингиз жим.  
Кексалик бу — хасталик ёмон,  
Қақшатгувчи иситма-безгак.  
Ўттиз ёшга етдими инсон  
У дунёга жўнатиш керак.  
Шу тадбири давонинг сози.

*Мефистофель*

Бунга шайтон ҳамиша рози.

*Бакалавр*

Шайтон-пайтон менга бир тийин.

*Мефистофель*

(*четга*)

Шайтон чалса биласан кейин.

*Бакалавр*

Ишонади ёшлик доимо —  
Дер: борлиққа очганда кўзим —

Асли тамом йўқ эди дунё,  
 Йўқ дунёни бор қилган ўзим.  
 Мен қуёшни денгиздан олиб  
 Кўтарганман мовий осмонга.  
 Мен берганман кўкда соллониб  
 Сайр этишни моҳитобонга.  
 Мендан олам кўрки очилди,  
 Йўлларимга гуллар сочилди.  
 Тун ёзганда бош узра қанот,  
 Юлдузларин тўқди самовот.  
 Бу оламни ёшлик, эҳтирос  
 Сафсатадан айлаган халос.  
 Дадил олға ташлайман қадам,  
 Менга машъал юракдаги нур.  
 Неки олдда — ёруғдир ҳар дам,  
 Зулмат ичра — неки ортадур.

*(Кетади)*

### *Мефистофель*

Борабер, эй донишманд одам,  
 Элтаберсин фуруринг сани.  
 Сен билганни сенга қадар ҳам  
 Билганларин билсайдинг қани.  
 Шовқин солмоқ сойнинг одати,  
 Дарё бўлгач тинади албат.  
 Минг кўпирсин узум шарбати  
 Шароб бўлур бир кун оқибат.

*(Партердаги қарсак чалмаётган  
ёшларга қараб)*

Қилмаяпсиз сўзимни қадр,  
 Не тонг, етгай ҳар ишнинг куни.  
 Ҳали ёшсиз, шайтон кексадир,  
 Тушунарсиз кексайгач уни.

## ЎРТА АСР РУҶИДАГИ ҲУЖРА

Ҳайратомуз ишлар учун мўлжалланган улкан галати ашёлар.

Вагнер

(Ўчоқ ёнида)  
Воҳ, янгради қўнғироқ!  
Титрар борлиқ, вужудим.  
Бир соат ҳам ўтмаёқ  
Ҳосил бўлур мақсудим.  
Поёнсиз эмас меҳнат,  
Самари бўлгай албат.  
Ана ажиб сирли нур  
Шишада жилоланур.  
Ёниб лаққа чўф бўлди,  
Қоронғулик йўқ бўлди.  
Учқун сочмоқда ял-ял  
Бамисоли ёқут, лаъл.  
Ана, охир кўринур  
Кўз олгувчи оппоқ нур.  
Бу сафар бўлай огоҳ,  
Ким эшик қоқди ногоҳ?

Мефистофель

(Киради)  
Салом! Сизга омад бўлсин ёр.

Вагнер

(Ҳаяжонда)  
Хуш келибсиз бахтиёр дамда.  
(Шивирлаб)  
Гувоҳ бўлинг, букун бетакрор  
Буюк бир иш бўлур оламда.

Мефистофель

(Аста)  
Не гап ўзи?

Вагнер

(Шивирлаб)

Яралур одам!

Мефистофель

Шу идишда? Ажабо не ҳол?

Қани бунда эркак ва аёл?

Вагнер

Йўқ! Керакмас эр ҳам, хотин ҳам.

Одам пайдо қилишдаги ул

Боболардан қолгувчи усул

Бизга энди керакмас асло.

Ўшал пайдо қилгувчи ҳаёт —

Инсондаги басир ҳиссиёт,

Ўшал ичда яралиб ниҳон

Ташқарига интилган сурон,

Аввал ўздан бўлиб баҳраманд

Сўнг солғувчи ўзгага каманд

Харис туйғу шу кундан мудом

Ҳайвонларга берилгай тамом.

Инсон эса ерда олий зот,

Олий тарзда бўлажак бунёд.

(Ўчоқ томонга қараб)

Орзум букун ушалажак, у —

Таратмоқда ҳар ёнга ёғду.

Ҳа, умид бор демакки олдда,

Агар ўшал неча юз модда

Маълум тартиб ила қўшилса,

(Энг муҳими бунда тартибот)

Сўнг иситиш меъёри бўлса,

Пайдо бўлур шишада ҳаёт.

(Яна ўчоққа қараб)

Ана! Вужуд бўлмоқда зоҳир!

Мен кўп кутган дам келди охир!

Хаёлларим бўлур ҳақиқат,  
 Сирдонини очур табиат.  
 Меҳнатимиз кетмади бекор,  
 Бўлди пинҳон мўъжиза — ошкор.  
 Не яратмиш ҳаёт мукамал,  
 Қила олдик бизлар мушаккал.

*Мефистофель*

Кўп яшаган кўп кўрур аён,  
 Унга очур асрорин олам.  
 Мен кўп йиллар бўлиб саргардон  
 Кўрдим неча мушаккал одам.

*Вагнер*

Қайнамоқда, шуъла сочмоқда,  
 Орзуларим чирой очмоқда.  
 Йўқотибди дерлар ақлини,  
 Ўхшатишар тентак одамга.  
 Аммо дониш ҳали оламга  
 Берур неча дониш ақлини.

*(Шишага завқ билан қарайди)*

Ана, садо бермоқда шиша  
 Шу лаҳзани ахир ҳамиша  
 Орзу қилган эдим, мана у —  
 Мен интизор бўлган қутлуғ дам!  
 Воҳ, вужудга жон кирмоқда-ку,  
 Қимирлайди кичкина одам!  
 Сир очилди! Илмда ўзга  
 Яна қандай қолди муддао?  
 Дикқат, мана, жарангли садо —  
 Овоз бўлди, қулоқ бер сўзга.

*Ҳомункул<sup>91</sup>*

*(Шиша ичидан Вагнерга)*

Эй, отажон! Яратдинг алҳол,  
 Фарзандингман, қучоғингга ол.

Фақат сиқма унчалик маҳкам,  
 Эҳтиёт бўл, синмасин шишам.  
 Бу оламнинг турфа иши бор,  
 Шундай ажиб қурилган жаҳон:  
 Ерга сиғмас табиий инсон —  
 Унинг учун чексиз олам тор.  
 Лекин сунъий одамга даркор  
 Фақат берк макон.

*(Мефистофелга )*

Шундамисан, алдоқчи оғам?  
 Хуш келибсан, мен яралган дам —  
 Бунда бизни бахтли тасодиф  
 Учраштирди, тирикман, демак —  
 Мен бирор иш қилишим керак.  
 Нима қилай? Ўзинг қил таклиф.

*Вагнер*

Тўхта, бир сўз айтай, қулоқ сол,  
 Менга доим беришар савол.  
 Мен эсам ҳеч қилолмайман ҳал:  
 Бир бутундир тану жон азал,  
 Бир-бирисиз яшолмас, аммо —  
 Қурашурлар нечун доимо?

*Мефистофель*

Шошма, берай бир савол олдин,  
 Ҳеч чиқишмас нега эр, хотин?  
 Сенга мушкул, буни тушуниш.  
 Кичкинажон, бу сен қилар иш.

*Ҳомункул*

Нима қилай?

*Мефистофель*

*(Ёндаги эшикни кўрсатиб)*  
 Амалда кўрсат,  
 Фақат сенда бор қобилият.

## Вагнер

(Шишага тикилганча)  
 Дарҳақиқат, ажойиб ўғлон!  
 Ёнбошдаги эшик очилиб, у ерда ётган  
 Фауст кўринади.

## Ҳомункул

(Таажжуб билан)  
 Шиша Вагнернинг қўлидан чиқиб, Фауст  
 устидан учади ва уни ёритади.

Бунда намоён.

Не манзара! Тиниқ ҳовузлар!  
 Чўмилишар яланғоч қизлар.  
 Бир-биридан хушрўйдир бари,  
 Аммо бири гўзал беқиёс.  
 Ё маъбуда ул, ёки пари,  
 Юзу қадди фариштага хос.  
 У жой этиб ҳовуз қирғоғин,  
 Тиниқ сувга солар оёғин.  
 Муздек ором югурар танга.  
 Пасаяди танда аланга.  
 Шу пайт бирдан кўш оппоқ қанот  
 Пайдо бўлди сув узра, ҳайҳот!  
 Қизлар ҳар ён қочди, йўқолди,  
 Паризоднинг бир ўзи қолди.  
 Ёлғиз ўзи қўрқмас бепарво,  
 У ғурурнинг нашъаси аро.  
 Оқ қушларнинг подшоси шу он  
 Яқинлашди париваш томон  
 Ва чирмашди оёқларига,  
 Аввал бошда уялиб бир оз,  
 Сўнгра эса мард бўлиб шоввоз...  
 Олди қанот қучоқларига.  
 Шу пайт туман қолади қолди —  
 Соз манзара кўздан йўқолди.



*Мефистофель*

Бу гапларни қаёқдан олдинг?  
 Жўжасану — тўқишга бало.  
 Мен буларни кўрмадим асло.

*Ҳомункул*

Сен келгансан чунки шимолдин,  
 Тувилгансан ўрта асрда  
 Румлик бобо билан форислар  
 Доимий баҳс айлаган ерда  
 Туманликдир донишу ҳислар.  
 Исканжадан бўлмассан озод,  
 Сенга зулмат ёрдир умрбод.

*(Атрофга қараб)*

Бу ер қандай совуқ, бадқовоқ,  
 Тош девордан сиқилар юрак.  
 Бул бечора уйғонгани чоқ  
 Кўнгли озиб жон берса керак.  
 Ўрмон, ҳовуз, яланғоч қизлар,  
 Табиатнинг дилбар оғуши —  
 Мана унинг хаёли, туши.  
 Ҳар дақиқа у шуни излар.  
 Қандай чидар бу ерга ахир,  
 Ўрганганман гарчи мен чидаб —  
 Лекин бунда менга ҳам оғир.  
 Олиб кетсак уни.

*Мефистофель*

Маъқул гап.

*Ҳомункул*

Аскар йигит жанг учун даркор,  
 Жонон эса базмлар учун.  
 Ҳар нарсанинг ўз хизмати бор,  
 Ўйлаб қўйдим бир ишни букун.  
 Худди букун бошланур байрам,—  
 Ул классик Вальпургий туни.

Ўша ёққа учайлик бу дам,  
Бирга олиб кетайлик уни.  
Кўриб унда бетинч ғалаён,  
Сурур топсин оромсиз бу жон.

*Мефистофель*

Эшитяпман бу ҳақда илк бор,

*Ҳомункул*

Сенга таниш романтик олам.  
Шайтон бўлмоқ учун чинакам,  
Классика оламини ҳам  
Бир бор кўриб қўймоғинг даркор.

*Мефистофель*

Йўл қаёққа? Қадимги дунё  
Жинларига ҳушим йўқ асло.

*Ҳомункул*

Шимоли Ғарб сенинг ватанинг,  
Сенга, шайтон, у юрт марғубдир..  
Унда яйрар жонинг ва танинг,  
Биз борар юрт Шарқи жанубдир.  
Унда улкан харсанглар аро  
Оқар Пеней мавжли ва гўзал<sup>92</sup>.  
Ул, ердаким, бошланур дарё —  
Турар эски ва янги Фарсал<sup>93</sup>.

*Мефистофель*

Қўй, гапирма, жонга тегди-ку  
Золимлар ва мазлумлар жанги  
Давом этар бу жанжал мангу;  
Бир оз қилиб тузумни янги,  
Сал ўзгартиб ҳаёт тарзини —  
Яна бошдан талаш қилурлар.  
Қўзғагувчи аслида бун  
Асмодейдур. Қайдин билурлар?  
Ўша иблис қўзғар ғалаён,  
Озодлик деб жанг қилур булар.  
Аслида-чи минг йилдан буён  
Қуллар билан курашар қуллар.

*Ҳомункул*

Болада ҳам, кексада ҳам ўй:  
 Ўзлигини этмоқ барқарор.  
 Сен уларнинг жанжалини қўй,  
 Энди буни уйғотмоқ даркор.  
 Эплай олсанг, топширай сенга,  
 Қилолмасанг, қўйиб бер менга.

*Мефистофель*

Брокенда бўлганда албат  
 Чиқар эди мендан маслаҳат.  
 Мажусийлар дунёси аммо  
 Менинг учун бўлган қатағон.  
 Одамларда қадимги Юнон  
 (Менга у юрт ёқмас мутлақо)  
 Гуноҳ ҳислар уйғотган танҳо.  
 Бизнинг шимол гуноҳидан ул  
 Инсонларга бўлибди маъқул,  
 Нима илож? Хўш, не қилурмиз?

*Ҳомункул*

Не қилишни яхши билурмиз  
 Қалай бўлар дарҳол йўл олсак  
 Фессалия ўлкаси сари?  
 Сенга жуда хуш келса керак  
 Унинг жонон жодутарлари.

*Мефистофель*

(яйраб)

Фессалия жодутарлари!  
 Талпинаман мен улар сари.  
 Умрни-ку бахшида қилмам,  
 Аммо — қалай у ер дилбари —  
 Бир бор синаб кўриш учун ҳам  
 Қани эди бир кеча қолсам!

*Ҳомункул*

Ундай бўлса ёпинчигинг ёз,  
 Дўстингни ҳам олиб ёнингга —  
 Аввалгидек кўкка қил парвоз,

Қанот бўлсин ёшга чиқ сенга  
Мен нур сочиб борурман олдин.

*Вагнер*

Мен-чи?

*Ҳомункул*

Йўқ, сен шу ерда қолгин,  
Ҳали бунда жуда кўп ишинг:  
Титилмаган ҳали кўп қоғоз.  
Ҳали қанча очилмаган роз,  
Барини сен лозим очишинг.  
Жам қил, ўрган кўргузиб сабот  
Қазилмалар сўнгак, тошини...  
Инкишоф эт еру коинот,  
Тирик жоннинг ибтидосини.  
Мен-чи кезиб, балки етарман  
Коинотнинг ниҳоясига.  
Сўнгги нуқта ҳады этарман  
Изланишлар ҳикоясига.  
Ҳа, сеники бўлади у кун  
Шухрат, бойлик, осуда ҳаёт.  
Чеккан барча заҳматинг учун  
Топажаксан лойиқ мукофот.  
Насиб қилгай сенга баркамол  
Фазлу ҳикмат. Хайр, яхши қол.

*Вагнер*

*(қайгули)*

Сенга кўрқиб, видо айтаман,  
Кўролмасман, балки қайта ман.

*Мефистофель*

Олға! Қайда Пенейнинг бўйи!  
Оғалармиз, бирдир сўзимиз.

*(Томошабинларга)*

Гоҳ ўзимиз яратиб қўйиб —  
Бўйсунамиз унга ўзимиз.

*Фарсаль далалари. Қоронгилик.*

*Эрихто*

Аввалгидек яна бир даҳшатли тун базмига  
 Мана келиб турибман мен маҳзуна Эрихто<sup>94</sup>.  
 Йўқ, мен батгол шоирлар тасвир этгани қадар  
 Бадбашара эмасман. Уларнинг мақтови ҳам,  
 Нафрат ёғдириши ҳам билмайди сира меъёр.  
 Ана кенглик оқарди. Қуюқ туман сингари  
 Қўнғир ўтовлар билан қопланибди далалар.  
 Бу даҳшатли кечанинг қўрқинч шарпаларидир.  
 Неча бор такрор бўлган, яна чексизлик қадар  
 Такрор бўлажакдур бу. Кимки зўрлик, куч билан  
 Салтанатни олибдур, зўрлик билан тутадур,  
 Осонликча бермайди рақибига ҳеч қачон.  
 Ҳамда ўзини ўзи идора қилолмаган  
 Ўзгаларни доимо қилмоқ бўлур идора.  
 Бунда авлодлар учун дарс бўлгулик жанг бўлган,  
 Бу майдонда дуч келган икки буюк зўр қудрат.  
 Бу ерда поймол бўлган озодликнинг гултожи,  
 Ҳамда қаттиқ олтин тож қўнган ғолиб бошига.  
 Буюк Помпей бу ерда эслаган ўтмишдаги  
 Шону шуҳратларини. Цезарь эса ўз кучи  
 Ҳам рақиб қудратини чамалаганди бунда,  
 Ўтказганди умидни тафаккур мезонидан.  
 Бу кураш натижаси гарчи оламга аён.  
 Бу кеча яна бошдан қайтарилур ўша баҳс<sup>95</sup>.  
 Машъаллар ёниб турар гулханларнинг ўтида,  
 Таралади ҳар томон қип-қизил қонталаш нур.  
 Замин ўша тўкилган қонлар исин сезади.  
 Бу ажойиб кечада жанговар қўшинлардек  
 Саф-саф бўлиб тизилар қадимий афсоналар.  
 Гулханлар атрофида ғужғон ўйнаб учишар  
 Қадимий Элладанинг энг кўҳна шарпалари.

Мана, қўкка оҳиста кўтарилур ярим ой  
 Майдон узра таратиб майингина шуълалар.  
 Бу шуъладан пасаяр гулхан алангалари,  
 Кўзлардан ғойиб бўлур ўтовларнинг сояси.

Бош узра учиб ўтган бу қандай учар юлдуз?  
 Нур сочади, ичида бордир ажиб бир вужуд.  
 Ҳаёт нафаси келди. Энди мен кетай бундан.  
 Мен тирик вужудга ҳеч яқинлаша олмасман,  
 Чунки менинг борлиғим ҳар бир жонга фалокат.  
 Мана у қўнди, энди мен бу ердан кетаман,  
 Етар бўйнимга осган шунча тавқи лаънатим.

*(Кетади)*

*Учиб келганлар юксак чўққида.*

*Ҳомункул*

Бу кўрксиз майдон узра  
 Айланайлик яна бор.  
 Кўрқинч шарпадан ўзга  
 Бунда яна нима бор?

*Мефистофель*

Шимол сояларин ман  
 Неча марта кўрганман.  
 Қарагандай ойнадан  
 Боқиб гаштин сурганман.  
 Менга маъқул бу маскан,  
 У ердан ҳеч эмас кам.

*Ҳомункул*

Ана, улкан бир аёл,  
 Биздан нари кетди у.

*Мефистофель*

Бизни кўриб эҳтимол  
 Кўнглига тушди қўрқув.

Ҳомункул

Кетаберсин майлига,  
 Сен ерга қўй шайдони.  
 Чиқсин эртақ сайлига,  
 Кўрсин соҳир дунёни.

Фауст

(Ерга тушиб)  
 О, қани у?

Ҳомункул

Билмаймиз бизлар.  
 Билгучини топурсан излаб,  
 Қидириб кўр гулханлар аро  
 Тонгга қадар то.  
 Момолар юртига борган баҳодир  
 Ҳар нега қодир.

Мефистофель

Қидирувга қўшилсам мен ҳам,  
 Бу гулханлар томошаси гашт.  
 Якка-якка тарқалиб бу дам  
 Ҳар ким излаб кўрсин саргузашт.  
 Тарқаламиз, бўлмоқ учун жам  
 Топажакдир Кичкинтой чора,  
 У нур билан қилур ишора.

Ҳомункул

Таратурман шундай жаранг, нур.  
 (Шиша шуъла сочиб жаранглайди)  
 Мўъжизалар сари олға юр!

Фауст

(Якка)  
 Қани пари? Сўрма, вақт эрта!  
 Бўлмаса-да, майли бу ерда  
 Қадамнинг излари ҳатто,  
 Майли, чиқиб йўлига пешвоз  
 Оёқларин ўпмаган дарё,  
 Ва лекин бу кенгликлар аро  
 Лабларидан таралган садо,  
 Шаранглаган илоҳий овоз.

Бу ер — Юнон, унинг диёри,  
 Кўз очибоқ ҳис этдим дарҳол.  
 Қайтди яна ёшлик мадори,  
 Қудрат олдим мен Антей мисол.  
 Не бўлса ҳам қаршимда пайдо,  
 Уни излай гулханлар аро.

## ПЕНЕЙ ЮҚОРИСИДА

*Мефистофель*

*(Атрофга қараб)*

Гулханлар оралаб ташлайман қадам,  
 Менга бу манзара эриш туйилар.  
 Ажаб, бунда барча яланғоч юрар,  
 Уятсиз грифу сфинкс<sup>96</sup>лар ҳам<sup>97</sup>.  
 Юришар беркитмай орқаю олдин,  
 Ошкоро кўрсатиб думи қанотин.  
 Аслида бизда ҳам уят йўқ, аммо  
 Ўта беҳаёдур қадимги дунё.  
 Кийиниб юришса бўлмасми бир оз  
 Янгича одату урфларга мос?!  
 Булар кўнглимга ҳеч ўтирмаса ҳам  
 Нетай нафратимни тутаман ниҳон.  
 Ахир, не бўлса ҳам мен бунда меҳмон,  
 Тавозелар билан қўяман қадам.  
 Салом! Олқишлайман сизларни, фарруҳ  
 Хонимлару кекса донишманд гуруҳ.

*Гриф*

*(Бўғиқ)*

Ажаб, қандай гуруҳ? Грифлармиз биз,  
 Кекса гуруҳга ҳеч йўқ алоқамиз.  
 Қари деб ном олиш кимга ҳам ёқур,  
 Ҳар бир сўз маъносин қилмоқ учун ҳис,  
 Аҳли дониш ўзак товушга боқур.  
 Бизнинг номимизга бўлибди уйқаш  
 Гирияю, гириху гирдлиғ, гирифтор<sup>98</sup>.



Бу сўзларнинг бари грифга ўхшаш,  
Бўлмоқ истамаймиз биз уларга ёр.

### *Мефистофель*

Нечун сарфу нахв ичра кирибон  
Сўзлар уйқашлигин қидириб кўрмак?  
Шу хил давом этсак — сизларга ўрناق —  
Гриф сўзи билан эгиз гирибон.

### *Гриф*

*(Ўша йўлда)*

Албатта, товушлар жуда ҳам яқин,  
Бу сўз ҳам жой олмиш гриф ёнидан.  
Гирибонбозлик-ку ёмон ва лекин  
Маҳкам тут ушлагач гирибонидан.  
Маҳкам тут ушлагач, ер, сув, мулк, хотин,  
Бойлигу тожу тахт, хазина, олтин —  
Барига — барига солабер чангал,  
Омад кулиб боқур ким бўлса дангал.

### *Чумолилар*<sup>99</sup>

*(Улкан қиёфада)*

Айтилди «хазина», «олтин» сўзлари.  
Олтинга кон эди ўнгирлар қўйни;  
Аримасплар биздан ўғирлаб қўйди,  
Энди устимиздан кулар ўзлари.

### *Грифлар*

Ўғрилар адабин бериб қўямиз.

### *Аримасплар*<sup>100</sup>

Фақат бугун эмас. Бу оқшом байрам.  
Эртага тонггача қолганини ҳам  
Уйимизга ташиб териб қўямиз.

### *Мефистофель*

*(Сфинкслар орасига ўлтириб)*

Аста кўникаман сир маъвосига,  
Аста тушуняпман сўз маъносига.

### *Сфинкс*

Нафас ила товуш бергувчи — бизлар  
Товушни сўз қилиб тергувчи — сизлар.  
Танишиб олайлик нимадир исминг?

*Мефистофель*

Исмим битта эмас, тахминан юз минг,  
 Айтинг ундан кўра, бунда мабодо  
 Учрагани йўқми инглиз сайёҳ<sup>101</sup>?  
 У жонни беради бўлса тамошо.  
 Тарихий жангоҳми, шаршарами ё...  
 Инглиз бўлай дер баридан огоҳ,  
 Шу сабаб ҳамиша кезади дунё.  
 Сеҳру афсун тўла мана бу майдон  
 Маъқул бўлар эди уларга чандон.  
 Улар тамошада отимни айтди:  
 «Эски ёлғон, яъни Old inibuiti».

*Сфинкс*

Ажабо, не учун?

*Мефистофель*

Аёнмас менга  
 Бу тахлит айтмишлар номимни нечун,

*Сфинкс*

Маили. Хўш, қалайсан нужум илмига?  
 Айт, не ваъда этар бизга янги кун?

*Мефистофель*

(Осмонга қараб)  
 Юлдузлар мавж урган кўкка қарайман  
 Янги ой таратур ажиб латофат.  
 Мен эсам фақат шу ерда яйрайман  
 Сенинг шер танингдан олиб ҳарорат.  
 Қўй, нечун юлдузли кўкка етишмоқ?  
 Менга масала бер, айтгин топишмоқ.

*Сфинкс*

Сен борсан — топишмоқ нега керакдир,  
 Сен борсан — масала не учун даркор?  
 Сенинг сифатларинг саналса бир-бир —  
 Масала ҳозир топишмоқ тайёр.  
 Сен ахир тўғрию эгри учун ҳам  
 Баробар зарурсан. Тўғри ҳар замон  
 Тўғрилигин қилмоқ учун намоён  
 Ҳаргиз сени қилар ўқига нишон.

Эгри бўлар доим сен билан ҳамдам  
Разолатга ботмоқ учун чинакам.  
Бу қилмиши билан Зевсга мангу  
Тўғри ҳам, эгри ҳам бўлади кулгу,

*Биринчи Гриф*

У нақадар жирканч!

*Иккинчи Гриф*

Ёқмас менга ҳам.

*Иккови*

Қандай келиб қолди аблаҳ, муттаҳам.

*Мефистофель*

*(Қўпол)*

Ҳали менга чангал урмоқ бўлдингми?  
Ё тирноғим кучин кўрмоқ бўлдингми?  
Қани тегиб кўр-чи!

*Сфинкс*

*(Майин)*

Майли, қолабер,

Шошарсан уйингга ҳали ҳойнаҳой.

Ўз юртинг сенга соз, қадрдон ул ер,

Сенга ёқмаяпти, сезяпман, бу жой.

*Мефистофель*

Олдингдан қарасам дуруст жононсан,

Ортингдан қарасам, ваҳший ҳайвонсан,

*Сфинкс*

Ҳа, ҳа! Ваҳмага тушдингми, разил!

Ўзингни фош қилдинг, хўб бўлди, кўрқоқ?

Арслоннинг оёғи бақувват, эпчил

Сен-чи туёқлисан ва яна — чўлоқ!

*(Юқорида сиреналар овозини созлайди)*

*Мефистофель*

Қанақа қушлар бу дарё бўйида

Дарахтларга қўниб куйлаётирлар.

*Сфинкс*

Қулоқ сола кўрма, улар куйида

Жондан жудо бўлган не баҳодирлар.

*Сиреналар*<sup>102</sup>

Уларга бўлманг ошно,  
 Бевафо ул махлуқот.  
 Келинг бизга, сернаво  
 Ҳам гўзалмиз маҳлиқо,  
 Куйларимиз дилрабо.

*Сфинкслар*

*(Сиреналарни масхара қилиб ўша оҳангда)*  
 Барглар аро сиз ниҳон  
 Яшириниб ётарсиз.  
 Ўзни қилинг намоён,  
 Сиз калхатдан баттарсиз.  
 Қулоқ солса тирик жон —  
 Тилка қилиб отарсиз.  
 Бас, йўқолсин можаро,  
 Дўстлик бўлсин, шод садо  
 Қучсин еру осмонни.  
 Қуруқда ҳам, сувда ҳам  
 Бўлиб ҳамжиҳат, ҳамдам  
 Шод этайлик меҳмонни.

*Мефистофель*

Бу қушлар кўп экан хушовоз,  
 Куйлашмоқда оҳангдор ва соз.  
 Ором олар бу куйдан қулоқ,  
 Мусиқалар янги ва янги.  
 Не бўлса ҳам қўшиқ оҳанги —  
 Бориб етмас юракка бироқ.

*Сфинкслар*

Юрак дема, уят бўлади,  
 Юрак сенда нима қилади.  
 Бўш халта деб айтсанг яхшироқ.

*Фауст*

*(Яқинлашиб)*  
 Нақадар улуғвор! Нақадар кўркам!  
 Бу ернинг энг жирканч махлуқлари ҳам

Менга гўзал бўлиб кўринди ғоят,  
Бунда топсам керак толе ва нусрат.

*(Сфинксларга қараб)*

Буларнинг қошида турганди Эдип.

*(Сиреналарга қараб)*

Одиссей улардан кўшиқ эшитиб,  
Базўр исканжада қолганди омон.

*(Чумолиларга қараб)*

Булар йиққан эди оламда йўқ кон,

*(Грифларга қараб)*

Булар эса уни кўриқлаб ётган.  
Буюк бир манзара қаршимда пайдо,  
Дилимда улуғвор ҳислар уйғотган  
Ўтмиш шарпалари, мен сизга шайдо.

*Мефистофель*

Буларга қарарми эдинг сен аввал,  
Букун юрагингга ҳамдам кўринур.  
Кўнгил парисини излаган маҳал  
Йўлдаги девлар ҳам кўркам кўринур.

*Фауст*

*(Сфинксларга қараб)*

Аёлларга ўхшаб кетар нусхангиз,  
Айтинг Еленани кўрган бўлсангиз.

*Сфинкслар*

Геркулес бизларни қирган, наслимиз  
Еленага қадар етиб келмайди.  
Хирон айтар<sup>103</sup>, ундан сўранг асли сиз,  
Паризодни ўзга ҳеч ким билмайди.

Шу атрофда кезиб юрипти бу дам,  
Ёлғиз унинг ўзи беролур ёрдам.

*Сиреналар*

Биздан ҳам фойда етгай.  
Улисс<sup>104</sup> бизга бир замон —  
Кўп нарса айтиб кетган  
Бунда бўлганда меҳмон.  
Сендан яширмасмиз ҳеч,  
Барчасини билурсан.  
Шарти шу фақат, бу кеч —  
Бизга меҳмон бўлурсан.

*Сфинкс*

Ҳеч ишонма бу бир тўр!  
Қилмоқчилар сени банд.  
Улисс занжиридан зўр —  
Сенга нажот бизнинг панд:  
Хиронни топ. У фақат  
Сенга беролур мадад.

*(Фауст узоқлашади)*

*Мефистофель*

*(Нохушлик билан)*

Қағиллаб овоз берган  
Айтинг, бу не гала қуш?  
Отолмас ҳеч бир мерган.  
Кўриб учар бошдан ҳуш.

*Сфинкс*

Алкид<sup>105</sup> отган ўқдан тез  
Изғирин қанотида  
Учиб ўтмоқда бу кез  
Гала стимфалида<sup>106</sup>.  
Калхат каби тумшуқ, бош,  
Оёқлари ғозсимон.  
Улар бизга қариндош,  
Учиб келар биз томон.

*Мефистофель*

Бу қандай даҳшатли сас?

*Сфинкс*

Қўрқма, хатарли эмас,  
 Гарчи уларнинг бари  
 Бу Ларней аждарлари<sup>107</sup>.  
 Бошидан бўлиб жудо,  
 Тан билан қолган танҳо,  
 Одатин қилиб аён  
 Пишиллайдилар ҳамон.  
 Безовтасан не учун,  
 Нега у ён қарарсан?  
 Қайрилма, элдан бурун  
 Бўйнингни синдирарсан.  
 Яхшиси у ёнга бор,  
 Ламияларга<sup>108</sup> қара,  
 Улар жуда ҳам беор,  
 Уят билмаслар сира.  
 Улар эчки оёқди —  
 Сатирларга ёқурлар.  
 Бор, сен ахир туёқди,  
 Балки кулиб боқурлар.

*Мефистофель*

Қайтиб сизни топарман?

*Сфинкс*

Албат.

Хотиржам бўл. Бор изла ишрат.  
 Диёримиз Миср, бизнинг иш  
 Қимирламай минг йиллар туриш.  
 Кимнинг бизга бўлса ҳурмати,  
 Кимга марғуб бул сокин ҳолат,  
 Унга аён бўлғуси албат  
 Офтобу ой ҳаракати.  
 Биз элатнинг ҳаками, танҳо —  
 Эҳромларга тикканча нигоҳ  
 Жангу жадал, офату бало  
 Барчасига бўлурмиз гувоҳ.

## ҚУЙИ ПЕНЕЙДА

Пеней<sup>109</sup> ирмоқлар ва нимфалар  
қуршовида

Пеней

Куйла, қамиш, хушовоз,  
Шитирлашинг қандай соз!  
Баргларинг силкиб хушқол,  
Шохларинг эгиб тур, тол.  
Сизга боқиб тин олай,  
Тин олиб ухлаб қолай.  
Узоқлардан гулдурос  
Садо келур, қулоқ ос.  
Ажаб, бу қандай ғулу?  
Кўзимдан қочди уйқу.

Фауст

(Оқимга яқин келиб)  
Ажабо, бу не садо,  
Ўнгимми бу тушми ё?  
Овоз бераётир сув,  
Одамзод овози бу.  
Шаббода куйлаётир,  
Тўлқинлар сўйлаётир.

Нимфалар

(Фаустга)  
Бу ер кўланка.  
Чўзилиб бир дам,  
Толиққан танга  
Бир нафас бер дам.  
Сенга кўпдан бу  
Ором бегона,  
Бизда бор чолғу,  
Кўшиқ, тарона.

Фауст

Йўқ, кўрганим тушмас, ҳақиқат!  
Қаршимда у бир неча жонон.



Гўё хаёл! Кўрқаман фақат:  
Кўзларимдан бўлмасин ниҳон.  
Ажаб, менга таниш манзара,  
Қаердадир кўрганман аниқ.  
Бу жой қандай сўлим ва сара,  
Сокин ирмоқ, осуда, тиниқ.  
Кўм-кўк ўтлоқ, салқин дарахтзор —  
Япроқлари куйлар хушовоз.  
Ирмоқлардан бунда беғубор  
Ҳовуз бўлган, чўмилмоққа соз.  
Сувда сузар, қирғоқда турар  
Дилраболар — белибос танлар.  
Сув бетиде акс этиб турар  
Жилваланиб кумуш баданлар.  
Бир-бирига сочишади сув,  
Ҳазил қилиб ўйнарлар шодон.  
Ҳар томонда шўх кулгу, қий-чув,  
Ҳар томонда хушнуд тўполон.  
Боққан сари ортади ҳавас,  
Бу ерни ҳеч тарк этиб бўлмас.  
Лек етаклар мени нигоҳим  
Оромгоҳ ул бутазор сари.  
Ўша ерда чароғон моҳим,  
Гўзалликнинг танҳо сарвари,

Воҳ, бу қандай сир,  
Бамисоли туш —  
Сузиб келадир  
Бир гала оққуш.  
Сокин улуғвор  
Ҳусн ила масрур  
Бош тик, бўйин дор,  
Келишар мағрур.  
Уларнинг бири  
Гўзал, ботири  
Мардона тутиб

Кўксин тўлқинга,  
 Баридан ўтиб,  
 Чикди олдинга  
 Ва тикка келди  
 Қутлуғ маконга.  
 Қолганлар кетди  
 Турли томонга.  
 Қизларни қувлаб  
 Қолдилар чунон.  
 Улар чувиллаб  
 Қочдилар ҳар ён.  
 Кўринг оққушлар  
 Таҳликасини.  
 Унутди қизлар  
 Маликасини.

### *Нимфалар*

Қулоқ тутинг заминга,  
 Бу ниманинг гулдури?  
 Эшитилмоқда менга  
 Туёқларнинг дупури.  
 Не ул шунча тез чопар,  
 Келтирмоқда не хабар?

### *Фауст*

Ер-кўк ларзада, ҳайҳот!  
 Учиб келар қандай от?  
 Не кўрар кўзим,  
 Ишонмам ўзим.  
 Муродим ҳосил.  
 Бўлурман восил!  
 От суриб учқур шоввоз  
 Келаётир чавандоз.  
 Чавандознинг вужуди  
 От билан туташ худди.  
 Ярим одам, ярим от,  
 Танидим ул сиймони:  
 Хирон эрур унга от,

Филиранинг ўғлони.  
Тўхта, Хирон, ишим бор.

*Хирон*

Не дейсан?

*Фауст*

Эй, шаҳсувор,  
Тўхта энди бир нафас.

*Хирон*

Тўхташим мумкин эмас.

*Фауст*

Ундай бўлса мени ҳам  
Этгил ўзингга ҳамдам.

*Хирон*

Кел, устимга минақол,  
Энди беравер савол.  
Ёки сени, эй одам,  
Ўткизайми дарёдан?

*Фауст*

Элтабер, мен тайёрман,  
Доимо миннатдорман.  
Сен эй, буюк муаллим,  
Неча зўр қаҳрамонлар —  
Аргонавт паҳлавонлар<sup>110</sup>  
Сендан олганлар таълим.  
Не шоири жаҳонлар  
Ёзиб шеър дostonлар  
Уларга қилган таъзим.

*Хирон*

Сўйлама, қўй, уларни,  
Эслатма у кунларни.  
Ўша маҳал, Паллада<sup>111</sup>  
Ментор бўлган паллада —  
Айтгулик оқил ва соз  
Бўла олмаган устоз.  
Ҳар ким ўзи билибдир.  
Билганини қилибдир

Фауст

Сен ҳақимсан фарзона,  
Сен табибсан ягона.  
Бор гиёҳ сенга аён,  
Бор дардга топдинг дармон.  
Кетди шону шуҳратинг,  
Буюк ақлу қудратинг.

Хирон

Бир вақт барча дард учун  
Топган эдим дармонлар.  
Менинг ўрнимни букун  
Олди азайимхонлар.

Фауст

Чинакам буюк киши  
Камтар бўлур чинакам.  
Ўтганларнинг дониши  
Эмас дейсан мендан кам.

Хирон

Барча каби хушомад  
Сенга ҳам бўлмиш одат.  
Мақбулдир бундай одам  
Шоҳга ҳам, авомга ҳам.

Фауст

Сен ўз даврингда аммо  
Яшадинг улайҳ бўлиб  
Барчани синаб, билиб  
Бера олгансан баҳо.  
Кимни дейсан энг ўктам,  
Ким баҳодир чинакам?

Хирон

Аргонавтларнинг бари  
Мард эди. Хислатлари  
Барининг ўзига хос.  
Бирида не бўлса оз,  
Бирида сероб эди,  
Бари тенг ҳисоб эди.

Диоскурларга<sup>112</sup> хислат  
 Ёшлик камоли эди.  
 Боредалар<sup>113</sup> шиддат,  
 Нажот тимсоли эди.  
 Язон<sup>114</sup> эди донишманд,  
 Жононларни этган банд.  
 Орфей лира чалганда  
 Оташ ўйнарди танда.  
 Дарға Линцей<sup>115</sup> куну тун  
 Дарғагоҳда турарди.  
 Кўзида сирли учқун  
 Ёироқларни кўрарди.  
 Жанг бўлса барча бир тан,  
 Ташланарди шиддаткор.  
 Барча бир-бири билан  
 Қилар эди ифтихор.

Фауст

Не дейсан Геркулесга?

Хирон

Оҳ, уни солма эсга  
 Кўрмаганман Аресни,  
 Мен Фебни ҳам Гермесни.  
 Лекин кўрганман уни,  
 Ул шуҳрати мангуни.  
 Тимсоли сабот эди,  
 Тангрига тенг зот эди.  
 Ёшликдан мард, ўт нафас,  
 Ёигитлар гули эди.  
 Ака сўзидан чиқмас,  
 Жононлар қули эди<sup>116</sup>.  
 Гея<sup>117</sup> қайтиб келтирмас  
 Бундай зотни жаҳонга.  
 Геба<sup>118</sup> энди учирмас  
 У хил мардни осмонга.  
 Ҳайкаллар кўп дунёда,  
 Беҳисобдир шеър, достон.

Қила олмас ифода  
Ҳеч қайсиси ҳеч қачон.

Фауст

Таърифга шоир байти  
Ожиз эрур бегумон.  
Энг зўр йигитни айтдинг,  
Ким эди энг зўр жонон?

Хирон

Гўзаллик не, агар ул  
Бўлса бир совуқ шиша.  
Гўзалликнинг ҳамиша  
Кулиб тургани маъқул.  
Гўзал ул — яноғида  
Жилва қилиб турса ол.  
Мени минган чорида  
Шундай эди баркамол  
Елена соҳибжамол.

Фауст

Сени минганми?

Хирон

Ҳа-да,  
Ўлтирган шу елкада.

Фауст

Воҳ, не қадар улуғвор  
Толе бўлмиш менга ёр.  
Шу ерга минган санам,  
Миниб турибман мен ҳам.  
Дилга ўт солди бу гап,  
Бошдан учди хаёлим.

Хирон

У сендек минди сакраб.  
Маҳкам ушлади ёлим.

Фауст

Сен қилган бу нақддан  
Озсам керак ақддан.  
Шавқимнинг йўқ поёни,

Ул ҳури дилрабони  
Айт, элтиб эдинг қаён?

*Хирон*

Ҳозир қилурман баён:  
Ўғирланган эди ҳур,  
Акалари билдилар.  
Улар, икки Диоскур,  
Қизни озод қилдилар.  
Биз қочдик. Лек ўғрилар  
Қувиб келди изма-из.  
Чап бериш-чун, тўғридан  
Йўлни четга бурдик биз.  
Ва лекин бўлмай огоҳ —  
Дуч келиб қолдик ногоҳ  
Элевзин ботқоғига,  
Ул ака-укалар то —  
Судралиб ботқоқ аро,  
Ўтгунча у ёғига —  
Мен шартга сувга кириб,  
Еленани миндириб,  
Етказдим қирғоғига.  
Сакраб тушди-ю дилдор,  
Ёлларимни силади.  
Бўлди мендан миннатдор  
Яхшиликлар тилади.  
Ёш ул санам дудоғи  
Мен кексани этди банд.

*Фауст*

Ўн ёшда эди чоғи.

*Хирон*

Йўқ, бу бирор «донишманд»,  
Олим, адиб топган гап.  
Бу билан элни алдаб,  
Алдаган ўзини ҳам.  
Шоирлар — бошқа олам.

Улар афсонавий ҳур —  
 Париларни битган он —  
 Қандай этса тасаввур,  
 Шундай қилдилар баён.  
 Гўдак демай ул санам,  
 Ишқ дафтарин очурлар.  
 Уларни ўн ёшда ҳам  
 Ёр деб олиб қочурлар.  
 Кампирларнинг пойига  
 Тўшаб шеърдан пойандоз,  
 Мадҳ ўқиб чиройига,  
 Атайдилар сарвиноз.  
 Ёш улар-чун — афсона,  
 Вақт туйғуси бегона.

*Фауст*

Ҳа, бегона унга ҳам  
 Замон тушунчалари.  
 Ахир Ферада пари  
 Ахилга бўлган ҳамдам  
 Тақдир, тириклик, адам  
 Ва фурсатдан ташқари.  
 Шундай экан не учун  
 Менга ул илоҳий руҳ —  
 Мангу ёш фаришта руҳ  
 Насиб бўлмасин букун?  
 Сен уни кўрдинг қадим,  
 Мен-чи шу бугун тонгда  
 Ул чеҳрага қарадим,  
 Ўшал ўт дилу жонда.  
 Энди уни топмасам,  
 Яшолмам бир нафас ҳам.

*Хирон*

Эй мусофир! Сендаги туйғу  
 Аталади элда эҳтирос.  
 Аммо руҳлар дунёсида бу  
 Тентаклик деб ҳисобланур, рост.



Ўз вақтида келдинг ҳали ҳам,  
 Мен айланиб бу кенг майдонни  
 Ҳар йил бир бор кўрирман бу дам  
 Эскулапнинг қизи Мантони<sup>119</sup>.  
 Табибларнинг хуружин кўриб,  
 Қилмоқ бўлиб ул дафъи қазо,  
 Одамларнинг гуноҳин сўриб —  
 Отасига қилур илтижо.  
 Мен истайман, сен бу оқшом ул  
 Табибага бўлурсан меҳмон.  
 Доруларин қилурсан қабул,  
 Ва топурсан дардингга дармон.

*Фауст*

Керак эмас мени даволаш,  
 Керак эмас менга бу шифо.  
 Дармон топиб қалбдаги оташ —  
 Сўнмоғини истамам асло.

*Хирон*

Бош тортма бул қутлуғ ёрдамдан.  
 Мана келдик. Тушгил елкамдан.

*Фауст*

Қанча елдик тун қаросида,  
 Кездик тоғу тош аросида —  
 Қайга келдик бу дам, эт баён?

*Хирон*

Бу майдонда Румо ва Юнон  
 Айлаб буюк ўлка талошин<sup>120</sup> —  
 Бир-бирига келган рўбару.  
 Сўлда Олимп кўтарган бошин,  
 Ўнгда Пеней оқар серғулу.  
 Шоҳ бу ердан қочганди мағлуб,  
 Халқ бу ерда қайтган музаффар.  
 Гувоҳ эҳром турибди мағрур,  
 Ой нурида балқиб мунаввар.

*Манто*

*(Эҳром ичида, уйқу аралаш)*

Ваҳ, туёқлар садоси яна,  
Титраётир қутлуғ остона.  
Мен томонга зиёрат учун  
Келаётир улайқлар букун.

*Хирон*

Бу — ҳақиқат, чиндур сўзларинг,  
Каттароқ оч фақат кўзларинг.

*Манто*

*(Уйғониб)*

Хуш келибсан. Демак, сен омон.

*Хирон*

Турибдими эҳроминг ҳамон?

*Манто*

Ҳа, сен ҳануз чопурсан бетин?

*Хирон*

Сенга марғуб тинч ором, лекин  
Доим елмоқ — мен учун қисмат.

*Манто*

Мен сокинман — елади фурсат.  
Бу ким?

*Хирон*

Бу зот сеҳрли тунда  
Шайдо бўлди ва келди бунда.  
Еленада унинг юраги,  
Ул парига етмоқ тилаги.  
Йўл тополмай шўрлик овора,  
Малҳамингга муҳтож бечора.

*Манто*

Ким интилури ғайри имконга,  
Ҳамиша бор меҳрим у жонга.

*(Хирон жўнаб кетади.)*

Кел, эй ботир! Сен девонани  
 Суйиб қолдим. Олимпнинг чуқур  
 Форларига тушажаксан, юр  
 Кўражаксан Персефонани<sup>121</sup>.  
 Ўша зулмат фор ичра мамну —  
 Хабарларни кутиб ётар у.  
 Хилоф этиб бир бор қонунга —  
 Олиб кирдим Орфейни унга<sup>122</sup>.  
 Сен Орфейга ўхшама бироқ<sup>123</sup>,  
 Ишни битир тезроқ, эпчилроқ.

## ПЕНЕЙ ЮҚОРИСИДА АВВАЛГИДЕК

### *Сиреналар*

Пенейда чўмилурмиз,  
 Тўлқинлатурмиз сувни.  
 Қўшиқ билан олурмиз  
 Одамлардан қайғуни.  
 Сувсиз борми фароғат?!  
 Йўлдош бўлиб Пенейга,  
 Биз борурмиз Эгейга<sup>124</sup>,  
 Унда кулгай саодат.

*(Зилзила)*

Ваҳ, дарё кўпик сочур,  
 Орқага қараб қочур.  
 Қирғоғидан ошади,  
 Далаларга тошади.  
 Гумбурлаб садо келур,  
 Не даҳшат, ер ёрилур.  
 Қаъридан чиққан тутун  
 Атрофни чулғар бутун.  
 Қочинг, сақлаб қолинг жон,  
 Бу фалокат беомон.

Меҳмонлар, сиз ҳам юринг,  
 Ортимиздан югуринг.  
 Борайлик денгиз томон,  
 Унда ложувард осмон,  
 Тўлқинлар ўйнар юввош,  
 Қирғоқларга қўяр бош.  
 Унда икки ой бўлур,  
 Бири кўк узра кулур,  
 Бири сувдан қарайди,  
 Боқиб кўнгил яйрайди.  
 Унда шавқ ила лаззат,  
 Бунда зилзила, даҳшат.  
 Бу ерда турмоқ бекор,  
 Қочиб қолур ақли бор.

*Сейсмос*<sup>125</sup>

*(Чуқурликда туртиниб, жаҳл билан)*  
 Яна бир бор кўзғолай,  
 Ёзай бир бор чигилим.  
 Ер узра чиқиб олай —  
 Борлиқ бўлади таслим.

*Сфинкслар*

Уф! Тиним йўқ бир нафас,  
 Ер чайқалур, тўхтамас.  
 Гоҳ у ён, гоҳ бу ёнга  
 Отмоғи тегди жонга.  
 Ва лекин не бўлса ҳам  
 Чидармиз, ўзга иш йўқ.  
 Қўзғалса-да жаҳаннам,  
 Ўриндан қўзғалиш йўқ.  
 Бир қубба ердан, не ҳол,  
 Кўтарилар юқори.  
 Бу — Делос номли орол  
 Меъмори, ижодкори<sup>126</sup>.  
 Сув остидан бу орол  
 Ўсиб чиққан бир онда,  
 Она бўлгувчи аёл

Жон сақлаб шу маконда,  
 То бўшалсин бемалол  
 Офатлардан омонда.  
 Ана у, буюк қудрат,  
 Паҳлавону баҳодир —  
 Атлантдек, ерни қат-қат  
 Кўчирмоққа ул қодир.  
 Дарёнинг қумларини,  
 Балчиқ, кўкат — барини,  
 Елкасида кўтариб,  
 Қирғоқларни тўнтариб,  
 Ер бағрин этиб тилка,  
 Бош кўтарди у тикка.  
 Нақадар улкандир ул,  
 Қудратга тўлгандур ул.  
 Ер узра бўлди пайдо  
 Боши билан елкаси.  
 Ортиқ чиқолмас асло —  
 Бу Сфинкс ўлкаси!  
 Биз берурмиз қўлга қўл,  
 Офатга йўқ асло йўл.

### *Сейсмос*

Эй, сфинкс, менга ҳам тан бер,  
 Ерга хизмат қилурман мен ҳам.  
 Шунча гўзал бўлармиди ер  
 Агарда мен туртиб турмасам.  
 Тоғлар турар заб, виқор билан;  
 Бўлармиди тоғлар оламда —  
 Мен уларни замин остидан  
 Кўтармаган бўлсам елкамда?  
 Бир замонлар, ҳали ёш эдим,  
 Кўксим аро бетинч ғалаён.  
 Ўша шўхлик ва бебошлигим  
 Гувоҳидир Зулмат ва Сурон.  
 Тинч қўймасди ғайратим мани —  
 Нечк қоя тош қулатганман.

Мен Пелион билан Оссани<sup>127</sup>  
 Копток қилиб кўкка отганман.  
 Ёш титанлар — йигитлик, шўхлик  
 Завқи билан қилдигу эрмак —  
 Биз Парнасинг бошига қўйдик  
 Икки чўққи — гўё қўш телпак<sup>128</sup>.  
 У шеърият маскани бўлиб  
 Яшнаб ётар энди ҳамма вақт.  
 Мен Зевс учун муборак қилиб  
 Олимп узра ўрнатганман тахт.  
 Ер остидан чиқдим бу кун  
 Яйранг, ўйнанг дея вақти чоғ —  
 Янги авлод, янги эл учун  
 Тиклаб қўйдим бунда янги тоғ.

### *Сфинкслар*

Пайдо бўлган бу тепани ҳам  
 Қадимги дер эдик ўзимиз, —  
 Ер остидан чиққанин бу дам  
 Кўрмаганда эди кўзимиз.  
 Бу тепалик юксалган замон  
 Пайдо бўлди ям-яшил ўрмон.  
 Лек бўлса ҳам қиёмат-қойим,  
 Сфинкслар ўзгартмас жойин.

### *Грифлар*

Қатламларга, қаранг, не бор?  
 Олтинлар бор, назар солинг!  
 Чумолилар, бўлинг ҳушёр,  
 Тезроқ уни қазиб олинг.

### *Чумолилар қўшиғи*

Кўпчиб чиқди ер,  
 Тоғ бўлди бу кез.  
 Биз эпчил, чайир,  
 Тирмашурмиз тез.  
 Эй баҳодирлар,  
 Киришинг чаққон.

Ҳар қадамда зар,  
Ҳар ўнгирда кон.  
Тор тешиқлардан  
Кириб борурмиз,  
Беҳисоб зардан  
Териб олурмиз.  
Тоғнинг биз учун  
Бағри очилар.  
Ишланг туну кун  
Толмас кончилар.  
Чўкич ва курак  
Бизга тиш, оёқ.  
Бизга зар керак,  
Керак эмас тор.

### *Грифлар*

Элтинг буён сиз зарни,  
Ўлжа бўлса қанчаси.  
Соз қўриқлар уларни  
Грифларнинг панжаси.

### *Пигмейлар*<sup>131</sup>

Биз ҳам бунда пайдо бўлдик,  
Ҳеч тасаввур қилмаймиз.  
Қайдан келдик, қандай келдик,  
Ўзимиз ҳам билмаймиз.  
Бу заминнинг ҳар парчаси  
Тирикликка бўлур жой.  
Очилганда ер дарчаси —  
Пайдо бўлгай миттивой.  
Сўнг миттивой ва миттихон  
Яшай бошлар роҳатда.  
Бундай турмуш, даври даврон  
Бўлур фақат жаннатда.  
Миттилар бу шодон, хуррам  
Турмушига шукр дер.  
Фарб учун ҳам, шарқ учун ҳам  
Бирдек мунис она ер.

*Дактиллар*<sup>130</sup>

Бундай митти пигмейларни  
 Туғиб берган бу олам,  
 Туғмай қўймас биздайларни,  
 Миттилар миттисин ҳам.

*Катта пигмейлар*

Зўр жангга букун  
 Ҳозирланинг, ҳой!  
 Ҳимоя учун  
 Тайёр қилинг жой.  
 Бизга фанимат  
 Осуда бу он.  
 Кўрсатинг ғайрат,  
 Фидо қилинг жон.  
 Аслаҳа қилиш  
 Керакдур чаққон.  
 Ясанглар қилич,  
 Совут ва қалқон.

Чумоли аҳли,  
 Тоғларни кемир.  
 Бизларга ҳали  
 Кўп керак темир.  
 Дактиллар бетин —  
 Ҳар ён югуринг,  
 Бизларга ўтин  
 Ташиб келтиринг.  
 Ёқинг-да ўтин,  
 Қилинг-да кўмир,  
 Аслаҳа учун  
 Эритинг темир.

*Генералисимус*

Олингиз қўлга  
 Ўқ билан камон,  
 Чиқингиз йўлга  
 Дарҳол кўл томон.



Ва ўша кўлга  
 Тўғриланг нишон  
 У ерда ётур  
 Сонсиз қарқара,  
 Қилишаётир  
 Бизни масхара.  
 Барин йиқингиз,  
 Ёғдириб ўқлар.  
 Тақиб чиқингиз  
 Бошларга уқпар.

*Чумолилар ва дактиллар*

Энди нетармиз?  
 Йўқ бизга нажот.  
 Ўлиб кетармиз  
 Барчамиз, ҳайҳот —  
 Биз кезиб тоғлар  
 Қазиган темир —  
 Бўлару занжир,  
 Қўлимиз боғлар.  
 Ёриб чиққали  
 Вақт эрта ҳали,  
 Чндаймиз фақат,  
 Чекамиз заҳмат.

*Ивик турналари<sup>131</sup>*

Қотилларнинг овози  
 Келур қулоғимизга.  
 Хуркик қушлар парвози  
 Кўриниб турар бизга.  
 Қарқаралар қирилди,  
 Қирғоқ қизил қон бўлди.  
 Қушларнинг мурдалари  
 Босқинчи талошида,  
 Уларнинг тожу пари  
 Бешафқат, очкўз, хунхор,  
 Маймоқ оёқ, қориндор  
 Пигмейларнинг бошида.

Турналар, огоҳ бўлинг,  
 Бир-бирга ҳамроҳ бўлинг.  
 Денгизлар узра учиб —  
 Лашкар йиғингиз ўч деб.  
 Ҳозир бўлинг ҳар замон,  
 Фидо этмоқ учун жон.  
 Босқинчиларга мудом  
 Биз душманмиз. Интиқом!  
*(Чугурлашиб тарқалишади)*

### *Мефистофель*

Менга маъқул шимол алвастилари,  
 Улар чиқмас эди сира сўзимдан.  
 Бегонадур бунда руҳларнинг бари,  
 Норозиман, ҳатто ўзим ўзимдан.  
 Блоксберг эди қадрдон макон  
 Ўз дўстларим эди қарасам қаён.  
 Ильзенштейнни қўриқлар Ильза,  
 Генрих юксакликда кўз тутар бизга.  
 У ерда минг йилдан буён хурхурлар  
 Эленд қишлоғини янгратаиб турар.  
 Осойишта кечмас бунда бир даминг,  
 Оёғинг остида тебранар замин.  
 Рўпарамда эди теп-текис ўтлоғ,  
 Бир нафасда кўпчиб пайдо бўлди тоғ.  
 Гарчи бу тоғ эмас, тепадир, аммо  
 Тўсиқ бўлур мену сфинкслар аро.  
 Гулханлар оралаб бир нафас юрай,  
 Улфат учраб қолса мен ҳам ўлтирай.  
 Атрофимда ўйнаб, қилиб тўпалон,  
 Шаддод қизлар мендан кулмоқда ҳамон.  
 Қани бориб кўрай улар ёнига —  
 Бу лаззат хуш ёқмас кимнинг жонига.

### *Ламиялар*

*(Мефистофелни эргаштириб)*

Ҳей, тезроқ, тезроқ.

Сиз қанот қоқинг.

Гоҳ боринг узоқ,  
 Гоҳ келинг яқин.  
 У оптимиздан  
 Эргашиб келсин,  
 Кўз олмай биздан —  
 Сургалиб келсин.  
 У эски суюқ,  
 Лойиқи сазо.  
 Хаёли бузуқ,  
 Унга шу жазо.  
 Сўкиниб, қаргаб  
 Келар сўкмоқни.  
 Келади сургаб  
 Қари туёқни.

*Мефистофель*

*(Тўхтаб)*

Эркакларнинг барчаси нодон  
 Одам Ато давридан буён.  
 Ёшликда-ку ақли бўлар кам,  
 Эси кирмас қариганда ҳам.  
 Ахир аён — эски ҳақиқат:  
 Аёлдаги кийиму зийнат,  
 Ингичка бел, кўпчиган кўкрак.  
 Бари сохта, нимага керак? —  
 Буни жуда яхши биламиз,  
 Билиб туриб шундай қиламиз.  
 Улар бизга жилва қилсаёқ  
 Рақсга томон етаклар оёқ.

*Ламиялар*

*(Тўхтаб)*

Тўхтаб қолди, ўйлар жонсарак,  
 Кетиб қолур яқин бормасак.

*Мефистофель*

*(Яна олга юриб)*

Олға фақат! Тўхтама асло!  
 Нега керак шубҳаю гумон?

Аёлларсиз нимадир дунё?  
Ажинасиз нимадир шайтон?

*Ламиялар*

*(Илиқ)*

Яқин боринг ёнига,  
Оташ қаланг жонига.  
Бирортамизга қараб —  
Суйиб қолса не ажаб.

*Мефистофель*

Ним қоронғу бу жойда  
Сизлар ажиб чиройда.  
Беркитиб шубҳамизни,  
Хунук демасмиз сизни.

*Эмпуза*<sup>132</sup>

*(Кириб)*

Мен ҳам сизларга ҳамдам  
Қабул қилинг мени ҳам.

*Ламиялар*

Сени қўшмаймиз асло,  
Сен хунуксан, бедаво.

*Эмпуза*

*(Мефистофелга)*

Эмпуза — аммангман, боқ.  
Менда эшак оёғи —  
Сенда отнинг туёғи.  
Менга жиянсан бироқ.

*Мефистофель*

Кезмай қайси ўлкада,  
Қай маконга суқмай бош,  
Гарц, Брокен, Элада...  
Барчасида қариндош.

*Эмпуза*

Менга тенг бўлмас ҳеч ким  
Ўзгариш соҳасида,  
Сенга бўла кўриндим —  
Эшак қиёфасида.

*Мефистофель*

Бу ерда уруғ-аймоқ  
Қадрда экан, бироқ  
Розимасман эшакка  
Уруғ-аймоқ бұлмакка.

*Ламиялар*

Қўй, сўзлашмай ёвукдан,  
Қоч бу турқи совукдан.  
Латофату кўрк бари  
Қочади ундан нари.

*Мефистофель*

Сизнинг ҳам қилифингиз  
Шубҳалар уйғотмоқда.  
Юздаги қизилингиз  
Ким билсин, балки сохта?!

*Ламиялар*

Бизлар кўпмиз, кела қол,  
Хоҳлаганинг танлаб ол —  
Дадил бұл! Не муддао?  
Барно эмассан ўзинг,  
Лекин кўп мағрур сўзинг.  
Ўзингга қўйма бино,  
На кўйлак, на рўмолда,  
Онадан туғма ҳолда  
Қаршингда бўлдик пайдо.  
Кел бизларга яқинроқ,  
Табиий ҳолатга боқ,  
Танла, ўзинг бер баҳо.

*Мефистофель*

Қани жонон, қучоқ оч...  
(Қучоқлайди)  
Не даҳшат! Қуруқ ёғоч!  
(Бошқасини қучоқлайди)  
Қандай экан мана бу?

*Ламиялар*

Ортифин қилма орзу.

*Мефистофель*

Сени ушлай, оқ билак!  
 Воҳ, худди калтакесак!  
 Қочди силлиқ илондай,  
 Қани, каттаси қалай?  
 Бери кел, момақаймоқ.  
 (Ушлаб)

Мисоли темир таёқ.  
 Энди қилай имтиҳон —  
 Қалай ул семиз жонон?  
 Бўлса бундай санамлар,  
 Обод бўлур ҳарамлар.  
 Тутай деб ул сўлимни,  
 Узатгандим қўлимни,  
 Ёрилди — хубоб экан,  
 Кўрганим сароб экан.

*Ламиялар*

Қани учинг фалакка,  
 Айланиб шабпаракка.  
 Ёпирилингиз барча,  
 Қутулолмайсан осон,  
 Бизлардан қолсанг омон  
 Шукр эт, алвастибачча.

*Мефистофель*

(Ўзини ҳимоя қилиб)  
 Ҳайҳот, мен кезиб жаҳон  
 Ақлим кирмабди ҳамон.  
 Бир хил экан бу олам  
 Шимол ҳам, Жануби ҳам.  
 Бу ернинг ҳам ғалат ишлари  
 Бу ернинг ҳам бор кори алдоқ.  
 Ёлғончидир шоирлар бари,  
 Одамлари ҳаммаси — аҳмоқ.  
 Бу ерда ҳам барчада ниқоб,  
 Уйғотурлар ўнлаб ҳисларни

Ўйлаб гўзал ва олижаноб  
 Қучмоқ бўлдим жонон қизларни.  
 Лек ҳар бирин ушлаган сарим —  
 Тикка бўлиб кетди сочларим.  
 Қаршимасман рўёга бироқ,  
 Фақат давом этсин узоқроқ.

*(Тошлар орасида адашиб)*

Ана холос! Бу не, ажабо?  
 Довон бўлди қаршимда пайдо.  
 Мен юрган ул сўқмоқ йўқолди,  
 Уюм-уюм тош бўлди-қолди.  
 Нима қилдим? Келибман бекор,  
 Энди ортга қайтишим душвор.  
 Адашдим, йўқ бўлди изларим,  
 Тополмасман сфинксларим.  
 Ажаб, тушми, ўнгми ҳаммаси?  
 Бир кечада бир тоғ тизмаси!  
 Ялмоғизлар ушбу ўлкада  
 Билиб йиғин қилар чоғини,  
 Олиб келмиш, қаранг, елкада  
 Блоксберг тизма тоғини.

*Ореада*<sup>133</sup>

*(Табиий тоғ чўққисида)*

Бу ёққа кел, бу ёққа,  
 Чиқ қадимий бу тоққа.  
 У Пинданинг давоми —  
 Мағлуб Помпей бир замон  
 Қочиб ўтгандан буён,  
 Бу янги тоғлар — хаёл,  
 Узоқ этмайди давом.  
 Хўроз қичқирса, тамом —  
 Бари топади завол.

*Мефистофель*

Қадимий тоғ, сенга шон!  
 Қучоғинг қуюқ ўрмон.

Қуюқ ўрмон тим қаро,  
 Тушмас сенга ойдан нур.  
 Аммо ул ўрмон аро  
 Шуъла кўрдим, нимадур?  
 Ҳа, танидим, Ҳомункул!  
 Мени чорламоқда ул,  
 Қаёқдан бўлдинг пайдо?

*Ҳомункул*

Ҳамон учмоқдаман бу кенглик аро,  
 Туфилмоқ истайман қайта дунёга.  
 Тилагим чиқмоқдур очиқ ҳавога.  
 Шишамни синдирай дейману бироқ,  
 Атрофимга боқиб дейман «эртароқ».  
 Кўрдим суҳбат қурур икки донишманд.  
 Эшитдим, табиат баҳси ила банд.  
 Мен улар суҳбатин тингламоқчиман,  
 Табиат маъносин англамоқчиман.  
 Балки олам сири уларга аён,  
 Тинглаб билиб олсам бўлмасди ёмон.  
 Оламга чинакам яралмоқ учун  
 Не қилмоғим керак, англардим букун.

*Мефистофель*

Йўқ, бу ишда фақат ўзингга ишон,  
 Файласуф бор, қайда бор бўлса сароб.  
 У саробга топмоқ бўлар шарҳ, жавоб,  
 Уни янчиб, буни қилару хароб,  
 Янги бир саробни айлар намоён.  
 Янглиш қилмаганнинг ақли кирмайди.  
 Дунёга қайтадан келмоқчи бўлсанг,  
 Ўзинг интил, кураш, этгил ўзинг жанг,  
 Билки, ҳеч ким сенга ёрдам бермайди.

*Ҳомункул*

Лек баъзан бебаҳо яхши маслаҳат!

*Мефистофель*

Яхши бор. Кейинроқ қилурмиз суҳбат.  
 (Тарқалишади)



Анаксагор<sup>134</sup>

(Фалесга)

Қайсар бўлма, хатони тарк қил,  
Келтирайми ё яна далил?

Фалес

Тўлқин елга қулоқ тутади,  
Тошга тегса — қайтиб кетади.

Анаксагор

Ўт, вулқондан бўлди тоғ бунёд.

Фалес

Сувдан келиб чиқади ҳаёт.

Ҳомункул

(Улар ўртасида)

Маъзур тутинг сўзга қўшилсам,  
Келиб чиқмоқ истайман мен ҳам.

Анаксагор

Бир кечада мумкинми, ўртоқ,  
Лой ўрнида ҳосил қилмоқ тоғ?

Фалес

Ўзгаришда доим табиат,  
Дема тун, кун ўзгарур фақат.  
Буюк ишда тадрижийлик бор.  
Дафъатанлик, онийлик — бекор.

Анаксагор

Лек дафъатан пайдо бўлди тоғ  
Плутон тубда олов ёққан чоғ.  
Эол ўтга ургач нафасни,  
Ер портлади — оний эмасми?

Фалес

Бунда тоғ бор, яхши биламиз,  
Баҳсни чўзиб нима қиламиз?  
Бефойдадур чексиз талашмоқ,  
Қилмайлик эл тоқатини тоқ.

Анаксагор

Бунда яшар сонсиз мирмидон<sup>135</sup>,  
Чумолию пигмей ва дактил.

Майда, аммо меҳнаткаш, оқил,  
Тошлар остин этишган макон.

Фалес

(Ҳомункулга)

Киришмадинг сен буюк ишга,  
Макон бўлди сенга тор шиша.  
Истар бўлсанг сени шу замон  
Бу ўлкага қилурман хоқон.

Ҳомункул

Фалес не дер?

Фалес

Кўнма мутлақо.

Билки, майда нарсалар аро  
Майдалашиб кетади одам.  
Улуғларга ким бўлса ҳамдам  
Катта ишлар қилур доимо,  
Улуғ бўлар шунда ўзи ҳам.  
Қара, кўкда гала булутлар —  
Йўқ, бу гала турналар ўтар.  
Тумшуқлари найзадор, даҳшат,  
Пигмейларга солурлар ғорат.  
Сен уларга бўлсанг гар хоқон,  
Билки, қолмас хоқон ҳам омон.  
Ана ёзиб панжаларини  
Гала турна пастлар жанг учун.  
Кириб майда элнинг барини  
Йўқ қилмоқчи бўлдилар бутун.  
Ботқоқ аҳли қарқараларни  
Қилган эди пигмейлар тамом.  
Энди қасос кутар уларни,  
Қариндошлар олар интиқом.  
Энди улар тополмас омон,  
Ёрдам бермас на совут, қалқон  
Қотил пигмей аҳли ўзини,  
Писиб бурчак-бурчакка олди.  
Пароканда бўлди қўшини,  
Ҳар томонга тирқираб қолди.

## Анаксагор

*(Бир оз сукутдан сўнг тантанали оҳангда)*  
 Мен ер ости тангриларига  
 Топинардим шу кунга қадар,  
 Энди боқмам улар барига.  
 Кўкда макон тутган худолар —  
 Эй Диана, Ой ила Гекат<sup>136</sup>,  
 Сифинурман сизларга фақат.  
 Эй мангу кўркам  
 Уч номлик эгам,  
 Эй соҳиб карам,  
 Этгил майда элимга шафқат.  
 Эй меҳри пойдор,  
 Бўлса не асрор,  
 Этгувчи ошкор,  
 Қудратингни кўрсатиб букун,  
 Этгил элим ёвларин забун.

*(Сукун)*

Во, дарифо, наҳот шунча тез етди  
 Тангрига нолам,  
 Азал одатларин наҳот тарк этди,  
 Шу боис олам?!  
 Ана кўкдан учиб келар  
 Маъбуданинг ўтли тахти — ой.  
 Катталашар, тушиб келар,  
 Ўз бошимга бало бўлур нолам, ҳойнаҳой.  
 Нақадар даҳшат!  
 Яқинлашиб келмоқда у —  
 Сочиб қизил — қонли ёрду...  
 О, шафқат, шафқат!  
 Тўхта, аламон!  
 Тўхта, йўқ бўлмасин қуруқлик, уммон.  
 Ул афсона демак ҳақиқат:  
 Фессалия жодугарлари

Сеҳр кучи ила дам уриб —  
 Тун кўкининг ёруғ сарвари  
 Ойни ўз аршидан тушуриб  
 Йўналтирган демак ер сари.  
 Яқинлашур, ана, қораюр,  
 Кўзларимга осмон тораюр,  
 Чақмоқ чақар момақалди роқ —  
 Садосидан гумбурлар ҳар ёқ.  
 Эй маъбуда, тингладим сасинг,  
 Сен тушмишсан юксак аршингдан.  
 Жон олгучи — ўтли нафасинг,  
 Тиз чўкурман сенинг қаршингда.  
 Кечир, сени ўзим чорладим,  
 Келгил дея ўзим зорладим.

*(Йиқилади)*

*Фалес*

Нелар кўрди, ажаб, бу одам?  
 Мен ҳеч нарса сезмадим лекин.  
 Даҳшатларга тўлуғ тун, бу дам  
 Ҳар нарса юз бермоғи мумкин.  
 Аммо ой тинч сузиб юрибди,  
 Сокин шуъла сочиб турибди.

*Ҳомункул*

Пигмейларнинг маконига боқ,  
 Ҳалигина дўнг бўлган у тоғ —  
 Чўққи бўлмиш қирралик ажаб,  
 Янграб кетди кучли гулдурос,  
 Ойдан улкан парча тош ажраб —  
 Ўша тоққа қулади паққос.  
 Пигмейларни янчиб юборди,  
 Ким бегуноҳ ва ким гуноҳкор,  
 Айбли, айбсиз демай, баякбор,  
 Барчасини тупроққа қорди.  
 Лек уриниб баланддан, пастдан  
 Бамисоли атайин, қасддан —

Бир кечада тоғ қилган ҳосил  
Яратувчи кучга мен қойил.

*Фалес*

Ўйлама бу тоғдур, қоядур,  
Бари алдов, шарпа, соядур.  
Бўлаберсин у махлуқ барбод,  
Шоҳ эмассан уларга, суюн.  
Юр, денгизлар базмида букун  
Кўнгилларни қилурмиз обод,  
Унда бизни кутишмоқда шод.

*Кетишади.*

*Мефистофель*

(*нариги томондан кўтарилиб*)  
Жонга тегди ҳадеб тирмашмоқ,  
Чалабериб илдиз-ла заранг,  
Ҳар қадамда қилди-ку гаранг.  
Ёқар эди менга Гарц кўпроқ.  
Бўй таратар унда қарағай  
Олтингугурт ҳиди сингари.  
Хуш ҳаво йўқ бу ерда ундай,  
Менга тамом бегона бари.  
Қарағайни қўмсар димогим  
Хаёлимда гуноҳкор жонлар.  
У дунёда дўзах ўчоғин  
Нима билан ёқар юнонлар?

*Дриада*<sup>137</sup>

Маконингда балки сен доно,  
Фикринг ожиз бу ерда аммо.  
Ўз юртингни майлига соғин,  
Лекин бунда қайинга сиғин.

*Мефистофель*

Биз нимани йўқотар бўлсак,  
Уни ортиқ қўмсаймиз фақат.  
Қай масканни йироқдан кўрсак,  
Кўзимизга кўринар жаннат.

Қара, сочар ой фор ичра нур.  
Фордаги ул уч соя надур?

*Дриада*

Яқин бор, ул — форкиадалар<sup>138</sup>,  
Суҳбат қургил ботир эсанг гар.

*Мефистофель*

Майли, шаймиз қурмоққа суҳбат,  
Во, дариғо, бу нечук хилқат?  
Кўп балолар кўрганман, аммо  
Кўрмаганман бундайин асло.  
Даҳшатлироқ экан қарасам  
Алравнинг илдизидан ҳам<sup>139</sup>.  
Оламдаги энг офир гуноҳ  
Хунук эмас бу қадар, эвоҳ!  
Бориб қолса улар, ҳойнаҳой,  
Дўзахда ҳам беришмасди жой.  
Тарихларда гўзаллик юрти  
Аталгувчи қадимий юнон,  
Не ажабким, бу янглиғ турқи —  
Хунукка ҳам бўлибди макон.  
Жодугарлар, ана, ногаҳон  
Ҳаракатга келиб қолдилар.  
Ёнларида бегона меҳмон  
Борлигини билиб қолдилар.

*Форкиада*

Учаламиз учун ягона  
Кўзни менга бериб туринглар.  
Бул эҳромга, огоҳ бўлинглар,  
Келиб қолди чоғи, бегона.

*Мефистофель*

Келиб қутлуғ даргоҳингизга  
Уч бор қуллуқ қилурмиз сизга.  
Бегонаман сизга мутлақо,  
Наслимизни сўраса аммо —  
Мен сизларга узоқ қариндош.  
Сарсон кезиб бу олам аро,

Неча-неча маъбуду худо  
 Даргоҳида эгган эдим бош.  
 Опсни ҳам Реяни кўрдим,  
 Хаос менга эмас бегона<sup>140</sup>.  
 Кунни кеча сизга дугона —  
 Паркаларнинг қошида турдим.  
 Барчасини кўрганман, бироқ  
 Ўхшашингиз учратмаганман.  
 Сиз шунчалар баркамол ва шаън,  
 Лолман, таъриф-тавсифдан йироқ.

*Форкиадалар*

Бу руҳда кўп ақл ва ҳикмат.

*Мефистофель*

Бир нарсага ҳайронман фақат:  
 Нега буюк шоирлар ҳамон  
 Бағишламас сизларга дoston?  
 Не сабабдин ҳайкалтарошлар  
 Қоматингиз этмаган тасвир?  
 Бул ажиб қад, оёқлар, бошлар  
 Ижод учун илҳом-ку ахир!  
 Сон-саноқсиз бу юртда ҳайкал,  
 Аммо ўшал Венералардан,  
 Палладалар ва Гералардан  
 Сиз ўзингиз минг бора афзал.

*Форкиадалар*

Макон этиб биз бу хилватни,  
 Кўрмаганмиз бундай ҳурматни,

*Мефистофель*

Кўрмагансиз, албатта аён,  
 Чунки сизлар осойишта, жим  
 Бу даргоҳни этгансиз макон.  
 Назар солмас бу ёққа ҳеч ким.  
 Маскан бўлсин сизларга чирой  
 Ва латофат ҳоким бўлган жой.  
 Ошно бўлсин улуғвор санъат,  
 Ижод юрти бўлсин ошино.

Унда ҳусну баркамол қомат  
Мармарларда кўргизур жило.

*Форкиадалар*

Бас, бизларга қилма насиҳат,  
Сўзларингдан бизга не фойда?  
Биз дунёга келдик зулумат  
Ҳоким бўлган мана шу жойда.  
Қисматимиз — шу ерда қолмоқ,  
Бизга ётдир мунаввар олам.  
Нигоҳлардан пинҳонмиз мутлақ,  
Маълуммасмиз ўзимизга ҳам.

*Мефистофель*

Ундай бўлса бор бўлак имкон  
Афсонани қилурмиз таҳрир:  
Гарчи бунда сизлар учовлон,  
Аммо сизда тиш билан кўз бир.  
Энди сизни этганда тасвир,  
Икковлон деб қилурмиз эълон,  
Эртақда бу мумкин-ку ахир!  
Мен оламда бўлай намоён —  
Ул учинчи, вақтинча пинҳон  
Синглингизнинг қиёфасида.  
Бу тадбирим — сизларга жаҳон  
Ўқимоғи учун қасида.

*Форкиадаларнинг бири*

Нима дейсиз, опалар?

*Бошқалар*

Майли,

Аммо тишу кўзни бермайлик.

*Мефистофель*

Ахир сизнинг бу чиройингиз  
Тиш ва кўзда бўлган мужассам.  
Элга уни кўз-кўз этмасам,  
Кўрсатурман қайси жойингиз?

*Форкиадаларнинг бири*

Топилади илож бунга ҳам:

Сен ўзгартир кўринишингни,



Сал чиқариб сўйлоқ тишингни,  
Бир кўзингни юмиб ол маҳкам.  
Фарқинг қолмас бизлардан асло,  
Акамиздай бўлурсан гўё.

*Мефистофель*

Қандай шараф! Сизнингча бўлсин.

*Форкиадалар*

Шундай бўлсин!

*Мефистофель*

(*Форкиадаларга ўхшаш қиёфада*)

Коинот билсин,

Мен Хаоснинг бир янги ўғли.

*Форкиадалар*

Сингилларинг биз, дилни шод эт,

*Мефистофель*

Қандай номус! Кўрганлар тўғри

Мени атар — Гермофродит<sup>141</sup>.

*Форкиадалар*

Гўзал бўлиб кетдик ўзимиз,

Бор икки тиш, икки кўзимиз.

*Мефистофель*

Элга бундоқ кўринмам асло.

Шу турқимда агар мабодо —

Жаҳаннамда бўлсам намоён

Кўрқиб қочар шайтонлар ҳар ён.

## ЭГЕЙ ДЕНГИЗИНИНГ ҚОЯЛИ КЎРФАЗИ

*Ой ҳамма вақт тиккада туради.*

*Сиреналар*

(*Қоялар атрофида ўлтириб, най чалиб  
қўшиқ айтишади*)

Сени йўллаган

Кўкдан ер сари

Фессалиянинг  
 Жодугарлари —  
 Ўзининг машъум  
 Мақсади учун.  
 Энди тинч, маъсум  
 Порлайбер букун,  
 Тўкабер чирой  
 Тўлқинларга, ой!  
 Яйраб қолсин шод  
 Борлиқ мавжудот  
 Хизматингга биз  
 Тайёр бўлурмиз.  
 Қошингда ҳаргиз  
 Сажда қилурмиз.

*Нереида ва Тритонлар<sup>142</sup>*

*(Денгиз махлуқлари сувратида)*

Қўшиқ айтинг сернаво,  
 Янграсин арзу само.  
 Уни тинглаб шодумон  
 Денгиз мавжудотлари,  
 Жон зоти борки бари  
 Келаберсин бу томон.  
 Бир замон кучли бўрон  
 Турганда биз сақлаб жон,  
 Айлаган эдик макон  
 Чуқур денгиз қаърин биз  
 Ўша макондан букун  
 Қўшиқ эшитмоқ учун  
 Чиқмоқдамиз баримиз  
 Такдик сонсиз тақинчоқ —  
 Марварид, узук, балдоқ.  
 Бу бари сиздан савфо.  
 Бир вақт сиз куйлаганда,  
 Қўшиққа бўлуб банда,  
 Кўплар бўлган-ку адо.  
 Олтинлар алардандур,  
 Чўккан кемалардандур.

*Сиреналар*

Денгизда бесон-саноқ  
 Балиқлар кўп ялтироқ.  
 Сиз ҳам қилибсиз безак,  
 Хўп ясанибсиз, бироқ  
 Балиқдан сиз авлороқ  
 Эканингизни билсак?

*Нереида ва Тритонлар*

Буни ўйлаб қўйганмиз,  
 Жавоб шайлаб қўйганмиз —  
 Келмай туриб аввал биз.  
 Бу сафарнинг ўзи бас —  
 Кўрсатур — биз балиқмас,  
 Балиқлардан афзалмиз.

*Кетишади.*

*Сиреналар*

Йўқолдилар тез.  
 Уларни шамол  
 Элтади бу кез  
 Кабирлар<sup>143</sup> томон.  
 Самофракия —  
 Кабирлар эли.  
 Кўп улар ҳақда  
 Афсона хили.  
 Ки, бул бетўзим  
 Тангриларга иш —  
 Ўзини ўзи  
 Яратиш эмиш.  
 Ой, сўраймиз биз,  
 Тепамизда тур.  
 Қувилажакмиз  
 Тонг сочганда нур.

Фалес

(Қирғоқда Ҳомункулга)  
 Олиб кирсам бўлур бу замон  
 Сени кекса Нерей ёнига.  
 Шу фор аро у тутмиш макон,  
 Аммо инсон тегар жонига.  
 У яшайди танҳо хилватда,  
 Одам зотин кўрса албатта  
 Қўзғалади ғазаб, нафрати.  
 Аммо чолнинг бордир ҳикмати:  
 Унга олис келажак аён,  
 Шу билан у машҳури жаҳон.  
 Иззатлидир шундан ҳар жойда,  
 Ундан етган кўпларга фойда.

Ҳомункул

Қани кирдик. Мен асло қўрқмам.  
 Ўтим сўнмас, синмас шишам ҳам.

Нерей

Бу не садо? Инсон садоси!  
 Ғазабимнинг йўқ интиҳоси!  
 Унинг иши ерда эмаклаш,  
 Яна қилур худолик талаш.  
 Ётсам бўлар ором олиб жим,  
 Лекин келар инсонга раҳмим.  
 Бердим доим уларга мадад,  
 Бердим доим яхши маслаҳат.  
 Аммо фойда қилмади зинҳор,  
 Кетди барча меҳнатим бекор.

Фалес

Мадад сўраб келдик шунда ҳам  
 Сен — денгизлар донишмандига.  
 Маслоҳат бор ўзинг бул одам —  
 Шаклидаги ўт фарзандига.

Нерей

Маслоҳат? Эҳ, ким ҳам эшитар,  
 Маслоҳатга эл қулоғи кар.

Панд еса-да қанчалар, аммо —  
Оқил бўлмас одамзод асло.  
Мен насиҳат қилдим Форисга,  
Дедим унга: берилиб ҳисга  
Ўғирлама ўзганинг ёрин!  
Тақдирида нималар борин  
Айтиб бердим. Мана шу юнон —  
Соҳилида ул мағрур ўғлон,  
Барчасини тинглаган мендан.  
Огоҳ қилдим уни олдиндан  
Ул мислсиз жангдан, қирғиндан.  
Ёнғинларни тасвир этганман,  
Тутунларнинг кўкка ўрлашин,  
Устунларнинг ерга қулашин —  
Кўрсатганман, таъсир этганман.  
Ўрнак бўлсин учун жаҳонга,  
Буюк шоир жойлаб дostonга  
Бундан расо уч минг йил аввал  
Авлодларга йўллаган ўшал  
Троянинг қиёматини  
Қилган эдим унга намоён.  
Лекин чолнинг насиҳатини  
Тингламади бепарво ўғлон,  
Қурбон қилди, оҳ, Илионни  
Тоғдай ётган ул паҳлавонни  
Ем қилдилар Пинд бургутлари<sup>144</sup>.  
Ул нодоннинг касридир бари.  
Одиссейга айтганман такрор  
Бўлмоғини Циклопга дучор,  
Тушмоғин ҳам Цирцейга асир<sup>145</sup>.  
Аммо унга қилмаган таъсир.  
Тарк этмади у тентакликни,  
Сусткашликни, енгилтакликни.  
Нима бўлди аён оқибат,  
Тасодифан қолди саломат.

*Фалес*

Албатта бу дилдаги тугун  
 Жуда офир донишманд учун.  
 Лек яхшилик бор-ку дунёда.  
 Босганида минг туман алам,  
 Яхшиликнинг бир мисқоли ҳам  
 Аламлардан бўлгай зиёда.  
 Сендан бизга маслаҳат керак,  
 Дариф тутма ёрдаминг бу гал.  
 Мадад сўраб келдик, бу гўдак —  
 Яралмоқчи оламга тугал.

*Нерей*

Бугун яхши кайфиятдаман,  
 Солманг бу шод кўнглимга тугун.  
 Руҳим тетик, хуш ниятдаман,  
 Йиғилади қизларим букун.  
 Байрам қилиб бу ерда денгиз —  
 Парилари жам бўлур бари.  
 Келар менинг қизларим — тенгсиз  
 Хушназокат доридалари.  
 На Олимпда, на олам аро  
 Уларга тенг гўзал йўқ асло.  
 Гоҳи аждар устига қўниб,  
 Гоҳи Нептун отига миниб  
 Ёшлик шавқи шодон туйғуда  
 Шўнғиб-шўнғиб ўйнашар сувда,  
 Бамисоли денгизга сингил,  
 Сузишади хубобдек енгил.  
 Улар билан баробар ўшал  
 Инжу садаф аробасида,  
 Венеранинг маркабасида  
 Бу оламда тенги йўқ гўзал  
 Галатея келадур жадал<sup>146</sup>.  
 Токи, бўлди Киприда<sup>147</sup> адо —  
 У Пафосда саналур Худо.  
 Бордир унинг ўз пойитахти,

Унга қолган Киприда тахти.  
Энди кетинг, хушнуд бу онда  
Сизга сира сочгим йўқ нафрат.  
Протейга боринг, жаҳонда  
Қай тариқа яралур хилқат,  
Қай тариқа бўлур баркамол —  
Сўйлаб берар сизга бемалол.

*Денгизга қараб кетади.*

### *Фалес*

Бизга бенаф бўлди бу ташриф,  
Протейни<sup>148</sup> топамиз, аммо  
У юради ўзни яшириб.  
Саволимиз тинглаб мабодо,  
Бизга жавоб берганида ҳам  
Сўзларига мушкул тушунмоқ,  
Чунки унинг ҳар сўзи жумбоқ  
Аммо зарур бизга бу қадам,  
Негаки йўқ ўзга чорамиз,  
Не қилардик — унга борамиз.

*Кетадилар.*

### *Сиреналар*

*(Баланд қоядан)*

Оппоқ-оппоқ ул ёқда  
Нелар сузиб келмоқда?  
Ўша саноқсиз елкан  
Сув парилари экан.  
Шўнғишар, яйрар, кулар,  
Нереидалар улар.  
Тушиб яқин борайлик,  
Уларга бир қарайлик.

*Нереида ва Тритонлар*

Келтирдик сизга савфо,  
 Недир билмассиз аммо.  
 Херона косаси<sup>149</sup> да  
 Тасвир келтирдик букун.  
 Муножоту қасида  
 Ўқинг бу тасвир учун.  
 Кўпдир унинг ҳикмати,  
 Бу — Тангрилар суврати.

*Сиреналар*

Кичик бўлса ҳам  
 Қудрати аъзам,  
 Денгиз — фалокат,  
 Кимни ҳалокат  
 Гирдобига тортса бешафқат  
 Нажот эрур кабирлар фақат.

*Нереида ва Тритонлар*

Кабирлар ҳар он  
 Тинчликка посбон.  
 Турса ноғиҳон  
 Денгизда бўрон, —  
 Улардан инсон  
 Топадур омон.

*Сиреналар*

Мададкор алар.  
 Тошга кемалар  
 Урилган чоғда  
 Биз қолдик доғда,  
 Кабирлар фақат  
 Бўлдилар мадад.

*Нереида ва Тритонлар*

Биз учтасин келтирдик бунда,  
 Келмай қолди тўртинчи унда.  
 Унинг буён келмоғи мушкул,  
 Барча учун ўйлар эмиш ул.



*Сиреналар*

Майлига, ул тангрилар  
Бир-бирин мазах қилар.  
Бизнинг ишимиз фақат  
Итоату ибодат.

*Нереида ва Тритонлар*

Улар эди етовлон.

*Сиреналар*

Учтаси қайда пинҳон?

*Нереида ва Тритонлар*

Ҳеч ким билмайди букун  
Аниқ саногин, демак  
Маълумот олмоқ учун  
Олимпга бормоқ керак.  
У ерда юрар миш-миш:  
Саккизинчиси ҳам бор.  
У ҳам бунда келармиш,  
Аммо эмасмиш тайёр.  
Ўшал беқиёс  
Буюк кабирлар  
Интилар холос,  
Тангриларга хос  
Кашф этиб сирлар.

*Сиреналар*

Ойга ҳам, қуёшга ҳам  
Сиғинурмиз мусаллам.  
Бизнинг ишимиз тоат,  
Бундан фойда бор фақат.

*Нереида ва Тритонлар*

Бу байрамни ўтказмоқ шодон  
Келтиради бизга шараф-шон.

*Сиреналар*

Олтин терини излаб  
Йўлга чиққан ботирлар.  
Улардан ўтиб сизлар  
Келтирдингиз кабирлар.

Олтин теридан албат  
 Кабирлар минг бор қиммат.

*Умумий хор*

*(Такрорлаб)*

Олтин теридан албат  
 Кабирлар минг бор қиммат.

*Нереида ва Тритонлар сузиб ўтадилар.*

*Ҳомункул*

Бул Тангри — безаволми,  
 Ёки синиқ сополми?  
 Банд этмиш булар олим  
 Дилу фикри хаёлин.

*Фалес*

Олимга шу-ку хислат:  
 Тангадан занги қиммат.

*Протей*

*(Кўринмай)*

Куляпман мен мазахбоз,  
 Неки ғалат бўлса соз.  
 Протей, сен қайдасан?

*Протей*

*(Гоҳ узоқ, гоҳ яқин бўлиб, гойибдан)*  
 Ҳам ундаман, ҳам бунда.

*Фалес*

Ҳазил сўзлар айтасан  
 Аввалгидек бу кунда.  
 Қўй бу алдоқ сўзингни,  
 Дўстга кўрсат ўзингни.

*Протей*

*(Гўё узоқдан)*

Хайр!

*Фалес*

*(Ҳомункулга секин)*  
 Ул яқиндадур,  
 Таратгил ёруғроқ нур.

У балиқдай синчиков,  
 Қанча айёр бўлса ҳам —  
 Шуълангни кўргани дам  
 Чопиб келади дарров.

*Ҳомункул*

Кўп нур сочиш қийинмас,  
 Шишам ёрилмаса бас.

*Протей*

*(Улкан тошбақа қиёфасида)*  
 Бу қанақа нур, ажаб?

*Фалес*

*(Ҳомункулни беркитиб)*  
 Кўришинг мумкин, аммо  
 Бир шартни қилсанг бажо.  
 Бизнинг арзимас талаб —  
 Кўрин одам сиёқли —  
 Бир бош, икки оёқли.

*Протей*

*(Нуроний одам қиёфасида)*  
 Олим, устасан ҳамон.

*Фалес*

Минг бир тусдасан ҳамон.

*(Ҳалезулхулдани олдидан)*

*Протей*

*(Ҳайратда)*  
 Нур сочувчи кичкина одам!  
 Кўрмаганман умримда ҳеч ҳам.

*Фалес*

Сендан бизга маслаҳат керак.  
 Қаршингдаги мана шу гўдак  
 Яралмоқчи қайта оламга,  
 Айланмоқчи тўла одамга.  
 Сўйлаб берди менга бу бола,  
 У ҳаётга келибди чала.  
 Қувваи руҳ унда мукамал,  
 Лекин вужуд эмас мушаккал,

Борлиқ вазни шишада фақат.  
У не қилсин, бергил маслаҳат

*Протей*

Бевақт-соат яралган гўдак,  
Қиз боланинг ҳомиласидак.

*Фалес*

(Аста)

Мени ҳайрон қилар шу нарса:  
Менимча бу бола — хунаса.

*Протей*

Бу соз. Ҳаёт йўлини босиб,  
Қайси жинсга бўлса муносиб,  
Яқинлашар ўшанга албат.  
Сўзларимга қулоқ сол фақат:  
Сен ҳаётга — денгиз сари бор  
Ва мисоли барча жонивор  
Унда бетин қилиб ҳаракат  
Тоғиб егин ризқу рўзингни,  
Тақомилга етказ ўзингни.  
Етилади тирик жон кам-кам:  
Аввал ўзга сингдиради нам,  
Йиғиб аста оқсил моддалар,  
Кичигини ем қилиб катта,  
Мураккаброқ бўлиб соддалар,  
Охир комил бўлур, албатта.

*Ҳомункул*

Қандай ажиб хушбўй, мусаффо,  
Ҳаётбахшдур бу ерда ҳаво!

*Протей*

Ҳақсан, гўдак. Ва лекин пастда  
Соҳилларга урилиб аста  
Тўлқинлар шод ўйнаб ётган жой  
Хуш ҳавога бу ердан ҳам бой.  
Қара, биз томон  
Келар аламон,  
Юр ул ёққа.

*Фалес*

Сиз билан мен ҳам.

*Ҳомункул*

Уч руҳ қўймиш денгизга қадам.

*Родос тельхинлари<sup>150</sup> Нептуннинг уч айрили  
найзасини тутиб, денгиз отлари ва  
аждарларини миниб келадилар.*

*Хор*

Бизлар бу найзани ясадик Нептун  
Асов тўлқинларни бошқарсин учун.  
Зевс кўқдан юборса момақалдироқ,  
Нептун гулдурак қўзғар пастда кучлироқ.  
Чақмоқ чақиб сувга яшин тушади,  
Пастдан тўлқин кўкка санчиб учади.  
Улар ўртасида не бўлса пайдо  
Маҳкумдир чўкмоққа, бўлмоққа адо.  
Найзасини берди бизларга Нептун,  
Байрамни шодумон ўтказмоқ учун.

*Сиреналар*

Сизга қуёш, кун қутлуғ,  
Сиринурсизлар мудом.  
Бизга ойдин тун қутлуғ,  
Биздан сизларга салом.

*Тельхинлар*

Эй тун маъбудаси, аршингдан ҳар он  
Сен аканг мадҳини тинглайсан шодон.  
Қулоғинг тутурсан Родосга банда,  
Қуёшга қасида бағишлаганда.  
Фалакка юксалиб уммон қаъридан  
Аполлон<sup>151</sup> қарайди осмон бағридан  
Денгизга, оролга, тоққа, ўтлоққа,  
Шаҳар кўчалари, сокин қирғоққа.  
Мабод<sup>1)</sup> уларни қопласа туман,  
Нурин юборар ул — қолмас умуман.

Ўзни танир Феба минглаб сувратда,  
 Ҳам ювош ўсмир, ҳам паҳлавон катта.  
 Бизлар уни тасвир айладик илк бор,  
 Унга инсон шаклин бердик улўфвор,

*Протей*

Мақтанаверсин улар!  
 Фалак сарвари кулар  
 Турфа қўғирчоқлардан.  
 Мисларга бериб сайқал  
 Улар ясаган ҳайкал  
 Фарқсиз ўйинчоқлардан.  
 Ўйлашар — қойил дунё,  
 Бизлар ясадик худо,  
 Бизники дерлар зафар.  
 Лекин зилзила, вулқон  
 Булар барин ноғихон  
 Ўйқ қилмоғи муқаррар.  
 Ерда ҳаёт бебақо,  
 Оқибати вовайло,  
 Унда яшаш беҳуда.  
 Мен ўзни дельфин этай,  
 Сени денгизга элтай,  
 Ҳаёт маъноси сувда.

*(Дельфинга айланади)*

Мана, мен тайёр дельфин,  
 Қани кел, елкамга мин.  
 Олдинда яшамоқ бор:  
 Умрингни қилай аста  
 Уммон билан пайваста,  
 Сенга бўлсин толе ёр.

*Фалес*

Яралмоқ ишин, демак,  
 Бошдан бошлашинг керак.

Ҳаракат қил шахдамроқ,  
 Минг бир турдан ўтурсан,  
 Ўзлигингга етурсан.  
 Инсонлик йўли йироқ.

*Ҳомункул ва Протей дельфинга минади.*

*Протей*

Ўзни ҳақиқий ҳаёт —  
 Денгиз кучоғига от.  
 Сенга очиқ ҳар томон.  
 Шаклансанг — шу басдир,  
 Инсонлик керакмасдур.  
 Ниятингга бил поён.

*Фалес*

Ёмон эмас одам бўлиш ҳам,  
 Агар одам бўлса чинакам.

*Протей*

(*Фалесга*)  
 Ўхшар бўлса агарда сенга,  
 Унутилмас сен каби инсон.  
 Неча аср ўтса-да ҳамон  
 Сен, донишманд, яқинсан менга.

*Сиреналар*

(*Қояларда*)  
 Ой ҳалқасин ўрамиш  
 Оппоқ-оппоқ булутлар.  
 Бу — фалакка ўрламиш  
 Гала-гала кабутар.  
 Севги қушларин<sup>152</sup> бу ён  
 Пафос ўзи йўлади.  
 Энди шодлик бепоён,  
 Байрам тўлуғ бўлади.

*Нерей*

(*Фалесга яқин келиб*)  
 Ой ҳалқасин кўрган кез

Дер баъзилар бу сароб.  
 Биз руҳлар-чи, берурмиз  
 Бунга ҳақиқий жавоб.  
 Бу — Венера қушлари,  
 Кўкка тўлиб келадур.  
 Галатея қизимга  
 Ҳамроҳ бўлиб келадур.

*Фалес*

Менга маълум доимо  
 Не дер эса фарзона.  
 Илиқ маскани аро  
 Тутмиш қутлуғ фасона.

*Псилла ва Марслар<sup>153</sup>*

*(Денгиз ҳўкизлари,  
 бузоқлари ва қўйларига миниб)*  
 Тўлқинлардан йироқда,  
 Зилзилалардан нари,  
 Кипрда — тинч қирғоқда,  
 Денгиз шаббодалари  
 Аллалаган ул макон,  
 Ўзга кўзлардан ниҳон,  
 Осуда ғорлар аро  
 Кипридага доимо  
 Йўллаб саждаю таҳсин,  
 Сақлаймиз аробасин.  
 Кўкдан ой, соҳиб фусун,  
 Шуъла сочиб турган туп  
 Денгиз тўлқинларини  
 Оҳиста сурган замон  
 Бизлар мозега аён,  
 Лек бу авлоддан ниҳон  
 Ўшал гўзал парини  
 Парилар сарварини  
 Элтамиз соҳил томон.  
 Бизларга даҳшат солиб



Қайтаролмас ҳеч қачон —  
 На ярим ой, на салиб,  
 На бургут, на арслон<sup>154</sup>.  
 Подшолар жангга кирсин,  
 Бири-бирини қирсин,  
 Қилич чопсин лашкарлар,  
 Ёнсин қишлоқ-шаҳарлар,  
 Табиат ҳаёт, аммо  
 Биз ҳам қилмаймиз парво.  
 Маликамизни омон  
 Элтамиз манзил томон.

### *Сиреналар*

Солланиб сув бетида,  
 Давра ясаб, яйраб ҳур  
 Аробанинг кетида  
 Нереидалар келур.  
 Тенгсиз ҳусн борасида,  
 Онасининг келбати —  
 Доридалар орасида  
 Галатея келади.  
 Ул тангрилар зотидан гар —  
 Гарчи малак, гарчи ҳур —  
 Ер қизидек жонон, дилбар,  
 Юракларни тортадур.

### *Доридалар<sup>155</sup>*

*(Нерей ёнидан дельфинларда сузиб  
 ўтар экан, хор бўлиб)*  
 Кўринсин бизнинг ёрлар  
 Отамизнинг кўзига —  
 Ой, нуринг соч шунқорлар —  
 Жуфтларимиз юзига.

*(Нерейга)*

Бу денгизчилар биздан  
 Миннатдордур ҳар замон.

Биз уларни денгиздан  
 Қутқариб чиқдик омон.  
 Биз уларни иситдик,  
 Уларга жон бахш этдик.  
 Албат қайтар бу шафқат  
 Эвазига муҳаббат.  
 Фотиҳа бер бизларга,  
 Бахтин топган қизларга.

*Нерей*

Шафқат, роҳат бўлса ёр —  
 Некбахтликдур икки бор.

*Доридалар*

Бу ишимиздан хуррам  
 Бўлсанг агар, отажон,  
 Биз каби уларга ҳам  
 Ҳаёт бергин жовидон.

*Нерей*

Севинг, ўйнанг, ҳар онни  
 Ўтказинг лаззат аро.  
 Мангу этмоққа жонни  
 Менда қудрат йўқ аммо.  
 Ҳаёти жовидонни  
 Бахш этар Зевс танҳо.  
 Гўё денгиз тўлқини  
 Муҳаббат ҳам бетўхта.  
 Сўнгач севги ёлқини,  
 Тарқагач сархушлик ҳам,  
 Ортиқ чўзмай узоққа,  
 Элтиб қўйинг қирғоққа.

*Доридалар*

Энди, дўстлар, сизга алвидо,  
 Ярим йўлда бўлурмиз жудо.  
 Мангу севмоқ истадик аммо  
 Ушалмади бу муддаолар,  
 Истамади бунни худолар.

*Йигитлар*

Бундан сўнг ҳам бизни аёллар  
Шундоқ суйиб қилсалар ардоқ,  
Биз, йигитлар, бундан ортиқроқ  
Бахтни қилмас эдик хаёллар.

*(Галатея сафар аробасида яқинлашиб  
келади)*

*Нерей*

Қизим, сенми?

*Галатея*

Жоним, отажон!

Тўхтаб, туринг, дельфинлар, бир он,  
Кўриб олай отамнинг юзин,  
Ололмайман ундан ҳеч кўзим!

*Нерей*

Тўхтамади дельфинлар бироқ  
Солмадилар ноламга қулоқ.  
Зарра парво этмади улар,  
Мени олиб кетмади улар.  
Ота оҳи уларга надир,  
Туйғуларим этмаслар қадр.  
Лек қизимни бир кўрганим ҳам  
Бир йил қилур кўнглимни хуррам.

*Фалес*

Шараф сизга! Яна шараф-шон!  
Юрагимда шодлик бепоён.  
Менга бўлди бир асрор аён:  
Сувдан пайдо бўлур тирик жон!  
Сув ҳаётнинг ижодкоридир  
Ва боиси пойидоридур.  
Сувдан пайдо бўлмаса тумон,  
Кўкка булут бермаса уммон,  
Замин узра ёмғир ёғароқ,  
Агар ҳосил этмаса ирмоқ,  
Ирмоқ чопиб дарёлар томон,

Яратмаса дарёлар уммон  
 Бўлармиди бу тоғ, бу водий,  
 Бўлармиди инсон авлоди?  
 Сув — тириклик, жоннинг йўлдоши,  
 Уммондадур ҳаётнинг боши.

*Акс садо*

(Барча давраларнинг хори)  
 Уммондадур ҳаётнинг боши.

*Нерей*

Ана улар йўлни бурдилар,  
 Яна ортга қараб юрдилар —  
 Мовий очиқ денгизга томон.  
 Нуқта бўлиб йироқда ҳамон  
 Кўринмоқда суюкли қизим —  
 Жўнаб кетган садаф ароба.  
 Уни кўрар ҳар қачон кўзим,  
 Удир менинг ёруғ юлдузим —  
 Нурли маёқ билан баробар.  
 Қайда кўрсам фарқлаб олурман  
 Тутун ичра ёлқиндай гўё,  
 Ётлар ичра маҳбубдай танҳо,  
 Фақат унга назар солурман.  
 Шу боисдан кетса ҳам йироқ  
 Кўринмоқда кўзимга бироқ.

*Ҳомункул*

Сув узра, уммон аро  
 Нурим ёрқин ажабо,  
 Атрофим нақадар соз!

*Протей*

Ортиқ ҳайратим менинг,  
 Атрофга шишанг сенинг  
 Таратар ажиб овоз.

*Нерей*

Ул аламон ичида, қара,  
 Пайдо бўлди ажиб манзара.

Галатея кўшки ёнида  
 Гўё севги галаёнида  
 Гоҳ пастлаб, гоҳ ўрлаб баландга  
 Ёнаётир сирли аланга.

*Фалес*

Прометей қилган ишдир бул,  
 Шавқ ётида ёнар Ҳомункул.  
 Эшитилди аянчли садо,  
 Шиша кўшкка бориб урилди,  
 Чил-чил синиб бўлдию адо,  
 Ичидаги сувга тўкилди.

*Сиреналар*

Шуълаланар тўлқинлар,  
 Сув бетиди ёлқинлар.  
 Денгизни олов қучди,  
 Баданларга нур тушди.  
 Сенга шараф-шон, Эрос<sup>156</sup>,  
 Сен ҳаётга бош асос!  
 Ёнувчи уммон,  
 Сенга шараф-шон!  
 Ўт ва сув — ҳамдам,  
 Шараф бунга ҳам.

*Ҳамма бирликда*

Яшасин ҳаво.  
 Ерга салламно!  
 Шон деймиз букун  
 Аносир учун.

## СПАРТАДАГИ МЕНЕЛАЙ САРОЙИ ОЛДИДА

*Елена Панталида бошлиқ троялик асиралар хори билан кириб келади.*

*Елена*

Мен Елена, шарафу номусларга чулганган;  
 Ҳозир кемадан тушиб, қирғоқдан келмоқдаман,  
 Тўлқин чайқатишидан ҳали айланар бошим.  
 Бизни ўша тўлқинлар кўпикли елкасида  
 Эвр<sup>157</sup> қудрати ила, Нептун<sup>158</sup> шафқати ила  
 Ҳозиргина келтирди олис Фригиядан  
 Бул қадрдон кўрфазга. Шоҳ Менелай қирғоқда  
 Баҳодир ҳамроҳлари — аскар билан бу чоғ  
 Омон-эсон қайтганин байрам қилаётганда  
 Сен мени қабул айла, эй Паллада устида  
 Менинг отам Тендерей бир замонлар тиклаган  
 Ҳашаматли баланд уй! Мен болалик чоғимда  
 Шу уйда акаларим, суюкли опаларим  
 Кастор, Поллукс билан, Клитемнестра билан  
 Яйраб-яйраб ўйнаган пайтларимда бу сарой  
 Спартада саналар эди энг соз, муҳташам.  
 Салом сизга, мунаққаш эй темир дарвозалар!  
 Сизлардан ўтиб бир вақт менинг меҳмоним бўлиб  
 Келган эди бу уйга юрагим танлагани —  
 Менелай — ул қаллиғим байрам либосларида.  
 Ҳозир худди ўшандай кенг очилинг қаршимда.  
 Токи, букун ҳақиқий умр йўлдошига хос  
 Шоҳ Менелай буйруғин кириб қилайин адо.

Ўзим танҳо кирайин, ортимдан сиз ёпилинг,  
Токи, мен бечорани то бу дам таъқиб этган  
Фалокатли у кунлар ташқарида қолсинлар.  
Мен ушбу остонани босиб ўтиб бепарво  
Церера эҳромига йўл олганимдан буён,  
Унда фригиялик қароқчи мени тутиб,  
Ўғирлаб ўз юртига олиб қочгандан буён  
Юз берди не-не ажиб ҳодисалар дунёда!  
Улар тилдан-тилларга, йилдан-йилларга ўтиб  
Эртак бўлиб кетдилар. Уларни айтиб юриш  
Одамларга завқлидур, аммо уни бошидан —  
Кечирган шўрлик учун тингламоқ фоят мушкул.

*Хор*

Наҳотки сен, буюк малика,  
Бундоқ ноёб фазилатингга  
Нафрат кўзи билан боқурсан?  
Сен гўзаллар ичра ягона!  
Шони борар ботирдан олдин,  
У шундан мағрур.  
Лек гўзаллик қошида бошин  
Эгар тенгсиз баҳодирлар ҳам.

*Елена*

Етар! Ул подшо эрим қирғоққа етгач кема,  
Мени шаҳр ичра йўллаб денгиз бўйида қолди.  
Унинг мақсади надир — бу менга намоёнду.  
Мен кимман? Аввалгидек маликаманми ва ё  
Мен туфайли эримнинг чеккан изтироблари  
Юнон эли бошига тушган савдолар учун  
Қурбон бўлгувчи жонман? Мен ўзим ҳам  
билмайман

Озод инсонманми ё маҳкума асирамен?  
Менга рўзи азалдан икки маънода шуҳрат,  
Икки хилдаги тақдир бўлмиш экан ошино.  
Ҳатто шу остонага қадам қўяр эканман,  
Икки хил туйғу мени чулғаб олган тамоман.

Эрим кемада менга бир офиз сўз демади,  
 Қасд қилиб кўйган каби худди менинг жонимга,  
 Ҳаттоки кўзларини дуч қилмади кўзимга.  
 Олдиндаги кемалар Эврот<sup>159</sup> қирғоғи томон  
 Яқинлашиб келганда у шундай сўзлар айтди,  
 Айтиб турарди гўё бу сўзларни тангрилар:  
 «Бунда одат бўйича, тушиб қолар аскарлар,  
 Мен қирғоқда уларни кўрувдан ўткарурман.  
 Сен эсанг бу муқаддас Эврот қирғоғи бўйлаб  
 Юқорига қараб юр, отларни қамчила тез.  
 Кўкаламзор ўтлоқлар бўйлаб тоғлар қуршаган  
 Яшил води сари бор. Унда бир вақт яшнаган  
 Катта қишлоқ ўрнида Лакедемон юксалган  
 Қирғин менинг мунаққаш гумбазли саройимга.  
 У ерда мен қолдирган калитдор кампир бошлиқ  
 Хизматчи аёлларнинг ҳаммасини тўплагин,  
 Улар биз йўғимизда не қилганларин текшир.  
 Калитдор кампир сенга отангдан мерос қолган  
 Ва мен жангу тинчликда доим тўлдириб турган  
 Жавоҳир хазинасин очиб бир-бир кўрсатсин.  
 Бўлурсан булар барин батартиб ва саранжом  
 Сақланганига гувоҳ. Чунки бу шоҳ мулкидур.  
 Шоҳ сафардин қайтганда қолдирган ўз мулкини  
 Қандай қолдирган бўлса, шундай топмоғи керак,  
 Шоҳлар қонуни шудир — қуллар бузмоққа ҳақсиз.

*Хор*

Бойликларнинг ажиб жилваси  
 Қувонтирсин дилу кўзингни,  
 Олтин тожу марварид, инжу  
 Ётар унда кўзлардан йироқ.  
 У маҳзанга кириб нигоҳинг  
 Ташлагин, дилдор  
 Унда ёқут, лаъллар билан  
 Баҳс қилади сенинг чиройинг,



## Елена

Сўзини давом этиб шундай деди подшоҳим,  
 «Ҳамма нарсани кўриб ўз жойида, саранжом,  
 Кўнглинг тўлгач, сен ўзинг қай тариқа истасанг —  
 Мазбаҳларни жойлаштир, ҳамда қурбонлик учун  
 Коҳинга нимаики керак бўлса барчасин  
 Ҳозирлаб қўй бекам-кўст. Қозонларни тайёрла.  
 Бирма-бир ўз жойига қўйиб чиқ идишларни.  
 Қўзаларга муқаддас булоқдан сув тўлдириб,  
 Ўчоқ олдига қуруқ ўтинларни йиғиб қўй.  
 Яхши чархланган пичоқ хизматга тайёр бўлиб  
 Энг кўзга кўринарли жойда турсин албатта.  
 Қолган ишларни бўлса, ўзинг билганингча қил».  
 Шундай деди у менга хайрлашар чоғида.  
 Аммо менга айтмади, худоларнинг йўлида  
 Не жонлиқ забх этар ул, инсонми ё ҳайвонми?  
 Бу ерда бир сир бордир. Лекин мен ўйламасман,  
 Тақдирда не борлигин худолар билур фақат.  
 Фақат уларга аён не керак, не керакмас  
 Не қилса улар қилур, Одамлар бу ишларни  
 Хоҳ яхшилик деб билсин, хоҳи ёмонлик десин  
 Қандай ҳукм чиқарса ўшал умри боқийлар,  
 Биз фано бандалари чидамоғимиз даркор.  
 Коҳин қурбон устида болта кўтарганича  
 Тушира олмай қолган тарихларда неча бор.  
 Бунга сабаб бўлган гоҳ ёв лашкари ҳужуми  
 Ёки мангу раҳмдил ул Тангрининг мадади.

## Хор

Билмоқ на имкон тақдирда не бор?  
 Дадил кирабер,  
 Қўрқма малика,  
 Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бил,  
 Ногоҳ келур банда бошига.  
 Ким уларни олдиндан айтса,  
 Ҳеч ким ишонмас.

Троя ёнди, ўлимларни кўрдик,  
 Номусли ўлимлар гувоҳи бўлдик.  
 Аммо бизлар тирикмиз,  
 Бошимиз узра қуёш.  
 Оёқ остимизда ер,  
 Қаршимизда сен ўзинг,  
 Гўзаллик мўъжизаси.

*Елена*

Майли не бўлса бўлсин. Сира иккиланмасдан  
 Саройга киражакман. Шундай қилмоғим керак.  
 Мен бу саройга яна қадам қўяжагимни,  
 Ҳатто хаёлимга ҳам келтирмаган эдим-ку.  
 У менинг қаршимдадир — ўзим ҳам ишонмасман.  
 Мана шу остонадан қиз болалик чоғимда  
 Неча юз марта енгил сакраб-сакраб ўтгандим.  
 Ажабо, нега бутун йўқдир менда дадиллик?

*Саройга киради.*

*Хор*

Маҳзуна асиралар,  
 Бошингиз кўтарингиз!  
 Унутингиз ғамларни —  
 Шодланинг маликангиз  
 Елена билан букун.  
 Бу хуш соатда бека  
 Қайтмоқда кеч бўлса ҳам  
 Лекин дадил ва шодон  
 Қадрдон масканига.  
 Ҳақни этиб барқарор,  
 Уни уйга қайтарган  
 Тангриларга шараф-шон!  
 Кимки бўлмишдир озод,  
 Шодон қанот қоқадир  
 Азобларнинг устида.  
 Маҳбуслар эса нолон

Қўлларини узатиб  
 Темир панжаралардан  
 Интиладирлар бекор.  
 Лекин бул ўз юртидан  
 Айрилган асирани  
 Тангри бағрига босиб,  
 Вайрона Троядан  
 Олиб келди бул қадим —  
 Янгидан ясатилган  
 Қадрдон гўшасига,  
 Токи бунда бешумор  
 Лаззату азобдан сўнг  
 Руҳи ором топсину  
 Ёшлик кунларга қайтсин.

*Панталида*

*(Хор бошловчиси сифатида)*

Дугоналар, сиз ҳали севинмангиз бунчалар,  
 Сарой дарвозасига аввал бир солинг нигоҳ!  
 Ана, кўряпсизми? Қайтаётир малика  
 Тез-тез қадамлар билан ичкаридан биз томон.  
 Эй малика, не бўлди? Нима сени ранжитди?  
 Итоатда тургувчи хизматкорлардан ўзга  
 Нима кўрмоғинг мумкин бу ўз масканинг аро?  
 Недир сени бунчалик ҳаяжонга солган, айт?  
 Нимадан бу сендаги сўнгсиз ҳайрат ва ғазаб?

*Елена*

*(Ҳаяжонда эшикни очиқ қолдириб)*

Зевснинг фарзандига кўрқув тамом бегона.  
 Унинг мағрур юраги ваҳимадан ўзгадур.  
 Ва лекин ул қадимий зулмат аро яралган,  
 Кўзларимиз олдида минг шаклда намоён,  
 Вулқонли тоғлар узра олов бўлиб, кул бўлиб,  
 Тун узра шарпа бўлиб қанот ёзгувчи даҳшат —  
 Ўшал қадимий даҳшат не-не ботирларнинг ҳам  
 Юрагига, шубҳасиз, кўрқув солмоғи мумкин.

Стикс тангрлари<sup>160</sup> менинг бегона юртдан  
 Келишимни, кўрингиз, шундай нишонладилар.  
 Мен — бу уйнинг бекаси — гўё чақирилмаган  
 Меҳмонга ўхшайдурман. Қочиб чиқдим у ердан.  
 Йўқ, мен зулмат бағридан зиё қўйнига чиқдим  
 Бундан қува олмайсиз мени, ёвуз малаклар!  
 Не бўлса ҳам қилурман ўз уйимни муборак,  
 Токи табаррук маскан бир замонлардагидек  
 Бизни бағрига олсин шодумону саранжом.

*Хор бошқарувчиси*

Ичкарида не кўрдинг, биз канизакларингга  
 Сўйлаб бергин яширмай энди, буюк малика.

*Елена*

Менинг ул ичкарида кўрганларимнинг барин  
 Сиз ўзингиз кўрурсиз, агарда қаро Зулмат  
 Кўрқинч шарпаларини йиғиб олмаган бўлса.  
 Шундай қилиб, подшонинг буйруғида хаёлим,  
 Мен ичкари кирдиму қотиб қолдим ҳайратда.  
 Хоналар, йўлакларнинг бари бўм-бўш, кимсасиз.  
 Қулоғимга тик этган товуш чалингани йўқ,  
 Хоналарга, наздимда, яқин ойлар ичида  
 Бирорта хизматчининг қўли тегмаган, аниқ,  
 Калитдор аёл менга пешвоз чиққани ҳам йўқ,  
 Қуллуқ килиб оқсочлар қарши олгани ҳам йўқ,  
 Сўнг ўчоқнинг ёнига яқин келиб қарасам:  
 Бир уюм кул ёнида мук тушиб қимирламай,  
 Ухлабми, ўй сурибми ётар эди бир кампир.  
 Мен уни шоҳ қолдирган калитдор хаёл қилиб  
 Турмоғини буюрдим, ишламоққа чорладим.  
 У-чи, менга жавобан, ҳатто қимирламади,  
 Мен буйруқни қайтардим унга яна қаттиқроқ.  
 Шунда у баттол кампир сўзимни эшитди-ю,  
 Бошини сал кўтариб, бор, нари кет, дегандай —  
 Ўнг қўлини силтади. Шунда мен ғазаб билан  
 Ундан юз ўтирдиму йўл олдим хос хонага.  
 У ердан пинҳон йўлак элтарди хазинага.



Борар эканмиз  
Кўрдик, келардилар  
Рўпарамиздан —  
Тутунлар ичидан  
Чиқиб даҳшатли  
Ғазабли тангрилар,  
Бўйлари — осмон.  
Намоён бўлдими  
Улар чин ёки  
Даҳшат, қўрқув ичра  
Кўзларимизга  
Шундай кўриндими,  
Билмаймиз. Аммо...  
Аммо қаршимизда  
Турган бу махлуқ  
Туш эмас, хаёлмас,  
Балки ҳақиқат.  
Уни тутмоқ мумкин  
Қўл билан, фақат  
Йўлимизни тўсар  
Жирканиш, қўрқув.

Сен — Форкис қизисан,  
Буни биламиз.  
Аммо сен қай бири?  
Улар учовлон.  
Берилган уларга  
Бир тиш ва бир кўз.

Наҳотки сен, эй сен —  
Жирканч башара,  
Феба кўз олдида  
Ҳусн тимсоли —  
Шу паризод ила,  
Шу малак ила  
Ёнма-ён турмоққа  
Журъат қилурсан?

Майлига, турабер,  
Хусн заргари —  
Хунук нарсаларни  
Кўрмас мутлақо.  
Сояга тушмайдур  
Куёшнинг кўзи.  
Аммо бизни эса,  
Биз шўрликларни  
Ёнма-ён турганда  
Қабоҳат билан —  
Чидамоққа мажбур  
Айлаган тақдир.

Нафратимиз сенга,  
Эй беор хилқат,  
Қарғиш сўзларини  
Эшит бизлардан,  
Яъни тангри бахтли  
Қилиб яратган,  
Яъни хуш рўй берган  
Бандаларидан.

### *Форкиада*

Жуда қадимий, аммо эскирмас бул ҳақиқат:  
Гўзаллик билан номус сира бўлмас ёнма-ён,  
Доимо бир-биридан айру тушар йўллари.  
Қадим-қадимдан улар бир-бирини лаънатлар.  
Агарда тасодифан дуч келсалар мабодо,  
Дарҳол бир-бирларидан юз ўтурурлар улар  
Ва икки ён кетурлар: номус доимо ғамгин,  
Гўзаллик эса зафар шавқи ила мастона.  
Шундай давом этади, то гўзалликни Оркус<sup>161</sup>  
Забун этмагунича, ё кексалик — балоғат —  
Донишу тафаккурга уни ўргатмагунча.  
Эй ўзга юртдан келган, эй хуснига мағрурлар,  
Мени кўриб дафъатан чуғурлашиб қолдингиз  
Танҳо йўлчи устидан бетартиб сурон билан  
Чуввос солиб ўтгувчи гала турналар мисол.

Йўлчининг не иши бор кўкда турналар билан,  
 У бир назар ташлару сўнгра яна бепарво  
 Уларни кўрмагандай йўлида этар давом,  
 Йўлчи ўз йўли билан, қушлар ўз йўли билан.  
 Ўша қушларнинг кунни келар букун сизга ҳам.  
 Сизлар кимсиз ўзингиз, подшонинг саройига  
 Мастога менадалар<sup>162</sup> каби ёпирилдингиз?  
 Кимсизки, калитдорга ўшқирурсиз бунчалар,  
 Мисоли юлдузли тун ойга ҳуриган итдек?  
 Балки сизлар ўйларсиз мени у танимас деб.  
 Сиз жангу жадалларда биноатга келгансиз,  
 Сизлар фоҳишаларсиз, бузуқлик тарқатгувчи —  
 Аскарлар ичида ҳам халойиқ орасида.  
 Менинг кўзимга гўё гала чигиртка бўлиб  
 Кўринурсиз, боғу роғ, далаларнинг офати.  
 Сиз ўзгалар меҳнатин тагига сув қўйгувчи,  
 Сизлар фаҳш бозорининг арзон матоҳларисиз.

*Елена*

Беканинг ҳузурида жорияни таҳқирлаш  
 Бекалик ҳуқуқига қасд этмоқ-ла баробар.  
 Канизни яхшилиги эвазига тақдирлаш  
 Ва ёки ёмонлиги, қусри учун жазолаш  
 Ёлғиз малика иши. Ўзганинг ҳеч ҳақи йўқ.  
 Мен ўз канизларимнинг хизматидан розиман,  
 Уларнинг меҳру сидқин жуда кўп бор синадим.  
 Ҳали курашаётган чоғида ҳам Иллион<sup>163</sup> —  
 У таслим бўлганда ҳам — менинг канизакларим  
 Садоқат ила ҳаргиз ҳузуримда бўлдилар.  
 Мен уларни сафарда яна бир бор синадим,  
 Денгизда, узоқ йўлда, таҳликалар остида,  
 Ҳар ким учун ўз жони ширин бўлган онларда,  
 Ишонаман, бунда ҳам содиқ бўлурлар менга,  
 Шу боисдан сен бас қил ноўрин таҳқирингни.  
 Мен йўқлигимда агар подшонинг саройини  
 Тутган эсанг саранжом — бунинг учун ташаккур.



Энди мен ўзим келдим. Одоб билан четда тур,  
Йўқса мукофот эмас, жазо олишинг мумкин.

*Форкиада*

Хизматкорни тергамоқ — саодатли подшонинг  
Умр йўлдоши учун берилган олий ҳуқуқ.

Бу ҳуқуққа у кўп йил уйга бекалик қилиб,  
Катта рўзгор жиловин қўлда тутиб эришгай.

Сен яна ўз жойингни эгаллаган экансан,

Яна бўлган экансан уйга бека, малика,

Бўш қўйилган жиловни олгин энди қўлингга,

Эгалик қил сен ўзинг бойликка ҳам, бизга ҳам.

Лекин даставвал мени, мен қари калитдорни

Мана бу галалардан ҳимоя қил малика.

Сен кўзимга бамисли оққуш бўлиб кўринсанг,

Булар сенинг қошингда гала ғозларга ўхшар.

*Хор бошқарувчиси*

Гўзал ёнида хунук баттар хунук кўринар.

*Форкиада*

Оқил ёнида аҳмоқ бўлар яна аҳмоқроқ.

*Фор ичидан Хоретидалар бир-бир чиқиб  
сўзлайдилар.*

*Биринчи хоретида*

Соғ борми отанг Эреб? Онанг Тун саломатми?<sup>164</sup>

*Форкиада*

Сенинг туғишган опанг Сцилла қалай, сўйла?<sup>165</sup>

*Иккинчи хоретида*

Уруғ-аймоғинг бари сен сингари жирканчми?

*Форкиада*

Сен ўз уруғ-аймоғинг лаҳатлардан излагин.

*Учинчи хоретида*

Лаҳатдагилар, ҳатто сендан гўзал ва ёшроқ.

*Форкиада*

Қари Тирезей<sup>166</sup> билан дўзахда айш этгин сен.

*Тўртинчи хоретида*

Орионнинг онаси<sup>167</sup> неваранг бўлса керак.

*Форкиада*

Наздимда, сен егансан Гарпиялар<sup>168</sup> шатрофин.

*Бешинчи хоретида*

Бу қоқ суяк танингга физо недур, жавоб бер.

*Форкиада*

Менга физо ҳарқалай сен ўч бўлган қон эмас.

*Олтинчи хоретида*

Ўлаксахўр қузғунсан, ўзинг ҳам мурдасимон.

*Форкиада*

Оғзингни юм, ялмоғиз, тишларингни кўрсатма.

*Хор бошқарувчиси*

Оғзингни ёпай ўзим айтиб сенинг кимлигинг.

*Форкиада*

Ўзинг кимлигинг айтсанг, ҳамма гап бўлур равшан.

*Елена*

Бас, энди олишувни тўхтатинг, буюраман,

Йўқ, газаб билан эмас, фақатгина ранж билан.

Хизматкорлар бўлмаса бир-бирига иттифоқ,

Бу нифоқдан аввало зарар кўрар хонадон.

Ноиттифоқ канизлар беканинг буйруғини

Адо эта олмаслар ўз вақтида бекам-кўст.

Тортишув жанжал билан ўтиб фақат кунлари.

Лекин гап бунда эмас. Ўзаро жанжал билан

Бир-бирингизга айбу таҳқир ёғдириш билан

Сиз менинг хотирамда уйғотдингиз қайтадан

У даҳшатли кунларни, у машъум шарпаларни,

Гарчи, толеимга, мен яна ўз юртимдаман,

Оркус зулмати аро ҳис қиляпман ўзимни.

Мен кечирган у кунлар, билмайман, ҳақиқатми,

Ё уйқулик кечада кўрган тушларимми ул?

Ростдан ҳам мен ўзимми ўшал даҳшатли аёл,

Касрига шаҳарлару кишварлар барбод бўлган?!

Қизлар титрамоқдалар даҳшат онларни эслаб,

Бир сен бунда парвосиз, бирор нарса айт ўзинг.

*Форкиада*

Ким агар узоқ йиллар саодатга ёр бўлса,  
 Унга ўтган йиллари бир туш бўлиб кўринар.  
 Сенга ҳадя этдилар тангрилар сон-саноқсиз  
 Ҳамда ҳадду поёнсиз қувонч ила толелар.  
 Сен фақат йўлларингда қурбон бўлмоққа тайёр,  
 Сени жонидан севган фидойиларни кўрдинг.  
 Илк бор сенга муҳаббат қўйган эди мард Тезей<sup>169</sup>,  
 Гўзаллик ва қудратда Геркулесга баробар.

*Елена*

Оҳудайин жон эдим энди ўн ёшга тўлган.  
 У мени Аттиканинг бир бурчагида ётган  
 Афина шаҳарига олиб қочган чоғида.

*Форкиада*

Сўнг сени Кастор билан Поллукс озод этди,  
 У йиллар не-не мардлар сенга бўлдилар жазман.

*Елена*

Ўша мардлар ичида менга ҳаммасидан ҳам  
 Патрокл манзур эди Пелид сиймо баҳодир.

*Форкиада*

Ва лекин отанг сени Менелайга узатди,  
 У баҳодир денгизчи ҳам оилапарвар зот.

*Елена*

Отам мен билан унга шоҳлик тахтини берди,  
 Бу турмушдан Гермийон — ўғлон келди дунёга.

*Форкиада*

Умр йўлдошинг сенинг Крит юртин оларкан<sup>170</sup>,  
 Танҳолигингда сенга меҳмон бўлди бир барно

*Елена*

Нега менга эслатдинг ўша офир кунларни,  
 Ярим беваликдаги чеккан аламларимни.

*Форкиада*

Мен озод Крит қизи ўша йилларда илк бор  
 Кўриб билдим нимадир бандилик ва чўрилик.

*Елена*

Сен шоҳ хонадонидида калитдор бўлиб қолдинг,  
 У қўлингга топширди ўлжа хазинасини.

*Форкиада*

Лекин сен афзал кўрдинг ўша хазиначардан —  
 Ер билан айш кўришни Троя кўрғонида.

*Елена*

Йўқ, ҳеч айшдан гапирма. У кунлар қувонч эмас,  
 Мен учун поёни йўқ азобли кунлар эди.

*Форкиада*

Дерлар, яшаганмишсан сен икки қиёфада<sup>171</sup>:  
 Бир вақтнинг ўзида Троя ҳам Мисрда.

*Елена*

Бундоқ бемаъни сўзни асло гапира кўрма,  
 Усиз ҳам чалкашлик кўп кечмишимда бағоят.

*Форкиада*

Яна айтардиларки, сени ҳаёт чоғида  
 Жонидан севган Ахилл висолингни қидириб<sup>172</sup> —  
 Адам дунёсин қўйиб келган эмиш ёнингга.

*Елена*

Мен у билан қовушдим бамисли руҳ руҳ билан,  
 Ё соя соя билан қовушгани сингари.  
 Булар бари туш эди. Воҳ, ҳушдан кетмоқдаман.

*(Хоретидалар қўлига беҳуш йиқилади)*

*Хор*

Жим бўл, оғзингни юм,  
 Эй ёвуз баттол!

Бу бир тишлик оғиз,  
 Бу заҳарли тил  
 Айтмоғи мумкинми  
 Бирор яхши сўз?

Кўзичоқ терисин  
 Кийган бўрининг  
 Доғуси хавфлидур  
 Уч бошли итдан.

Ҳайратда боқурмиз:  
Бу кўрқинч махлуқ,  
Шунчалар макрни  
Қаёқдан олди?!

Тинчитмоқ, овутмоқ  
Ўрнига уни,  
Даҳшатли кунларни  
Ёдига солдинг.

Бугунни кўзига  
Қаро қилдингу  
Умид, келажаги  
Йўлларин ёпдинг.

Жим бўл, оғзингни юм,  
Эй ёвуз, баттол,  
Бизни тарк этмасин  
Токи малика —  
Олам кўзи кўрган  
Энг гўзал сиймо.

*Елена ўзига келади ва яна хор орасидан  
жой олади.*

### Форкиада

Юзингни оч эй қуёш, табассум қил, малика,  
Ғамда чиройли эдинг, шодликда гўзалроқсан.  
Чақнаган кўзларингга олам кўрки очилди,  
Гарчи мен бедавоман, ҳусн қадрин билурман.

### Елена

Беҳушлик оламидан ўзимга келмоқдаман,  
Вужудим ҳорғин, жон деб беҳушликка қайтардим.  
Лекин барча сингари малика ҳам ўзини  
Йўқотмаслиги керак фалокатнинг олдидан.

*Форкиада*

Сен бугун гўзаллигу улуғворлигинг билан  
Қаршимизда турибсан. Сўйла, не буюрурсан?

*Елена*

Гап билан ўтди фурсат, энди подшо айтгандек  
Қурбонликда не керак, барини тез ҳозирла.

*Форкиада*

Ҳамма нарса тахт турар: барча хил идишлару  
Ўткур болта ва бахур, фақат жонлиқни кўрсат.

*Елена*

Шоҳ жонлиқни айтмади.

*Форкиада*

Э, воҳ? Бу не кўргилик!

*Елена*

Нега оҳ-воҳ қилурсан?

*Форкиада*

Жонлиқ, демак, сен ўзинг!

*Елена*

Наҳотки? Мен?

*Форкиада*

Булар ҳам

*Хор*

Оҳ!

*Форкиада*

Сен чопилажаксан.

*Елена*

Мен буни сезган эдим.

*Форкиада*

Бунинг ҳеч чораси йўқ,

*Хор*

Биз-чи, нима бўлурмиз?

*Форкиада*

Бекангиз шараф билан

Маликалар сингари қурбон бўлар, сиз эса

Майна қушлардек қатор шипга осилажаксиз<sup>173</sup>.

*Елена ва хор даҳшат ичида чекиниб лол туришади.*

Арвоҳлар! Нечун, ажаб, ҳайкал каби қотдингиз?  
 Жон ширинми? У ахир энди сизники эмас.  
 Одамлар ҳам сиз каби асли арвоҳдур, аммо  
 Офтоб нуридан сира жудо бўлгиси келмас.  
 Лекин қисмат дастидан ҳеч кимсага йўқ омон,  
 Буни барча билади, лекин барча тан бермас.  
 Етар, кунингиз битди! Ҳей, қанисиз зобиҳлар!

*(Чапак чалади)*

*Эшикда ниқоб кийган миттилар пайдо бўлишади ва Форкиада берган буйруқларни бажаришади.*

Қани, тезроқ бу ёққа, эй миттилар галаси!  
 Бунда сиз роса яйраб кўнгил очурсиз бу дам.  
 Келтириб қўйинг дарҳол тиллашоҳли мазбахни,  
 Кумуш ойболтани ҳам қўйиб қўйинг ёнига.  
 Кўзаларга тезгина сув тўлатиб келтиринг,  
 Сачраган қора қонни ювиб тозалаш учун,  
 Тиз чўкиб мазбахга бош қўйгувчи маликанинг  
 Оёқлари остига алвон гиламлар тўшанг.  
 Бошидан жудо бўлган табаррук танасини  
 Ўша гиламга ўраб элтажакмиз қабрга.

*Хор бошқарувчиси*

Хаёлга чўмганича четда турар малика,  
 Кесилган гуллар каби сўлиб бормоқда қизлар.  
 Мен бу давра ичида энг ёши улуғиман,  
 Сен билан икки оғиз сўзлашиб олишим — фарз.  
 Оқиласан, доносан ҳам бизга тарафдорсан,  
 Бу қақилдоқлар сени ранжитган бўлсалар ҳам,  
 Айт, бизга холос бўлиш йўли сира йўқмикан?

*Форкиада*

Айтишга осон! Ўзни ҳам канизакларни  
 Ўлимдан сақлаш фақат маликанинг кўлида.  
 Бунинг учун керакдур дадиллик ва шахдамлик.

*Хор*

Эй, шон-шуҳратли парка, сивиллалар доноси!  
 Ҳаётимиз риштасин узма, бизга кўмак бер.  
 Ҳис қилмоқдамиз ҳозир, ўлимнинг машъум,  
совуқ,
 Даҳшатли панжалари ишқ учун яралган бул  
 Танимизга тегмоқда.

*Елена*

Улар кўрқсалар, маъзур. Менда эса кўрқув йўқ,  
 Фақат алам бор. Агар халос йўли бўлса айт.  
 Дониш ёр бўлса доим чора топилур албат,  
 Не маслаҳат берурсан, майли қабул қилайин.

*Хор*

Тезроқ айта қол бизга халос бўлмоқ йўлини,  
 Шу тобдан бўйнимизга чирмашгувчи ул дағал  
 Ўлим сиртмоқларини тасаввур қилмоқдамиз.  
 Ўзинг халос эт бизни, аё шафқатли Рея,  
 Тангриларнинг онаси!

*Форкиада*

Мен сизларга кўп нарса баён қилурман, агар  
 Бу узун ҳикоямни сабр ила эшитсангиз.

*Хор*

Майли ҳикоя айтиб умримизни чўз бир оз.

*Форкиада*

Кимки уйда ўлтириб, бойликларин асраса,  
 Ким ямаса нурамоқ бўлган деворларни,  
 Ким томига қараса, чакка томдирмаса ҳеч,  
 Ул ўз хонадонида яшайди узоқ омон.  
 Ким енгилтаклик қилиб ўз уйини тарк этса,  
 Ўзга юртга жўнаса ишрат кетидан қувиб,  
 Ул қайтиб ўз уйини аввалгидек топмагай,  
 Ободонлик ўрнида вайронлик кўрур албат.



*Елена*

Ҳал қилувчи бу дамда таъналар нечун керак?  
Маълум гапларни қўйиб ҳикоянгни бошлайбер.

*Форкиада*

Бу сўзларим таънамас, огоҳ бўлмоғинг учун.  
Ўзга оролар бўйлаб, ўзга қирғоқлар бўйлаб  
Денгизда қароқчилик қилиб кезди Менелай,  
У ҳар бир сафаридан ўлжалар олиб қайтди.  
Сарой ичи тўладир олтин, кумушлар билан!  
Ўн йилдан кўп Троя бўсағасида турди,  
Қайтишда қанча сузди — буни аниқ билмайман.  
Бу узоқ вақт ичида нима бўлди салтанат?  
Тиндерей саройининг аҳволи нима кечди?

*Елена*

Наҳот таҳқир сен билан эгиз келмиш дунёга,  
Наҳот дилни ранжитмай бир сўз айта олмассан?

*Форкиада*

Жанубдан Спарта-ю, шимолдан Тайгет билан  
Ўралган води кўп йил қолди кўзлардан йироқ.  
Эврот сойи тоғлардан бағрига интилгувчи,  
Қамишлари ичида оққушлар макон тутган  
Бу водига шимолдан — ярим тун ўлкасидан  
Келмиш қандайдир бир эл — ботир, ёвқур,  
навқирон.

Мустаҳкам қалъа қуриб, тутиб унда истехком,  
Улар ўша қалъадан бошқармоқда ўлкани.

*Елена*

Наҳотки бу мумкинدير! Қандай журъат этдилар?

*Форкиада*

Улар ихтиёрида йигирма йил вақт бўлди.

*Елена*

Сардорлари ҳам борми? Кўпми ул қароқчилар?

*Форкиада*

Йўқ, улар қароқчимас. Уларнинг сардори бор.  
У мени таҳқир қилди, лекин уни қарғамам,  
Чунки у хазинанинг бор-йўғини таламай,  
Фақат бир қисмин олди савфо тариқасида.

*Елена*

Кўриниши қанақа?

*Форкиада*

Дуруст. Менга ёқди у,  
 Эпчил, кўрқмас ва оқил, суҳбатда ҳам мулойим.  
 Бундай оқил одамни топиб бўлмас Юнонда.  
 Уларнинг эли гарчи ёввойи аталса ҳам,  
 Трояда жанг қилган Юнон аскарлари қадар  
 Кўзларига қон тўлган ваҳший одамхўр эмас.  
 Ишондим ул сардорнинг олижаноблигига.  
 Уларнинг истехкоми тоғнинг тик ён бағрида,  
 Унга бир қарасайдинг. Сизнинг ота-боболар  
 Қуриб кетган беўхшов қалъаларга ўхшамас.  
 Ваҳший циклоплар каби тошни тошларга қалаб  
 Иморат қуришмаган, бу қалъа тамом ўзга:  
 Деворлар тўғри, текис, силлиқ, чиройли, адил.  
 Кўрсанг эдинг, мисоли тийри камон каби тик,  
 Бош тираб турар нилий фалак гумбазига ул.  
 Пўлат каби мустаҳкам, ойна каби силлиқдир,  
 Унга чиқмоқ бўлганнинг, ҳаттоки бу хаёли  
 Тик девордан юмалаб пастга тушиб кетади  
 Қалъа ичкарасида иморатлар бор талай,  
 Саройлар, колонналар, гўзал галереялар,  
 Герблар...

*Елена*

Буниси надир?

*Форкиада*

Ёдингизда бўлса гар  
 Аякс қалқонида бор эди аждар шакли.  
 Фиванинг етти ботир қаҳрамонларининг ҳам  
 Совутларида ҳар хил тамғалар бўлар эди.  
 Ой ва юлдузлар шакли, қиличларнинг тасвири,  
 Қамал вақтида қалъа, истехкомлар даҳшати —  
 Бўлар эди машъала ва шотулар суврати.  
 Улар қалқонга ўйиб ёки қабарик қилиб  
 Тасвир этилар эди. Худди шундай тамғалар

Ўшал ботирларга ҳам ота-боболаридан  
 Мерос ва одат бўлиб қолган. Бу тамғаларда  
 Бургуту арслонларнинг ва хўкиз шоҳларининг,  
 Гуллар, товус думлари ва бургут қанотлари,  
 Турли қора ва зангор зар, кумуш тасмаларнинг  
 Сувратлари бор. Бу хил герб урилган совутлар  
 Осмондай кенг саройлар теграсига осилган.  
 Яйраб рақс этмоққа хўи боп жойлар —  
 бу саройлар.

*Хор*

Раққослар борми унда?

*Форкиада*

Ҳа бор! Гўзал йигитлар!

Жингалак олтин сочли, ёшлик кучи барқ урган,  
 Бамисоли бир маҳал гўзал маликамизни  
 Банд этган Форис каби ҳусну қудратга тўлган.

*Елена*

Ҳаддингни бил. Асосий гапдан четга чиқмагин.  
 Нима таклиф қилурсан? Истагингни билдир тез.

*Форкиада*

Истагингни сен билдир. Хоҳласанг шу ондаёқ  
 Тўхтамай ул қалъага сени бошлаб борурман.

*Хор*

Бир сўзинг билан ўзни ҳам бизни халос айла!

*Елена*

Ақлим ҳеч бовар қилмас: наҳот эрим, буюк шоҳ,  
 Менга нисбатан шунча бешафқатлик кўргизур!  
 Йўқ Менелай ҳеч қачон бундай қотиллик қилмас.

*Форкиада*

Ёдингдан чиқмагандир у Фориснинг укаси —  
 Дейфобни, яъни Форис ҳалок бўлганидан сўнг  
 Сени ўзига хотин қилган ҳассос Дейфобни  
 Менелай қай тариқа азоблаб ўлдиргани.  
 Аввал кесиб ташлади кулоқ билан бурнини,  
 Сўнг бошқа аъзоларин... Даҳшат, нақадар  
 даҳшат!

*Елена*

Мен туфайли шўрликни шунча қийноққа солди.

*Форкиада*

У туфайли сени ҳам солар шундай қийноққа.

Хусн шундай мулкдирким, йўқдир унинг

тақсими!

Унга молик бўлса ким, ўзга бир кимса билан

Баҳам кўргандан кўра, уни йўқ қилур тамом.

*Узоқдан карнай садолари келади. Хор ҳаяжонда.*

Садо келур қулоқни қоматга келтиргувчи,

Солгувчи юракларга ҳаяжону ғалаён,

Бамисоли йўқолган муҳаббат изтироби,

Рашк изтироби эркак юрагида уйғотиб

Ҳаяжону ғалаён титратгувчи оламини.

*Хор*

Карнайлар садо берур. Ярақлайди қиличлар.

Буларни эшитдингми, кўрдингми сен, малика?

*Форкиада*

Салом, эй улуф подшоҳ, ҳисобот бергум сенга!

*Хор*

Бизлар-чи, биз?

*Форкиада*

Малика ҳалок бўлур, кўрарсиз,

Ундан кейин гал сизга. Нажот беролмам сизга.

*Елена*

Қилажак ишимнинг мен режасин тузмоқдаман,

Гарчи билиб турибман, сен иблиссан муқаррар,

Мақсудинг — яхшилиқни ёмонликка бурмоқдур,

Шундай бўлса ҳам майли, киргум сенинг сўзингга:

Бошла ўша қалъангга, мен борайин изингдан!

Ва лекин маликанинг кўнглида тугиб қўйган

Мақсадлари биргина унинг ўзига аён.

Ҳеч ким воқиф бўлолмас. Қани, бошла,

эй кампир!

## Хор

Жон деб, жон деб борурмиз  
Бизлар ўша томонга.  
Ўлим даҳшати ортида,  
Олдинда — улкан қалъа,  
Деворлари мустаҳкам.  
Эй сен улугвор қаср,  
Маликани яширгин.  
Худди бизнинг Троя,  
Фақат ёвнинг ҳийласи,  
Макри ила олинган  
Троямиз сингари  
Уни сақлагин омон.

*Саҳнанинг ичкараси ва орқасини  
туман қоплайди.*

Кўряпсизми? Нима бу?  
Осмон эди беғубор,  
Ноғиҳон тушган туман  
Беркитди Эвротни ҳам  
Унинг қамишлар ўсган  
Осуда қироғонини.  
Мағрур гўзал оққушлар,  
Ойнадек тиниқ сувда  
Оҳиста сузиб юрган  
Гала-гала оққушлар  
Нигоҳлардан беркинди.  
Узоқлардан келмоқда  
Уларнинг бўғиқ, нолон  
Ҳаяжонли овози.  
Дерларки, оққушларнинг  
Қўшиғи берар эмиш  
Яқин ўлимдан хабар.  
Э воҳ, фақат бу сафар,  
Илоҳим ушбу ҳикмат  
Тўғри бўлиб чиқмасин.

Биз ўзимиз ҳам ўша  
Оққушларга ўхшаймиз —  
Оппоқ, баланд кўксимиз,  
Оппоқ бўйнимиз билан.  
Маликамиз-ку асли,  
Зевс — оққушнинг қизи.

Қора зулумот билан  
Чулғанмоқда чор-атроф.  
Илғаёлмас кўзимиз  
Бир-биримизни, ҳатто.  
Билмаймиз, турибмизми  
Ва ёки юрмоқдамиз.  
Недир бир ажаб нарса  
Кўринмоқда ҳавода.  
Бўл бизларга кўринган  
Гермес эмасми, қизлар?  
Ялтираб турган унинг  
Таёғи эмасмикин?  
Ҳа, у бизни Аиднинг  
Даҳшатли гирдобига,  
Мангу зулмат маскани,  
Шарпалар маконига  
Қайтмоқни буюрмоқда.  
Қоронғулик чўкмоқда:  
Туман тарқалар, аммо  
Ёруғликдан асар йўқ.  
Олдинда девор, девор.  
Қаршимизда тўсиқлар.  
Саройми бу ё мозор?  
Оҳ, нақадар даҳшатли!  
Йўлларимиз боғланди.  
Қопқондамиз, асирмиз,  
Қизлар, ҳеч қачон бундоқ  
Асир бўлган эмасмиз.

## ҚАЛЪАНИНГ ИЧКАРИСИ. ЎРТА АСРГА ХОС ҲАШАМАТЛИ МУНАҚҚАШ ҚАСРЛАР

*Хор бошқарувчиси*

Аёл зоти шу — бари тентак, енгилтак,  
Дақиқанинг қурбони, кайфият асираси.  
Сизлар бахтли дамда ҳам, бахтсизлик онда ҳам  
Намоён этолмайсиз вазминлик ва қатъият.  
Ҳеч бир ишда ҳеч қачон ҳамжиҳатлик йўқ сизда,  
Қувончда ё қайғуда сизнинг ишингиз фақат —  
Қийқириқ ё доду вой. Бошқа нарса билмайсиз.  
Бас энди, чуввос солманг. Тинчланиб қулоқ  
тутинг.

Қандай қарорга келур, не буюрур малика?

*Елена*

Қайдасан, эй соҳира? Номинг не эди сенинг,  
Майли Пифонисса бўл, фақат тезроқ чиқа қол  
Қаср ичкарисидан ва бунда бўл намоён.  
Мабодо, сен бизларнинг бу ерга келганимиз  
Қалъанинг соҳибига хабар қилмоқчи эсанг,  
Менинг йўлимга пешвоз чиқмоғин айтар бўлсанг,  
Сенга раҳматлар бўлсин. Фақат ҳаялламай тез  
Мени ўша баҳодир ҳузурига бошлагин.  
Жуда-жуда чарчадим. Тин олмоқни истайман.

*Хор бошқарувчиси*

Чор атрофга термулма, изламагин малика,  
Туман ичра йўқолди ул бедаво шум кампир.  
Биз ул туман ичидан сеҳр қудрати ила  
Жойимиздан жилмайин пайдо бўлдик бу ерда.  
Балки у ҳақиқатан, қаср ичига киргандир  
Бу юртнинг сардорини хабардор этмоқ учун,  
Токи у пешвоз чиқиб шоҳона қабул қилсин.  
Токи бул неча-неча қасрлардан жам бўлган  
Улкан саройда сени, шону шуҳратингга хос,  
Лойиқ дабдаба билан қаршилаб олсин букун.  
Ана, қара малика, ойналардан кўринур,  
Ичкарида маҳрамлар уймалашиб қолдилар.

Хизматкорлар ҳар ёнда югуришиб юрипти,  
Демакки, қабул учун кўрилмоқда ҳозирлик.

*Хор*

Енгил нафас олурмиз. Ана, қаранг у ёққа,  
Саф-саф бўлиб бир талай хулқи хуш ва мулойим  
Йигитлар юқоридан оҳиста тушмоқдалар.  
Кимнинг буйруғи ила бу кўркам ёш ўғлонлар  
Биз томон келаётир қатор-қатор бўлишиб?  
Қаранг улар ҳуснига, сафлар текислигига,  
Қоматларнинг бу қадар келишганига қаранг.  
Жингалак соч бедамиш уларнинг пешонасин,  
Ёноқларида кулгич, юзлари силлиққина,  
Бамисоли шафтоли — тишлаб олгинг келади.  
Тишлаб олар эдимү, лекин айтмоқ ҳам даҳшат —  
Мозор тупроғи билан тўлиб чиқар даҳаним<sup>174</sup>.

Гўзал йигитлар  
Келмоқда бу ён.  
Не келтирурлар?  
Тахт била гилам,  
Ҳарир ёпинчиқ.  
Маликамизнинг  
Оёқларига  
Тўшалур гилам.  
Бошлари узра  
Ҳилпирар ҳарир.  
Ана у қадам  
Қўяр тахт сари.  
Биз давра бўлиб  
Қуршайлик уни.  
Шон бўлсин, шон бўлсин, шон бўлсин, яна —  
Уч бор шарафлансин бу қутлуғ қабул.

*Хор айтган ишлар бирин-кетин бажарилади.  
Узун саф бўлиб зинадан маҳрамлар ва соқчи-  
лар тушганидан сўнг юқорида ўрта аср рица-*



*ри кийимда Фауст пайдо бўлади ва оҳиста виқор билан настга тушади.*

*Хор бошқарувчиси*

*(Унга диққат билан назар солиб)*

Агар қодир тангрилар бул бахтиёр йигитга  
Шундай қадду қоматни, шундай барно ҳусни  
Фақат вақтинча эмас, берган бўлса абадий,  
У ҳар ерда, ҳар қачон ёр бўлғуси нусратга.  
Қонли жангда йигитлар устидан ғолиб бўлур —  
Гўзал қизлар устидан муҳаббат жангоҳида.  
Мен жуда кўп хушқомат, барноларни кўрганман,  
Лекин бундай йигитни кўрмоқдаман илк дафъа.  
Мана тавозе билан яқинлашиб келар у,  
Эй малика, сен ўзинг унга боқу бир сўз айт!

*Фауст*

*(Кишан солинган одамни олиб келади)*

Эй малика, сени соз қабул этмоқ ўрнига,  
Салом сўзини айтиб пешвоз чиқмоқ ўрнига —  
Занжирбанд бу одамни қошингга келтирурман.  
У ўз бурчини адо этмади-ю, бу билан  
Мени ҳам маҳрум этди бурчимни бажармоқдан.  
Маликанинг қошида тиз чўкиб тур, тубан зот!  
Қилган гуноҳинг учун узр сўра ёлбориб.  
Эй маликам, бу қулнинг вазифаси нозирлик,  
Мен уни ўткир кўзи ҳам сезгирлиги учун  
Бу ишга тайин этдим. У юксак минорадан —  
Ҳов, уфқларга қадар чор атрофга кўз ташлаб,  
Нимаики пайқаса хабар бермоғи даркор.  
Хоҳ қўй подаси бўлсин, хоҳ ёв лашкари бўлсин —  
Не кўрса бизни огоҳ этмоқ унинг бурчидир.  
Биз эсак подаларни сақлаймиз, ёвни эса  
Яксон қилурмиз. Букун, эй мўътабар малика,  
У катта гуноҳ қилди, сира кечириб бўлмас.  
Сен бу ерга келибсан, лекин бу ҳодисадан  
У бизни ўз вақтида огоҳ эта олмабди.

Шу қулнинг айби билан сени бизлар ярашиқ —  
 Зўр тантаналар билан қабул эта олмадик.  
 У ўлимга лойиқдир. Балки у алақачон  
 Ўз қонига қоришиб тупроқда ётар эди,  
 Аммо сен келиб қолдинг. Ўзинг ҳукм этгил уни,  
 Энди ул сеникидир, хоҳ ўлдиру хоҳ қолдир.

*Елена*

Менга юксак мартаба бағишладинг сен букун,  
 Ҳам малика, ҳам ҳакам — жуда катта шараф бу.  
 Гарчи сен менга бу қул ҳаётини топшириб —  
 Мени синамоқ бўлдинг, буни дарҳол англадим,  
 Ҳакамлик вазифасин адо этиб аввало —  
 Гуноҳкорни сўроқлай.

*Даракчи линцей*

Хоҳ тиз чўктир, хоҳ турғиз,  
 Хоҳ ўлдир, хоҳ бер нажот,  
 Жоним сеники ҳаргиз,  
 Сенга фидо бу ҳаёт.

Мен офтобни ҳар саҳар  
 Шарқ томондан кутардим,  
 Во дариф, у бу сафар  
 Жанубдан бош кўтарди.  
 Қаролмадим атрофга.  
 Йўқотдим у ўзимни  
 Фақат ўша офтобга  
 Тикиб қолдим кўзимни.

Табиат қоплон кўзин  
 Бахш этмиш менга тугал.  
 Ўз кўзларимга ўзим  
 Ишонмай қолдим бу гал.  
 Бу минора, бу девор,  
 Осма кўприк ҳам, ҳатто —  
 Бул чиройдан баякбор  
 Чулғанди туман аро.

Кўзим ўткир ёғдуда  
 Қамашди-ю бўлдим дол.  
 Мана ўшал маъбуда,  
 Сизларни ҳам қилур лол.

Бурғу чалолмай қолдим,  
 Беролмай қолдим хабар.  
 Буйруғингни кутай жим,  
 Чоп ё афв эт бу сафар.

*Елена*

Мен туфайли содир бўлган айб учун  
 Ўзгани мен қандай айблагайман?  
 О бешафқат тақдир, не учун мени  
 Эркаклар қалбининг офати қилиб,  
 Бошларига бало қилиб яратдинг?  
 Неча баҳодирлар, Тангри, иблислар  
 Беомон жанг қилиб бир-бири билан,  
 Бир-бирини алдаб, сўйиб, банд этиб,  
 Бир-биридан мени олиб қочдилар.  
 Мен уларнинг оғир сафарларида,  
 Чекинишларида, ҳужумларида  
 Бирга бўлиб кездим оламда сарсон.  
 Аввал бошда бир бор бало келтирдим,  
 Сўнгра икки карра, сўнгра уч карра,  
 Сўнг эса тўрт карра. Озод қил уни.  
 Ҳеч бир гуноҳи йўқ бул бечоранинг —  
 Тангрилар нуридан басир бўлган — пок.

*Фауст*

Маликаи чобук, сенинг ёнингда  
 Сен отган камондан кўкси захм ўлган  
 Битта қурбонингни кўриб турибман.  
 Тийрандоз экансан бағоят мерган,  
 Мен ҳам мажруҳ бўлдим отган ўқингдан,  
 Тасаввур қилурман сен бу қаср аро  
 Маскан тутиб, отсанг ўқлар беомон —  
 Яна қурбон бўлур неча-неча жон.

Мен нима бўлурман? Аскарим бари  
 Сенга асир бўлур, айлаб қасамёд,  
 Сенинг томонингга ўтадур аён.  
 Улар сенга дўсту менга ёв бўлур,  
 Мени сақлаёлмас шунда деворлар.  
 Не тадбир қилурман? Ҳукмимда бўлган  
 Давлат, аскар, мулкни, ҳатто ўзимни  
 Топширмоқдан ўзга ихтиёрингга —  
 Ҳеч иложим йўқдир. Демак, рухсат эт  
 Қошингда тиз чўкиб эълон қилмоққа:  
 Шу бугундан бошлаб биз сенга тобе,  
 Бизнинг маликамиз сенсан, бу қалъа  
 Энди сенинг изму ихтиёрингда,  
 Бутун молу давлат, тахт ҳам сеники.

*Линцей*<sup>175</sup>

*(Қутича кўтарган бир неча одамларни  
 бошлаб, ўзи ҳам қутича кўтариб киради)*  
 Мен изимга яна қайтурман,  
 Комил ишонч била айтурман:  
 Сен ҳар кимга солсанг бир нигоҳ  
 Бўлур зумда ҳам гадо, ҳам шоҳ.

Ким эдиму ким бўлдим энди?  
 Не истадим, не қилдим энди?  
 Чақмоқ эди мендаги нигоҳ,  
 Нигоҳингдан ушалди ногоҳ.

Бизлар келдик машриқдан қатор  
 Ва айладик мағрибни тор-мор.  
 Сон-саноқсиз эди аламон,  
 Сафлар билмас эди ҳад, поён.

Бир саф топса курашда завол,  
 Иккинчиси турарди дарҳол.  
 Бири ўрнин юзи эгаллаб,  
 Минги кетса бўлмасди ҳеч гап.

Бамисоли булут ё тошқин,  
Олга қараб борарди босқин.  
Букун бунда мен талар бўлсам,  
Эрта талар ўзга бир одам.

Ким не хоҳлар эса оларди;  
Ким қизларга чангал соларди,  
Ҳайдаб кетар эди бемалол  
Биров йилқи биров қорамол.

Лекин бўлсам мен қайда ҳозир,  
Олдим фақат не бўлса нодир.  
Талонлардан сўнг мен лаб ялаб  
Ўз ҳиссамни қилмадим талаб.

Мен изладим хазиналарни,  
Топдим пинҳон дафиналарни.  
Тешик, туйнук қолмади асло,  
Чўнтакларга қарадим, ҳатто.

Олтин йиғдим — бўлди беҳисоб,  
Инжу, гавҳар... барчаси ноёб.  
Бу зумрадда лек ўзга чирой,  
Қалб устидан бергин унга жой.

Мана уммон тубидан гавҳар,  
Қулоғингга тақиб ол, дилбар.  
Ёноғингни кўриб лаъл тош —  
Беролмас ҳеч номусга бардош.

Булар барин мен ўзим топдим,  
Оёғингга келтириб отдим.  
Ол, сеники уларнинг бари,  
Неча қонли жанглар самари.

Қутичалар бу ерда қатор,  
 Қутича не, сандиқлар ҳам бор.  
 Сандиқлар не, қалашиб ётар  
 Катта уйнинг шифтига қадар.

Сен бу тахтга ўлтирганинг он,  
 Эй ҳуснда танҳои замон  
 Бойлик, қудрат, дониш бари жим  
 Бўлди сенинг қошингда таслим.

Кеча булар меники эди,  
 Букун бари сеники энди.  
 Кеча менга қиммат эди бул,  
 Букун билдим, қошингда бир пул.

Барин сенга бериб мутлақо  
 Ўзим бўлдим қашшоқ ва гадо.  
 Уларга сен бир ташла назар,  
 Қадрин топсин марварид, гавҳар.

### Фауст

Сен бу босқинларда ўлжа олинган  
 Бойликларни тезроқ кўзлардан йўқот.  
 Бу қилмишинг сенинг мукофотга ҳам  
 Лаънатга ҳам лойиқ эмас. Йўқот тез.  
 Бу сарой ичида қалашиб ётган  
 Бойликларнинг бари маликаники.  
 Шундай экан, демак, унга арзимас  
 Бу кичик қисмни бермоқдан не наф?  
 Бор, сен хазинани тартиботга сол,  
 Сарой ичра барин жой-жойига қўй.  
 Ҳеч бир кўрилмаган манзара ярат,  
 Токи, кўзларимиз ҳайратда ёнсин.  
 Токи, бу саройнинг мунаққаш тоқи  
 Юлдузли фалакдай ярақлаб кетсин.  
 Шундай териб қўйки, жонсиз бу тошлар  
 Жаннат ҳаётини эслатсин бизга.

Малика саройга қўйганда қадам,  
 Йўлларига тўша гуллардан гилам,  
 То нозик оёқлар озор чекмасин.  
 Шуъла сочиб турсин лаълу ёқутлар,  
 Ёлғиз тангрилар тик қарашга қодир  
 Жило маликани қаршилаб олсин.

*Линцей*

Бу арзимас буйруқни дарҳол  
 Бажаради қулинг бемалол.  
 Чунки бунда бор аҳли қаср  
 Маликага бандаю асир.  
 Унга кўзи тушгач, баробар —  
 Қуролини ташлади аскар.  
 Кўкка чиқди ҳусн офтоби,  
 Ожиз қолди қуёшнинг тоби.  
 Оламни у эгаллаб олди,  
 Ҳамма нарса ҳеч бўлди қолди.

*Кетади.*

*Елена*

*(Фаустга)*

Сен билан сўзлашмоқ муддаоим бор,  
 Юқорига, менинг ёнимга чиққин.  
 Бу ерда сен учун жой бор. Кел, ўлтир, —  
 Мустаҳкам сезайин жойимни мен ҳам.

*Фауст*

Қасамёд қилмоққа рухсат бер аввал,  
 Мени ўзинг қадар кўтармоқ учун  
 Узатган қўлингдан ўпай, малика.  
 Менга бул поёнсиз мамлакатингда  
 Бирга ҳоким бўлиш ҳуқуқини бер.  
 Бўлай сенга содиқ хизматкор, қулинг,  
 Асиринг, қўриқчинг... не десанг бўлай.

*Елена*

Бунда кўп мўъжиза кўрдим, эшитдим,  
 Борган сари ортиб борар ҳайратим.

Сенга саволим кўп. Талай нарсалар  
 Сабаб-моҳиятин билмоқчиман. Лек,  
 Биринчи навбатда тушунтир менга:  
 Айт, ҳалиги қулнинг айтган сўзлари  
 Қулоққа бунчалар ёқимли нега?  
 Товуши оҳангдор ва жозибали,  
 Сўзлари қовушган, уйғун, маъноли?

*Фауст*

Манзур бўлса сенга бизнинг сўзимиз,  
 Қўшиқларимиз ҳам ёқар албатта.  
 Дарҳол тушунарсан мусиқамизни  
 Биз билан биринчи суҳбат чоғида.

*Елена*

Қандай сабоқ олсам бўлуру бу тилдан.  
 Сўзлар чиқмоғи шарт албатта дилдан.  
 Кимнинг истаги мўл, кимнинг бахти бор,  
 Излар ўзга ҳамдам кимки бахтиёр.

*Фауст*

На ўтмиш, на эрта тилакдур бизга,  
 Бахтиёр шу нафас...

*Елена*

Керакдур бизга.

*Фауст*

Ҳаёт шунинг билан ширин ва сўлим  
 Бунга кафил эруру...

*Елена*

Узатган қўлим.

*Хор*

Қизлар, нима гуноҳ,  
 Гар маликамиз  
 Қалъа соҳибига  
 Муҳаббат қўйса.  
 Ахир биз барчамиз  
 Асиралармиз.  
 Троя тору мор



Бўлгандан буён  
Эркаклар меҳрига  
Ўрганган дилнинг  
Тажрибаси бору  
Танлаш эрки йўқ.  
Бизлар ўзимизнинг  
Нозик танимиз  
Гоҳ тилласоч чўпон,  
Гоҳ қора фавн  
Бағрида кўрамиз  
Тасодиф билан.  
Ана борган сари  
Бир-бирларига  
Яқинлашмоқдалар:  
Қўл-қўлга тегди,  
Елкага елкаю,  
Тиззага тизза...  
Юмшоқ тахт устида  
Яйрашур улар —  
Шоҳлар улуғлиги  
Шулким, уларга  
Одамларнинг кўзи  
Писанд эмасдир.  
Барчанинг олдида  
Ошкора аён  
Висол шодлигини  
Айлар намоён.

*Елена*

Гоят олисдаман, ҳам яқиндаман  
Сенинг ёнингдаман, бунда, бундаман.

*Фауст*

Ҳаяжондан нафас олурман базўр  
Тушми бу ёки ўнг? О, қандай ҳузур!

*Елена*

Ҳаётим сўнгида қайта туғилдим,  
Сенинг муҳаббатинг ила йўғрилдим.

Фауст

Не наф, муҳаббатдан кўп қилма-ю арз,  
Бир дам бўлсин — яша. Яшамоқ — бу фарз.

Форкиада

*(Тез кириб)*

Ишқ дафтарин очиб бемалол,  
Бир-бирова айлаб арзи ҳол  
Сизлар бунда қилурсиз висол,  
Ҳозир пайти эмас, бўл огоҳ!  
Бераётир карнайлар садо,  
Фалокатни сезмайсанми ё?  
Қўшин тортиб келаётир шоҳ.  
Менелайнинг лашкари сонсиз —  
Тайёрлик кўр сен ҳам, омонсиз —  
Жанг бўлғуси ҳозир баногоҳ.  
Ғолиб келса ул қасос хайли,  
Бошингга бу севги туфайли  
Дейфоб кунни тушади албат.  
Булар қатор дорга тизилур,  
Маликанинг боши узилур.  
Болта тайёр, бу бўлур қисмат.

Фауст

Яна тўғоноқми! Бундай дамда ҳеч  
Ёқтирмам шошининч аралашувни,  
Ҳатто хавфу хатар келиб турса ҳам.  
Гўзал элчи хунук хабар келтирса,  
Ўзи ҳам сўзидек хунук кўринур,  
Сен эсанг бусиз ҳам бадбашарасан.  
Бекорга тинчимиз бузма бу сафар,  
Ваҳима қилма, йўқ ҳеч хавфу хатар.  
Агар бўлганда ҳам биз доим шаймиз,  
Бизни кўрқитмоққа сира қўймаймиз.

*Бургу ва карнайлар чалинади, тўплар оти-  
лади, жанговар мусиқа чалиниб катта  
қўшин ўта бошлайди.*

Кўр, булар бор, ваҳима нега,  
Бунда ҳар бир аскар қаҳрамон.  
Йигит лойиқ жонон меҳрига,  
Унинг учун бўлолса қалқон.

*(Сафлардан ажралиб унинг ёнига  
келган саркардаларга)*

Нафрат олиб душманга бари,  
Ишонч ила зафарга ўктам  
Олға борар шарқ ўғлонлари,  
Борар шимол фарзандлари ҳам.

Энгилларда совутлар пўлат,  
Давлатларни қиларлар яксон,  
Солиб бу кенг оламга даҳшат,  
Бораётир қўшин беомон.

Хужум қилиб Пилосга шахдам<sup>176</sup>,  
Биз Несторни этдик тору мор.  
Майда-чуйда подшоларни ҳам  
Тупроқ билан тенг қилдик қатор.

Менелай ҳам отланмиш жангга,  
Ҳайданг уни денгизга томон.  
У қароқчи бўлиб ўрганган,  
Қилаберсин денгизда талон.

Кўшинига тушиб таҳлика,  
Ташлаб қочса у тахт, маконин  
Спарталиқ гўзал малика  
Берар сизга Герцог унвонин.

Герман қилиб қалъа ва қўрғон,  
Эгалласин Коринф бўйнини.  
Готлар этсин Ахейни макон,  
Ўнгирлару жарлар қўйнини.

Франк олсин ул Элидани,  
 Мессен эса саксларга бўлсин.  
 Норман олиб Арголидани  
 Денгиз йўлин осуда қилсин.

Хар ким эга бўлсин мулкига,  
 Бир-бирига ҳамжиҳат, қўлдош.  
 Спартада туриб малика  
 Ҳаммангизга бўлажакдур бош.

Сизларники бўлур, шубҳасиз,  
 Бу оламда тенгсиз мамлакат.  
 Маликанинг паноҳидан сиз  
 Топажаксиз шафқат, адолат.

*Фауст тахтдан тушади, князлар  
 унинг буйруқларини батафсил  
 эшитиш учун йигиладилар.*

*Хор*

Кўнгил берган гўзалга  
 Тайёр тутсин қуролни.  
 У мулойим сўз билан  
 Қўлга киритган эди —  
 Жаҳоний фароғатни.  
 Лекин уни тинч, осон  
 Қўлда тутиб туролмас.  
 Ким уни доғу билан  
 Ким зўрлик, босқин билан  
 Тортиб олмоқ бўлади,  
 Ҳушёр турмоғи керак.

Бу улуғ ҳоким эса  
 Барчадан ҳам тадбирли,  
 Барчадан ҳам оқилдур.

Унинг сафдошлари бор,  
Иттифоқдошлари бор,  
Садоқатли ва ботир.  
Улар маҳтал туришар  
Ҳоким ишорасига.  
Унинг ҳар бир буйруғи  
Бажарилар лаҳзада  
Садоқат, итоатдан  
Топар барча манфаат.  
Буйруқ бергувчига — шон,  
Бажаргувчига шараф.  
Ким гўзал маликани  
Тортиб ололур ундан?  
Ёлғиз ул муносибдур  
Беқиёс паризодга.  
Бизлар буни яна бор  
Тасдиқ қилурмиз, чунки  
Бу қалъа ичра бизни  
У сақлаб қолур омон.

*Фауст*

Борсин барча соҳиб вилоят,  
Ҳоким бўлсин ўз ўлкасида.  
Бошқарурмиз бизлар мамлакат,  
Қолиб унинг қоқ марказида.

Улар сенинг ярим оролинг  
Сақлагайлар ҳар уч томондан.  
Тоғ орқали туташ диёринг  
Оврўпога тўртинчи ёндан.

Бу диёрнинг дала, тоғлари,  
Боғлариким, гулга йўғрилмиш,  
Маликанинг мулкидир бари,  
Бунда унинг ўзи туғилмиш.

Бунда илк бор ул соҳибжамол  
 Бўлиб оққуш тухмидан пайдо —  
 Қилиб опа, акаларин лол,  
 Этган эди оламини шайдо.

Бул юрт сенинг, сенинг гулзоринг —  
 Барча юртдан гўзал зиёда.  
 Эй маликам, сев бу диёринг,  
 Танҳо билгил бутун дунёда.

Бунда гарчи юксак тоғларда  
 Кўк авзойи тез-тез бузилар,  
 Лекин пастда кенг ўтлоқларда  
 Яйраб юрар эчки, қўзилар.

Қоялардан тушган шаршара  
 Бамисоли маржон шодаси.  
 Ана унда юрипти, қара,  
 Саноғи йўқ қўйлар подаси.

Ҳов нарида тоғ ён бағрида  
 Ўтлар неча-неча қорамол.  
 Кун тиғида, жар ўнгирларда  
 Салқинлашиб ётар бемалол.

Улар билан бирга улуғ Пан,  
 Улар билан нимфалар ҳамдам.  
 Виқор билан, салобат билан  
 Турар унда дарахтлар кўркам.

Мағрур бошин фалакка тираб  
 Эман ўсар унда улуғвор.  
 Саф чеккандай гўё бўйсира,  
 Ўсиб ётар заранглар қатор.

Сут беради унда табиат  
Болалару кўзилар учун.  
Боларилар қилару меҳнат,  
Асал йиғар бизга туну кун.

Ёноқларда қизиллик ўйнар,  
Барча хандон, барча шодумон.  
Шодлик бунда насабий ҳунар,  
Бунда элнинг умри жовидон.

Оқил, фозил, соғлом ва дуркун  
Ўғлонлари топар камолот.  
Билмаганлар сўраши мумкин:  
Булар инсонми ё Тангризот?

Бунда чўпон — Аполлон сиймо,  
Тасвирларда ул Тангри — чўпон.  
Бунда содда тиниқлик аро  
Бор жаҳонлар кўрки намоён.

*(Еленанинг ёнига ўтиради)*

Шундай толе кулмиш бизга ҳам,  
Неки кўрдик — сароб билан тенг.  
Тангри Зевс қизи сен ўзинг,  
Сеникидир дастлабки олам.

Бу қалъада қолмасмиз аммо,  
Олқишлаб бу толеимизни —  
Спартанинг ёнида танҳо —  
Аркадия кутмоқда бизни.

Бизга бўлур ўшал юрт паноҳ,  
Ўшал ўлка нурли, беғубор.  
Тахтимизни қилиб суҳбатгоҳ  
Яшагаймиз унда бахтиёр.

Саҳна тамомила ўзгаради. Тор ён бағрида, горларда, ёндош ёпиқ суҳбатгоҳлар. Атроф қуюқ дарахтзор. Фауст ва Елена кўринмайди. Хор гуруҳ-гуруҳ бўлиб ухлаб ётипти.

### Форкиада

Билмам, қизлар ухлар қачондан буён,  
 Мен кўрганим улар тушда кўрдими?  
 Уларни уйғотай. Ҳайратдан ногоҳ  
 Албатта ҳангу манг бўлиб қолурлар.  
 Сиз ҳам шу аҳволга тушарсиз ҳозир  
 Ажойиб-фаройиб бу воқеанинг  
 Охирини ҳайрон кутиб ўлтирган  
 Эй сиз соқолсизлар ва соқоликлар.  
 Қизлар! Ўрнингиздан турингу дарҳол  
 Тўғриланг сочилган сочларингизни.  
 Кўзингизни очиб мени эшитинг.

### Хор

Қани тезроқ сўйлай қол, юз берди не ажиб ҳол?  
 Биласанки ҳамиша афсонага муштоқмиз,  
 Жуда зерикиб кетдик, жонга тегди қоялар.

### Форкиада

Кўз очиб боққан замон жонга тега қолдими?  
 Майли, эшитинг: шу фор, шу суҳбатгоҳлар аро  
 Макон тутди осуда ошиқу маъшук бўлиб  
 Соҳиб ила соҳиба

### Хор

Ичкаридами?

### Форкиада

Унда,

Эл кўзидан йироқда. Улар ўз ҳузурига  
 Фақат мени қўйишди хизматкорлик қилишга.  
 Мен ҳам улар ишончин оқлаб унда ҳамиша,  
 Ҳузурларида турмай ўзимни турли ишга  
 Овора қилиб турдим: ўт-ўлан, идизларни,  
 Турли дориворларни излаб чет-четда юрдим.  
 Уларни ёлғиз қўйдим.



## Хор

Ажиб сўзлар айтасан. Сенингча фор ичида  
Ўрмон, дала, ирмоқ, кўл... ҳаммаси бор. Бу эртақ.

## Форкиада

Йўқ, бу эртақ эмас, ҳақ, эй соддадил гўдаклар!  
Бунда менинг кўзимга слам сирлар очилди.  
Ажиб залларни кўрдим, мунаққаш йўлакларни  
Томоша қилиб юрдим. Ногоҳ форнинг ичида  
Жарангли кулгу сасин эшитиб қолдим.

## Боқсам,

Бир шўх бола югуриб, шод қийқириб ўйнарди,  
Отасининг бағридан онасига чопарди.  
Яна тўполон билан отасига қочарди.  
Хандалар жаранги шўх эрка қийқириқ билан  
Эгиз бўлиб қулоқни қоматга келтирарди.  
Яланғоч фариштаю, йўқдир унинг қаноти,  
Фавндир, лек бегона унга ҳайвон сифати.  
Сакраб ҳавога учар, қайтадан ерга тушар,  
Сўнг яна кўтарилар, сўнг яна, яна, яна...  
Бу сарбаланд равоқнинг шифтигача етарди.  
Она кўрқиб қичқирар: «Сакра, ўйна, жон болам,  
Лекин уча кўрма ҳеч, учиш сенга мамнудир».  
Ота насиҳат қилар: Фақат ерга содиқ бўл,  
Унда қудрат манбаи. Сен ҳаволаб борурсан  
Фақат ундан куч олиб, унга тегиб оёринг,  
Тушгил, унга қадам қўй, Антей каби мадад ол.  
Қоядан қояларга учар бола коптокдек  
Ва ногоҳ йўқолади юксак қоя ортида.  
Она фарёд қилади, ота уни овулар.

Аммо у парво қилмас. Ҳайратда лол боқурман.  
Ногоҳ — яна мўъжиза — бунда хазина борми,  
Эгнида гулдан либос, зийнатларга кўмилган  
Яна пайдо бўлар у!

Бўйнида садафлару ҳарирларга бурканган,  
Қўлида олтин лира, мисли гўдак Аполлон:  
Юксакка чиқиб турар тубсиз жар ёқасида —

Ҳайрон боқурман унга. Ота-онаси хандон,  
 Севинчи ичга сифмай бир-бирини қучурлар.  
 Гўдакнинг боши узра ёниб турган нимадир,  
 Мен баён этолмайман, бу ёнгувчи лаъми ё  
 Юксак руҳий камолот белгиси оташмидир?  
 У мағрур қадам қўяр. Ҳа, унда келажакнинг  
 Буюк валиси аён кўриниб турар эди.  
 Гўдакнинг вужудидан бор олам жозибасин  
 Ўзида жам айлаган мангулик мусиқаси  
 Тўкилиб турар эди. Мен уни қай тариқа  
 Тасаввур этган бўлсам уни сиз ҳам кўрурсиз.

*Хор*

Наҳот сен, Крит қизи,  
 Буни мўъжиза дерсан?  
 Бу каби эртақларни  
 Эшитмагансан наҳот?  
 Иония қўшиғи,  
 Юнон афсоналари  
 Тангрилар ҳақидаги  
 Қадим шоирлар айтган  
 Эртақлару дostonлар  
 Наҳот сенга нотаниш?

Букун кўз олдимизда  
 Нимаки содир бўлса,  
 Бу ўтмиш, унутилмас  
 Кунларнинг акс садоси.  
 Сен айтган бу ҳикоя  
 Гарчи ҳақиқат, аммо  
 Майя ўғли<sup>177</sup> ҳақида  
 Яратилган афсона —  
 Ҳақиқатнинг ўзидан  
 Ортиқроқ ҳақиқатдир.  
 У туғилган замонқ  
 Саноқсиз энагалар  
 Йўрғакладилар маҳкам.

Аммо у шўх ўт гўдак  
Дўмбоқ кўллари билан  
Йўргакдан чиқиб кетди.  
Бамисоли пилладан  
Учиб чиққан капалак.  
Бешигини тарк этиб  
Енгил қанотин ёзиб,  
Шўх ўйнаб яйраб-яйраб  
Парвоз этди фалакка.

У ўзининг тинчимас  
Феълу атвори билан,  
Шиддати, олғирлиги,  
Ҳеч қайтмаслиги билан  
Тез орада ўғрию  
Алдамчи муттаҳамлар  
Ҳомийсига айланди.  
У айёрлик ишлатиб  
Денгиз шоҳи Посейдон  
Чўқморин олиб қўйди.  
Аста билдирмай келиб,  
Ареснинг<sup>178</sup> шамширини  
Олиб кетди ўғирлаб.  
Фебнинг тийру камонин  
Ва Гефестнинг<sup>179</sup> тўқмоғин  
Эгаллаб олди шундай  
У ҳатто Зевснинг ҳам  
Чақмоғин олар эди  
Кўлини куйдиришдан  
Кўрқмаганида агар.  
Курашда Эротни<sup>180</sup> ҳам  
Чалиб йиқитди айёр.  
Уни суйган Киприда  
Камарин олиб қочди.

Фордан торли чолгу асбобида чалинган  
дилбар оҳангли куй эшитилади. Ҳамма бу  
куйга қулоқ тутади. Муסיқий садо шу  
лаҳзадан то қуйида белгиланган чуқур  
сокинликкача давом этади.

### Форкиада

Гапни қўйинг, бу оҳанг  
Кўпроқ берар сафони.  
Тангрилардан сўйламанг,  
Ўтди улар замони.  
Давр сизни англамас,  
Ўзга талаб этади.  
Фақат дилдан чиққан сас  
Дилга бориб етади.

(Қояга қараб кетади)

### Хор

Бу оҳангга асирсан,  
Ҳаттоки сен бадкирдор.  
Демак бўлар таъсирдан  
Биз ёш тўксак шашқатор.  
Майли қуёш сўнса ҳам  
Дилимизда бўлсин нур.  
Бу оламда нима кам,  
Нурли дилдан топилур.

Елена, Фауст ва Эвфорион юқорида  
тасвир этилган либосида.

### Эвфорион

Қўшиқ айтиб яйрасам,  
Юрагингиз шод бўлар.  
Сакрасам қалбингиз ҳам  
Сакрагандай туйилар.

*Елена*

Икки юракни фарруҳ  
Айлар аввал муҳаббат.  
Лекин бирикса уч руҳ —  
Саодат шу, муҳаққақ.

*Фауст*

Ҳақ бўлур сен меники,  
Мен сеники деган гап.  
Биз истабмиз неники,  
Берди ҳаёт, не ажаб.

*Хор*

Узоқ яшаб зиёда  
Гўдак билан учовлон,  
Ҳаёт қуринг дунёда  
Фаровону шодумон.

*Эвфорион*

Қўйиб юборинг,  
Баланд учайин.  
Ижозат беринг,  
Кўкни қучайин.  
Шуни истайдур  
Юрагим бебок.

*Фауст*

Учмоққа баланд,  
Қизиқмагил ҳеч.  
Еб қолмагин панд,  
Бу истақдан кеч.  
Қилмагин, ўғлон,  
Бизларни ҳалок.

*Эвфорион*

Беринг йўлимни,  
Сиқилди юрак.  
Қўйинг қўлимни,  
Силаш не керак?  
Сочимни қўйинг,  
Қўйинг қўйлагим.

Елена

Риштамиз бизнинг  
 Сенсан, қилгин ёд.  
 Ҳаётимизни  
 Этмагил барбод.  
 Сенсиз бу боғ йўқ,  
 Шуни ўйлагин.

Хор

Қўрқамен, бўлур  
 Ишқ боғи барбод.

Елена ва Фауст

Ўзингни тутгил,  
 Учма баландга.  
 Раҳму шафқат қил  
 Ота-онангга.  
 Ўйнагин, майли,  
 Бу кенг ўтлоқда.

Эвфорион

Сизлар туфайли  
 Кетмам йироққа.

*(Хор оралаб, барчани рақсга чорлаб)*

Кўрдим чиройлик,  
 Қувноқ даврани.  
 Қани куйлайлик,  
 Ўйнайлик, қани!

Елена

Бу ишинг кўп соз,  
 Ўйна сарафроз  
 Гўзаллар билан.

Фауст

Тезроқ бўлса бас,  
 Яхшилик чиқмас  
 Енгил ўйиндан.

*Эвфорион ва хор қўшиқ айтиб бири-бирига чирмашиб кетган сафлар ҳосил қилиб, рақсга тушадилар.*

*Хор*

Жингалак сочинг,  
 Рақс этиб чаққон —  
 Бағрингни очдинг  
 Бизларга хандон.  
 Рақс аро учиб  
 Қилиб табассум,  
 Қўлларинг қучиб  
 Ўтганда бир зум —  
 Забт этдинг бизни,  
 Шод бўл — фолибсан  
 Хаёлимизни  
 Ўзинг олибсан.

*Чуқур сокинлик.*

*Эвфорион*

Сиз бунда сонсиз —  
 Мисоли алқор.  
 Келинг ҳаммамиз  
 Ўйнайлик шикор.  
 Сиз сайд бўлурсиз  
 Мен эсам сайёд.

*Хор*

Сенга керакмас  
 Ов қилмоқ узоқ.  
 Тортар бизни, бас,  
 Сен қўйган тузоқ.  
 Сайдинг бўлсак биз  
 Бўлурмиз дилшод.

*Эвфорион*

Кезиб тоғ, ўрмон  
 Ушалсин армон.

Осон ов мутлақ  
 Керак эмасдур.  
 Довонлар ошмоқ  
 Менга ҳавасдур.

*Елена ва Фауст*

Бу қандай гулу,  
 Бу не тўполон!  
 Гўё минг бурғу  
 Солмоқда сурон.  
 Не куч! Не ғайрат!

*Хор*

*(Биттадан тез-тез кириб)*

Кўринг эпчил сайёдни,  
 Чопиб ўтиб ўртадан,  
 Қизларнинг энг шаддодин  
 Олиб чиқди тўдадан.

*Эвфорион*

*(Ёш қизни қўлида кўтариб чиқади)*  
 Кўндирмадим зор билан,  
 Олиб чиқдим зўр билан.  
 Шавқ тўлатиб қалбимга  
 Лабин босгум лабимга.  
 Куч кўрсатиб унга ман  
 Қаршилигин енгаман.

*Қиз*

Тегма, гарчи нозикмиз —  
 Ёвузга эгмасмиз бош.  
 Аёлни дема ожиз,  
 Бермас зулмга бардош.  
 Зўрлик билан кўндириб —  
 Бўлармикин, боқайин,  
 Сени мен кулиб туриб,  
 Ўйнаб туриб ёқайин.

*(Учқунланиб кўкка учади ва ёниб кетади)*



Ортимдан ҳаволаб уч,  
 Бориб муздек ерни қуч.  
 Мақсудингни излагин.

*Эвфорион*

(Олов қолдиқларини ўчириб)

Атрофим ўрмон,  
 Баланд тоғ теграм.  
 Ёшман, навқирон,  
 Менга нима ғам!  
 Тўлқин гумбурлар,  
 Гувиллар шамол.  
 У ёқда чорлар  
 Мени шўх хаёл.

Қоядан қояга сакраб юқорига  
 кўтарилади.

*Елена, Фауст ва хор*

Сен мисли алқор,  
 Йиқилма алҳол!

*Эвфорион*

Тобора юксак  
 Чикмоғим керак.  
 Қайдаман бу он —  
 Кўзимга аён:  
 Қаршимда чексиз  
 Беором денгиз,  
 Кўрк очиб турди  
 Пелопс юрти<sup>181</sup>.

*Хор*

Пастга туша қол,  
 Боғлар интизор.  
 Бунда сенга бол  
 Узатар токзор.  
 Бунда олмалар  
 Шарбат беради.

Осуда саҳар  
Роҳат беради.

*Эвфорион*

Яшайберинг жим  
Сокин маконда.  
Менинг хаёлим  
Кураш, суронда.

*Хор*

Кимга тинчлик ёт,  
Жанг дер ягона,  
Бахтиёр ҳаёт  
Унга бегона.

*Эвфорион*

Ким шонли бурчин  
Билиб ҳар замон,  
Она юрт учун  
Фидо қилса жон,  
Ким элга яраб,  
Жангга қилса жаҳд.  
Уники шараф  
Уникидир бахт.

*Хор*

Дугоналар, қаранг-чи,  
У энг юксакда бу он.  
Гўё баҳодир жангчи,  
Совут кийган паҳлавон.

*Эвфорион*

Қилич, қалқон не керак?  
Ботирнинг мушти яроқ.  
Қўрқув билмаган кўкрак  
Истеҳкомдан маҳкамроқ!  
Мард жанг килиб эрк олар,  
Эрк йўлида тўкар қон.  
От суради аёллар,  
Болалар ҳам қаҳрамон.

Хор

Эй шеърий гўзал,  
Фалакка юксал!  
Кўкда нурафшон  
Юлдуз бўлиб ён.  
Гарчи шунчалар  
Юксак маъвоини,  
Лек бизга қадар  
Етар садоинг.

*Эвфорион*

Мен энди гўдак эмас,  
Мен энди етук ўғлон.  
Ўша сафга ҳамнафас  
Қалбу ақлим бу замон.  
Эй оға,  
Юр олға  
Шараф томон, шон томон.

*Елена ва Фауст*

Сен оламга келибоқ,  
Энди кўриб дунёни —  
Кўзлайсан йироқ-йироқ  
Нигоҳ етмас фазони.  
Сен наҳот  
Бизга ёт?  
Билмасмисан вафони?

*Эвфорион*

Денгизларда гулдурос,  
Садо берар водийлар.  
Жангга кўзгалди гуррос  
Тинчимас қалб — ботирлар.  
Ўлим ёр, деб,  
Бу шиор деб,  
Олға бораётирлар.

*Елена, Фауст ва хор*

Наҳот сенга ўлим — ёр,  
Наҳот бу шиор ҳавас.

*Эвфорион*

Мен жангчиман шиддаткор,  
Четдан кузатувчимас.

*Елена, Фауст ва хор*

Бу мардлик, ишон,  
Офат бенажот.

*Эвфорион*

Офатлар томон  
Ёзурман қанот.  
Ким жонни тикар,  
Зафар ошино.

*Қоядан ўзини отади. Кийими уни бир  
лаҳза ҳавода тутиб туради. Боши усти-  
да нур кўринади. Унинг ортида шуълали  
из қолади.*

*Хор*

Оҳ, Икар, Икар!<sup>182</sup>  
Алвидо! Видо!

*Гўзал йигит ота-онасининг оёқларига  
йиқилади. Унинг юзида таниш белгилар  
бор<sup>183</sup>. Лекин тезда унинг жисми йўқолиб,  
думли юлдуз ёки камалакдек из қолдириб  
кўкка учади. Ерда кўйлаги, ёпинчиги ва  
лираси қолади.*

*Елена ва Фауст*

Кетди қувонч дамида,  
Қолди фақат дард, ҳижрон.

*Эвфорионнинг овози*

Соялар оламида  
Ёлғиз қўйма, онажон.

*Чуқур сокинлик.*

## Хор

(Мотам қўшиғи)

Сени ёлғиз қўймасмиз,  
Йўқ бўлмассан ҳеч қачон.  
Бошингдаги нури из  
Бутун оламга аён.  
Ҳа, сен борсан, чекиб ғам,  
Оҳ урмаймиз саҳарда.  
Улуғ эдинг ва кўркам  
Зафарда ҳам хатарда.

Боболардан ярадинг  
Иқбол учун дунёга.  
Э, воҳ, эрта йўқолдинг  
Нечун дорил бақога?  
Жон эдинг жононларга,  
Бари эди ошиғинг.  
Ўт соларди жонларга  
Сенинг дилбар қўшиғинг.

Далли девона эдинг,  
Ўзни отдинг офатга.  
Дилинг бегона эди  
Қонун ила одатга.  
Бу оламни тарк қилдинг,  
Тубанликни топтадинг.  
Камолотга интилдинг,  
Аммо уни топмадинг.

Қисмат беролмас жавоб —  
Ким қай замон топади?  
Бечора халқ-чи зардоб  
Ва қон ютиб ётади.

Етар, ғамни қилинг бас,  
 Қўшиқ айтинг шўх, шодон.  
 Қўшиқ билан ҳамнафас  
 Яралгандур бу жаҳон.

*Чуқур сокинлик. Куй тўхтайди.*

*Елена*

*(Фаустга)*

Қадимий нақл мана менда букун ҳақ бўлди,  
 Саодат ва гўзаллик бўлмас экан ёнма-ён.  
 Э воҳ, узилмоқдадур ишқ ва ҳаёт риштаси,  
 Уларга йиғлайману сенга айтаман видо.  
 Не қилайки сени мен сўнгги бор қучоқлайман,  
 Эй Персефона, мени болам билан қабул эт.

*Форкиада*

*(Фаустга)*

Сенга неки қолибдур, маҳкам тутгил қўлингда,  
 Асло тушира кўрма. Ер ости иблислари  
 Бу кўйлакни ҳар ёндан тортмоқ бўлиб интилар,  
 Ҳушёр бўлгин, либосни олиб кетмоқчи улар.  
 Маъбуда энди йўқдир. Уни йўқотдинг мангу,  
 Лекин қўлингдаги бул кўйлаги — илоҳийдур.  
 Унинг ажиб сеҳри бор. Бу тенги йўқ армуғон.  
 Сен уни маҳкам ушлаб парвоз этгин фалакка.  
 У кенг олам устидан сени олиб ўтади.  
 Энди, алвидо, оқ йўл! Сен билан биз қайтадан  
 Бу ерлардан кўп узоқ юртларда учрашурмиз.

*Еленанинг кийимлари булутга айланиб Фауст-  
 ни ўрайди ва баландга кўтариб олиб кетади.*

*Форкиада*

*(Ердан Эвфорионнинг кўйлаги, лираси ва ёпин-  
 чигини олиб саҳна олдига келади, марҳумдан қол-  
 ган нарсаларни кўтариб сўзлайди)*

Бу нарсалар ярайди манга,  
Сўниб бўлди гарчи аланга,  
Аммо унинг қолдигига ҳам  
Хурсанд бўлар, албатта, олам.  
Шоирларга бу зўр топилдиқ,  
Қарзга берай вали либосин.  
То энгилда узун ёпинчиқ  
Қобилият ўрнини боссин.

*Саҳна олдида колонналар ёнига ўтиради.*

### *Панталида*

Тезроқ бўлинг, қизлар! Бизни тарк этди  
Сеҳри Фессалия жодутарининг.  
Машъум овозлардан қутулдик энди,  
Дилга ҳам ақлга бегона бўлган  
Ул шум соҳиранинг қийноқларидан.  
Улуғ маликамиз изидан, қани  
Ер қаъри Аидга қараб йўл олинг.  
Содиқ чўрилармиз, улуғ бекага  
Тахти ғайб ёнида қилурмиз хизмат.

### *Хор*

Маликалар учун бор  
Ҳар ерда лойиқ макон,  
Ҳаттоки Аид аро,  
Унинг зулмати ичра  
Персефона билан ул  
Ўлтирадур ёнма-ён.  
Биз эсак, биз шўрликлар,  
Асфодел<sup>184</sup> ўсиб ётган  
Ул ўтлоқлар ичида,  
Қуруқ терак ва толлар  
Ўсиб ётган маконда  
Нима ҳам қилар эдик?  
Қаро зулмат ичра биз  
Шабпарақлар мисоли

Финғилламоқдан ўзга  
Не ҳам бўлур ишимиз?!

### *Панталида*

Кимки ўз номига эга бўлмаса,  
Кимки интилмаса юксаклик томон,  
Демак унсурларга қўшилур. Майли,  
Улар билан бўлинг, ихтиёрингиз.  
Мен эсам малика билан бўлурман.  
Билинг, фақат қилган иш, жасоратмас,  
Садоқат ҳам бизга бағишлагай ном.

### *Кетади.*

### *Хор*

Биз бу ёруғ дунёга  
Вақтинчалик қайтганмиз —  
Ҳис қиламиз, биламиз.  
Аммо энди орқага  
Айдга қайтмоқ йўқ ҳеч.  
Биз руҳлар тўдасимиз,  
Бизни кучган табиат.  
У ғамхўримиз, унда  
Ихтиёримиз тамом.

### *Хорнинг бир қисми*

Биз юзлаб япроқларда ва юзлаб шохчаларда  
Барқ уриб яшагаймиз. Биз замин шарбатини  
Илдизлардан сўрурмиз, новдаларга берурмиз.  
Куртаклар ёзурмиз биз, ғунчалар очурмиз биз,  
Меваларимиз пишиб ерга тўкилгувсидир.  
Одамлар термоқ учун бизларнинг қаршимизда  
Тангрига эгилгандай доим букилгувсидир.

### *Хорнинг иккинчи қисми*

Бизлар пинҳон бўлурмиз бул қоялар бағрида,  
Унда барча садога қулоқ тутиб ётурмиз.  
Барини эшитурмиз — қамиш шитирлашими,  
Ё қушларнинг сайроғи ва ё Паннинг овози,  
Садога садо билан жавоб берурмиз дарҳол.



Шовқинга шовқин билан, гулдуракка гулдурак  
Садоси билан жавоб қайтарурмиз неча бор.

*Хорнинг учинчи қисми*

Дугоналар! Бизлар-чи, ҳаммадан серҳаракат,  
Тоғдан ирмоқлар билан водий сари чопурмиз.  
Бизга қучоқ очади олис-олис кенгликлар.  
Поёнсиз ўтлоқларга, боғу боғчаларга ҳам  
Биз қон олиб борурмиз, биз жон олиб борурмиз.  
Икки ёнда саф чекиб адил шамшодлар турар,  
Қирғоқларни кўрсатиб, кўкка тираб бошларин.

*Хорнинг тўртинчи қисми*

Сиз қаерда бўлсангиз бўлаберинг, аммо биз  
Ток ўсиб ётган кўм-кўк тепаликни ўраймиз.  
У ерда эрта тонгдан қора кечгача тинмай  
Боғбон меҳнат қилади, лек ҳосилга ишончсиз.  
Ток тагини чопади, новдаларни тарайди.  
Кесади, сўриларни оғочига боғлайди.  
Тангриларга ёлборур, қуёш Тангрисига кўп  
Сигиниб мадад сўрар. Аммо Вакх ўз қулига  
Қиё ҳам карамайди, ўзи билан овора.  
У сояда дам олар, ё горда фавн билан  
Чақчақлашиб ётади олам билан иши йўқ,  
Кайфу сафоси учун, ширин хаёли учун  
Унга не керак бўлса бунда бари муҳайё.  
Форларнинг ҳар бурчида саночлару хумларда  
Қадим-қадимдан қолган шароблар тўлиб ётар.  
Тангрилар мадад бериб, Гелиос<sup>185</sup> ўзи қўллаб  
Узумларни шираю шарбатга тўлдирганда,  
Уларга нур бахш этиб олтин ранг берганида  
Уйқуда ётган токзор уйғонади қайтадан.  
Сокин боғ қучоғида яна қайнайди ҳаёт:  
Қувноқ қўшиқ ва рақслар саватлар фирчиллаши,  
Пақирларнинг жаранги — бари бўлар омихта.  
Шўх ўйнаб яланг оёқ эзарлар узумларни,  
Оёқлари остидан оқар шарбат жилғаси  
Кўпириб, тошиб, сачраб. Шу маҳал янграб кетар

Ноғоралар садоси. Демак Дионис<sup>186</sup> ўзи  
 Ниқобини очди-ю элга бўлди намоён.  
 Унинг кетидан борар тўда-тўда бўлишиб  
 Эчки оёқликлару узун қулоқ Силена<sup>187</sup>.  
 Йўлларида не бўлса топтаб борар туёқлар,  
 Топталар шарму ҳаё, қонун ила қоида.  
 Бош айланар, кўз тинар, қулоқ қоматга келар,  
 Маст қадаҳга интилар ичакларин тўлдириб,  
 Баъзилар ҳушёр тортар лекин янги шаробга  
 Мешни тўлатмоқ учун эскидан бўшатмоқ шарт.

*Парда тушади.*

*Форкиада саҳна олдида улкан қоматини рост-  
 лаб туради. Котурндан<sup>188</sup> тушади. Ниқоб ва  
 ёпинчиқни ташлаб, лозим бўлса пьесани эпи-  
 логда шарҳ қилмоққа ҳозир бўлган Мефисто-  
 фель қиёфасида намоён бўлади.*

# ТҮРТИНЧИ ФАСА

## ТОҒЛИК ЕР

*Юксак қоялар. Булут сузиб келади ва чўққилар орасидаги ялангликка қўнади. Ундан Фауст чиқиб келади.*

*Фауст*

Оёғим остида ётар тубсиз жар,  
Юксак қояларга қўюрман қадам  
Мени очиқ кунда неча денгизу  
Неча саҳролардан учириб ўтган  
Булутни тарк этиб чиқурман аста.  
Ёйилмай, таралмай ул тутам булут  
Оҳиста шарқ томон учиб кетмоқда.  
Мен ҳайрат ичида унга боқурман:  
Ана у юмалоқ шаклидан аста  
Бошқа кўринишга ўтди. Қаршимда  
У турли сувратлар қилур намоён.  
Ростми бу кўрганим? Нурга йўғрилган  
Юксак чўққи узра бўлади пайдо  
Маъбудалар каби гўзал бир аёл.

Ким ул? Юнонами<sup>189</sup>, Леда, Елена?  
Нақадар улугвор бу қадду қомат!  
Аммо узоқлашар мендан бу суврат,  
Аста йўқолади, унинг ўрнида  
Мозий лавҳаларин ёдга солгувчи  
Қатор оппоқ қорли чўққилар пайдо.

Мени ўраётир салқин бир туман,  
 Муздек нафасини уриб кўксимга.  
 Ана булут бўлиб ҳаволанур у:  
 Э, воҳ, алдамасми мени кўзларим?  
 У ўша, биринчи муҳаббатим ул,  
 Йўқотган маҳбубам, ёшлик қувончим.  
 Кўнглим хазинаси, сени танидим.  
 У ўша, умримнинг барқут тонгида  
 Учратганим ёруғ, маъсума кўзлар<sup>190</sup>.  
 Юрагимдан мангу жой олган, аммо  
 Вақтида мен англаб етмаган нигоҳ.  
 Агар уни асраб қололган бўлсам,  
 Жаҳон ганжи бўлар эди мен учун.  
 У қалб гўзаллиги каби мусаффо  
 Юксакка интилар. У кетаётир.  
 Борлигимнинг энг соф ва энг табаррук  
 Парчасини олиб кетаётир ул.

*Тоғ устига учар этиклар келади. Улардан  
 Мефистофель тушади. Этиклар яна йўли-  
 да давом этади.*

### *Мефистофель*

Сени доим сирли ҳаётга  
 Етаклайди беором дилинг.  
 Нечун тоғлар қалашиб ётган  
 Бу масканга саёҳат қилдинг?  
 Ҳеч тинчлик йўқ, толди-ку тиззам.  
 Бул маконни дарҳол танидим:  
 Билсанг агар ўтлик жаҳаннам  
 Туби бўлган бу ерлар қадим.

### *Фауст*

Ҳар гапда бир чўпчак кераксиз,  
 Кунинг ўтмас ёлғон, эртаксиз.

*Мефистофель**(Жиддий)*

Эшит! Бизни Худо бир гуноҳ учун  
Тубсиз жаҳаннамга ташлади у кун.  
Ер қаърига тушдик фалакдан ногоҳ,  
Маконимиз бўлди алангали чоҳ.  
Гарчи бу маконда шуъла бор эди,  
Аммо иссиқ эди, жуда тор эди.  
Аҳвол мушкул бўлди, ортди ғамимиз,  
Бизни йўтал тутди, қайтди дамимиз.  
Акса, йўтал, пудаш — бари бўлиб жам,  
Қўланса ҳавога тўлди жаҳаннам.  
Бу ҳаво босими ортиб кун сайин,  
Бир куни қўпорди ер қатламларин.  
Остин-устин бўлди портлашдан ҳар ёр,  
Тоғ — ер туби бўлди, ернинг туби — тоғ.  
Олимлар қотириб шундан миясин,  
Яратдилар ост-уст назариясин.  
Қайта туғилгандай бизлар дунёга,  
Ер остидан чиқдик очиқ ҳавога<sup>191</sup>.  
Бу ҳолат сир бўлди кўп узоқ дамлар,  
Ниҳоят кашф этди буни одамлар.  
*(Ефес. 6, 12)*

*Фауст*

Мана, тоғ юксалиб турибди сокин,  
Унинг қандоқ пайдо бўлганин локин —  
Сўраб ўлтирмасман. Холиқ табиат  
Ўзлигини ўзи яратган фурсат  
Заминга ҳам шакл берди думалоқ.  
Бир ерни жар қилди ва бир ерни тоғ.  
Бари силсилалик — ён бағир, адир  
Тоғ билан водийни туташтирадир.  
Кўмилиб ётади замин гулларга,  
Ўрин йўқ бемаъни ағдар-тўнтарга.

*Мефистофель*

Фикринг шуми? Менинг ўзгадур сўзим,  
 Чунки барчасига гувоҳман ўзим.  
 Биламан, заминнинг чуқур қаърида.  
 Олов ёниб кўпган кучли гулдурос.  
 Малох болғасининг зарбаларида<sup>192</sup>  
 Қоялар ушалиб сочилган паққос.  
 Текис ялангликда кўриб улкан тош  
 Файласуф ногихон қашиб қолар бош.  
 Бу харсангнинг қайдан тушганин билмас,  
 Малох болғасидан учганин билмас.  
 Харсанг ўз жойида тураберади,  
 Олим тушунолмай юраберади.  
 Буни англаб етган фақат оддий халқ,  
 Фақат унинг фикри рости сўзи ҳақ.  
 Оддий ҳақиқатни тушунган киши  
 Дер: буларнинг бари шайтоннинг иши.  
 У ўз ишончида мустаҳкам, тикка  
 Борар «шайтон тош»дан «шайтон кўприк»ка.

*Фауст*

Олам яралиши ҳақида бундоқ  
 Шайтоннинг фикрини қизиқ эшитмоқ.

*Мефистофель*

Олам билан ишим йўқ, лек менинг ҳам  
 Уни яратишда бор андақ ҳиссам.  
 Бизнинг қонимизда куч бор ижодкор,  
 Асов куч, сурон бор, исёнкорлик бор.  
 Меҳнат маҳсулимиз ер юзи бутун,  
 Кезиб кўриб чиқдинг сен уни букун.  
 Айт, унинг қай бурчин маъқул билурсан?  
 Қайси нуқтасини макон қилурсан?  
 Сенга аён унинг барча тарафи,  
 «Олам мулки ила унинг шарафи»<sup>193</sup>.

(*Матф.* 4, 8)

Лекин таскин топмас сира юрагинг,  
Чегара билмайди сенинг тилагинг.

*Фауст*

Фикрим буюк ишлар билан банд  
Қани, топ-чи?

*Мефистофель*

Топаман албат.  
Мен сен бўлсам эдим агарда,  
Яшар эдим кўҳна шаҳарда.  
Ўни ўзга пойтахт билардим,  
Қинғир-қийшиқ кўча қилардим.  
Икки четин қилардим бозор,  
Қурар эдим расталар қатор.  
Канорада сасиган гўштлар,  
Ўйнар эди пашшалар ғужғон.  
Савдо қилар сабзафурушлар,  
Дим, бадбўй ҳид, бетартиб сурон.  
Нарирокда эса бўларди  
Кенг кўчалар, катта майдонлар.  
Боқса одам кўнгли тўларди,  
Кезса ором оларди жонлар.  
Ундан нари — шаҳар четида  
Қўрғонлару боғ қилардим мен.  
Гуллар экиб йўллар бетида  
Юрагимни чоғ қилардим мен.  
Ким пиёда, ким аробада  
Юрганини кўриб турардим.  
Ким қасрда, ким харобада  
Турганини кўриб юрардим.  
Кўз олдимда бўларди шаҳар:  
Кўча-кўйда тун-кун безавол —  
Уймалашиб ётган одамлар  
Чумолилар лашкаримисол.  
Сайр этгани кўчага чиқсам,  
Бутун шаҳар мени биларди.

Мени кўриб неча минг одам  
Таъзим ила қуллуқ қиларди.

*Фауст*

Булар бари бекорчи меҳнат.  
Тўқ бўлиши учун одамлар  
Йўқ бўлиши учун дард, ғамлар  
Бошлиқ чекар туну кун заҳмат,  
Лекин айтмас ҳеч кимса раҳмат.  
Қашшоқ тўйса, бут бўлса ночор —  
Кўпаяди албат исёнкор.

*Мефистофель*

Ундай бўлса танлаб сўлим жой,  
Тиклар эдим ўзимга сарой.  
Ажойиб бир макон қилардим,  
Теграмни боғ, бўстон қилардим.  
Кўкка чўзиб текис шохларин,  
Саф-саф бўлиб дарахтлар турар.  
Эсар эди шаббода сарин,  
Кумуш сувлар шарақлаб турар.  
Фавворалар қилиб тантана  
Рақс этарди гўзал, серфусун.  
Хос хоналар қилардим яна  
Паричеҳра жононлар учун.  
Улар билан ўтказар эдим  
Танҳоликни хушнуд сарафроз.  
Жононлар деб бекор айтмадим —  
Жононларнинг кўп бўлгани соз.

*Фауст*

Сарданапал!<sup>194</sup> Замонага мос!

*Мефистофель*

Билолмасман, сен на ўйга банд.  
Юксалибсан шунчалар баланд,  
Балки сени жалб этмоқда ой,  
Интилуурсан унга ҳойнаҳой?



*Фауст*

Асло! Буюк мақсадлар учун  
Жой беҳисоб замин узра ҳам.  
Зўр ишларга ҳозирман букун —  
Менда қудрат, орзу бир олам.

*Мефистофель*

Ҳа, қўйибсан шуҳратга ҳавас,  
Еленага бўлиб ҳамнафас.

*Фауст*

Йўқ, хаёлим шуҳратда эмас.  
Фикрим энди мулку давлатда,  
Эгаликда, бетин меҳнатда.

*Мефистофель*

Мадҳ этурлар шоирлар сени,  
Авлодларга кўрсатиб ўрнак.  
Куйлаб бирнинг тентак ишини —  
Улар кўпни қилурлар тентак.

*Фауст*

Бегонадир сенга бу туйғу,  
Сен инсонни қайдан билурсан?  
Одамзоднинг энг юксак, эзгу  
Ниятларин мазах қилурсан.

*Мефистофель*

Майли қилмай туйғуни қадр!  
Аммо сенинг тилагинг надир?

*Фауст*

Мен юксакдан ташладим назар;  
Кўз олдимда денгиз қирғоғи.  
Кўрдим уни асов тўлқинлар  
Кўпик сочиб ялаган чоғи.  
Юрагимни ранжитди бу ҳол:  
Зулм — озод руҳ учун даҳшат.  
Албат аҳли инсонга малол,  
Ғолиб келса гар ваҳший қудрат.  
Сув қайтганда ўйладим, тинар,  
Йўқ, ушбу ҳол экан анъана.

Қирғоқни тарк этгач тўлқинлар,  
 Қайтиб ҳужум қилурлар яна.  
 Яна унга ғазаб этурлар  
 Аввалгидан кўра шиддаткор!  
 Сўнгра ортга қайтиб кетурлар —  
 Бунни яна этмоққа такрор.

*Мефистофель*

*(Томошабинларга)*

Хўп янгилик топибсан, қойил!  
 Мен кўрурман бунни юз минг йил.

*Фауст*

*(Куйиб-ёниб давом этади)*

Ёвуз тошқин соатлар қадар  
 Соҳилларга қилару ҳужум,  
 Бу ерларни неча асрлар  
 Қумга кўмиб, қилар беунум.  
 Шу боисдан ўртанур юрак,  
 Вужудимга қўзғалур тугён.  
 Мен ул кучни енгмоғим керак,  
 Мана, жангга ҳақиқий майдон.  
 Халос қилай забун қирғоқни,  
 Асов сувга тушов солайин;  
 Ҳосил бермай ётган тупроқни  
 Тўлқинлардан тортиб олайин;  
 Бу мумкиндир. Гарчи нақадар  
 Бебош, қайсар бўлса ҳамки сув,  
 Ҳар дўнгликни айланиб ўтар,  
 Ҳар чуқурга оқиб кирар у.  
 Режам тайёр, киришиб тездан  
 Мақсудимга топаман имкон.  
 Мен қирғоқни тўсиб денгиздан —  
 Ғов қўяман, тиклайман тўфон.  
 Боғ унажак соҳилда токим,  
 Басир ғавғо бўлмасин ҳоким.  
 Хаёлимда шу иш, ўша ер,  
 Бу меҳнатда менга мадад бер.

Томошабинлар орқасида ўнг томондан  
муסיқа ва ногоралар садоси эшитилади.

*Мефистофель*

Ногоралар садоси!

*Фауст*

Наҳот!

Донишга бу ёт.

Яна уруш?

*Мефистофель*

Уруш бўлса не зарар сенга?

Маслаҳатим булдир, қулоқ ос:

Ҳар бир ишдан наф топ ўзингга

Ва темирни қизигида бос.

*Фауст*

Қанақа наф? Қийин тушунмоқ.

Сўзласанг-чи очик, бежумбоқ.

*Мефистофель*

Йўл устида хабар топдим, боз

Бизнинг подшо эмиш қайғуда.

Эсингдами биз уни қороз

Пуллар билан қилиб сарафроз,

Хаёлини чулғаб доғуда,

Бир лаҳза шод қилгандик жуда.

У жуда ёш ўлтирди тахтга

Ва дуч келди биз берган бахтга.

Рост билиб у шўрлик ёлғонни,

Сотиб олмоқ бўлди жаҳонни.

У ишонди — очик йўлим деб,

Қайга чўзсам етар кўлим деб.

Токи сўнгги онига қадар

Олам ичра у бўлур танҳо.

Фақат унга ёр бўлар зафар,

Фақат унга бош эгар дунё.

У ишонди — бўлур муяссар

Унга бир йўл ҳокимлик, сафо.

*Фауст*

Буюк хато! Ҳокимлар учун  
 Ҳукм сурмоқ ўзи катта бахт.  
 Улар тенгсиз ирода кучин  
 Кўрсатмоғи керақдир албат.  
 Ҳокимларга ярашур шиддат  
 Ва буюрмоқ мингга, туманга...  
 Лекин сафо, айшу фароғат  
 Олиб тушар уни тубанга.

*Мефистофель*

Тўғри, аммо бизнинг буюк шоҳ  
 Бу гаплардан бўлмади огоҳ.  
 Юрт чок-чокдан сўкилиб кетди,  
 Чўпак уйдек тўкилиб кетди.  
 Тарқаб барча чакка-чаккага,  
 Иниси ёв бўлиб акага,  
 Шаҳар билан курашиб шаҳар,  
 Боён билан аҳли хунарлар —  
 Деҳқон билан бою зодагон  
 Жанг қилади қаттол беомон.  
 Шоҳга қарши юрди аҳли дин,  
 Айру бўлди миллат миллатдин.  
 Кўча-кўйда дуч келса икков,  
 Албат чиқди бир-бирига ёв.  
 Савдо билан чиққан ҳар тужжор  
 Ўликлари қолди йўлда хор.  
 Яқин келди фалокат ўзи,  
 Авжга минди хунрезлик, ғорат.  
 Шундай қилиб яшамоқ сўзи —  
 Жон сақламоқ бўлди оқибат.

*Фауст*

Оқсоқланиб, сургалиб офир,  
 Муккасидан йиқилди охир.

*Мефистофель*

Бошда барча эди хотиржам,  
 Зўр зўрроқни ялаб юрарди.

Ожизлар-чи ўзларидан ҳам  
 Ожизларни талаб турарди.  
 Лекин яқин қолганди хатар,  
 Бош кўтарди бир неча оқил.  
 Улар деди: «Бас, энди, етар,  
 Мамлакатга шоҳ керак эдил.  
 У қаттиққўл бўлсин. Бизнинг шоҳ –  
 Элимизга бўлолмас паноҳ.  
 Янги подшо тахтга ўлтирсин,  
 У кўрсатиб қудрат ва шиддат,  
 Мамлакатга бир йўла берсин  
 Ҳам тинчлик, ҳам адлу фароғат!»

*Фауст*

Руҳонийлар сўзи бу.

*Мефистофель*

Улар

Бошладилар халқни исёнга.  
 Эл кўнглига қутқу солдилар.  
 Фойда бўлсин учун ҳамёнга.  
 Мана букун турар тоғ аро  
 Исёнкорлар кўшини қатор.  
 Букун бизнинг беозор подшо  
 Жангга кирар, балки, сўнгги бор.

*Фауст*

Соддадил шоҳ эди у, эсиз.

*Мефистофель*

Юр борайлик шоҳ ёнига биз.  
 Кимки яшар, ҳаётда бордир,  
 Уни эсиз демак бекордир.  
 Кимки бир бор топибди омон,  
 Омонликда бўлмай кўп замон.  
 Юр, биз унга берайлик мадад,  
 Кифоядир бир кичик зафар.  
 Шунда ундан кечган вассаллар  
 Йиғилишиб келурлар албат.

Улар тоғ оралигига тушадилар ва водий-  
да турган қўшинни кўздан кечирадилар.  
Пастдан ҳарбий муסיқа, ногора садолари  
эшитилиб туради.

*Мефистофель*

Жуда соз у эгаллаган жой,  
Бизга боқур зафар ҳойнаҳой.

*Фауст*

Қандай мадад берурсан бироқ,  
Ёки яна жоду ва алдоқ...

*Мефистофель*

Ғалабанинг кўп тадбири бор,  
Билки, жангда енгар ҳийлакор.  
Ўз ишингга сен ҳам пухта бўл,  
Мақсад сари тутгил аниқ йўл.  
Шоҳни ошно қилиб бахтига —  
Ўтқазсак биз қайта тахтига,  
Сен тиз чўкиб берурсан салом.  
Ва олурсан подшодан инъом.  
Поёни йўқ денгиз қирғоғин  
Аниқ билгин сенга бермоғин.

*Фауст*

Бундоқ ишга сен пири комил,  
Жанг қилабер ўзинг, Азозил!

*Мефистофель*

Исёнчилар тор-мор бўлган кун  
Бош қўмондон бўлмоғинг мумкин.

*Фауст*

Қўмондонликни не қилурман?  
Мен бу ишни қайдан билурман?

*Мефистофель*

Не иш қилар эди қўмондон?  
Ҳарбий кенгаш куйдиради жон —  
Ҳамма ишни унга қўйиб бер,  
Сенинг учун у тўкади тер.

Мен олдинни кўриб қўйганман,  
 Режаларни қуриб қўйганман.  
 Бунда тоғлик баҳодирлардан —  
 Эпчил, доно ва абжирлардан  
 Ҳарбий кенгаш тузганман аъло.  
 Тоғлик элга ким бўлса ошно,  
 Ким улардан топса мададкор,  
 Шаксиз бўлур унга толе ёр.

*Фауст*

Қуролланган тумонат, ҳайҳот!  
 Бутун халқни қўзғатдинг наҳот?

*Мефистофель*

Йўқ, мен Петер Сквенц мисол<sup>195</sup> —  
 Танлаб олдим зўрларни ҳалол.

*Уч паҳлавон киради*<sup>196</sup>.

*(Инжил. Салтанатлар китоби. 11, 23. 8)*

Мана улар — паҳлавонларим,  
 Турли ёш ва турли табиат.  
 Улар билан ошно бўлса ким,  
 Бир умрга кўрмагай кулфат.

*(Томошабинларга)*

Бу замонда ҳар бир ёш гўдак  
 Орзу қилар совут-қалқонни.  
 Мен намоиш қилмоғим керак  
 Мажозий бу уч паҳлавонни.

*Босиболди*

*(Ёш, енгил қуролланган, чипор кўйлақда)*  
 Учраганга шапалоқ —  
 Тепки ё мушт соламан.  
 Четлаб ўтолмас қўрқоқ,  
 Қочса қувиб қоламан.

*Талаболди*

*(Ўрта ёшли, яхши қуролланган,  
башанг кийинган)*

Мушту тепки шапалоқ —  
Болаларнинг ишидир,  
Менинг ишим таламоқ,  
Талаган — бой кишидир.

*Сақлаболди*

*(Кекса, оғир қуролланган, оддий кийинган)*

Таламоқ осон, лекин  
Уни сарф этмай текин —  
Асраб қолмоқ маҳолдир.  
Ёшлар — исроф қилгувчи;  
Мол қадрини билгувчи,  
Авайлагувчи — чолдир.

*Учовлон водийга тушиб кетади.*

**ТОҒ ЭТАГИДА**

*Пастдан ҳарбий мусиқа ва ногоралар  
садоси эшитилиб туради, подшо учун  
чодир тикмоқдалар.*

*Подшо, бош қўмондон, соқчилар.*

*Бош қўмондон*

Ўйлайманки, бўлди жуда соз  
Тутганимиз мавқеи мастур.  
Тоғ ораси пистирмага мос,  
Ҳеч бир душман хавfli эмасдур.

*Подшо*

Хўп, кўрармиз.  
Яшириндик лек  
Худди ёвдан қўрқиб қочгандек.



*Бош қўмондон*

Ўнг қанотга назар сол, э шоҳ,  
Бу макондан қувонур нигоҳ.  
Қўмондонлар орзуси бу жой,  
Бизга соз, ёв аҳволига вой,  
Қара, унда тепа бор муҳим,  
Отлиқ аскар қилолмас ҳужум.

*Подшо*

Майли, менда йўқдир эътироз,  
Қиличбозлик учун бу ер соз.

*Бош қўмондон*

Қара, шоҳим, ўтлоқ тарафга,  
Унда текис терилиб сафга —  
Қўшин жангга турибди тайёр.  
Улар ҳужум қилса шиддаткор,  
Бас келолмас ҳеч қандай қудрат,  
Ҳар бирида сенга садоқат.  
Найзалари қуёшда ёнур,  
Улар буйруқ кутиб тўлғанур.  
Душман тутмиш тоғларда макон,  
У бизлардан топмагай омон.

*Подшо*

Аскарларинг баҳодир, ўктам,  
Ҳар йигитда икки йигит жам.

*Бош қўмондон*

Сўл қанотда, ана ботирлар  
Қиличида тутганча қўлни,  
Тун-кун сергак қўриқлаб турар  
Қароргоҳга элтгувчи йўлни.  
Душман қадам қўйгани замон  
Қирилади бунда беомон.

*Подшо*

Яқинлашиб келмоқда улар,  
Менинг сохта қариндошларим.  
Гоҳ ака деб мени, гоҳ падар —  
Тавозелар қилиб нақадар

Эгиб турган эди бошларин.  
 Улар бўлди тахтимга офат,  
 Молу давлат этдилар талош.  
 Нифоқ қила-қила ниҳоят,  
 Менга қарши кўтардилар бош.  
 Халқ-чи кетди оқим қай тараф —  
 Етакласа у ёнга қараб.

*Бош қўмондон*

Ана содиқ тингчимиз қайтар,  
 Олиб келур у қандай хабар?

*Биринчи тингчи*

Буйруғинг этдик адо,  
 Киришиб дов беҳадик.  
 Бирор хушхабар аммо  
 Сенга олиб келмадик.  
 Гарчи кўплар қасамга —  
 Сенга содиқдур ҳамон.  
 Лекин тўлиб аламга  
 Бош кўтарган аламон.

*Подшо*

Фақат ўзни ўйлайди одам,  
 Шон, ор-номус эмас муқаддас.  
 Баъзан қўшни уйи ёнса ҳам  
 Ўзни хавфсиз билиб сув урмас.

*Бош қўмондон*

Чарчаб толиб ивишиб бу дам  
 Қайтаётир бошқа тингчи ҳам.

*Иккинчи тингчи*

Аламон эди тарқоқ,  
 Бебош эди аввало.  
 Улар ичидан бироқ  
 Чиқиб қолди бир подшо.  
 У кўтарган байроққа  
 Интилди барча дарҳол.  
 У етаклаган ёққа  
 Юрдилар пода мисол.

## Подшо

Ўша сохта подшо туфайли  
Илк бор ўзни ҳис қилдим подшо.  
Оддий аскар бўлдим баайни,  
Жангга бошлар юрагим майли,  
Юксак мақсад менга раҳнамо.  
Бир вақт қуриб базму тантана  
Чоғ қилганда гоҳи димоғим,  
Болалардек ҳалқага яна  
Найза отиб ўйнаган чорим —  
Ёзилмади кўнглим ҳеч қачон,  
Қилолмадим ўзни намоён.  
Қувонч тўлуғ бўлмоғи учун  
Хавфу хатар кам эди у кун.  
Агарда сиз тутиб кўлимни,  
Тўсмасангиз эди йўлимни,  
Лашкар тортиб чиқиб майдонга,  
Чулғар эдим ўзимни шонга.  
Ўша ниқоб базмида ногоҳ,  
Туташганда эгнимга олов —  
Бўлдим буюк бир шавқдин огоҳ,  
Чорлаб қолди мени ўт, ялов.  
У ўт ёлғон бир чақин эди,  
Аммо дилга кўп яқин эди.  
Мен кўп кўлдан бой бердим, фурсат,  
Энди бўлгай меники нусрат.

*(Исёнкорлар подшосини муборизага чақириб даракчилар юборади)*

*Совут, дубулга кийган, сипарини ярим туширган Фауст кириб келади. Унинг кетидан юқорида тасвир этилган либосда уч паҳлавон киради.*

*Фауст*

Бунда келдик биз хуш соатда,  
 Сизга мадад бермоқ ниятда.  
 Тоғ сирини билар тоғлилар,  
 Билар осмон, ер, табиатни.  
 Мағзин чақиб ўқишар улар  
 Тошлардаги қадимий хатни.  
 Руҳлар текис ерни тарк этиб,  
 Тоғда макон тутгандан буён —  
 Улар меҳнат қилишар бетин  
 Қунту бардош айлаб намоён.  
 Рангин маъдан буғлари тўлган,  
 Дудлар ила лиммо-лим бўлган  
 Қаърларда ётиб туну кун,  
 Бир янгилик кашф этмоқ учун,  
 Бир қоришма топмоқ ўйида  
 Тер тўкишар улар қуйида  
 Илоҳиёт қўллари ила  
 Яратурлар мўъжизий миръот.  
 Унда буткул ва тамомила  
 Намоёнди фалак, коинот.

*Подшо*

Бу сўзингга ишондим, аммо  
 Бизга бунинг нима дахли бор?

*Фауст*

Норсиялик сабиний саҳҳор<sup>197</sup>  
 Сенга содиқ қулдир доимо.  
 Тайин эди бўлмоғи қурбон,  
 Чирсилларди пойида ўтин,  
 Чулғаганда уни кўк тутун:  
 На Худо, на инсон, на шайтон  
 Унга беролмасди нажот,  
 Сен айладинг ўлимдан озод.  
 Юз берганди Румода бу ҳол,  
 Чикмас унинг ёдидан алҳол.

Омон қолган боши учун ул  
Сенга мангу садоқатли қул.  
Кирганингни эшитиб жангга —  
Зафар тилаб сени қўлади.  
Яна мадад бергали санга,  
Ҳузурингга бизни йўлади.  
Тоғлараро бор сирли қудрат,  
Тоғлиларга аён эрур бу.  
Сажда аҳли, дин аҳли фақат  
Бу қудратни атайди жоду.

*Подшо*

Бизга базму шодиёнада  
Келса кулиб, қувониб меҳмон —  
Кутиб сарой ва кошонада —  
Биз бўлурмиз ўзда йўқ шодон.  
Аммо хавфу хатар онида  
Содиқлик жўш уриб қонида,  
Дўстинг бўлса ёнингда пайдо —  
Бундай бахтга сўз йўқдир асло.  
Тутиб қилич дастасин маҳкам,  
Этиб сидқу вафо ифода,  
Тайёр эса бўлгали ҳамдам,  
Ундан азиз дўст йўқ дунёда.  
Аммо букун, меҳрибон дўстлар,  
Солиб қўйинг қилични қинга.  
Жангга кирар неча минг лашкар  
Ҳам қарши, ҳам тарафдир менга.  
Ким ўз қадр қимматин билур,  
Шонин ўзи ҳимоя қилур.  
Кимки талаб этса тожу тахт —  
Тож-тахт учун жангга бўлсин тахт.  
Ул подшолик тилаган арвоҳ  
Хаёл қилган бўлса ўзни шоҳ,  
Етказайин уни тилакка —

Жангга кириб яккама-якка,  
У дунёга йўллай баногоҳ.

*Фауст*

Тилагинг соз — эзгу тилақдир,  
Аммо сенинг бошинг керақдир.  
Сен кийган бу дубулға, сипар  
Сақлар тигдан уни безарар.  
Тан яшайдур фақат бош билан,  
Бош уйқуга кетса, ухлар тан.  
Сен тортган бу саноқсиз черик  
Фақатгина сен билан тирик.  
Қўл ҳам ишлар бош экан омон,  
Бошни сақлаб кўтарур қалқон.  
Ёв зарбасин қарши олади,  
Сўнгра ўзи қилич солади.  
Ғалабада ишлар оёқ ҳам,  
Босар душман бўйнини маҳкам.

*Подшо*

Шулдир бизнинг муддаойимиз,  
Ёв бўйнида бўлғай пойимиз.

*Даракчилар*

*(Қайтиб)*

Ёв олдида эътибор  
Топгани йўқ сўзимиз.  
Сени улар қилди хор,  
Мазах бўлдик ўзимиз.  
Дедилар: «Ул подшодан  
Эртак қолур эл аро!  
«Бор экан-да йўқ экан,  
Бўлган экан бир подшо...»

*Фауст*

Яхши жавоб. Шу керак букун  
Сен томонда турганлар учун.  
Яқинлашиб келаётир ёв,  
Ҳужумга сен буйруқ бер дарров.

Подшо

Мен бу ишдан четда эрурман.

(Бош қўмондонга)

Лашкар измин сенга берурман.

Бош қўмондон

Жангга бўлсин ўнг қанот тайёр,

Келаётир душман сўл ёқдан.

Уни қилмоқ керак тору мор —

Ҳали ошиб улгурмай тоғдан.

Фауст

Ундай бўлса, бормоғи керак

Ўнг қанотдан бул паҳлавон ҳам.

Бошқаларга кўрсатиб ўрнак

У олдинга интилуру ўктам.

Ўнг ёнида турганни кўрсатади.

Босиболди

(Олга чиқиб)

Ким мабодо юз бурса менга,

Муштим қора қонга булайди.

Ким орқасин ўтирса менга

Тепки ейди, ерга қулайди.

Қўлда қилич, мен хужумга шай,

Тўхтатолмас ҳеч бир куч бир дам.

Душман бурнин ерга ишқалай,

Токи қайтиб қўймасин қадам.

Кетади.

Бош қўмондон

Марказий саф энди яширин

Яқинлашсин душманга аста.

Жангга кириб ўнг қанот қўшин

Қилаётир рақибни хаста.

*Фауст*

*(Ўртада турганни кўрсатиб)*  
 Сен марказдан мана бу чаққон,  
 Дов йигитни йўлла ёв томон.

*Талаболди*

*(Олдинга чиқиб)*  
 Мен душманга қирон солурман...  
 Қирон солиб ўлжа олурман.  
 Олиб кетмиш неки ўғри шоҳ,  
 Менинг ишим барин қайтармоқ.  
 Тез орада ул шоҳ бўлур гум,  
 Биз марказдан бошлаймиз ҳужум.

*Маркитант жувон*

*(Талаболдига суйкалиб)*  
 Гарчи эрим эмас бул,

*Чангсолахон*<sup>198</sup>

Лекин ошнадур мақбул.  
 Жангда гар бўлсанг эпчил,  
 Сеники ўлжа — ҳосил.  
 Ўлжа молга ўч аёл,  
 Тақиқ йўқ! Ол бемалол!

*Иккиси кетади.*

*Бош қўмондон*

Душманнинг ўнг қаноти, аён,  
 Олаётир мўлжалга сўлни.  
 Сўл ёқ! Қилинг кўкракни қалқон,  
 Қўриқланг тор оралиқ йўлни.

*Фауст*

*(Сўлга ишора қилиб)*  
 Мана буни йўлла кўшинга —  
 Куч кўшилар шунда кучингга.

*Сақлаболди*

*(Олдинга чиқиб)*  
 Ўнг қанотдан кўнгил бўлсин тўқ,  
 Мен бор жойда хавфу хатар йўқ.



Қари аскар тутганни маҳкам  
Ололмайди чақмоқ қилич ҳам.

*Кетади.*

*Мефистофель*

*(Юқоридан тушиб келади)*

Энди кўринг, тоғлардан ошиб —  
Тутиб қўлда қилич ва қалқон,  
Завқи жўшиб, қудрати тошиб,  
Келаётир сонсиз паҳлавон.  
Аслаҳалар тоғ ичида тоғ,  
Уларда бор ҳамма хил яроғ.  
Борур улар йўлласанг қаён,  
Фақат кутиб туришар фармон.

*(Сирни билганлар учун секин)*

Қайдан дея мадад лашкарин,  
Мендан асло сўрамангиз гап.  
Мен аслаҳахоналар барин  
Айландиму чиқдим тозалаб.  
Улар подшо, вазир, кўмондон —  
Бўлиб ҳукм сурган дунёда.  
Қадимгидек туришар ҳамон  
Бири отда, бири пиёда.  
Улар қуролхоналар аро  
Савлат тўкар бесону саноқ.  
Қурти ўлиб кетгану гўё,  
Қолган бунда қуруқ чиганоқ.  
Мен уларни жинларга бердим,  
Бир-бир олиб кийгиздим барин.  
Шундай қилиб мен сафга тердим  
Ўрта аср қолдиқ лашкарин.  
Дубулғаю совут серсавлат,  
Таъсири зўр бўлади албат.

*(Баланд овозда)*

Улар сафи билмас интиҳо,  
 Қуроллари таратур садо.  
 Ҳилпирайди байроқлар тоғда,  
 Улар билан ўйнар шаббода.  
 Ногоралар садоси янгроқ,  
 Йигитларда жангга иштиёқ.

*Юқорида даҳшатли карнай садолари  
 эшитилади. Душман қўшинлари таҳли-  
 кага тушади.*

*Фауст*

Уфқ юзи бўлди қоронғу,  
 Унда-бунда таратиб ёғду  
 Фақат бир ўт бўлур намоён.  
 Қон бўлди, ер, қон бўлди яроғ,  
 Жангга кирди ўрмон, дара, тоғ,  
 Жангга кирди, ҳаттоки осмон.

*Мефистофель*

Олға борар ўнг қанот дадил,  
 Ёв қўшини гангираб қолди.  
 Душманларни урмоқда қойил  
 Бизнинг полвон Ганс Босиболди.

*Подшо*

У бир қўлин кўтарди, аммо  
 Аниқ кўрди кўзларим — бир йўл  
 Кўтарилади ўн иккита қўл.  
 Ақл бовар қилмас мутлақо.

*Фауст*

Сицилия соҳилларида  
 Тунда мовий туман бағрида  
 Кўрмаганми эдинг сен сароб?  
 Унда, тикка келган пайт офтоб —  
 Кўз олдингда жимирлаб ҳаво,  
 Бўлур ажиб манзара пайдо.

Япроқлари айтгувчи кўшиқ.  
 Боғ бўлиб гоҳ тортади нигоҳ,  
 Ҳам кўзларни қилгувчи ошиқ  
 Шаҳар бўлиб кўринади гоҳ.

*Подшо*

Не ажиб ҳол, найзалар учи  
 Ёнаётир, бу не аланга?  
 Ҳар бир нишдан кўзни олгувчи  
 Сирли бир ўт ўрлар баландга.  
 Кўзда ғайрат, дилда иштибоҳ.

*Фауст*

Эй, подшоҳим, ул шуълага боқ,  
 Диоскурлар сочган нур ўша<sup>199</sup>,  
 Кўзларингга кўринур ўша.  
 Кемаларни сафарга йўллаб,  
 Бехатар ва ёруғ йўл тилаб,  
 Қайтсин учун қирғоққа омон  
 Нур сочганлар улар бир замон.  
 Кўп асрлар ўтиб бизга ҳам  
 Шуъла била берурлар ёрдам.

*Подшо*

Аммо айтинг, биз томонга бу  
 Мўъжизани йўллаган жоду —  
 Соҳиби ким? Қанақа одам?

*Мефистофель*

Сендан боши ҳақи миннатдор —  
 Ўша нурсиялик донишманд.  
 Фикри ёди сенинг билан банд,  
 Тилар, нусрат бўлсин дея ёр.  
 Душманларинг режасин англаб,  
 Юрагида кўзғалди ғазаб.  
 Яхшилигинг унутмас асло,  
 Тайёр жонни бермоққа, ҳатто.

*Подшо*

Ҳа, топдию омадим ривож,  
 Мен Румода кияр бўлдим тож.

Маркабада кезиб шаҳр аро  
 Маросимни айларкан адо —  
 Кўриб қолдим даҳшатли ҳолни  
 Ва қутқардим ўтдан у чолни.  
 Фикрим эди эл ичра у он  
 Қудратимни этмоқ намоён.  
 Дин аҳлининг буздим роҳатин  
 Ҳам кўзғатдим менга нафратин.  
 Шундан буён ўтди неча йил,  
 Наҳот ўша қария ҳаёт?  
 Ул яхшилик учун шу зайил  
 Менга қайтар яхшилик наҳот?

*Фауст*

Ҳосил бергай доим яхшилик.  
 Аммо кўкка қара. Бу фурсат  
 Иккита қуш парвоз этар тик,  
 Тушунсанг, бу яхши аломат.

*Подшо*

Бургут парвоз этар фалакда,  
 Гриф уни қувиб бормоқда<sup>200</sup>.

*Фауст.*

Яхши белги. Кузатгил сергак.  
 Гриф нима? У йўқ, у — эртак.  
 Сайёралар подшоси танҳо —  
 Бургутга тенг келолмас асло.

*Подшо*

Ана, улар кўкда чарх уриб,  
 Бир-бирига ногоҳ ташланди.  
 Бир-бирига тенг чангал уриб,  
 Ҳаёт-мамот жанги бошланди.

*Фауст*

Гриф ҳолдан тоймоқда анча,  
 Ана шўрлик беланиб қонга,  
 Шер думини осилтирганча —  
 Қулаб тушди тикка ўрмонга.

Подшо

Қани, шундай бўлса оқибат!  
Ишонаман, бу соз аломат,

Мефистофель

(Ўнг томонга қайрилиб)  
Жанг қилмоқда жон билан  
Бизнинг қўшинлар ботир.  
Бетартиб сурон билан  
Душман чекинаётир.  
Ўнгга кўчди ёвуз куч  
Ва зарбага келди дуч.  
Бизнинг марказий қўшин  
Баайни чақмоқ-яшин  
Ўнг қанотга ташланди,  
Тенг олишув бошланди.  
Икки томон баробар,  
Қудратда ҳам шиддатда.  
Яқиндур аниқ зафар,  
Биз енгамиз албатта.

Подшо

(Сўлга қайрилиб Фаустга)  
Бу томонда иш чатоқ,  
Сийраклашибди сўл ёқ.  
Душман аскар тикка  
Чиқмоқда баландликка.  
Бизнинг сафларда бироқ  
Саросима таҳлика.  
Юксаклик бўшаб қолди,  
Ёв қўшини йўл олди  
Оралик йўлак томон,  
Бизнинг ҳолимиз ёмон.  
Мана жоду йўриғи,  
Бу — қинғир иш қийиғи.

Соқинлик.

*Мефистофель*

Менга бу дам келтирар  
Икки қузғуним хабар<sup>201</sup>.  
Қўрқаманки, иш ночор.

*Подшо*

Қузғунларга нима бор?  
Уларда нечук нажот?  
Қора елкандай қанот  
Ёзиб учишар, ҳайҳот!  
Уларга машъумлик ёр.

*Мефистофель*

Келиб қўнинг елкамга,  
Қулоғимга яқинроқ.  
Мен сизларни ёрдамга  
Чорлаб кутаман муштоқ.

*Фауст*

*(Подшога)*

Тинчлик кунлари хабар  
Олиб келур кабутар  
Маконин тутиб ёдда.  
Урушда эса фақат  
Қузғунлар ташийди хат  
Ёвуз қора қанотда.

*Мефистофель*

Ростдан, хунук хабар бул,  
Сўл қанотда иш мушкул.  
Бизнинг режа чиқди хом.  
Ҳужум қилиб қаттол, дов  
Баландликни олган ёв,  
Дарани олса — тамом.

*Подшо*

Сизга кўниб мен тентак  
Қопқонга тушдим, демак.  
Нега сизга бердим қўл?

*Мефистофель*

Маҳкам бўл,  
Топилур йўл.

Ҳолатимиз кўп ёмон,  
 Аммо ҳали бор имкон.  
 Қузғунларим мададкор,  
 Улар ёрдамга тайёр.  
 Берсанг қўшин измини  
 Халос қилурман сени.

*Бош қўмондон*

*(Бу пайт кириб)*  
 Доғулилар сенга ёр,  
 Бундан дилимда озор.  
 Ўзинг ҳал қил бу ёғин,  
 Бошлаган тугатсин ҳам.  
 Топширурман мен эсам  
 Қўмондонлик таёғин.

*Подшо*

Ёнингда турсин асо  
 Келгунча яхши кунлар.  
 Дилимда қўрқув аммо,  
 Даҳшатли бу жодугар,  
 Мададкори қузғунлар.

*(Мефистофелга)*

Лек ўйлама, асони  
 Сира бермасман сенга.  
 Бўлганича имкони  
 Мадад бер ўзинг менга.

*Бош қўмондон билан чодирга  
 кириб кетади.*

*Мефистофель*

Менга керакмас асло  
 Банди салиблик асо.  
 Ўзингга бу ўйинчоқ.

*Фауст*

Не қилурсиз?

*Мефистофель*

Ҳозироқ  
Топилади чораси.  
Эй қушларнинг қораси,  
Кўл сари парвоз этинг,  
Ундидаларга ётинг.  
Айтиб менинг дуойим,  
Етказинг муддаойим.  
Улар тоғларга тошқин  
Тасвирини юборсин.  
Улар эплар бу ишни,  
Аёлларга бу одат:  
Ҳар қандай кўринишни  
Қиладилар ҳақиқат.

*Сокинлик.*

*Фауст*

Париларни қузғун заб  
Кўндирди чоғи авраб.  
Ана тошлардан ошиб.  
Сув келаётир тошиб.  
Душман, энди ҳолинг танг,  
Сув ювадур ғалабанг.

*Мефистофель*

Энг зўр тоғ ошарлар ҳам  
Бу куч олдида мулзам.

*Фауст*

Ҳар томондан келиб ирмоқлар,  
Қўшилишиб сой бўлиб оқар  
Ва тошларга дуч келару у  
Тоғ бағрида йиғилади сув.  
Йиғилар-да, лиммо-лим тўлиб,



Сўнг отилар шаршара бўлиб,  
 Сурон солиб билониҳоя  
 Пастга тушар пояма-поя.  
 Кўриб туриб сувнинг бу кучин  
 Ёв қаршилиқ кўрсатар нечун?  
 Бу даҳшатли тошқинга боқсам,  
 Ваҳм босар, ҳатто мени ҳам.

*Мефистофель*

Кўрмаяпман ҳеч қанақа сув,  
 Сезмаяпман ҳеч қандай даҳшат.  
 Алқанишга мойилдир мангу  
 Одамзоднинг нигоҳи фақат.  
 Мен куламан уларга қараб,  
 Қандай нозик инсон асаби.  
 Қўл ташлашар бари ҳар тараф  
 Чўкаётган кишилар каби.  
 Ҳамма четга ўзини урар,  
 Ҳар бир харсанг, илдиз талошдир.  
 Асли улар қуруқда турар,  
 Оёқлари остида тошдир.

*Қузгунлар қайтишади.*

Яшанг, айтиб бу ишингизни,  
 Люциферга<sup>202</sup> мақтайман сизни.  
 Энди беринг яна бир ёрдам,  
 Қойил қилинг сиз бу ишни ҳам:  
 Парвоз этинг энди тоғларга,  
 Меҳнат қилиб гномлар тун-кун,  
 Чор атрофга сачратиб учкун  
 Темир қўйиб ётган ёғларга.  
 Сиз уларнинг ёнига боринг  
 Ва илтимос қилинг, ёлборинг.  
 Улар менга берсин аланга,  
 Алангаки ҳеч йўқ мисоли,  
 Тонг қолувчи инсон хаёли,

Шундай олов берсинлар манга.  
 Чақмоқ изин кўрган одамлар,  
 Кўрган улар учган юлдузни.  
 Булар солмас ҳайратга кўзни  
 Аммо чақмоқ чақнаса агар —  
 Кўкда эмас, шохда, япроқда,  
 Юлдуз ёниб ётса тупроқда —  
 Бу чинакам бўлур ажиб ҳол,  
 Инсон қилмас, ҳаттоки хаёл.

*Қузгунлар учиб кетадилар.  
 Айтилганлар бажо бўлади.*

Чулғанадур зулматга ҳар ён,  
 Душман тоғда, йўл кўрмай ҳайрон,  
 Дайди шуъла чақнаб қолади,  
 Зулмат камдай кўзни олади.  
 Бу даҳшатлар устига-устига  
 Гулдирайди момагулдурак.

*Фауст*

Музейларда ётган қуроолар  
 Жонланиб майдонга йўл олар.  
 Найза, қилич, совут ва қалқон...  
 Жаранг-журинг, ур-сур ва сурон.

*Мефистофель*

Ана, қадим яхши замонлар  
 Кўз олдимда уйфонди янги.  
 Бош кўтарди ул зўравонлар —  
 Рицарларнинг бошланди жанги.  
 Ҳазабдан кўз кўру қулоқ кар,  
 Бир-бирин қасд этиб жонига,  
 Гибеллинлар билан Гвельфлар  
 Яна тушди ҳарб майдонига.  
 Давом этар ўшал асрий жанг,  
 Пўлатлардан таралган жаранг.  
 Ўтиб неча вақту замонлар

Кулоқларни қилмоқда гаранг.  
 Яна ерга тўкилар қонлар,  
 Ихтилофда яна томонлар.  
 Дунёда йўқ ортиқроқ бало  
 Адоватдан кўра ўзаро.  
 Базмлари ичра шайтоннинг  
 Йўқдир асло бу базмга тенг.  
 Ана ўшал дўзахий садо  
 Янграб водий, адрлар аро  
 Душманнинг чок этиб бағрини,  
 Тўзғитмоқда лашкарларини.

*Оркестрнинг бетартиб садолари қувноқ  
 ҳарбий муסיқа машқларига айланади.*

## **ДУШМАН ПОДШОСИННИНГ ЧОДИРИ**

*Тахт. Беҳисоб бойликлар.  
 Талаболди ва Чангсолахон.*

Чангсолахон

Биз биринчи келибмиз илдам.

Талаболди

Тезроқ учдик кузғунлардан ҳам.

Чангсолахон

Бунда бойлик бесону саноқ,  
 Қай биридан лозим бошламоқ?

Талаболди

Дарҳақиқат, кўзларим тинди:  
 Қай бирини олурман энди?

Чангсолахон

Тагим юпқа. Қалин қилмасам  
 Бўлмас. Менга мана бу гилам.

Талаболди

Мана бунда ўткир ойболта,  
 Шу доимо эди хаёлда.

Чангсолахон

Бул ажойиб зарбоф ёпинчиқ  
Тушларимга кирганди, очиқ.

Талаболди

*(ойболтани олиб)*  
Бўлса агар бу қурол қўлда,  
Ҳеч бир хатар йўқ менга йўлда.  
Сен-чи йиғиб увада латта,  
Бўғча қилиб олибсан катта.  
Билсанг агар ишнинг кўзини,  
Олгин анов қути ўзини.  
Жавоҳирлар дафинаси ул,  
Бутун лашкар хазинаси ул.

Чангсолахон

Қандоқ килай, оғир жуда ҳам,  
Суриб бўлмас, ҳатто бир қадам.

Талаболди

Кун қолмасин кейин аттангга,  
Энгаш, уни ортай елкангга.

Чангсолахон

Вой-вой! Бойлик олмай ўлайин,  
Сўнгақларим ушалди, тайин.

*Қути тушади ва қопқоғи очилиб кетади.*

Талаболди

Қара қанча инжу ва олтин,  
Қўлларингга сиққанча олгин,

Чангсолахон

*(чўққайиб)*  
Тўлдирайлик этагимизга,  
То ўлгунча етади бизга.

Талаболди

Тез бўл, кетдик. Бу ёқда эшик.

*(жувон туради)*

Вой! Этагинг экан-ку тешик:  
У чокидан сўкилиб борар,  
Олтинларинг тўкилиб борар.

*Ҳақиқий подшо соқчилари*

Ҳуқуқ берди ким сизга, қани,  
Подшо мулкин торож этгани?

*Талаболди*

Бизлар мана шу ҳуқуқ учун  
Саллот бўлиб ишлаймиз букун.  
Ёв мулкени олса не бўлур?  
Бу талонмас, ўлжа дейилур!

*Соқчилар*

Йўқ, бу гапинг тамом нотўғри,  
Саллот эмас талончи, ўғри.  
Кимки ҳалол ва олиҳиммат,  
Саллот бўлиб қилади хизмат.

*Талаболди*

Бу ҳалоллик, ҳиммат аёндир,  
Унинг номи бождур, товондир.  
Бизга фақат улуш бўлса бас,  
Жангдан мақсад шулдир, ўзгамас.

*(Жувонга)*

Қопчиғингни кўтар, қани юр,  
Биз бу ерда бўлмадик манзур.

*Кетадилар.*

*Биринчи соқчи*

Не юзсизлик бу, қанақа гап?  
Нега уни солмадинг боплаб!

*Иккинчи соқчи*

Кўлим қотди, бошдан учди ҳуш,  
Билолмасдан қолдим, ўнгми, туш.

*Учинчи соқчи*

Кўз олдимни босди-ю туман,  
Уларга ҳеч қаролмадим ман.

*Тўртинчи соқчи*

Эрталабдан бошлаб, ажабо,  
 Ҳаддан ортиқ қизиди ҳаво.  
 Эртақ янглиғ бир иш бўларди,  
 Биров урар, биров қуларди.  
 Ёв бошига бамисоли туш,  
 Қаердандир тушар эди мушт.  
 Кўз олдимиз қоронғу эди,  
 Файри мафҳум бир ғулу эди.  
 Мана бўлдик бу ерда пайдо,  
 Қандай келдик, билмайман аммо.

*Тўрт князь билан подшо кириб келади.  
 Соқчилар кетишади.*

*Подшо*

Биз ғалаба қилдик нима бўлса ҳам,  
 Ёв аламон бўлиб қочмоқда бу дам.  
 Мана ул хоиннинг тахти, мана бу  
 Унинг хазиnasi, тўла зар, инжу...  
 Дўстлар даврасида ғолиб ва бардам  
 Элчи кутмоқдамиз тобе халқлардан.  
 Хушxabарлар келур бизга ҳар ёндин,  
 Юрт тинч, эл қутулди ғулу, исёндин.  
 Бизга мадад берди гарчи сеҳргар,  
 Оқибат ғолиб — биз, бизники самар.  
 Жанглар тарихига ташласак нигоҳ,  
 Қанча тасодифлар юз берган ногоҳ.  
 Ёв бошига ёққан гоҳ қонли жала,  
 Гоҳида тош ёғиб қилган дабдала.  
 Гоҳ форлардан чиқиб бир айюҳаннос,  
 Дўстга ишонч берган, душманга васвос.  
 Лекин енгилганлар эл аро мазах,  
 Ғолибларга ёрдир шуҳрона, фараҳ.  
 Тангри салотини тутиб дилларда,

Нашида йўллайдур минглаб тилларда.  
 Ёр бўлган бу чоғда саодат, зафар  
 Мен ўз юрагимга ташлайман назар.  
 Ёш подшо ишрату сафо қиладур,  
 Вақт келиб у вақтнинг қадрин биладир.  
 Мана волибона тугади уруш,  
 Тўрттовингизга мен берурман улуш.

*(Биринчисига)*

Сен, князь, бўлдингу қўшинга раҳбар  
 Маҳкам турди нозик фурсатда сафлар.  
 Тинчликда ҳам сардор бўлгин шундайин,  
 Фельдмаршал шамширин сенга берайин.

*Фельдмаршал*

Тартиб ўрнатдик юрт ичра то бу дам,  
 Унинг сарҳадин ҳам қилсак мустаҳкам —  
 Олий саройингда жам бўлажакмиз,  
 Жам бўлиб чинакам базм қилажакмиз.  
 Шунда бул шамширни қўлда тутиб шай,  
 Ёнингда турарман фахрий соқчидай.

*Подшо*

*(Иккинчисига)*

Мардлик, одобда сен ўрнак черикка,  
 Сени тайинлай бош камергерликка.  
 Гар аҳли саройда йўқдир иттифоқ,  
 Подшолик тагига сув қуяр нифоқ.  
 Қобиллигинг билан бўлурсан ҳамдам  
 Сарой аҳлига ҳам, тахтнишинга ҳам.

*Бош камергер*

Менинг шиорим шул: бўлмоғим даркор  
 Яхшига ёр, ёмонга ҳам беозор.  
 Ростгўй бўлай доим, ёлғондан йироқ,  
 Мақсудим ишончинг ҳаргиз қозонмоқ.  
 Улуғвор базмингда эҳтиром ила,  
 Қошингда турайин олтин жом ила.

Сен унга қўл ювган чоғинг кўрайин,  
Олтин узугингни тутиб турайн.

*Подшо*

Буюк ишларга банд гарчи хаёлим,  
Лек тўй, базмлар ҳам албатта лозим.  
Майли зиёфатлар тараддудин кўр,  
Кайфият чоғ бўлса иш ҳам битар зўр.

*(Учинчисига)*

Сен базм оғаси бўл, шул фармонимиз,  
Сенинг измингдадур дастурхонимиз.  
Барча масаллиқлар, илвасин гўшти,  
Чорва қўл остингда бўлади, дўстим,  
Ҳар фасл, ҳар бир ой, ҳар фурсатга мос  
Лазиз таом бермоқ вазифанг холос.

*Базм оғаси*

Мақбул бўлмагунча то сенга таом,  
Ўта рўза тутай ўзим, вассалом.  
Тонгда шод қилмоғинг учун тановул  
Тун бўйи кўз юммас ошпаз, баковул.  
То дастурхонингда сенинг тўрт томон,  
Тўрт фасл неъматини бўлсин намоён.  
Аммо дабдабани севмайсан, ёдда:  
Сенга таом бўлсин мазали, содда.

*Подшо*

Сўз яна базмга уланаётир,  
Сени хуш кўраман, эй ёш баҳодир,  
Шаробхонамизга сен посибон бўл,  
Ўзинг косагул бўл, пири муғон бул.  
Хумларни тўлдириб тургин дам-бадам,  
Шодлик базми аро май бўлмасин кам.  
Тўйларда барчани хушнуд қил, аммо  
Ўзинг берилмагин ишратга асло.

*Косагул*

Каттанинг ишончи ёш учун мадад,  
Ишончдан куч олиб улғаяр албат.



Шоҳим, қилар эсанг базми фараҳлар,  
 Мен топай шундайин ажиб қадаҳлар,  
 Косалар кумушдан, чўмичлар олтин...  
 Муборак қўлингга ҳаммадан олдин  
 Венеция жомин тутарман биллур<sup>203</sup>,  
 Унда май ўт бўлиб жилвалар қилур.  
 Ёнади, юракда шавқ ёндиради,  
 Маст қилмайди, аммо зап қондиради.

### *Подшо*

Мен неки сизларга бермишман унвон,  
 Эшитдингиз, қилдим оғзаки баён.  
 Шоҳлик сўзим чиқмас ҳеч қачон пучга,  
 Аммо буйруқ кириб қонуний кучга,  
 Фармон бўлсин учун подшонинг сўзи,  
 Хат керакдур, ана саркотиб ўзи.

*Саркотиб — архиепископ киради.*

Деворга эгилиб тушар қубба том,  
 Шунда бино вайрон бўлмайди мудом.  
 Тонгдан бери тўртта князь билан биз  
 Давлат ишларин ҳал қилаётирмиз.  
 Бу ишлар бўлмоғи учун мустаҳкам,  
 Бешинчи ҳам керак, қўшдик сени ҳам.  
 Сизларни ҳар қанча кўтарсам мумкин,  
 Мендан юз ўтирган князлар мулкин —  
 Барини сизларга бўлиб берурман,  
 Сизни мутлақ ҳоким қилиб берурман.  
 Чиқариб берурман сизларга фармон,  
 Ўз ерингизда сиз бамисли султон.  
 Ҳақлисиз бермоққа уни ворисга,  
 Ҳам кенгайтиришга, сотиш, олишга.  
 Ихтиёрингизда ҳукм ва буйруқ,  
 Ул ҳукмни бекор қилмоққа ҳуқуқ,  
 Ҳатто менда бўлмас. Сизларга имкон —  
 Берилур йиғмоққа солиқ ва ўлпон.

Пул солиқ, жон солиқ, туз солиқлари —  
Сизнинг ҳуқуқингиз бўлади бари.

Сиздан миннатдорман, сидқингиз учун  
Ўзим қадар сизни кўтардим букун.

*Архиепископ*

Эй подшоҳим! Бизга бахш этиб қудрат  
Ўзинг қудратлироқ бўлурсан албат.

*Подшо*

Сизни яна бир бор айлай мукарам:  
Измингизда — тахтга ворис танлаш ҳам.  
Ҳозирча ҳаётман ва лекин бир кун  
Боболарим мени чақирса мумкин.  
Мен кўз юмгандан сўнг бешовлон сизлар  
Лойиқ ўринбосар топажаксизлар.  
Мен жанг-жадалларда кийган бўлсам тож,  
У тож қилиб топсин тинчликка илож.

*Архиепископ*

Сенга биз князлар, шоҳи азимлар,  
Бажо қилажакмиз қуллуқ таъзимлар.  
Тобакай оқаркан томирларда қон,  
Бизлар жисм эруرمىз, сен эурсан жон.

*Подшо*

Мен неки сизларга бахш этган бўлсам,  
Муҳру имзо билан қилай мустаҳкам.  
Сиз ўз ўрнингизда соҳибсиз, фақат  
Шарт шу: бўлинмасин яхлит мулк, давлат.  
Шу туфайли қонун — ворисул ваҳдат.  
Мамлакат бутунлик, бирлик била зўр:  
Катта ўғил бўлсин танҳо меросхўр.

*Архиепископ*

Бу қутлуғ ухдани бажарай ўзим,  
Пергаментга ёзай подшоҳим сўзин.  
Уни кўпайтириб кўчираб девон,  
Подшоҳим қўл қўйса — бўлади фармон.

Сизга жавоб. Уйда сукунат аро  
Шу кун қимматини ўйлангиз танҳо.

*Князлар чиқишади.*

*Архиепископ*

*(Подшо ҳузурида қолиб)*

Мен саркотиб эмас, князь ҳам эмас,  
Бир руҳоний бўлиб сўзлай бир нафас.  
Мен ҳис қилмоқдаман, ўғлим, бир хатар.

*Подшо*

Нима таҳдид қилар менга, ё падар?

*Архиепископ*

Мени бул хуш соат эзар бир қийноқ,  
Маккор Азозилга бўлдинг иттифоқ.  
Гарчи сенинг тахтинг бўлди мустаҳкам,  
Бундан рози эмас Ҳақ ҳам, Папа ҳам.  
Аён бўлса борми Папага бу ҳол,  
Сени тахтдан жудо қилади дарҳол.  
Унинг ёдидан ҳеч чиқмайди санинг  
Ул кун жодугарни халос қилганинг.  
Кийган чоғидаёқ қутлуғ шоҳ тожин  
Силадинг динсиз бир банданинг бошин.  
Шуниг-чун тавба қил, бўлган чоғинг ер  
Черковга ҳам улуш ажрат, вақф бер.  
Қирғин жанг авжига чиққан паллалар,  
Иблис қанот ёзиб учган далалар  
Тангри даргоҳига берилмоғи шарт,  
Сен шунга қарор эт, фармон бергин мард.  
Ўшал тоғ ён бағри, ям-яшил ўрмон,  
Унга туташ ўтлоқ, экинзор майдон,  
Балиқларга тўлиб ётган кўлни ҳам  
Ибодатхонага ҳадя эт, болам.  
Қанча катта бўлса сендаги ҳиммат

Гуноҳинг шунча тез ювилгай албат.

*Подшо*

Ўша гуноҳимни ўйлаб мен беҳол, —  
Майли, истаганча ер ажратиб ол.

*Архиепископ*

Жодунинг қолмасин учун изи ҳам  
Тоғ узра саждагоҳ қургин муҳташам.  
Мен ўша эҳромни қилдим тасаввур:  
Тонготарда ўйнар гумбазида нур.  
Аҳли сажда учун бамисли салиб,  
Ул ибодатхона турар юксалиб.  
Обид, обидалар ўтар йўлақдан,  
Қўнғироқ жаранглаб чорлар юксақдан.  
Қулоғига унинг саси етганда  
Йиғлаб тавба қилар гуноҳкор банда.  
Ўшал хуш онларга талпинар юрак,  
Ўзим ул эҳромни қилай муборак.

*Подшо*

Ул ибодатхонани тиклагил, бали,  
Мени гуноҳлардан фориф этгали.  
Уни ўйлаб енгил бўлаётирман.

*Архиепископ*

Қўлинг керак, ахир мен саркотибман.

*Подшо*

Хужжатларни ўзинг тўғрига, тез бўл,  
Тайёр бўлган замон мен қўяман қўл.

*Архиепископ*

(Таъзим қилади, лекин чиқиш олдидан яна  
қайтади)

Аслида қонун бор қадим замондан,  
Черков учун ушр олмоқ деҳқондан.  
Элда дин бўлмоғи учун барқарор  
Саждагоҳнинг талай тасарруфи бор.  
Ибодатхонани қурмоғимизга  
Ўлжанинг бир қисмин ажратгин бизга.

Бошланмоғи учун бу муборак иш,  
Бизга бепул оҳак, оғоч бер ҳам гишт.  
Бизлар хитоб қилсак одамлар шитоб

*Подшо*

Барин ташиб берар, керак-ку савоб.

*Чиқади.*

*Подшо*

Сеҳргарлар билан алоқам учун  
Мен жуда қимматга тушдим-ку букун.

*Архиепископ*

*(Яна қайтиб, таъзим билан)*

Шоҳим! Ёддан чиқмай айтай бу ёғин:  
Сеҳргарга бердинг денгиз қирғоғин.  
Ул ер ҳисобидан бермаса ушр,  
Тангрининг ғазаби бошига тушур.

*Подшо*

*(Аламли)*

Сув остида ётар у ерлар ахир.

*Архиепископ*

Ким сабрли бўлса, билки, ул ҳақдир,  
Сен буйруқ бер, бир гап бўлур бу ёғи,

*Чиқади.*

*Подшо*

*(Танҳо)*

Подшоликни бўлиб бераман, чори.

## ЯЛАНГЛИК

*Мусофир*

Қаршимда турар, ана,  
 Қадимий арғувонлар.  
 Уларни кўрдим яна  
 Ўтиб неча замонлар.  
 Эски кулба — ул паноҳ,  
 Мени тўлқин қирғоққа  
 Отганида баногоҳ  
 Шу уй олган қучоққа.  
 Бу кулба соҳиблари  
 Тирик бормикан? Ахир  
 Улар ўша пайт қари  
 Чол эди-ку ва кампир.  
 Чақирай қоқиб эшик,  
 Камтар хонадон мудом  
 Одамларга яхшилик  
 Қилмоқдан топар ором.

*Бавкида*

*(Қари момо)*

Секинроқ сўйла, меҳмон,  
 Ухлаётир чол бу дам.  
 У қариган, бедармон,  
 Кам ишлаб кўп олар дам.

*Мусофир*

Сен эмасмидинг, момо,  
 Тутиб ожиз қўлимдан  
 Шул вайрона уй аро  
 Халос қилган ўлимдан?

Сен, Бавкида, жонимни  
Менга қайтардинг омон.

*Чол чиқади.*

Сен эмасми молимни  
Қутқарган ул Филемон?  
Сизлар чалган кўнғироқ,  
Сизлар ёққан аланга  
Бўлиб ишора, маёқ —  
Нажот келтирди манга,  
Энди юксақдан бир бор  
Ул денгизни кўрайин.  
Сажда қилиб халоскор —  
Қирғоққа бош урайин.

*Қумтепага қараб юради.*

*Филемон*<sup>204</sup>

*(Бавкидага)*

Кампир, тузат дастурхон,  
Боққа қилгин дарҳол жой.  
Бул ўзгаришдан меҳмон  
Ёқи тутар, ҳойнаҳой.

*(Мусофирга яқин келиб)*

Сени тўлқин қирғоққа  
Ташлаганди бир маҳал.  
У ер айланди боққа,  
Яшил, хушҳаво, гўзал.  
Қариб кучдан қолдим ман,  
Одамларга нафим кам.  
Бу вақт ичра соҳилдан  
Йироқлади денгиз ҳам.

Оқил соҳибнинг чаққон  
 Қароллари тўкиб тер.  
 Қурдилар канал, тўғон,  
 Уммондан олдилар ер.  
 Сув ўрнида, кўр энди,  
 Боғлар қулф уриб ётар.  
 Дастурхонга юр энди,  
 Ҳали замон кун ботар.  
 Оқшом уяси сари  
 Ошиққан қушларсимон,  
 Кема, қайиқлар бари  
 Интилар кўрфаз томон.  
 Энди нарида қирғоқ,  
 Унда тўлқин ўйнар қум.  
 Бу ерда эса қишлоқ  
 Одамлар билан гавжум.

## БОҒ

*Учовлон.*

*Бавкида*

Нега жимсан мусофир,  
 Боқмайсан дастурхонга?

*Филемон*

Ул мўъжизани, кампир,  
 Гапириб бер меҳмонга.

*Бавкида*

Мен ҳақ гапни сўйлайман,  
 Мўъжизага келдик дуч.  
 Лек бу ишда, ўйлайман,  
 Аралашди ёвуз куч.

*Филемон*

Подшо бир зодагонни  
 Эга қилди қирғоққа.



Жарчилар бу фармонни  
Тарқатдилар ҳар ёққа.  
Ўша кундан бошлабоқ,  
Ўзга тусга кирди жой.  
Аввал кўноқ, сўнг қишлоқ,  
Сўнгра бўлди боғ, сарой.

*Бавкида*

Минглаб одам уринур,  
Кун бўйи бўлур сарсон.  
Тунда ёнур сирли нур,  
Эрталаб тайёр довон.  
Пўртанада эсиз, оқ,  
Қурбон бўлди неча жон.  
Тонгда кўрсанг баногоҳ  
Канал бўлди намоён.  
Ул соҳиб — қаттол, бераҳм,  
Ўтакетган қароқчи.  
Бизнинг кулба, боғни ҳам  
Қара, тортиб олмоқчи.

*Филемон*

Олиб тепа еримиз —  
Берар эмиш пастдан жой.

*Бавкида*

Тушсак қурир шўримиз,  
Денгиз — денгиз, кўнма, ҳой!

*Филемон*

Бутхонага борамиз,  
Юр энди. Беихтишом  
Учов унда чўкиб тиз  
Сажда қилурмиз бу шом.

## САРОЙ

*Катта, қирғоқлари текис канал бүйида  
яшнаб ётган бог. Қартайган Фауст<sup>205</sup>  
богда сайр қилиб юради.*

*Линцей*

*(Карнайдан гапиради)*

Қуёш ботар, сўнгги кемалар  
Келаётир каналга томон  
Ташламоққа кўрфазда лангар,  
Тунамоққа бу ерда омон. .  
Кемаларнинг байроқлари бу  
Ҳилпираган елда беором  
Сенга, аё кўрфаз соҳиби,  
Йўлчилардан қуллуқ ва салом.

*Қумлик соҳилда қўнғироқ садоси.*

*Фауст*

Лаънати ул қўнғироқ! Э, воҳ,  
Дилга тегар бамисоли ўқ.  
Олдда мулким поёнсиз, бироқ  
Ортдан менга сира тинчлик йўқ.  
Қўнғироқдан таралган овоз  
Сен ҳақиқий соҳиб эмас, дер,  
Қўлингдаги — қалбаки қороз,  
Сеникимас чол яшаган ер.  
Чолу кампир — кўзимдаги чўп,  
Кафтимдаги зирапча гўё,  
Кўринурлар бир соя бўлиб...  
Қолгим келмас бу ерда асло.

*Ленцей*

*(Юқоридаги ҳолатда)*

Ана қирғоқ ёқалаб шитоб  
Келаётир юклик заврақлар.  
Унда турли мато беҳисоб  
Зеб-зийнатлар кунда ярақлар.

Чет элларнинг матолари юкланган  
катта кема кўрфазга киради.  
Мефистофель ва уч паҳлавон.

Хор

Заврақ соҳилда  
Қиларкан мақом,  
Эй соҳиб, дилдан  
Сенга ассалом!

Юкларни тушира бошлайдилар.

Мефистофель

Шухратимиз таралгай мангу,  
Аммо не дер бу ишга малик?  
Уч кемада йўлга чиқдигу —  
Йигирмата кемада қайтдик.  
Не иш қилдик, этмаймиз баён,  
Денгиз севар ким бўлса дангал,  
Кўзи ўткир ва соҳиб чангал.  
Бўлур денгиз фарзандлари дов.  
Ол, ҳеч қачон кимники дема.  
Денгиз сахий, қилар бўлсанг ов,  
Илинур гоҳ балиқ, гоҳ кема.  
Эгаллагач икки кемани,  
Учинчиси тортади сани.  
Сўнг тўрт бўлар, сўнг беш, сўнг... ишон...  
Тўхтамоққа бўлмас сўнг имкон.  
Денгизда бир қонун бор азал:  
Ким зўр бўлса ҳақлидир ўшал.  
Қайдан, қандай олдинг деб асло  
Ҳеч ким сендан ўлтирмас сўраб.  
Қароқчилик, уруш ва савдо —  
Суриштириб келса, битта гап.

*Уч паҳлавон*

Мукофот учун  
 Бермай бир тийин  
 Хўмраяр нечун  
 Бизга хўжайин?  
 Шунча мол-дунё  
 Наҳотки ёқмас?  
 Уларга ҳатто  
 Қайрилиб боқмас.

*Мефистофель*

Не шов-шув тагин?  
 Яна не калом?  
 Ҳамма ўз ҳақин  
 Олган батамом.

*Уч паҳлавон*

Тақдирласа гар  
 Юмушимизни,  
 Берсин баробар  
 Улушимизни.

*Мефистофель*

Аввал, кемада  
 Нимаики бор —  
 Саранжом қилиб  
 Терингиз қатор.  
 Барин тартибда  
 Кўрса мужассам,  
 Хурсанд бўлади  
 Балки соҳиб ҳам.  
 Савфо ҳам шунда  
 Азим бўлади.  
 Ҳаммангизга тўй,  
 Базм бўлади.  
 Эрта келар қолган кемалар,  
 Шунда барча улушин олар.

*Туширилган бойликларни олиб кетишади.*

(Фаустга)

Сенга кулиб боқди-ку иқбол,  
 Аммо нечун кўнглингда малол?  
 Битди меҳнат, меҳнатки тенгсиз,  
 Қирғоқ билан қўл берди денгиз.  
 Бу кўрфаздан — қаёққа дема —  
 Йўл олади турли хил кема.  
 Бул муҳташам сарой — манзилинг,  
 Етар қайга узатсанг қўлинг.  
 Ёдингдами, биз бунда илк бор  
 Тиклагандик чодирлар қатор.  
 Қазиб эдик биз бунда хандақ,  
 Сузар бунда, кўр, қайиқ, заврақ...  
 Тафаккуринг бўлдию йўлдош,  
 Сен денгизу қуруқликка бош.  
 Бунда...

Фауст

Э, воҳ лаънати «бунда», —  
 Ҳамма офат, балолар шунда.  
 Сенга айтай дардимни, ахир,  
 Ҳар мушкулга топурсан чора.  
 Бир ғамим бор — ўртовчи бағир,  
 Юрагимни қилгувчи пора.  
 Қийнар мени чол билан кампир,  
 Улар турар букун йўлимда.  
 Менга олам мулки нимадир —  
 Улар ери бўлсин кўлимда.  
 Бегона жой, салқин ва гўзал,  
 Тинчлигимни олди батамом.  
 Олмасам ҳеч бўлмайди ўшал  
 Арғувонлар тагида ором.  
 Мен у ерга шийпон қулардим,  
 Меҳнат қизиб ётган паллалар  
 Одам билан гавжум далалар  
 Жамолига боқиб турардим.  
 Мен кўрардим ям-яшил боғлар

Қулф урганин, топганин камол.  
 Мен кўрардим инсоний хаёл,  
 Инсоний руҳ берганин самар.  
 О, нақадар бу ҳол аламлик:  
 Бойлик аро ҳис этмак камлик.  
 Димоғимда арғувон ҳиди,  
 Қулоғимда мудҳиш қўнғироқ.  
 Юрагимда адам таҳдиди,  
 Вужудимда ларзали титроқ.  
 Наҳотки, шу соҳил, қумлоқда  
 Барча ишим бўлғуси барбод.  
 Жаранглаган ул қўнғироқдан  
 Нима мени қилолур озод?

*Мефистофель*

Қўнғироқ бор экан оламда,  
 Заҳарлар у ҳар бир қадамда.  
 Муסיқадан бегона ул сас  
 Нозик дидли қулоққа ёқмас.  
 У таратган жанг-жунг, зилу бом  
 Тиниқ кўкни тўсади тамом.  
 Туғилмоқ ҳам ўлмоқ унга бир,  
 Ҳаммасига жангиру жунгир.  
 Гўё ҳаёт шу бир жарангос,  
 Тириклик-чи фақат туш халос.

*Фауст*

Наҳот қанча меҳнат бул қайсар  
 Одамлар деб топадур барҳам?  
 Жонга тегиб кетди шу қадар,  
 Хафа бўлдим адолатдан ҳам.

*Мефистофель*

Кўчир, не бор ўйлаб юрмоққа,  
 Ажратилган тайёр қишлоққа.

*Фауст*

Дарҳақиқат, пастликда тайёр —  
 Мен ажратган сўлим боғча бор.  
 Ўша ерга кўчсин кампир, чол.

*Мефистофель*

Бажарилар буйруғинг дархөл:  
 Бир кўз очиб юмгунгача то  
 Янги жойда бўлишар пайдо.  
 Улар тезда кўникишади,  
 Зулмни ҳам унутишади.

*Ҳуштак чалади. Уч паҳлавон қайтади.*

Соҳиб ҳукмин бажаринг шитоб,  
 Эрта тўлгай жомларга шароб.

*Уч паҳлавон*

Соҳиб бизни қарши олди ланж,  
 Меҳмон қилса унутилар ранж.

*Чиқадилар.*

*Мефистофель*

*(Томошабинларга)*

Бу эски гап. Кўҳна нақл дер:  
 Эй, Навуфей, токзорингни бер!<sup>206</sup>

*(Китоб мулук, 111, 21)*

**ЗИМИСТОН КЕЧА***Нигоҳбон линцией*

*(Минорада туриб, куйлайди)*

Табиат менга  
 Ўткир кўз бермиш.  
 Ишим заминга  
 Тун-кун термулиш.  
 Ёниқ осмонда  
 Юлдузлар сайёр.  
 Узоқ ўрмонда  
 Юрипти алқор.

Кўзим олдида  
 Бу гўзал жаҳон  
 Асл ҳолида  
 Бўлур намоён.  
 Ҳаётдан хурсанд,  
 Шодман ўзимдан,  
 Қарамоққа банд  
 Ўткир кўзимдан.  
 Неки намоён  
 Менга дунёда,  
 Бари нурафшон  
 Бари зиёда.

### *Сукут*

Лекин менга доимо  
 Олам бахш этмас лаззат.  
 Кўзимга зулмат аро  
 Кўринмоқда бир даҳшат.  
 Чолнинг арғувонлари  
 Ёнаётир ловуллаб.  
 Олов аждар сингари  
 Кўкка ўрлар. Нима гап?  
 Ёнмоқда зах кулба ҳам  
 Кул бўлмоқда-ку, ҳайҳот!  
 Ҳеч кимса бермас ёрдам,  
 Ҳеч қаёқдан йўқ нажот.  
 Ўтдан-ку улар ҳар дам  
 Бўлар эди эҳтиёт.  
 Не қисматдир бу мубҳам,  
 Бунча қаттол бу ҳаёт?!  
 Ёнди похол том — ул хас  
 Кул бўлди-ку ноғиҳон.  
 Чолу кампир чиқса бас  
 Бу жаҳаннамдан омон.  
 Олов, тутун кўк сари  
 Ўрлаётир чарсиллаб.



Арғувоннинг шохлари  
 Кулаётир қарсиллаб.  
 Дўзах ўти тўлғона  
 Бутхонага шайланди.  
 Шундай кўркам бутхона  
 Кулхонага айланди.  
 Кеча яшнаб турган боғ  
 Кўз олдимда йўқолди.  
 Арғувонлар баногоҳ  
 Лаққа чўғ бўлди-қолди.  
 Кўп аср эл кўзини  
 Банд айлаган бу Ватан  
 Бағишлади ўзини  
 Мозий учун дафъатан.

Фауст

*(Қумтепа қаршисида шийпонда)*

Бу не нола? Вақт ўтди, ҳайҳот,  
 Қайтармоққа йўқ энди чора.  
 Унда Линцей айлаган фарёд  
 Юрагимни қилмоқда пора.  
 Аммо бўлар иш бўлди, нечун  
 Алам чекмоқ ўртана, ёна.  
 Ул култепа ўрнида бир кун  
 Қад кўтарар ажиб кошона.  
 Кексаларга эса албатта  
 Уй солдириб бераман дарҳол.  
 Қолган умрин тинч, фароғатда  
 Яшаб ўтар кампир билан чол.

*Мефистофель ва уч паҳлавон киради.*

Мефистофель

Чопиб келдик бунда тўртовлон,  
 Фалокат иш юз берди ёмон.  
 Эшик қоқдик бориб, аммо жим,  
 Бизга эшик очмади ҳеч ким.  
 Кўп туришга йўқ эди фурсат,  
 Бузиб-ёриб кирдик ниҳоят.

Чол-кампирга очиқ ва аён  
 Фармонингни айладик баён.  
 Лекин улар қулоқ солмади,  
 Биз айтмаган сўзлар қолмади.  
 Ялиндик ҳам, дўқлар қилдик ҳам.  
 Оёқ тираб турдилар маҳкам.  
 Шунда биз ғазабга олдик,  
 Нарсаларни чиқариб отдик.  
 Чолу кампир, қўрқувданми ё,  
 Бандаликни қилдилар бажо.  
 Ўша уйда бор экан меҳмон,  
 У курашди ва бўлди қурбон.  
 Ҳар ёқ бўлди остину устин  
 Қаердандир чиқдию учқун  
 Кулбага ўт туташди шунда,  
 Куйиб кетди учала мурда.

*Фауст*

Зўрлик эмас, балки алмашув  
 Таклиф қилган эдим-ку фақат.  
 Аҳмоқликнинг оқибати шу,  
 Лаънат бўлсин сизга, минг лаънат!

*Хор*

Зўрлик бўлган ерда сўз увол,  
 Бўйин эгиб тек тур, қулоқ сол.  
 Молу жонни сақлайман десанг,  
 Бир илож шу — мардлик ила жанг.

*Кетишади.*

*Фауст*

*(Шийпонда)*

Кўринмайди юлдуз самода,  
 Ёниб битган ул кулба бутун.  
 Эса бошлар аста шаббода,  
 Ҳар томонга таралар тутун.  
 Хато ўтди. Айбдорман ўзим...  
 Келаётган ул соялар ким?

## ЯРИМ ТУН

*Түрт оқ сочли аёл бўлади.*

*Биринчиси*

Исмим Камчиликдир,

*Иккинчиси*

Менинг номим Айб.

*Учинчиси*

Менинг отим Ташвиш:

*Тўрттинчиси*

Менман Эҳтиёж!

*Камчилик*

Эшиклар берк, бунда яшар зодагон,

*Айб*

Демакки кирмоққа йўқ бизда имкон

*Эҳтиёж*

Сояга айлангум.

*Камчилик*

Йўқолгум

*Айб*

Беиз.

*Эҳтиёж*

Зодагон уйида ортиқчамиз биз.

*Ташвиш*

Ҳаммангиз маҳрумсиз бунда киришдан,  
Фақат мен — Ташвишга йўл бор тирқишдан

*Ташвиш кўздан йўқолади.*

*Камчилик*

Келган изимизга қайтайлик илдам.

*Айб*

Сен қаерда бўлсанг, шундаман мен ҳам.

*Эҳтиёж*

Изингдан борурман мен ҳам доимо.

*Камчилик*

Кук юзини булут қоплар қоп-қаро

*Айб*

Олисдан биз томон келаётган ким?

*Эҳтиёж*

Ахир у суюкли акамиз — ўлим!

*Кетишади.*

*Фауст*

*(Саройда)*

Тўртов эди улар, учов қайтдилар,  
Илғолмадим бунда нелар айтдилар.  
«Эҳтиёж» сўзини эшитдим танҳо,  
Сўнгра «ўлим» сўзин — мисли акс садо.

Ҳамон қувар мени шарпалар ҳайҳот!

Ҳамон бўлолмасман улардан озод.

Оҳ, қани жодуга беролсам барҳам,

Дуо сўзларини тамом унутсам.

Табиатга ошно бўлсаму фақат,

Инсон бўлиб ерда қилсайдим меҳнат.

Ҳа, мен инсон эдим, то мен ўзимни

Қарғаб қаро қилмай аввал юзимни.

Шарпаларга тўлди мен учун жаҳон,

Энди қутулмоққа йўқ сира имкон.

Кундуз ақлу фикрат ёр бўлса-да гар,

Тунда босиб келар қора соялар.

Тонг чоғи сайр этсам бардам, саломат,

Ваҳ, қарға қағиллар, хунук аломат.

Бир белги берадур менга ҳар бир ҳол,

Нетай, ҳар қадамда кўрадурман фол.

Мени ваҳм босар сукунат аро...

Эшик ғичирлади... ҳеч ким йўқ аммо.

*(Ҳаяжонда)*

Бунда биров борми?

*Ташвиш*

Ҳа, албатта бор.

Фауст

Сен кимсан?

Ташвиш

Мен бунда айлаган қарор.

Фауст

Кет бундан.

Ташвиш

Жойимда тутганман мақом.

Фауст

*(Аввал газабланиб, сўнг ўзини босиб)*

Майлига айтмайман мен дуо калом.

Ташвиш

Сенингча мен бекорман,

Юрагингда лек борман.

Ҳар шаклда, ҳар турда

Мен бўлурман намоён.

Мендан бутун умрда

Озод бўлолмас инсон.

Қуруқда ҳам, сувда ҳам

Бўлурман қўрқинч ҳамдам.

Тақдири азал бормен,

Қисмат берган озормен.

Билмаганми эдинг ташвиш нимадир?

Фауст

Мен парвосиз ўтдим ҳаёт йўлидан,

Тутдим ҳаргиз шодлик, лаззат кўлидан.

Фароғат мен учун бўлди беқадр,

Ўртамадим, уни йўқотсам, бағир,

Мен истак отини тинмай қистадим,

Истагимга етдим, яна истадим.

Мени етаклади ёшлик, эҳтирос,

Мана энди тиндим, қуюлдим бир оз.

Менга бўлди олам асрори аён,

Билдим, у дунёга ишонган нодон.

Нодон ул — кўз тикиб булутлар сари

Одаиларни кўрган ўзи сингари.

Заминда маҳкам тур, касб айла камол,  
 Фалақдан мангулик излама асло.  
 Фозил эрсанг олам эмас гунгу лол,  
 Не кўриб билурсан узатур дунё.  
 Шундай яша, интил мақсадга томон,  
 Шарпалардан излаб юрма синоат.  
 Интилишда — шодлик, ғам, умид, армон,  
 Бирор сониядан топма қаноат.

### *Ташвиш*

Тузоғимга тушдими одам,  
 Қоронғудир унга бу олам.  
 Қуёш чиқар ва қуёш ботар,  
 Лек дилида унинг тун ётар.  
 Унинг учун ёруғ кун — зулмат,  
 Ҳар бир ҳолат — ёмон аломат.  
 Кўп бўлса ҳам молу давлати,  
 Бу давлатнинг йўқдир қиммати.  
 Емиш тўла — ўзи оч,  
 Эгни бутун — яланғоч.  
 На шодлигу на алам.  
 Бергай унга бу олам.  
 Куни шундай ўтади,  
 Фалокатни кутади.

### *Фауст*

Чекил, менмас сен айтган одам,  
 Безор бўлдим бўйла нақдан.  
 Аммо сўзинг донишмандни ҳам  
 Оздирмоғи мумкин ақдан.

### *Ташвиш*

Тўхтами йўқ бечора,  
 Йўл устида овора.  
 У бир томон юради,  
 Яна ҳайрон туради.  
 У бамисли тузоқда,  
 Офат кўрар ҳар ёқда.  
 Ўзига ортган у ғам  
 Юк бўлур ўзгага ҳам.

Дили доим озурда,  
 Ярим жон, ярим мурда.  
 Билмайдир надур қувонч,  
 Интилиш йўқ, йўқ ишонч.  
 Бул бечоралик учун,  
 Бул оворалик учун,  
 Ним уйғоқ ва ним уйқу  
 Ҳолати учун мангу  
 У дунёда шул тариқ  
 Жаҳаннамга мустаҳиқ.

*Фауст*

Эй қўрқинч шарпалар! Солурсиз нечун  
 Одамзодни шунча дард, изтиробга!  
 Сиз туфайли инсон учун ҳар бир кун,  
 Ҳар лаҳза айланур минг бир азобга.  
 Жинлар чангалидан мушкул қутулмоқ,  
 Уларга туну кун йўллайман қарғиш.  
 Лекин ҳаммасидан кўра ортиқроқ  
 Сени лаънатлайман, эй ёвуз ташвиш.

*Ташвиш*

Ўша ёвузликни ўзда синаб кўр,  
 Қарғишларинг ажрин энди олурсан.  
 Одамлар бўлади туғилишдан кўр,  
 Сен ўлим олдида кўздан қолурсан<sup>207</sup>.  
*(Кўзига пуфлайди)*

*Фауст*

*(Кўр)*  
 Кўзларимга олам бўлди зимистон,  
 Аммо юрагимда ёнар сирли нур.  
 Кўнгилда иштиёқ урмоқда туғён,  
 Яна менда ишчан соҳиб жонланур.  
 Эй сиз азаматлар, толмас, шербилак.  
 Меҳнатга чорлайман, сафларга турунг.  
 Қўлларга олингиз замбил, белкурак —  
 Ариқлар очингу доvonлар қурунг.

Ҳаммангиз бирликда, дўстона, аҳил  
 Қилган меҳнатингиз етказур самар.  
 Мақсуд ҳосил бўлур, бошлаб бир ақл,  
 Минглаб қўл мардона ишласа агар.

## САРОЙ ОЛДИДАГИ КЕНГ САҲН

*Машъаллар Мефистофель нозир  
 сифатида олдинда.*

### *Мефистофель*

Келинг тез, имилламай,  
 Ана, чошиб келурлар  
 Вужуди томиру пай  
 Ва қоқ суяк лемурлар<sup>208</sup>.

### *Лемурлар*

(Ялли)  
 Мана, келдик биз тайёр,  
 Бажарурмиз, буйруқ бер.  
 Балки ажратмоқ даркор  
 Соҳиб учун янги ер.  
 Олиб келганмиз қозик,  
 Ўлчамоқ учун каноп.  
 Келдик, аммо эсда йўқ,  
 Нега чақирди жаноб.

### *Мефистофель*

Гап шу: ётсин бу ерга  
 Ичингизда энг узун,  
 Ўлчаб унинг бўйига  
 Чуқур қазийсиз букун.  
 Боболар кетган ерга  
 Берурлар ҳар инсонни.  
 Йўл саройдан қабрга  
 Олиб борар ҳар жонни.



*Лемурларнинг бири**(Ер кавлар экан, қилиқ қилиб)*

Мен ҳам бир вақт ёш эдим,

Қувноқ эдим ва ботир.

Базмларда бош эдим,

Ҳар бир ишда дов, қодир.

Мана бу кун йўлиқиб

Қариликдек жабрга,

Кучим кетди, йиқилиб

Тушиб қолдим қабрга.

*Фауст**(Эшик, деворларни пайпаслаб саройдан чиқиб келади)*

Белкурак жаранги хуш ёқар менга,

Ишга киришибди халойиқ демак.

Сув офатин таслим қилиб заминга,

Довон қурмоқдалар мустаҳкам, юксак.

*Мефистофель*

Меҳнатларинг бизнинг фойдага фақат.

Тўғон қурасану аслида, Нептун

Офатлар базмини қурмоғи учун

Яратиб берурсан соз имконият.

Балоларнинг бари бизга ҳамнафас,

Меҳнатларинг бари бўлади абас,

Олам йўқ бўлади бир кун оқибат.

*Фауст*

Ҳей, нозир!

*Мефистофель*

Бундаман.

*Фауст*

Киришиб шахдам

Одамларни қилғил ишга сафарбар.

Аяма, соч, қанча керак сийму зар,

Маъли, мажбур қилсанг, куч ишлатсанг ҳам,

Ариқ ишларидан жадал ва шитоб

Бериб тургил менга ҳар кун сарҳисоб.

*Мефистофель*

Бу гал ариқ эмас бениҳоя зўр  
Сенга атаб жадал қазилмоқда гўр.

*Фауст*

Тоғ этаги қадар чўзилмиш ботқоқ,  
У бор экан барча меҳнатим абас.  
Турғун сувни ҳайдаб уни қуритмоқ  
Менинг ниятимдир эзгу муқаддас.  
Миллион одамларни чорлаб у томон  
Бир юрт барпо этай янги, беадад.  
Гарчи бунда хатар бўлгай ёнма-ён  
Эллар ҳур меҳнатдан топулар мадад.  
Яйраб нафас олура кенгликда одам,  
Ўтлоқларга кўю моллар тўлади.  
Бир томонда бўрон, тошқин балодан  
Сақлагувчи юксак доvon бўлади.  
Бу ер бўлура чиндан замин жаннати,  
Майли, денгиз солсин бир ёнда сурон,  
Ва лекин курашчан инсон қудрати  
Балолар йўлига бўлолура тўгон.  
Шу мақсадга банддур хаёлим бутун:  
Узоқ ҳаёт йўлин ўтдимур босиб,  
Олам ҳикматини айладим якун.  
Ким — эрк, ҳаёт деб жанг қилолса ҳар кун —  
Эрку ҳаёт учун ўша муносиб.  
Худди шундай меҳнат, кураш ва ҳавас  
Банд айласа — ёшу кекса — ҳар кимни,  
Шундай кунда кўрсам эдим бир нафас  
Озод диёримни, озод халқимни.  
Шунда мен айтардим баралла, шаксиз,  
Тўхта эй дақиқа, гўзалсан ғоят!  
Айтардим ҳаётда мен қолдирган из  
Ўчмайин қолажак абадул-абад.  
Ўшал сонияни сезиб олдиндан  
Энг олий лаҳзада турибман бу дам.

Фауст йиқилади. Лемурлар уни тутиб  
қоладилар ва ерга қўядилар.

*Мефистофель*

У ҳаловат билмай ўтди бир нафас,  
Шарпалар кетидан қувлади мангу.  
Оқибат бемаъни, пуч ва арзимас  
Сўнгги дақиқани тутмоқ бўлди у.  
Мен билан олишди узоқ бу банда.  
Юз тубан йиқилди вақти етганда.  
Соат тўхтади.

*Хор*

Ҳа, бамисоли тун,  
Тўхтади. Миллари тўкилди бутун.

*Мефистофель*

Миллари тўкилди. Бас, мурод ҳосил.

*Хор*

Тамом.

*Мефистофель*

Тамом? Ажаб, бу не қийлу-қол,  
Нима тамом бўлди? Юз берди не ҳол?  
У йўқ эди, бўлди адамга дохил.  
Яратмоқ, яъни бор қилмоқдан мақсад —  
Аслида, қайтадан йўқ қилмоқ фақат.  
Интиҳо деймизу қани ибтидо?  
У асли бормиди бўлмаин пайдо?  
Кўринган у шарпа эди, шубҳасиз...  
Менга фақат йўқлик дунёси азиз.

## ҚАБРГА ҚҰЙИШ

*Бир Лемур*

Кимга бу тор, нақадар  
Зах, совуқ сарой?

*Лемурлар*

(Ялпи)

Дока кийган, кўру кар  
Жанобга бу жой.

*Бир Лемур*

Тўшагу ашёлари  
Қаёқда қолди?

*Лемурлар*

(Ялпи)

Қарз эди улар бари,  
Эгаси олди.

*Мефистофель*

Қонли имзо била шартнома тайёр,  
Бергум жон танни тарк айлаган они.  
Лекин бу замонда кўп чоралар бор  
Халос этмоқ учун шайтондан жонни.  
Айирдилар эски усулдан бизни —  
Янги усул мушкул. Ҳаловати кам.  
Илгари бир ўзим қилғучи ишни  
Энди бажаролмай қолдим беёрдам.  
Оғир замон бўлди мен шўрлик учун,  
Қадимги ҳолатлар қувғинда бари.  
Янги бўлиб кетди олам ишлари,  
Шайтонларга қарши ҳийла кўп бугун.  
Одамлар инсофли эди илгари,  
Сўнгги нафас билан берар эди жон.  
Мен сичқонни тутган мушук сингари  
Шаппа ушлар эдим жонни ногаҳон.  
Букун унга жуда азиз бадбўй тан,  
Уни тарк этгиси келмайди асло.  
Бир-бирига қаттол ёв унсурлар то  
Қувиб солмагунча уни уйидан.

Қачон, қайда, қандай узилади жон —  
 Пойлаб ўлтирмоғим керак ҳар замон.  
 Ростдан ўлдими ё ёлғонми — бу ҳам  
 Мушкул масаладур, доимо мубҳам.  
 Ўлим келар эди чақмоқ сингари,  
 Бир ёқлик қиларди шартта илгари.  
 Бугун ўликка ҳам ишониш қийин,  
 Тирилиб, туриб ҳам кетиши мумкин.

*Файритабий ҳаракатлар билан куф-суф  
 қилади.*

Қани, ҳей жаноблар, тез келинг сизлар,  
 Эгри шох, тўғри шох, аҳли турфаҳол!  
 Эй сиз, кўпни кўриб пишган иблислар,  
 Жаҳаннам комини келтиринг, дарҳол.  
 Жаҳаннам комлари кўпдир, албатта,  
 Ютурлар амали, номига қараб.  
 Лекин бу хил ҳурмат, эҳтиром, шараф  
 Керак бўлмай қолар яқин фурсатда.

*Чап тарифда даҳшатли жаҳаннам коми  
 очилади.*

Даҳшатли бу сўйлоқ тишни қаранг-а!  
 Танглайдан отилиб тушар аланга.  
 Ичкарида эса нари ва нари  
 Ёниб ётар чексиз олов шаҳари.  
 Бандалар қутулмоқ бўлади қочиб,  
 Ортга тисарилар эканлар, аммо  
 Даҳшатли оғзини каттакон очиб —  
 Нафасига тортар ўтли аждаҳо.  
 Ҳеч бир азоб келмас бу азобга тенг,  
 Ҳеч кимнинг бошига тушмасин ул кун.  
 Гуноҳкорларга сиз ваҳима солинг,  
 Улар ёлғон деб ҳам ўйлаши мумкин.

*(Калта, тўғри шохли семиз шайтонларга)*

Эй сиз баднафсликдан қурсоғи таранг,  
 Тамуғ фарзандлари, жирканч ва манфур,  
 Мурданинг ичига синчиклаб қаранг,  
 Кўринмаяптими милтираб бир нур?  
 Бошқасини қўйинг, ўшани тутинг,  
 Ўшадур қанотли Психея — жон.  
 Мен унга муҳримни босганимдан сўнг,  
 У билан отилинг аланга томон.  
 Жон қайда, ҳеч кимга эмас бу ошкор,  
 Ким билсин, жой олган, балки киндикдан.  
 Шу боисдан туринг доимо ҳушёр,  
 Чиқиб қочмасин у бирор тешиқдан.  
 Талабим, яхшилаб назар солурсиз,  
 Йўқса кейин аҳмоқ бўлиб қолурсиз.

*(Узун эгри шохли ориқ шайтонларга)*

Сиз, найновлар қўлни тутиб ҳавода,  
 Тепадан ҳимоя қилиб турурсиз.  
 Жон учиб кетмоқчи бўлса мабодо,  
 Қўйиб юбормайсиз, маҳкам тутурсиз.  
 Сигмайин қоронғу ва тор маконга,  
 Тафаккур интилар доим осмонга.

*Ўнг томонда юқорида шуъла пайдо бўлади.*

*Само қўриқчилари*

Дўстлар, ораста  
 Саф бўлиб мумтоз,  
 Фалакда аста  
 Қилингиз парвоз.  
 Юксак тоғлардан,  
 Жаннат ёғлардан  
 Елдек елингиз.  
 Турбатга ҳаёт,  
 Бандага нажот,

Афву салавот  
Олиб келингиз.

*Мефистофель*

Қулоғимга ёқмас бу таниш овоз,  
Ана кўз олгувчи шуъла ёғади.  
На эрмас, на хотин — занчалиш овоз  
Мунофиқ ул аҳли динга ёқади.  
Инсон зоти учун тақдири азал  
Ўйлаб топган бўлсак неки азоблар,  
Барини мақбул деб қилди мушаккал  
Сизнинг таълиму сиз ёзган китоблар.  
Ана улар келди, содда муғамбир,  
Яна бизни алдаб кетмоққа ҳозир.  
Улар ҳам шайтондир, яъни ўзимиз,  
Фақат бизни алдаб, бўяб кўзимиз,  
Энгилларга кийиб олганлар ридо.  
Уларнинг тилида бизнинг сўзимиз,  
Қуролимиз билан уриб ўзимиз  
Панд бериб келдилар бизга доимо.  
Бугун энди маҳкам турмоқ керакдир,  
Енгилсангиз уят, қулоқ солингиз.  
Мурқани атрофдан қуршаб олингиз,  
Кучга куч! Урсалар урмоқ керакдир.

*Малаклар хори*

*(Гуллар сочиб)*

Ол, хушрўй гуллар,  
Соз хушбўй гуллар,  
Ел билан учган,  
Гулбарги қанот  
Ҳам ерга тушган,  
Бахш этган ҳаёт.  
Эй, зумрад кўклам,  
Ёзиб кўк гилам,  
Гулларинг билан  
Ерни зар этгил.

Марҳум ёнида  
 Қилғилу мақом,  
 Кетган жонига  
 Тилагин ором.  
 Руҳини мудом  
 Мунаввар этгил.

### *Мефистофель*

*(Шайтонларга)*

Нега титрайсанлар? Бу қанақа ҳол?  
 Нима бўпти, майли, сочсинлар гуллар,  
 Ҳамманг ўз жойингни эгалла дарҳол!  
 Гуллар бўронини юбориб улар,  
 Дўзахимиз билан кўймоқчи бўлар.  
 Ўт пурканг — гулларга бўлади увол.  
 Пурканг, пурканг. Тамом! Бас, энди, бўлди!  
 Ҳамма ёқ бадбўй бир ҳид билан тўлди.  
 Оғзингизни юминг. Ҳаддан оширманг.  
 Шайтон ҳеч бир ишда меъёр билмайди.  
 Ҳеч ишни мароми билан қилмайди.  
 Гуллар қуриш тутул ёнмоқда, қаранг,  
 Заҳарли ўт сочиб қилмоқда гаранг.  
 Ўтга қарши ҳамма турсин ёнма-ён,  
 Ана шайтонларнинг аҳволи кўп танг,  
 Ўзга ҳароратдан улар бедармон.

### *Малаклар хори*

Сачратиб учқун  
 Ёнгувчи гуллар —  
 Эзгулик учун  
 Яловдир улар.  
 Юракларга мўл  
 Меҳр сочурсиз.  
 Ҳидоятга йўл  
 Сизлар очурсиз.  
 Жонлар сурури  
 Сиз билан ҳар он,



Эзгулик нури  
Таралур ҳар ён.

*Мефистофель*

Аҳмоқлар, беорлар, барчаси қочиб,  
Тўнтарилиб, туриб, юмалоқ ошиб  
Жаҳаннам комига кириб кетдилар,  
Бамисли ҳаммомга уриб кетдилар.  
Майли сизга оқ йўл, ёр бўлсин омад,  
Мен эски жойимда қоламан албат.

*(Учиб келаётган гуллардан ўзини ҳимоя қилиб)*

Чекил, оташ! Қанча ёнмагил бироқ,  
Тутса бир парча лой бўлурсан юмшоқ.  
Фижимласа кетар ўзи йўқ бўлиб,  
Аммо куйдирмоқда мени чўғ бўлиб.

*Малаклар хори*

Эй руҳ, нимаким  
Сенга бегона —  
Унга бўлмагин  
Сира ҳамхона.  
Сени фалакка  
Кўтарур фақат  
Гўзаллик якка,  
Ёлғиз муҳаббат!

*Мефистофель*

Ёнаётир бошим, юрагу жигар,  
Ҳа, бу иблисона ҳақиқий офат.  
Шайтончалар бекор қочмаган албат,  
Дўзах оловидан бу минг бор баттар.  
Билдим, сизга қийин эй аҳли шайдо,  
Хор бўлиб гарчи рад жавоб олурсиз.  
Бўйнингиз қайрилиб кетгунча, ҳатто  
Арзимас нарсага қараб қолурсиз.  
Ажаб, ошиқ бўлиб қолдимми мен ҳам,

Нега термулади кўзларим маним?  
 Мен-ку бўлмаганман уларга ҳамдам,  
 Азал-абад улар қаттол душманним.  
 Ошно бўлдими ё бегона туйғу?  
 Қанотли болалар кўнглим олдилар,  
 Ажаб, менга қандай ёқиб қолдилар?  
 Ваҳ, бўлдим азалий нафратдан айру.  
 Мен букун ақлдан бўлсам бегона,  
 Эрта кимни айтиш мумкин девона?  
 Уларга ёв эдим қаттол, беомон,  
 Бугун отилгим бор, ажаб, ул томон.  
 Эй сиз болакайлар, дилбар ва зебо,  
 Люцифер авлоди эмасмисиз ё?  
 Барно бўлмасангиз, э воҳ, бунча ҳам,  
 Қанийди сизларни кучоқлаб ўпсам.  
 Жамолингизга мен кўз олмай асло  
 Нар мушук сингари боқаман шайдо.  
 Сизлар менга шунча яқинсиз, ҳамдам,  
 Юз минг бир тикилиб турганман гўё.  
 Не учун бу қадар орамиз йироқ?  
 Оҳ, қандай барносиз, келинг яқинроқ.

### *Малаклар хори*

Мана, яқин келдик. Бери келиб боқ,  
 Сен нега бизлардан қочурсан бироқ?

*Малаклар бутун атрофни эгаллаб ёйилиб  
 учадилар.*

### *Мефистофель*

*(Саҳна олдида сурилиб)*

Тубан малаклар деб санайсиз бизни,  
 Асли бизлар билан ёндош турурсиз.  
 Жодугар деб айтса бўлади сизни,  
 Эркак, хотинни тенг йўлдан урурсиз.  
 Мен ҳам севиб қолдим! Бу не афсона!  
 Ошиқман фалакка чирмашур дудим.

Фақат елкам, бўйним эмас ягона,  
 Ёнаётир, ажаб, бутун вужудим.  
 Эй малоҳат аҳли, етар, энди бас —  
 Бунчалар узоқда айламак парвоз.  
 Заминга, ёнимга тушинг бир нафас,  
 Бирга улфатчилик қилайлик биз оз.  
 Жиддийлик агарчи сизга ошнодир,  
 Лабингизда кўрсам андак табассум.  
 Хандон бўлмаса ҳам кулиб кўйинг бир  
 Жилмайган маъшуқа сингари маъсум.  
 Шу бир табассуму бир лутф, такаллум  
 Бахтли қилар эди мени бир умр.  
 Адил қомат бола, баридан гўзал,  
 Сенга ярашмайди зоҳидлик асло.  
 Ором ол, ечиб кўй тугмаларни сал,  
 Сирли маъно била қараб кўй қиё.  
 Қайрилиб кетишди. Орқадан, воҳ-воҳ,  
 Яшнайти, қарасанг қувонар нигоҳ.

*Малаклар хори*

Қутлуғ аланга,  
 Интил нур томон.  
 Барча дардмандга  
 Бахш айла дармон.  
 Чекингай манфур  
 Макруҳлик бари,  
 Руҳ юксаладур  
 Ҳидоят сари.

*Мефистофель*

*(Ўзига келиб)*

Менга нима бўлди? Иов<sup>209</sup> сингари  
 Ҳамма ёғим яра, куйган оташда.  
 Шундай бўлса ҳам мен афсусдан нари,  
 Аксинча мағрурман, енгдим курашда.  
 Шайтон насабимга шон олиб келдим,  
 Ҳирс билан олишиб мен волиб келдим.

Теридан нарига ўтмади оғу,  
 Аланга ҳам ўчди, сўнди ул ёғду.  
 Ўз ҳушёр ҳолимга келдим қайтадан,  
 Энди сизга яна лаънат айтаман.

*Малаклар хори*

Қутлуғ аланга!  
 Сен қайси танга  
 Тегсанг барқарор  
 Толе унга ёр.  
 Тозарди ҳаво —  
 Кўкка учурмиз.  
 Бул жонга сафо  
 Бериб жонфизо,  
 Олиб қочурмиз.

*Фаустнинг руҳини олиб кўкка учишади.*

*Мефистофель*

*(Аланглаб)*

Бу не ҳол? Қанилар улар, қаёқда?  
 Қани жон? Наҳотки мен қолдим доғда?  
 Алдандим, ҳа, жонни олиб кетдилар,  
 Айб ўзимда, нечун аввал билмадим?  
 Мурданинг бошида парвоз этдилар,  
 Мен ялқов эсам-чи парво қилмадим.  
 Не машаққат билан олганим қўлга —  
 Бебаҳо хазина конни йўқотдим.  
 Кўп кутиб ниҳоят, меники бўлган —  
 Гаровга ютилган жонни йўқотдим.  
 Энди мен қилурман кимга арзи ҳол?  
 Ким қулоқ тутару ёрдам берар ким?  
 Қариган чоғимда шу бўлди аҳвол,  
 Аммо барчасига гуноҳкор ўзим.  
 Бир зарб билан бўлди барчаси барбод  
 Шунча йил чекканим азоб, уқубат.

Гўдакларга кулгу эмасми, ҳайҳот,  
 Қари шайтон бўлса банди муҳаббат.  
 Ўзинг жину сенга нима жин теккан?  
 Сени илинтирди охир бу қармоқ.  
 Аҳмоқлик шу қадар зўр қудрат экан,  
 Оқибат қилди у мени ҳам аҳмоқ!

## ДАРА, ЎРМОН, ҚОЯЛАР, ЧЎЛ

*Қоялар орасида макон тутган қаландарлар.*

*Хор ва акс садо*

Бунда бепоён  
 Шовуллар ўрмон.  
 Қора қоялар  
 Ташлар соялар,  
 Ерда илон из  
 Ўрмалар идиз.  
 Зарралар сочиб,  
 Тошлардан ошиб  
 Келар ирмоқлар,  
 Шўху қувноқлар.  
 Мағоралар жим,  
 Сукунат ҳоким.  
 Арслонлар кезар  
 Жим ташлаб назар.  
 Билар, ҳойнаҳой,  
 Бу — муқаддас жой.

*Pater exstaticus*<sup>210</sup>

*Падари мужаззаб*

*(Ҳавода гоҳ баланд, гоҳ паст парвоз этиб)*

Эзгу аланга  
 Чирмашсин танга.  
 Ҳаққа иштиёқ,  
 Вужудимни ёқ.

Майли, мен ҳозир,  
 Жисмимни ҳозир  
 Қиличлар кесса,  
 Найзалар тешса;  
 Оқизса қонлар  
 Тийри камонлар;  
 Ўртаса чанқоқ  
 Кўксимни чақмоқ.  
 Куйса ҳам жоним,  
 Жисми уреним  
 Бўлса ҳам барбод,  
 Шул танҳо мурод:  
 Фалакда мангу  
 Таралсин ёғду.  
 Ёнсин ўт каби  
 Севги кавкаби.

*Pater profundus*<sup>211</sup>

*Падари мутахайил*

*(Қуйида)*

Зўр қоялар эгилиб  
 Баланддан боқар экан,  
 Шаршаралар эшилиб,  
 Тўлғаниб оқар экан,  
 Юксак дарахтлар учи  
 Офтобдан эмаркан нур,  
 Барини яратгувчи,  
 Сақлагувчи меҳрдур.  
 Кўқдан жала келаркан,  
 Гулдуаркан дара, тоғ,  
 Дарахтлар эгиларкан,  
 Ювиларкан дала, боғ.  
 Чақмоқ ёриб самони —  
 Кўзни оларкан зиё,  
 Ул тозариб ҳавони  
 Дилар экан мусаффо,

Булар бари, жала ҳам  
 Қалдироқ — ишқ тугёни.  
 Жисмимни эт мукаррам,  
 Эй муҳаббат борони.  
 Бул хаста жисмим аро  
 Ўртанадур асир жон.  
 Тангрим, менга бер зиё,  
 Кўнглимни эт чароғон.

*Paterse seraphicus*

*Падари малаксиймо*

*(Ўртада)*

Ўрмон узра шаббода  
 Оқ булутни етаклар.  
 Оқ булутмас ҳавода,  
 Бу — кичкина малаклар.

*Маъсуд гўдаклар хори*

Биз қайдамиз, эй падар!  
 Бизлар киммиз, эй Раҳмон!  
 Биз бегуноҳ болалар  
 Маъсуддирмиз ҳар замон.

*Pater seraphicus*

Ярим тунда туғилиб  
 Кўзин юмган гўдаклар,  
 Сизлар жаннатга келиб,  
 Онангиз фарёд қилиб,  
 Шодон бўлган малаклар.  
 Меҳр кўрибсиз менда,  
 Келинг, доим бўлинг шод.  
 Толе шулким, заминда  
 Кўрмадингиз сиз ҳаёт.  
 Аммо сизга берайин,  
 Қароғимдан жой олинг.

*(Уларни қабул қилади)*

Ана ўрмон, оқ қайин,  
 Ана тоғ, кўриб қолинг.  
 Кичик-кичик ирмоқлар  
 Қўшилади тоғ аро.  
 Пастда эса ўйноқлар  
 Асов дарё, шўх дарё.

*Маъсуд гўдаклар*

*(Ичкаридан)*

Бу манзара — улуғвор,  
 Лек зулмат, диққинафас.  
 Бизларни қўйиб юбор,  
 Қарамаймиз ортиқ бас.

*Pater serahicus*

Парвоз этинг юксакка  
 Ва касб этиб камолни,  
 Чиқиб авжи фалакка,  
 Кўринг ёруғ жамолни.  
 Шулдир руҳнинг физоси,  
 Шулдир унга таманно.  
 Ҳақнинг меҳр дунёси  
 Унга бўлса ошино.

*Маъсуд гўдаклар хори*

*(Энг юксак чўққилар атрофида учиб)*

Туринг қаторга  
 Айлаб салавот,  
 Парвардигорга  
 Ўқинг муножот.  
 Бўлгай кўнгилинг  
 Муроди ҳосил.  
 Бўлурмиз унинг  
 Васиға восил.

*Малаклар*

*(Фаустнинг ўлмас руҳини олиб фалак  
 авжида парвоз этаркан)*

Озод бўлди ул макруҳ  
 Домидан бу юксак руҳ.



«Кимга интилмоқ ёрдур,  
 Ҳақ ўзи мададкордур».  
 Кимга ёрдур муҳаббат,  
 Ҳақ олдида иззатда.  
 Уни малаклар албат  
 Қарши олур жаннатда.

*Ёш малаклар*

Ўша гуллар, гуноҳкор  
 Қизлар келтирган гуллар.  
 Бизга бўлди мададкор,  
 Разилни енгди улар.  
 Биз бебаҳо бу жонни  
 Сақлаб қолдик тинч, омон.  
 Қувиб солдик шайтонни  
 Гуллар отиб у томон.  
 Шайтонда ҳам ул эзгу  
 Ҳис бир нафас уйғонди.  
 Дўзах аро ёнмай у  
 Севги ўтида ёнди.  
 Иблисларнинг раҳбари,  
 Бор инсу жинс сарвари  
 Дош беролмай қолибдир,  
 Қувнанг! Меҳр — фолибдир.

*Баркамолроқ малаклар*

У ердан бўлган бино,  
 Кўтариб кетмоқ душвор.  
 Тошпахта бўлса ҳатто  
 Ул эмасдур беғубор.  
 Бўлиб қолмиш иттифоқ  
 Унда жон бирла унсур.  
 Ул иккисин айирмоқ  
 Малакларга мушкулдур.  
 Рухни қилади офир  
 Бу иккилик табиат.  
 Айру қилмоққа қодир  
 Фақат мангу муҳаббат.

*Ёш малаклар*

Ана, юксак тоғ  
 Узра кўрурмиз  
 Тоза, бегуноҳ  
 Покиза бир из.  
 Оқ туман аро  
 Ул пок юраклар,  
 Шаффоф, мусаффо  
 Маъсуд гўдаклар.  
 Дардли оламга  
 Бегона бўлиб,  
 Олий кўкламга  
 Ҳамхона бўлиб  
 Учишар гўзал.  
 Қилайлик аввал  
 Биз бул руҳни ҳам  
 Уларга ҳамдам.

*Маъсуд гўдаклар*

Қилайлик қабул,  
 Келди бир малак.  
 Пилла ичра у  
 Ётган капалак.  
 Устидан отгай  
 Хирқасин букун,  
 Олий ҳаётга  
 Етишган бутун.

*Doctor Marianus<sup>212</sup>**Биби Марям обиди*

(Юксак кошонадан)  
 Атроф очик, юксакка  
 Руҳ парвоз қилар.  
 Ана унда фалакка  
 Учар парилар.  
 Улар ичра намоён  
 Юлдузли тождор.  
 Қаранг, унда осмон  
 Маликаси бор.

*(Шавқ билан)*

Эй соҳиба, бу мовий  
Кенгликлар аро  
Этгил мени самовий  
Сирингга ошно.  
Қутлуғ меҳрим лиммо-лим  
Тўлиб юракка,  
Сидқим баёнин ўзим  
Йўллай фалакка.  
Буйруғингга биз тайёр,  
Қонундир сўзинг.  
Дунёда не дардки бор,  
Дармонсан ўзинг.  
Покиза, мусаффосан —  
Онамиз сенсан.  
Ер узра сен подшосан,  
Тангрига тенгсан.

Оппоқ булут сингари  
Гуноҳкор қизлар бари  
Тиз чўкиб бунда ювош  
Тиззангга қўюрлар бош.  
Ёлбориб сенга, ҳайҳот  
Сендан сўрарлар нажот.

Сен, эй Онажон, сенга  
Тикиб умидли нигоҳ,  
Келибдилар қошингга  
Излаб ҳимоя, паноҳ.  
Аёл кўнгли юмшоқдир,  
Борми унга ҳимоя.  
Атроф тўла алдоқдир,  
Тортгувчи бениҳоя.  
Қизлар йўли тойғоқдир,  
Йиқилмайин бўлурми?

Севги иши чатоқдир,  
 Йўлиқмайин бўлурми?  
 Ишқ аталган оташдан  
 Оташ борми зиёда?  
 Ширин сўз, ўт қарашдан  
 Омон борми дунёда?

*Биби Марям унинг ёнидан учиб ўтади.*

*Осималар тавбаси*

Эй тоғлар узра  
 Қилғувчи парвоз,  
 Бардош йўқ сира,  
 Қил дарддан халос.  
 Эй мангу ҳаёт  
 Модари нажот!

*Magna pectatrix<sup>213</sup>*

*Буюк осима*

(Лука инжили 7, 36)  
 Бул пок сажда жойига  
 Эгилган бошим ҳақи,  
 Қутлуғ боланг пойига  
 Тўкилган ёшим ҳақи,  
 Хушбўй сув олиб ҳар кун  
 Келтирган кўзам учун,  
 Исо мақдамин маҳзун  
 Супурган сочим ҳақи.

*Miler Samaritana<sup>214</sup>*

*Самария аёли*

(Йоан инжили, 4)

Унинг тиниқ булоғи,  
 Иброҳимнинг ўтлоғи,  
 Ўша сувга халоскор  
 Тангрим теккан дудоғи.  
 Эй, Онажон, шу учун,  
 Шу эзгу туйғу учун,

Кенг оламга таралган  
Ул муқаддас сув учун.

*Maria Aegyptiaca*<sup>215</sup>

Тангрининг қабри тушган  
Тош учун, эҳром учун,  
(*Acta sanctorum*)

(*Авлиёлар маскани*)

*Марями мисрия*

Менга эҳромни тўсган  
Ул дасти киром учун,  
Қирқ йил кўрганим гурбат,  
Чекканим кулфат ҳақи,  
Қумда қолган васият —  
Сўзларим, ул хат ҳақи.

*Учовлон*

Сен не осималарни  
Кечирдингу қўлладинг.  
Нажот бериб, аларни  
Юксакларга йўлладинг.  
Кечир беайб гуноҳкор  
Бул бандани сен букун  
Билмай умрида бир бор  
Қилган гуноҳи учун.

*Una poenitentium*<sup>216</sup>

*Бир вақт Гретхен аталган осима*  
(*Уларга яқин келиб*)

Эй сен, онажон,  
Қутлуғ нурафшон,  
Қарагин, қувончим бул хандонимга.  
Севганим, ёрим,  
Танҳо мадорим  
Ғамдан холи бўлиб қайтди ёнимга.

*Масъуд гўдаклар**(Айлана-айлана яқин келиб)*

Мана, у олдин

Ташлади қадам.

Иззатлар ҳақин

Олурмиз биз ҳам.

Эрта беркилган

Бизларга ҳаёт.

Кўп кўрган, билган,

У бўлур устод.

*Бир вақт Гретхен аталган осима*

Атрофида руҳлар парвона,

Янги меҳмон билмайди ҳали,

Тайёр аҳли малак қувона

Ўзларига ҳамроҳ этгали,

У заминдан батамом озод —

Тарк этди ер ҳирқасини ҳам,

Янги либос ва янги ҳаёт.

Ёшлик кучи, шавқи мужассам.

Майлими мен етакчи бўлсам,

Кўзларини қамаштирар нур.

*Mater gloriosa<sup>217</sup>*

Йўл ол олий масканга. У ҳам

*Биби Марям*

Сени таниб изингдан борур.

*Doctor Marianus**(Йиқилиб, сажда қилади)*

Тавба, тоатга

Чўзинг кўлингиз,

Шунда жаннатга

Тушгай йўлингиз

Сен дер ҳар фарзона,

Ҳар оқил одам.

Эй малика, қиз, она,

Бўл бизга ҳамдам.

*Chorus mysticus*<sup>218</sup>

Диний хор

Ўткинчи дунё  
Бир тимсол фақат.  
Бу ерда танҳо  
Ҳосилдур мақсад.

Бунда — ҳақиқат!  
Бизни ҳар замон  
Мангу назокат<sup>219</sup>  
Тортар ул томон.

# ИЗОҲЛАР

## БИРИНЧИ ҚИСМ

Гёте «Фауст» устида бутун ижодий ҳаёти давомида, 1772 йилдан то 1831 йилгача ишлаган.

## БАҒИШЛОВ

<sup>1</sup> *Ёшлигу илк бора севишган кунлар* — шоир ёшлиқдан кўнги қўйган Фридерика Брион ва Лили Шенеманлар кўзда тутилади.

<sup>2</sup> *Сўнги қўшиқларим эшитолмади Китобим илк бобин тинлаган дўстлар* — шоирнинг синглиси Корнелия Шлоссер, ёшлиқ дўсти Мерк, шоир Ленц кўзда тутилади. Улар асарнинг дастлабки бобларини эшитган, китоб битганда оламдан ўтган эдилар.

## ТЕАТР МУҚАДДИМАСИ

<sup>3</sup> *Кимдир шайдо қалбнинг тугён чоғини Тўфон шидда тига айлади қиёс* — бу ерда Гёте поэзиянинг уч турига — драма, эпос ва лирикага шарҳ берган.

## АРШИ АЪЛОДАГИ ДЕБОЧА

<sup>4</sup> *Муסיқий самовот қабатларида* — қадимги юнон файласуфи Пифагор назарияси бўйича осмон қабатларида ҳаракат қилувчи сайёраларнинг ҳар бирдан борлиққа турли оҳанг таралар экан.

<sup>5</sup> *Бамисоли менинг суюкли холам Илондек судралиб кечиргай ҳаёт* — гап жаннатда Момо Ҳавони йўлдан оздирган Илон ҳақида боради.

## ТУН

<sup>6</sup> *Нострадам* — XVI асрда яшаган машҳур ҳаким ва мунажжим. Асл исми — Мишель де Нотр Дам.

<sup>7</sup> *Макрокосм белгиси* — олти қиррали юлдуз; борлиқ олам — коинот ва самовот белгиси.



## ФАУСТНИНГ ИШХОНАСИ

<sup>8</sup> «Сулаймон мифтоҳи» — XVIII асрда кенг тарқалган диний китоб. Саламандра, Ундина, Сильфида ва Кобольд — ўт, сув, ҳаво ва ер унсурлари.

<sup>9</sup> *Encheiresis naturae* — табиатнинг феъли-одати.

<sup>10</sup> *Eritis sicut Deus, scistes bonum et malum* — Тангридек ё яхшилик ва ё ёмонликни билажаксиз.

## ЛЕЙПЦИГДАГИ АУЭРБАХ ЕРТЎЛАСИ

<sup>11</sup> *Бир оёғи оқсоқ кўринар...* — ривоятларда айтилишича, иблис осмондан дўзахга ташланган вақтда бир оёғи синган эмиш.

<sup>12</sup> *Мингта кўприк солиш менга осонроқ* — кўп халқларда «шайтон кўприк қуради», деган ривоят юради.

(Алвасти кўприк, шайтон кўприк деган номлар шундан келиб чиққан бўлса керак.)

<sup>13</sup> *Santa simplicitas* — табаррук соддалик.

Чех сиёсий диний арбоби Ян Гусни кофирликда айблаб ўтда ёқаётганларида бир соддадил кампир ҳам савоб учун гулханга бир қучоқ ўтин ташлаган экан. Шунда Ян Гус юқоридаги сўзни айтган.

## ГРЕТХЕННИНГ УЙИ ҚАРШИСИДАГИ КЎЧА

<sup>14</sup> *Нима овлаяпсан, каламуштутар?* — ривоятга кўра, Гамельн шаҳрида бу каламуштутар бургомистрдан хизмат ҳақини ололмаганидан кейин шаҳардан каламушлар билан бирга ҳамма болаларни ҳам олиб чиқиб кетган эмиш.

## ВАЛЬПУРГИЯ КЕЧАСИ

<sup>15</sup> «Вальпургия кечаси» — ривоятга кўра, биринчи майга ўтар тун Брокен тоғида жинлар базми бўлар экан.

<sup>16</sup> *Ширке ва Эленд* — Брокен яқинидаги икки қишлоқнинг номи.

<sup>17</sup> *Маммон шоҳ* — Мильтоннинг «Йўқолган жаннат» дostonидаги иблис Маммон.

<sup>18</sup> *Шоҳ Уриан* — немис шеваларининг бирида шайтоннинг номи.

<sup>19</sup> *Баубо* — маъбуда Деметранинг энагаси.

<sup>20</sup> *Ильзеништейн* — Гарц тизмасидаги қояларидан бирининг номи. Генрих II нинг севиклиси малика Ильза исмига қўйилган.

<sup>21</sup> *Лилит* — коббалистик афсонага кўра, Одам Атонинг Момо Ҳаводан илгариги хотини Лилит бўлган эмиш. Лилит Одам Атодан кўрган болаларининг ҳаммасини ўлдирган ва шу сабабдан ҳайдалган эмиш.

<sup>22</sup> *Проктофан тасмист* — Гётенинг рақиби Христиан Фридрих Николай кўзда тутилади.

<sup>23</sup> *Тигель* — машҳур немис тилшуноси Гумбольдтнинг ери. Ривоятга кўра бу ерда жинлар бўлар эмиш.

<sup>24</sup> *Пратер* -- Венадаги томошабоғ.

## ВАЛЬПУРГИЯ ТУНИДАГИ ТУШ

<sup>25</sup> *Оберон ва Титания* — Эльфлар шоҳи ва маликаси.

<sup>26</sup> *Мидинг* — Веймар театрининг истеъдодли ашё устаси.

<sup>27</sup> *Синчков сайёҳ* — Николайнинг «Германия бўйлаб саёҳат» номли кўп томли асарига ишора.

<sup>28</sup> *Шамол кўрсаткич* — француз инқилобига ҳам, унга қарши бўлган веймар оқимига ҳам тарафдор бўлган журналист ва мусиқачи Рейхард кўзда тутилади.

<sup>29</sup> *Геннингс, Музагет, ўз даврининг буюк алломаси* — Геннинг Август фон — Гёте ва Шиллерни насроний руҳига қарши деб айблаган публицист.

<sup>30</sup> *Турна* — ёзувчи Лафатер кўзда тутилади. Бу ном унинг қадам ташлашига ишора.

<sup>31</sup> *Ринд* — Гёте бу образда ўзини кўзда тутди.

<sup>32</sup> *Дайди шуъла* — инқилоб вақтида юртини ташлаб қочган француз эмигрантлари кўзда тутилади.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

Гёте «Фауст»нинг иккинчи қисмини 1830 йилда ёзиб тугатган.

### БИРИНЧИ ФАСЛ

#### Хушманзара жой

<sup>13</sup> *Сабо арфаси (Эол арфаси)* — Эол — шамоллар эгасидир. Сабо арфаси Эол номи билан боғлиқ. Эол арфасининг торлари сабо эсан чоғларда куйлар экан.

<sup>14</sup> *«Аҳли дардга эльфлар чин Бўлгай хайрихоҳ»* — эльфлар — қадимги немис афсоналарида ҳаво, ер, ўрмонлар ва одамларнинг уйларида яшовчи табиат руҳлари (фаришталари). Эльфлар деганда, кишиларга хайрихоҳ, енгил, ҳавойи мавжудотлар назарда тугилади. Эльфлар ойдин кечаларда рақсга тушиб, қувноқ кўшиқлар айтишар экан.

<sup>15</sup> *«Сиз унга бўлинг парвона.*

*Меҳру шафқатингиз кўргузиб яна —*

*Хаста бу жонига берингиз ором.*

*Виждон азобидан юрак-бағри хун...»* — бу сўзлар билан Ариэль Фаустнинг бошига тушган оғир синовлар, Гретхен воқеаси билан боғлиқ бўлган виждон азобларига ишора қилмоқда. Иккинчи томондан, Гёте бу мисралар воситасида трагедиянинг қисмлари ўртасидаги воқеаларни бири-бирига чамбарчас боғлаб кетади.

<sup>16</sup> *«Истисфода этинг, тўрт қисмлиқ тун...»* — Рим вақт ҳисобига кўра, кеча тўрт қисмга бўлинади.

<sup>17</sup> *«Бу Ора берган дарик...»* — Оралар — юнон-рим мифологиясида вақт илоҳлари. Улар қуёш худоси Фебнинг офтоб аравасига йўл очиб, кўк тоқининг дарвозаларини кундўз сари очар эканлар.

<sup>18</sup> *Феб* — юнон мифологиясида қуёш худоси.

<sup>19</sup> *«Туманлар ичидан турғувчи саҳар»* — сўзлари билан бошланувчи Фаустнинг бу монологи итальян шеърий вазнларидан терцинада ёзилган. Терцина — учлик демак бўлиб, унинг махсус қофия тузуми мавжуд. Фауст офтобни абадий ва мутлақ ҳақиқатнинг тимсоли каби англайди. Бу ҳақиқатга инсон ноил бўла билмайди. Зотан, инсонга ҳақиқат унинг табиатдаги, кишилиқ ҳаётидаги тур-

лича шаклларда намоён бўлувчи зухуроти орқалигина намоён бўлиши мумкин, деб англайди.

## ИМПЕРАТОР САРОЙИ

<sup>10</sup> «*Ҳам марғуб, ҳам манғур биз учун — надир?*» — Саройга маълум бир вақтга масхарабоз бўлиб кирган Мефистофель шеърий жумбоқ айтаётир. Унинг жумбоғидан аҳмоқлик деган жавоб чиқиши керак.

<sup>11</sup> «*Салтанат юлдузи шод этиб бизни, Саодат буржида намоён букун*» — қадимги замон мунажжимларининг тушунтиришларига кўра, кўкда юлдузларнинг жойлашуви, Қуёш ва Ой манзилларидаги турли ҳолатлари ўз навбатида ердаги ишларга, кишилар тақдирига, ўрнига қараб бахт ёки бахтсизликка сабаб бўлар эмиш. Юлдузи иссиқ деган гап шундан. Ёки бу ўринда императорнинг, юлдузлар саодат буржида порлаб, бизга бахт тиламоқда, дейиши ҳам шундан.

<sup>12</sup> «*Ниқоб базми...*» — подшоҳлар ёки киборлар саройида аён ёхуд киборлар чеҳраларига турли шакллардаги ниқоблар кийиб, қатнашадиган зиёфат-базм.

<sup>13</sup> *Гвельф ва гибеллинлар* — ўрта асрларда Италия сиёсий ҳаётида зўр мавқега эга бўлган икки ҳукмрон партия. Гельфлар папа тарафдори бўлса, гибеллинлар подшопа-растлик йўлини тутганлар.

<sup>14</sup> *Зухро — Венера, Миррих — Марс, Муштарий — Юпитер, Кайвон (Зухал) — Сатурн* сайёралари. Мунажжимларнинг таълимотига кўра, Қуёш — олтинни, Меркурий (Уторид) — симобни, Зухро — мисни, Ой — кумушни, Миррих — темирни, Муштарий — қалайни ва Сатурн — қўрғошинни англатар экан.

<sup>15</sup> «*Аравун гиёҳин ўйлар бўлса ким, Кимнинг қора итга учди хаёли...*» — *Аравун* — Туркменистон, Ўрта Ер денгизи ҳавзаси, Ҳимолайда ўсадиган кўп йиллик, барглари йирик, меваси қаҳрабо тусли ноёб мандрогора ўсимлиги. Унинг илдизи шавқ қўзғайди, деган гаплар жуда эскидан бери юради. Яна қадим ривоятларга қараганда, йирик-йирик илдизи ерда хазина бор бўлган жойни кўрсатиб берар эмиш. Аравун илдизини фақат қора кучук кавлаб олиши мумкин экан...

<sup>46</sup> «Бирмиллар чирибди — май бўлмабди кам...» — Мефистофель ўзини тинглаётганларни лақиллатмоқда. Бирмил — оғочдан бўлган май сақланадиган идиш. Май жуда қадимдан сақланаётган бўлса, унинг қуйқалари тошга айланиб, оғоч чириб кетса ҳам, сақланиб тура берар эмиш.

<sup>47</sup> «Мен уларга иксир берардим, ammo...» — иксир — бу ерда фавқулодда таъсир кучига эга бўлган бир модда — Элексир.

<sup>48</sup> *Олмон ўлкаси* — Германия.

<sup>49</sup> «Ўпиб қутлуғ Бобо бошмогин...» — қутлуғ Бобо — Рим папаси назарда тутилмоқда.

<sup>50</sup> *Флоренция* — Италиянинг қадимий шаҳарларидан бири.

<sup>51</sup> *Цереранинг савгоси...* — Церера — юнон-рим мифологиясида деҳқончилик илоҳаси.

<sup>52</sup> *Теофраст* — эраиздан илгариги 372—287 йилларда яшаган юнон файласуфи ва табиатшуноси, фан тарихининг биринчи ботаникларидан бири. Унинг тўққиз китобдан иборат «Ўсимликлар тадқиқоти» ва «Ўсимликлар сабабияти» асарлари машҳурдир.

<sup>53</sup> *Теорба* — қадимий мусиқа асбобларидан, уд.

<sup>54</sup> *Полишинеллар* — алмойи-алжойи кийиниб, қийшанглаб ўйин кўрсатувчи масхарабозлар тоифаси.

<sup>55</sup> *Уч назокат...* — қадимги Рим мифологиясида булар гўзалликнинг уч илоҳаси бўлиб, уларнинг исмлари Аглая, Гегелона, Ефросина эди.

<sup>56</sup> *Паркалар* — қадим юнон мифологиясига кўра, паркалар — инсон қисматларига ҳоким илоҳалар. Улар афсоналарда ҳаёт ипларини йигираётган ҳолда тасвирланганлар. *Паркаларнинг* бири ҳаёт ипини тўқиган, иккинчиси йигириб турган, учинчиси кенжа *Клото* тўқиш билан машғул бўлган. Қари *Антропос* эса ипларни кесиб турган.

<sup>57</sup> *Герольд* — Ўрта асрларда Фарбий Европа мамлакатларида қирол ҳамда йирик феодалларнинг саройларида жарчи, церемонимейстер. Улар байрам ва зиёфатларни бошқариб турганлар, келаётган меҳмонлар ҳақида хабар берганлар. Герольд — хонлар саройларидаги удайчи вазифасига тўғри келади.

<sup>58</sup> *Фуриялар* — Гётенинг масқарад-базмдан кузатган мақсади жамиятнинг турли табақаларини уларнинг энг

белгили томонлари билан тасвирлаш ва инсон ҳаётининг муҳим бир томонларини очиб беришдир. Фуриялар бу ерда инсонни ҳалокатга гирифтор қилувчи ёвуз ҳирсий кучлар — қасоскор илоҳалар тарзида тасвирланади. Улар ташқи томондан ёш ва жозибали кўринсалар-да, лекин ботинларида инсонга нисбатан бузғунчилик яшириниб ётади. Шунинг учун ҳам Герольд «бу хурлар илондир илон» демоқда. Юнон мифологиясида фурияларнинг исмлари Алектос, Тифона ва Мегерадир.

<sup>59</sup> *Асмодей* — Товит ҳақидаги яҳудий афсонасига кўра, («Таврот») Товитнинг қаллиғи Сорага совчи юборган етти куёвни ҳалок қилган иблис. Оилага бузғунчилик ва талафот келтирувчи деб саналади.

<sup>60</sup> *«Пўшт, янги меҳмонлар келмоқда бизга...»* — Герольд хабар бераётган меҳмонлар давлат ташкилотини англади. Давлат ҳокимияти — фил қиёфасида гавдаланади. Унинг устида келаётган Нусрат — ғалабадир — у давлат барқарорлигининг асоси. Унинг бўйнида давлатни бошқариш мезони бўлган Донолик тамғаси бор. Икки томонда келаётган асиралар Қўрқув ва Умиддир. Қўрқув — ҳамма нарсадан чўчиб турувчи консерваторлар рамзи, иккинчиси — барча нарсага осонлик билан эришмоқни хаёл қиладиган прогрессчилардир. Давлатни идора қилувчи Дониш уларни ўз илгида тутиб туради.

<sup>61</sup> *Зоил ва Терсит* — ичи қоралик билан машҳур бўлган икки одамнинг исми. Зоил — милоддан илгариги III асрда яшаган ва Ҳомерни ёмонлаб ном чиқарган юнон тилчиси. *Терсит* — Ҳомернинг «Илиада» достонидаги кунчи ва ҳасадгўй персонаж. Бу ўринда Зоил ва Терсит қиёфасида Донишнинг зидди тарзида Мефистофель намоён бўлмоқда.

<sup>62</sup> Герольд хабар бераётган тўрт отлиқ арава давлат бойлигини билдиради. Унда бойлик худоси Плутус (Плутон) жойлашган. Бу ерда Фауст Плутус қиёфасидадир. Аравага аждаҳолар қўшилган. Афсоналарга кўра, аждаҳолар ер ости хазиналарини кўриқлар эканлар. Аравани бошқараётган жиловдор бола — пайк — шеърият тимсолидир. Гёте бу билан, шеърият фаровонлик ва адолат ҳукмрон бўлган мамлакатда гуллаб-яшнайти, дега. Ҳояни илгари суради.

<sup>63</sup> Жиловдор сочаётган нарсалар орқали санъат асарлари назарда тутилади.

<sup>64</sup> Ориқ хасис қиёфасида ҳам Мефистофель чиқаётир.

<sup>65</sup> «Энг олдинда улуғ Пан...» — улуғ Пан — табиат илоҳидир. Унинг ниқобида император кўринади.

<sup>66</sup> *Фавнлар* — юнон мифологиясига кўра, ўзида ёввойи бир ҳирсни мужассамлаштирган ва фақат ҳайвоний ҳирсининг ҳукмига тобе бўлган харрос ўрмон мавжудотлари.

<sup>67</sup> *Сатирлар* — ҳирсининг қуллари. Улар эчки туёқли қилиб тасвирланган.

<sup>68</sup> *Гномлар* — немис афсоналарига кўра, тоғлар ва тоғлар остида яшайдиган, ер ости бойликларига ҳукмронлик қиладиган пакана жуссали санамлар. Гномлар Европа адабиётларида кон чироқларини кўтариб турган ҳолда тасвирланганлар.

<sup>69</sup> «Кобольдлар ҳамроҳимиз...» — Шимол халқларининг тасаввурларича, гўё уй хўжалигига қарашадиган уй фаришталари ҳам бор эмиш. Кобольдлар шундай уй фаришталари саналиб, улар уйга ва уй бекаларига меҳрибонлик қилади деб тушунишган.

<sup>70</sup> «Фойдаланур муфлислар...» — муфлислар — камбағал бечоралар, қашшоқлар.

<sup>71</sup> *Улканлар* — фақат ўз манфаати йўлида иш кўрувчи ва бу билан давлатни ичдан емирувчи арбоблар назарда тутилади.

<sup>72</sup> *Нимфалар* — антик мифологияда иккинчи даражали илоҳалар. Нимфалар табиат кучларини мужассамлантирганлар. Сув нимфалари — наядалар, тоғ нимфалари — ореадалар, ўрмон нимфалари — дриадалар, дала, гор нимфалари ҳам бўлган. Улар ёш аёл қиёфасида тасаввур қилинган.

## САРОЙ БОҒИ

<sup>73</sup> «*Етар Фетиданинг қулогига ҳам...*» — Фетида — денгиз нимфаси.

<sup>74</sup> *Пелей* — Фетиданинг эри, Ахиллнинг отаси: Мирмидон подшоси. Пелей ўлгач, Фетида уни Олимп худолари қаторига кир итишга ҳаракат қилганди.

<sup>75</sup> *Ландскнехт* — ўрта асрларда Европада ёлланган аскарлар.

## ҚОРОНФИ ЙЎЛАК

<sup>76</sup> «Форис билан Еленани мен...» — қадимги юнон афсоналарида Елена — Зевс билан Леданинг қизи бўлиб, тенгсиз ҳусн соҳибаси бўлган. У Спарта подшоҳи Менелайга узатилган. Менелай жангга кетганда, уни Троя шаҳзода-си Форис ўғирлаб қочган. Машҳур Троя урушига шу Еленанинг ўғирланиши сабаб бўлган экан.

<sup>77</sup> «Тилга олмоқ уларни душвор, Улар — Момо...» — Гёте-нинг биографларидан Эккерманнинг ёзишига қараганда, шоир момолар ҳақидаги афсонани Плутархнинг «Марцел-нома» асарида ўқиган. Бунда ёзилишича, Сицилиядаги шаҳарлардан бири Энциумда ғалати, номаълум илоҳалар-га бағишланган ибодатхона бор экан. Улар «Момолар» деб аталар экан. Гёте ўзининг ҳамма нарсаларнинг ибтидоси бўлган аввал ғоялар ҳақидаги фикрини шу «момолар» воситасида англатишга тиришган. Маълумки, Гёте ўзининг барча ғояларини поэтик образлар воситасида гавдаланти-ришга ҳаракат қиларди. Гёте эргашган Платоннинг таъли-мотига кўра, энг аввал жисмсиз ибтидоий ғоялар бўлган. У ғояларда бўлажак нарсаларнинг суратларигина берилган. Кейин дунё бир бутун ҳолда шу ғоялардан турилган.

<sup>78</sup> *Неофит* — янги шогирд, бирон оқимнинг янги тараф-дори.

<sup>79</sup> *Мистагог* — қадимги диний мистик жамиятларнинг бошлиқлари.

<sup>80</sup> «Бориб мазбах ёнига сен тез...» — калит ва мазбах уч оёқли асбоб (тиргак). Ўрта аср сеҳргарлари халойиқнинг кўзини бўйаш учун ишлатган асбоблар.

<sup>81</sup> «Бахур дуди ўрлаб фалакка...» — яъни қурбонлик дуди.

## ЁРУҒ КОШОНА

<sup>82</sup> Руҳ чақириш саҳнаси доктор Фауст ҳақидаги немис халқ ривоятлар китобидан олинган. Ривоятларда нақл қилинишича, Фауст Искандар ва унинг хотини руҳини, сўнг соҳибжамол Елена руҳини чақириб императорга на-мойиш қилган экан.

<sup>83</sup> «Дин, эътиқод учун ёқилган Гулханлардан тушган бу кўмир...» — Ўрта асрларда Европа инквизиторлари то-



монидан ёқилган гулханлардан қолган кўмирлар мўъжиза кучига эга деб ҳисобланган. Товламачилар уларни яширин суратда йириб, авомга қимматга пуллаганлар.

### РИЦАРЛАР ЗАЛИ

<sup>84</sup> *Мулаққин кўшки* — саҳнада суфлер жойи.

<sup>85</sup> *«Бамисоли қадимий Атлант...»* — афсоналарга кўра, тенгсиз баҳодир Атлант кўк тоқини ўз елкасида кўтариб тураркан.

<sup>86</sup> *«Эндимион, Диана мисол...»* — юнон-рум мифологиясида Эндимион жуда хушсурат, ёш овчи қиёфасида тасвирланади. Ов ва Ой илоҳаси Диана уни ғоятда севар экан.

<sup>87</sup> *«Еленанинг ўғирланиши»* — эрамизнинг V асрида яшган александриялик шоир Калифоснинг асари.

### ИККИНЧИ ФАСА

1827—1830 йилларда ёзилган.

<sup>88</sup> *Фамулус* (лот.) — профессор ҳузурида ёки лабораторияда илмий ёрдамчи, ходим.

<sup>89</sup> *Соме* — тингловчи.

<sup>90</sup> *Бакалавр* — кичик илмий унвон. Бу асарнинг биринчи қисмида Мефистофелдан дарс олиб кетган шогирддир. У энди жуда ўзгариб қолган.

### ЎРТА АСР РУҲИДАГИ ҲУЖРА

<sup>91</sup> *Ҳомункул* — кимёгар Вагнер томонидан шиша идишда етиштирилган сунъий одамча. Одам нави. *Ҳомункулус* — лотинча одамча демакдир. Ўрта аср Фарб кимёгарлари шундай одамни сунъий суратда яшаш мумкин деган фикрни илгари сурган эдилар. Хусусан, Гёте мана шундай фикрлар билан чиққан ўрта асрнинг машҳур ҳакими Феофраст Парацельс асарларини ўқиб, ўз асарида сунъий одам қиёфасини яратиш фикрига келган. Ҳомункул онг ва овозга эга бўлса-да, лекин тўла қонли одам даражасига етмаган. У фавқулудда тасаввур, ақл ва интилишларга эга бўлган мажозий образ. Ҳомункул худди Мефистофель каби стихияли кучлар тимсоли деб қаралади. У ўзида инсониятнинг камолотга интилаётган бир босқичини мужассамлаштиради.

<sup>92</sup> «Оқар Пеней мавжли ва гўзал...» — Грецияда Фессалия вилоятида Олимп ва Осса тоғлари орасидан оқадиган дарё.

<sup>93</sup> *Фарсал* — Юлий-Цезарь эрамиздан олдинги 48 йилда Помпей аскарларини тор-мор қилган шаҳар.

## МУАЗЗАМ ВАЛЬПУРГИЯ КЕЧАСИ

Бу кўринишнинг қатнашчилари юнон мифологиясининг қуйи босқичдаги стихияли илоҳаларидир. Булар комил тартибга эга бўлган оламнинг биринчи босқичларини яратган қоронғи кучлар бўлиб, улар яратган оламнинг чўққисидан шу яратувчиликнинг натижаси ўлароқ гўзал Елена туради.

Қоронғи кучлар ўзларининг камолот сари ҳаракатларида уч босқични босиб ўтадилар. Энг қуйи босқичда табиатнинг даҳшатли ҳамда ваҳший кучлари, ақл бовар қилмайдиган мавжудотлар — фавқулодда улкан чумолилар, аждарлар, сфинкслар туради. Иккинчи юқориноқ босқичда ярим худолар, от одамлар, сув парилари образи туради. Учинчи босқичда камолотнинг натижаси ўлароқ инсон ва унинг тафаккури вужудга келади. Баркамол гўзаллик сари олиб борадиган йўл табиатнинг ана шу чала, нокомил — қоронғу кучлари узра ўтади.

<sup>94</sup> *Эрихто* — фессалиялик жодугар аёл. У Помпейга Цезарь билан жангда мағлуб бўласан, деб хабар берган экан.

<sup>95</sup> «Бу кеча яна бошдан қайтарилиур ўша баҳс...» — ривоятларга қараганда, ҳар йили Фарсал жанги кунидан тунгушиши билан жанг майдонида бўлиб ўтган уруш воқеалари хаёлий суратда, шарпаларда жонланиб кўринади экан. Эрихтонинг сўзлари мана шу маънони англатади.

<sup>96</sup> *Сфинкс* — кўкраги ва боши аёлга ўхшаш, жисми мода шер суратидаги мавжудот. Араблар буни Абул Ҳавл ҳам дейдилар.

<sup>97</sup> «Уятсиз грифу, сфинкслар ҳам...» — грифлар — боши ва қаноти бургут тусидаги, тани шерга ўхшаш хаёлий махлуқотлар. Афсоналарга кўра, улар ер ости хазиналарини кўриқлаб ётар эканлар.

<sup>98</sup> «Гиряю, гириху гирдлиг, гирифтор...» — Гёте бу ерда «г» ҳарфидан бошланувчи «гриф» ва «грюзе» (қарилик)

сўзларига боғлаб, ўхшаш ҳарфли сўзларнинг ўйинини беради. Таржимон оригиналдаги сўз ўйинларини ўзига хос муқобиллари билан беришга интилмоқда. Бу сўзлар том маънода қариликнинг турли белгиларини очишга қаратилган.

<sup>99</sup> *Чумолилар* — машҳур тарихчи Геродотнинг ҳикоя қилишича, Ҳиндистонда тулки катталигидаги чумолилар бўлган экан. Бу чумолилар ердан олтин қазиб олиш билан шуғулланар эканлар.

<sup>100</sup> *Аримасплар* — Геродотнинг ёзишига қараганда, скифлар қабилалари ичида бир кўзли афсонавий мавжудотлар ҳам бўлган эмиш. Аримасплар грифлар билан қўшни ерларда яшаб, уларнинг олтинларини ўғирлар эканлар.

<sup>101</sup> «*Айтинг, ундан кўра, мабодо учрагани йўқми инглиз сайёҳ?*» — Қадим инглиз пьесаларида шайтон одат тусига кириб қолган персонажлардан саналарди. Чунончи, уларнинг исмлари ҳам ғалати бўларди. Масалан: Олд Ник (Қари Ник), Олд Вик (Эски Иллат) ва ҳ. к. Мефистофель бу ўринда шуни назарда тутмоқда.

<sup>102</sup> *Сиреналар* — ярим қуш, ярим аёл шаклидаги хушилоҳом мавжудотлар. Гёте дунё тараққиётини тўла гавдалантириш мақсадида бўлса керак, энг қадимги Ҳинд (грифлар), Миср (сфинкслар) мифологияси яратган махлуқотлардан сўнг кейинроқ тараққий қилган юнон мифологиясига ўтади. «Одиссея»да ҳикоя қилинишича, сиреналар ўз ёқимли куйлари билан сайёҳларни маҳлиё қилиб, сўнг уларни ҳалокатга дучор қилар эканлар.

<sup>103</sup> «*Хирон айтар...*» — Хирондоно кентавр — ярим от одам шаклида тасвирланган. Уни уста ҳаким деб тасаввур қилганлар.

<sup>104</sup> *Улисс (Одиссей)* — «Одиссея»нинг қаҳрамони. Ҳикоя қилинишича, Одиссей ва унинг ҳамроҳлари кемада сиреналар ороли ёнидан ўтиб бораётганда, сиреналарнинг куйларига маҳлиё бўлиб қолмаслик учун ўзини кеманинг мачтасига боғлатиб қўйган, шерикларининг қулоқларини эса мум билан беркитган.

<sup>105</sup> *Алкид* — афсонавий юнон баҳодири Гераклнинг исми.

<sup>106</sup> *Стимфалида* — мис қанотли афсонавий қушлар. Улар қаноатларини ўқ қилиб отар ва одам гўшти билан овқатланар эканлар. Геракл ўз қаҳрамонликларининг бирида уларни қириб ташлаган.

<sup>107</sup> *Лерней аждарлари* — Геракл ўзининг қаҳрамонликларидан яна бирида маҳв этган афсонавий тўққиз бошли илонлар.

<sup>108</sup> *Ламиялар* — афсоналарга кўра, ўз ташқи чиройлари билан йигитларни жалб қилиб, сўнг ўлдириб, қонини сўрадиган даҳшатли хотинлар.

<sup>109</sup> *Пеней* — бу ўринда Юнонистондаги шу номли дарёнинг худоси.

<sup>110</sup> *Аргонавтлар* — олтин тери қидириб Колхидага борган юнон қаҳрамонлари.

<sup>111</sup> *Паллада* — Одиссейнинг дўсти ва яқини Ментор қиёфасига кириб унинг ўғли Телемахга ҳамроҳ бўлган ва уни балолардан асраган маъбуда; Афина.

<sup>112</sup> *Диоскурлар* — Еленанинг туғишган биродарлари бўлмиш эгизаклар — Кастор ва Поллукс. Эгизаклар деб аталган юлдузлар туркуми шуларнинг номи билан аталган.

<sup>113</sup> *Боредалар* — шамоллар худоси Борейнинг ўғиллари. Аргонавтлар сафарининг қатнашчилари. Қанотли Калаис ва Зет.

<sup>114</sup> *Язон* — аргонавтларнинг йўлбошчиси. Унинг чинакам исми Диомеддир. Язон ёки Ясон олтин тери қидириб, Колхидага борганда, унга Колхида шоҳи Ээтанинг қизи Сеҳргар Медея ошиқ бўлиб қолади ва олтин терини кўлга киритишда унга кўмаклашади. Язон жуда кўркам бўлганлигидан унга кўп хотинларнинг ишқи тушган экан. Шунинг учун ҳам Гёте «жононларни этган банд» деган сўзларни ишлатмоқда.

<sup>115</sup> *Линцей ёки Линкей* — аргонавтлар кемасининг дарғаси. Унинг кўзи шу қадар ўткир эканки, ҳатто сув остидаги қоялар ва саёз жойларни ҳам бемалол кўраверар экан. Гёте унинг шарафига ўз қаҳрамонларидан бири — Фауст қалъасининг дарғаси номини Линкей деб атаган.

<sup>116</sup> «Ака сўзидан чиқмас, Жононлар қули эди...» — Геркулеснинг акаси Эвристей уни ўн икки бор қаҳрамонлик

кўрсатишга ундаган. Геракл Лидия маликаси Омфалага қул бўлиб қолганда, маликанинг инжиқлиги боисидан аёлларнинг кийимини кийиб, жориялар қаторида уй ишларини бажарган, ҳатто чарх ҳам йигирган экан. «Жононлар қули эди» сўзлари шунга ишора.

<sup>117</sup> *Гея* — юнонларда Она-Ер тимсоли. У ернинг, барча одамларнинг онаси ҳисобланган.

<sup>118</sup> *Геба* — ёшлик илоҳаси. Геба Гераклнинг илоҳий хотини деб қаралган. Геракл вафот этгач, уни Юпитернинг (Зевс) фармони билан Олимпга олиб чиққан.

<sup>119</sup> «*Эскулапнинг қизи Мантони...*» — Манто — кўр донишманд Тирезийнинг қизи бўлиб, машҳур ҳаким Эскулапга шогирд деб билинган. У ғоятда башоратгўй экан. Гёте уни Эскулап санъатининг оқила вориси сифатида тилга олмоқда.

<sup>120</sup> «*Бу майдонда Румо ва Юнон, Айлаб буюк ўлка талошин...*» — эрамиздан олдинги 168 йилда Румо консули Павел Эмилий Македониядаги Пидна дарёси ёнида бўлган жангда Македониянинг сўнгги подшоси Персейни жангда мағлуб қилган.

<sup>121</sup> «*Кўражаксан Персефонани...*» — Персефона ёки Прозерпина — юнон ҳосилдорлик ва деҳқончилик илоҳаси Деметра (Церера)нинг қизидир. У ер ости зулматининг худоси Плутон ёки Аид томонидан зўрлик билан ўғирлаб кетилганди. Афсоналарга кўра, у дўзах илоҳаси бўлиб қолган. Ва доимо ерни соғиниб юрган, одамлардан онаси Церера ҳақида хабар етказишларини сўраган.

<sup>122</sup> «*Хилоф этиб бир бор қонунга, Олиб кирдим Орфейни унга...*» — Орфей Фракиянинг афсонавий кўшиқчиси-дир. У куйлаганда дарахтларнинг новдалари эгилиб тушар, тошлар ўз ўрнидан қўзғалар, ваҳший ҳайвонлар ювош бўлиб қолар экан. Орфей дўзах қаърига тушиб, Персефонадан ўзининг ўлган хотини Эвридикани қайтариб беришни илтижо қилган.

<sup>123</sup> «*Сен Орфейга ўхшама, бироқ...*» — Персефона Орфейнинг илтижосига кўниб, Эвридикани қайтариб беришни ваъда қилади. Бироқ, дўзахдан чиқиб кетаётганда, то ер юзига чиққанча, Эвридикага ўтирилиб қарама, деб шарт қўяди. Орфей шартни бузиб қўяди ва Эвридика ғойиб бўлади.

<sup>124</sup> *Эгей* — денгиз номи.

<sup>125</sup> *Сейсмос* — титанлардан Зилзила худоси. У ер тағида ётиб ёнбошига ағдарилганда, ер қимирлаб кетар экан.

<sup>126</sup> «*Бу Делос номли орол, Меъмори, ижодкори*» — мифларда ёзилишича, Зевснинг маъшуқаси Латона ҳомиладор бўлиб қолгач, туққани жой тополмай қолган экан. Зевснинг рашкчи хотини Гера Пифон номли илонга уни доим таъқиб қилишни буюрган. Чорасиз қолган Латона ўзини Эгей денгизига отган. Денгиз худоси Посейдон унинг қаршисида Делос оролини яратиб ўлимдан қутқариб қолган. Латона оролга чиққач, Аполлон ва Артемида исмли эгизакларни туққан.

<sup>127</sup> «*Мен Пелион билан Оссани...*» — Сейсмос, мен Пелион ва Осса номли тоғларни яратишда иштирок этганман, демоқчи. Сфинкслар эса тоғлар аста-секин бунёд бўлган, деб буни инкор қиладилар.

<sup>128</sup> «*Биз Парнаснинг бошига қўйдик, Икки чўққи — гўё қўш телпак...*» — музалар макони деб аталадиган Парнас тоғининг икки қўш чўққиси бўлиб, улар Аполлон ва Артемида номлари билан аталади.

<sup>129</sup> *Пигмейлар* — юнон афсоналарида қадим замонларда Нил дарёсининг бўйларида яшаган паст бўйли ушоқ одамлар ҳақида гап юритилади. Улар Жануб ёқларга учиб кета туриб, ўз далаларини талаб кетадиган турналар билан олишиб ётар эканлар.

<sup>130</sup> *Дактиллар* — Фригиядаги Ид тоғида яшаган пигмейлардан ҳам кичкина одамлар қабиласи. Темирга ишлов беришни шу қабила очган, деган овозалар юради. Катта пигмейлар уларни ва чумолиларни мағлуб этиб, ўзларига қул қилиб олган эканлар.

<sup>131</sup> *Ивик турналари* — афсоналарга кўра, Ивик йўлда қароқчилар томонидан ўлдирилган шоир. Турналар унинг қотилларини айтиб берган эканлар. Шунинг учун Ивик турналари деб аталади.

<sup>132</sup> *Эмпуза* — чўлоқ ажина хотин. Унинг бир оёғи эшакнинг туёғига ўхшаш бўлган. Кечалари адашиб қолган йўловчиларни алдаб ҳалок қилар экан. Эмпуза турлича қиёфаларга кира оларкан.

<sup>133</sup> *Ореада* — тоғ санами. Қ: нимфалар.

<sup>134</sup> *Анаксагор ва Фалес* — Анаксагор (эр.ав. 500—428), Фалес (эр.ав. 640 йилда туғилган, вафоти тарихи номаълум) қадимги юнон файласуфлари. Анаксагор дунёнинг яралишида олов асос бўлган деса, Фалес сув асос бўлган дейди. Анаксагор ердан улкан парчалар кўчиб сайёраларга айланган, ер оламнинг марказида туради, ундан кўчган нарсалар вақти-вақти билан ўзига қайтади деган ғояни илгари суради. Анаксагор оламнинг пайдо бўлишида вулқонлар асос бўлган дейди. Шунинг учун уни олам яралиши ҳақидаги вулканизм назариясининг отаси ҳисобланади. Фалес эса аксинча нептунизмнинг отаси ҳисобланади. Унинг, борлиқ оламнинг онаси сувдир. Гёте ўзининг геологик қарашларида нептунизм тарафдори эди.

<sup>135</sup> *«Бунда яшар сонсиз мирмидон»* — афсоналарга кўра, Зевс Эгина оролининг чумолиларини одамларга айлантириб қўйган экан. Шулар мирмидонлар деб аталади. Мирмидон номи Зевснинг Евримедузадан туғилган ўғлининг номидир. Ривоятларга кўра Зевс Евримедузанинг қошига чумоли қиёфасида кирган экан. Шундан унинг Мирмидон исми ўгли туғилган. Юнонча мирмекс чумоли демақдир.

<sup>136</sup> *«Эй, Диана, Ой ила Гекат...»* — афсоналарга кўра Диана уч мамоликнинг эгаси бўлган. Диана номи билан у заминда ҳукмронлик қилган ва ов илоҳаси бўлган. Ой ёки Селена номи билан тун маликаси саналиб, унга бокиралик илоҳаси сифатида қараганлар. Геката номи билан эса дўзах ишларига ҳоким бўлган. Иблислар илоҳаси деб юритилган.

<sup>137</sup> *Дриадалар* — ўрмон санамлари.

<sup>138</sup> *Форкиадалар* — юнон мифологиясида ҳикоя қилинишича, денгиз пири Форкиснинг уч қизи бўлган. Улар ғоятда бадбашара эканлар. Учовларига битта тиш ва битта кўз берилган бўлиб, улардан навбатма-навбат фойдаланишар экан. Асарнинг учинчи фаслида Мефистофель Форкиада қиёфасида пайдо бўлади.

<sup>139</sup> *«Даҳшатлироқ экан қарасам, Алравннинг илдизидан ҳам...»* — Мандрагора ёки алравннинг илдизи беўхшов одам қиёфасини эслатади.

<sup>140</sup> *«Опси ҳам Реани кўрдим, Хаос менга эмас бегона...»* — Опс — Румо афсоналарида ҳосил илоҳаси. Реа — юнон илоҳаси, ҳудоларнинг онаси. Хаос — Гесиоднинг талқин

қилишича, дунё яралмасдан олдин мавжуд бўлган буткул бўшлиқ. Ҳозирги тартибсизлик маъносидаги тушунча кейинроқ пайдо бўлган.

<sup>141</sup> *Гермафродит* — юнон афсоналарида Гермес билан Афродитанинг ўғли. Ғоятда чиройли бўлган. Салмакида исми нимфа уни қаттиқ яхши кўриб қолиб, ҳудолардан ўзини Гермафродит билан яктан қилиб қўйишни натижа қилган. Шундай қилиб, икки жинсли бир одам пайдо бўлган. Хунаса маъноси кейинроқ шакланган.

<sup>142</sup> *Нереидалар* — Посейдон ҳукми остидаги денгиз пирларидан башоратгўй Нерейнинг болалари. Улар ярим балиқ, ярим қиз шаклида тасвирланганлар. Денгиз қаърида яшаб ип йигирганлар. *Тритонлар* — юнон худолари Посейдон ва Амфтриданинг болалари. Денгиз худоларининг араваларини бошқариб юрганлар. Денгиз чиғаноқларидан қарнай ясаб сурон чалганлар.

<sup>143</sup> *Кабирлар* — юнон афсоналарининг энг қадимги, ибтидоий илоҳларидан. Вулқон ва Фракия парисининг болаларидир. Самофракияда улар ёруғлик, олов ва дала худоси саналиб, уларнинг шарафига катта байрамлар ўтказилган.

<sup>144</sup> *Пинд бургутлари* — Трояни вайрон қилган юнон лашкарбошилари.

<sup>145</sup> «*Одиссейга айтганман такрор,*

*Бўлмогини Циклонга дучор,*

*Тушмогин ҳам Цирцейга асир...*» — Гомернинг достонида ҳикоя қилинишича, жодугар Цирцея Одиссейнинг ҳамроҳларини тўнғизга айлантириб қўйган, натижада уларнинг кўпларини бир кўзли циклон Полифем еб қўйган.

<sup>146</sup> «*Галатея келадур жадал*» — Нерейнинг қизларидан. Ғоятда соҳибжамол пари. Венера ер юзида гўзаллик илоҳаси бўлса, Галатея — денгизда гўзаллик илоҳаси бўлган.

<sup>147</sup> *Киприда* — Венеранинг бошқа бир номи.

<sup>148</sup> *Протей* — ярим денгиз худоси. Башоратгўй. Турли қиёфаларга кира олиши билан машҳур бўлган. Протей — денгиз донишманди Океан ва Фетиданинг фарзандидир.

<sup>149</sup> *Хелона косаси* — Хелона — нимфа. У Юпитернинг устидан кулгани учун тошбақага айлантириб қўйилган. Хелона косаси — тошбақа қалқонидан қилинган коса.



<sup>150</sup> *Родос тельхинлари* — Родос оролининг афсонавий одамлари. Улар металга ишлов беришни, метал қуйиш ва ҳайкалтарошликни кашф қилган эканлар.

<sup>151</sup> *Аполлон* — Уни Феб ҳам дейдилар. Зевс билан Лато-на (Лето)нинг боласи. Артемиданинг акаси. Олимпнинг энг улуввор худоларидан. Уни қуёшга тамсил қилганлар.

<sup>152</sup> *Севги қушлари* — севги худоси Венера кабутарлар-ни севар экан. Шунинг учун уларни севги қушлари деб атаганлар.

<sup>153</sup> *Псилла ва Марслар* — ривоятларга кўра, қуйи Ита-лия ва Ливияда яшаган афсонавий халқлар. Улар илон ўргатиш, ҳақимлик қилиш билан шуғулланганлар.

<sup>154</sup> «*На ярим ой, на салиб, На бургут, на арслон...*» — ярим ой — усмонли турклар тамғаси, бургут — Румо дав-латининг ва арслон — Венециянинг тамғаси.

<sup>155</sup> *Дорида* — нереидаларнинг онаси. Нерейнинг хотини.

<sup>156</sup> *Эрос* — муҳаббат ва шавқ даҳоси.

### УЧИНЧИ ФАСЛ

#### СПАРТАДАГИ МЕНЕЛАЙ САРОЙИ ОЛДИДА

<sup>157</sup> *Эвр* — Жануби-шарқдан эсувчи шамол.

<sup>158</sup> *Нептун* — денгизлар худоси Посейдоннинг бошқа бир номи.

<sup>159</sup> *Эврот* — Спартадаги дарё.

<sup>160</sup> *Стикс тангрлари* — Стикс — афсоналарга кўра дўзах дарёсидир. Стикс тангрлари — ёмонлик, ёвузлик малаклари ҳисобланган.

<sup>161</sup> *Оркус* (Орк) — ўлган одамнинг руҳини ер ости сал-танатига элтувчи Румо илоҳи.

<sup>162</sup> *Мастона менадалар* — Дионисга ҳамроҳ аёллар.

<sup>163</sup> *Иллион* — Троя.

<sup>164</sup> «*Сог борми отанг Эреб? Онанг Тун саломатми?*» — Хаос томонидан бунёд этилган ер ости кучлари.

<sup>165</sup> «*...опанг Сцилла қалай, сўйла?*» — Сцилла — Одис-сейнинг ҳамроҳларини еб қўйган махлуқ. Цирцея уни олти бошли, ўн икки оёқли махлуққа айлантириб қўйган.

<sup>166</sup> *Қари Тирезий* — фивалик қари коҳин. У Зевснинг иродасини донишмандлик билан талқин қилган. Шунинг

мукофоти ўлароқ унга Зевс томонидан беш инсон умри ҳада этилган экан. Тирезий номи қарилик тимсоли каби ҳам ишлатилади.

<sup>167</sup> «Орионнинг онаси...» — юнонларда бу сўз кўчма маънода жуда қари, даққионусдан қолган маъноларида ишлатилади. Орион — титанлар замондоши. Забардаст ва баҳодир ҳайвон овловчи.

<sup>168</sup> *Гарпиялар* — боши аёллар бошига ўхшаш қуш. Улар аргонавтлар ҳақидаги ривоятларда айтилишича, Фригия подшоси кўр Финейнинг овқатини ё ўғирлаб кетар ва ё булғаб қочар эканлар. Кўчма маънода ёвуз хотин.

<sup>169</sup> *Тезей* — шаҳзода Париснинг ёнида туриб Еленани олиб қочган баҳодир.

<sup>170</sup> «*Умр йўлдошинг сенинг Крит юртин оларкан...*» — Еленанинг эри Менелай ота мерос Критни қўлга киритгани кетган чоғда Елена ўғирланган эди.

<sup>171</sup> «*Дерлар: яшаганмишсан сен икки қиёфада...*» — бир афсонага кўра Зевснинг хотини Гера уч гўзалнинг мусобақасида Форис Афродитани танлаганига ғазаб қилиб, Форис билан Еленанинг никоҳига тўсқинлик қилган экан. У ҳавойи Елена ясаб, уни Форис олдиға киритган ва Форис уни Елена гумон қилиб Трояға олиб кетган. Асл Еленани эса Гермес Мисрга Протейнинг саройиға олиб борган. Еленанинг икки қиёфаси ҳақидаги гап шу афсонадан туғилган.

<sup>172</sup> «*Жонидан севган Ахилл висолингни қидириб, Адам дунёсин қўйиб келган эмиш ёнингга...*» — Елена ҳақида тўқилган бошқа бир афсоналарға қараганда, Елена ўлганидан кейингина у ўлган Ахиллнинг руҳи билан қовушган экан. Ахилл ўз онаси Фетидадан Елена билан қовушмоқлик учун уларни қисқагина бир муддатға бўлсин тирилтиришни сўраган экан. Уларнинг никоҳлари Левка номли сеҳрли бир оролда амалға ошади ва улардан Эвфорион исмли ўғлон дунёға келади.

<sup>173</sup> «*Майна қушлардек қатор шунга осилажаксиз...*» — Одиссей ўз хотини Пенелопаға келган саноқсиз хира куёвларға ёрдам берган жорияларини қаттиқ жазолаган экан. Шунға ишора қилиняпти.

<sup>174</sup> «*Мозор тупроги билан тўлиб чиқар даҳаним...*» — бу ўсмирлар Еленанинг жориялариға Форкиада ер қаъридан

олиб чиққан шарпа бўлиб туйилмоқда. Бу сўзларда шунга ишора бор.

<sup>175</sup> *Линкей* — Гёте Фауст қалъасининг доруғасига аргонавтлар кемасининг доруғаси Линцей шарафига шундай ном беради.

<sup>176</sup> «*Хужум қилиб Пилосга шахдам, Биз Несторни этдик тору мор...*» — Пилос — қадимги Юнонистондаги кичик подшолик. «Илиада»да ҳикоя қилинишича, донишманд чол Нестор Пилоснинг подшоси бўлган.

<sup>177</sup> *Майя ўғли* — осмон гумбазини елкаларида кўтариб турувчи титан Атлантнинг етти қизи бўлган экан. Улар плеядалар деб аталган. Майя — етти опа-сингилнинг тўнғичи. У тоғ парисидир. Майя билан кўк худоси Юпитернинг никоҳидан Гермес (лот. номи *Меркурий*) горда дунёга келган.

<sup>178</sup> *Арес* — юнонларда уруш худоси. Уни лот. *Марс* ҳам дейдилар.

<sup>179</sup> *Гефест* — юнонларда олов ва темирчилик худоси.

<sup>180</sup> *Эрот* — энг қадимги юнон худоларидан. Севги илоҳи.

<sup>181</sup> *Пелопс юрти* — Юнонистондаги оролнинг номи.

<sup>182</sup> *Икар* — машҳур уста, афсонавий кашфиётчи Дедалнинг ўғли. Ота-бола қанот ясаб осмонга кўтарилганларида Икарнинг қанотлари офтоб нурларида эриб кетиб йиқилиб тушган.

<sup>183</sup> «*Унинг юзида таниш белгилар бор*» — айрим тадқиқотчилар Фауст билан Еленанинг ўғли Эвфорион сиймосида Гёте ўз замондоши Байронни ва унинг фожиали ҳалокатини тасвирлаган дейдилар. «Таниш белгилар» дейилганда Байрон қиёфасига оид белгилар назарда тутилган.

<sup>184</sup> *Асфодел* — дўзахнинг далаларида бўғиқ кулранг бир ўт ўсар эмиш. Унинг номи Асфодел экан.

<sup>185</sup> *Гелиос* — юнон афсонасида Қуёш худоси. Кейинроқ уни Аполлон билан тенг кўрадиган бўлганлар. Гелиос кўрларни тузатади, жазоласа, кўр қилиб қўяди деб ишонилган.

<sup>186</sup> *Дионис (Вакх)* — юнонларда зироат худоси. Узумчилик ва май ҳомийси.

<sup>187</sup> *Силена* — юнонларда иблис. Гермеснинг ўғли. Силена доимо махмур, маст, шўх, қувноқ, сочлари тушиб кетган, семиз бир чол қиёфада тасаввур қилинган. У ёнида

доимо май тўлдирилган меш олиб юрар экан. Силена доимо маст бўлганлигидан уни қўлтиғидан тутиб ёки эшакка ўтқазиб олиб юрарканлар.

<sup>188</sup> *Котурн* — юнон ва Рим актёрлари княдиган тағи қалин пойабзал. Қадимги трагедияларнинг қаҳрамонларини улуғвор қилиб кўрсатиш мақсадида кийиларди.

## ТҶРТИНЧИ ФАСЛ ТОҒЛИК ЕР

<sup>189</sup> *Юнона* — лот. номи *Гера*. Худолар маликаси. Зевснинг хотини.

<sup>190</sup> *«Учратганим ёруг, маъсума кўзлар»* — Фауст Маргарита ва Еленанинг шарпалари билан видолашмоқда. Тўртинчи фасл Фаустнинг хаёлот олаmidан реал ҳаётга қайтиши тасвири билан бошланади.

<sup>191</sup> *«Ер остидан чиқдик очиқ ҳавога»* — ёвузлик руҳларининг ер ости зулумотидагина эмас, замин узра ҳам мавжудлигига ишора. Авлиё Павел ўзининг ефесейларга номасида (IV, 12) «замин узра бўлган ёвузликлар руҳига... бизнинг қарғишларимиз бўлсин», деган экан. Гёте шуни назарда тутган деган талқинлар бор.

<sup>192</sup> *«Малох болтасининг зарбаларида...»* — Малох — Гётедан илгарироқ ўтган немис шоири Клопштокнинг «Мессиада» асарида қоялар тиклайдиган худолар билан олишадиган жангари, девкор бир руҳ.

<sup>193</sup> *«Олам мулки ила унинг шарафи...»* — Инжили Матфодан (4,8).

<sup>194</sup> *Сарданапал* — Оссурия подшоси. Ишрат ва базмларга муккасидан кетганлиги билан машҳур бўлган.

<sup>195</sup> *«Йўқ, мен Петер Сквенц мисол...»* — Петер Сквенц Шекспирнинг «Ёз тунидаги уйқу» асаридаги персонаж. У комедияда Тезей саройига келиб Афинанинг хунарманд актёрлари иштирокида томоша кўрсатади ва: «Актёрларнинг энг зўрларини танлаб келдим», деб мақтанган экан.

<sup>196</sup> *«Уч паҳлавон киради»* — Уч паҳлавон ҳақидаги фикр-ни Гёте Инжилнинг «Салтанатлар китоби» фаслидан олган (II, XXIII, 8). Унда ёзилишича, Довуднинг филистимликларга қарши жанг қилган аскарлари ичида уч баҳо-

дирнинг номи алоҳида саналади. Булар: Исбосеф, Елеазар ва Шаммадир. Гёте бу номларни кўчма маънода Руфибальд, Хабибальд, Халтефаст деб атайди, яъни «Босиболди», «Галаболди», «Сақлаболди». Бу Гёте айтмоқчи бўлган маъноларни тўла ифодалаб беради.

## ТОҒ ЭТАГИДА

<sup>197</sup> *«Норсиялик сабиний саҳҳор...»* — Норсия — Италияда гўё сеҳрланган тоғ. Сабиний саҳҳор — афсоналарга кўра, Георг Сабелликүс деган ўлганлар руҳи билан сўзлаша оладиган саҳҳор (сеҳргар) бўлган экан. Бундай одамлар жодугар ёки некромант деб юритилган. Некромант Георг Сабелликүс ўлимга ҳукм қилинганда, подшо унинг ҳаётини сақлаб қолган экан.

<sup>198</sup> *Чангсолахон* — асл нусхада Гёте «Ейленбут» сўзини ишлатган. Бу икки сўздан: ейлен — шошилмоқ ва бут — ўлжа сўзларидан ташкил топган. Бу ерда ўлжа олишга шошилувчи маъносида. «Чангсолахон» — шу маънога яқин.

<sup>199</sup> *«Диоскурлар сочган нур ўша...»* — Диоскурлар буржи — Эгизаклар Поллүкс ва Кастор номи билан аталган юлдузлар туркуми — юнонларнинг эътиқодларича, бу юлдузлар денгизчиларга хайрли йўл кўрсатар экан.

<sup>200</sup> *«Бургут парвоз этар фалакда, Гриф уни қувиб бормоқда»* — Бургут ва Гриф — император тамғаларидаги сурат.

<sup>201</sup> *«Менга бу дам келтирар, Икки қузғуним хабар»* — қадимги шимол халқларининг афсоналарига кўра, сеҳрли қарға-қузғунлар қаҳрамонларга хабар етказувчи сифатида тасвирланган. Ўрта аср афсоналари эса уларни шайтон ва жодугарлар хизматидаги қуш каби тасвирлайди.

<sup>202</sup> *Люцифер* — ўрта асрларда шайтоннинг номларидан бири.

<sup>203</sup> *«Венеция жомин тутарман биллур»* — ўрта аср эътиқодларига кўра Венеция қадаҳлари маст бўлишдан сақлаб, ҳатто майга заҳар олад қилинган бўлса, заҳар борлигини билдириб турар экан.

## БЕШИНЧИ ФАСЛ ЯЛАНГЛИК

Бу фасл шоир томонидан 1830 йилда ёзиб тугалланган.

<sup>204</sup> *Фелемон ва Бавкида* — қадимги юнон афсоналаридаги доимо аҳиллик ва иттифоқда яшаб, узоқ умр кечирган эр-хотин деҳқонлар. Улар узоқ бахтли ҳаёт кечириб, ўлганларидан сўнг Зевс томонидан чинор ва арғувон даррахтига айлантириб қўйилган экан. Гёте Эккерман билан қилган суҳбатларида менинг чол-кампир қаҳрамонларим билан қадимги афсона қаҳрамонлари ўртасида умумийлик йўқ. Мен ўхшаш характерлар ва ўхшаш муносабатларни таъкидлаб ўтдим, холос. Шунинг учун уларга ўхшаш номлар бердим, деган.

### САРОЙ

<sup>205</sup> *Қартайган Фауст...* — Гёте бир суҳбатда Фауст бешинчи фаслда юз ёшларга кирган ҳолда намоён бўлса керак, деган. Гёте ўз қаҳрамонини иккинчи марта, лекин энди абадий ёшликка қайтариш учун уни қариган чоғида кўрсатади. Китобхон Фаустни биринчи фаслда ёшликка қайтарган сеҳрнинг кучи ўз-ўзидан тугаганлигини сезган бўлса керак.

<sup>206</sup> *«Эй, Навуфей, тоқзорингни бер»* — Инжилнинг «Салтанатлар китоби»да ёзилишича (III, 21) Навуфей деган кимсанинг узумзори шоҳ Агавнинг саройи ёнида жойлашган экан. Агав шоҳнинг бу узумзорга ишқи тушиб нима бўлсада, уни қўлга киритиш фикрига тушади. Лекин Навуфейни кўндиролмайди. Шунда унинг хотини малика Изавель Навуфейга тўхмат қилиб, уни тошбўрон қилдиради. Узумзор Агавники бўлиб қолади. Гап шундаки, Навуфейнинг тўхмат билан ўлдириб юборилганидан Агав фақат рақиби ўлгандан кейингина хабардор бўлиб қолган экан. Фауст ҳам бу ўринда чол-кампирга нисбатан қилинган муомалада шу аҳволга тушган.

<sup>207</sup> *«Сен ўлим олдида кўздан қолурсан...»* — ўрта аср ақидаларига кўра, афсунгар ва парилар одамнинг кўзига пуфласа, одам кўр бўлиб қоларкан.

<sup>208</sup> *Лемурлар* — қадимги римликларнинг тасаввурларича, ўлган одамларнинг руҳи тирикликда ўзлари қилган бирои гуноҳ ёхуд бошқаларнинг унга етказган ноҳақ озори туфайли тунлари нотинч кезар ва озор берган одамни таъқиб қилар эмиш. Бу ерда лемурлар Гёте томонидан унинг ўз сўзлари билан айтганда «тарих кучларига тўғаноқ бўлгувчи», уларга гўр қазувчилар, галамуслар ва пасткашлар тимсоли қилиб берилган.

<sup>209</sup> *Иов* — Айюб пайғамбар.

### ДАРА, ЎРМОН, ҚОЯЛАР, ЧЎЛ

<sup>210</sup> *Патер экстатикус* — лот. ибодат чоғида ғоят қаттиқ жазавага тушувчи руҳоний, пир.

<sup>211</sup> *Патер профундус* — ибодатда ҳали олий жазавага эришолмаган, лекин унга яқинлашиб бораётган руҳоний.

<sup>212</sup> «*Доктор Марианус*» — Биби Марямнинг жамолига этиш иштиёқида чуқур хаёл ва ибодатга толган одам. Кўпгина мистикларни шундай фахрли унвон билан «Доктор Марианус» деб атаганлар.

<sup>213</sup> «*Магна пеккатрикс*» — Ишжилдаги гуноҳкор аёл Мария Магдалина.

<sup>214</sup> *Миллер Самаритана* — Самария аёли.

<sup>215</sup> *Мария Айегиптиача* — мисрлик Марям.

<sup>216</sup> *Уна поенитентум* — Тавба қилаётган аёл. Гретхен назарда тутилади.

<sup>217</sup> *Матер Глориоса* — Биби Марямнинг номларидан.

<sup>218</sup> *Чорус мустикус* — мистик руҳонийлар қўшиғи.

<sup>219</sup> *Мангу назокат* — Гёте бу сўзлар билан инсон борлиги ва яратувчилигининг гултожи бўлган боқий ва покиза муҳаббат тушгунчасини англатмоқда.

# МУНДАРИЖА

Э.ВОҲИДОВ. «Фауст» олами .....	3
Бағишлов .....	6
ТЕАТР МУҚАДДИМАСИ .....	8
АРШИ АЪЛОДАГИ ДЕБОЧА .....	16
Биринчи қисм .....	21
Иккинчи қисм .....	199
ИЗОҲЛАР .....	510



ЙОҲАНН ВОЛЬФГАНГ ГЁТЕ

**ФАУСТ**

Муҳаррирлар  
Феруза ҚУВОНОВА,  
Шаҳноза РАҲМОНОВА

Мусахҳиҳлар  
Муҳаббат МЕНГНОРОВА,  
Суннат МУСАМЕДОВ

Бадиий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Техник муҳаррир  
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 2014 йил 18 декабрда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 16,75. Шартли босма тобоғи 28,14.

Гарнитура «Bookman Cug+Uzb». Офсет қоғози.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 230.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тафтирланди ва чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими — 278-30-52;

Маркетинг бўлими — 128-78-43. факс — 273-00-14;

e-mail: [yangiasraylodi@mail.ru](mailto:yangiasraylodi@mail.ru)



# Йоҳанн Вольфганг Гёте

( 1749—1832 )

Янги давр немис адабиётининг асосчиси. Ижоди XVIII асрнинг 70 – 80-йиллари Германияда мавжуд бўлган «Бўрон ва ҳужум» адабий ҳаракатида иштирок этишдан бошланган. Шу даврда Гёте «Гец фон Берлихинген» (1773), «Прометей» (1773) каби драмалар ва лирик шеърлар ёзади. Гёте адабий фаолиятининг илк даврига мансуб «Ёш Вертернинг изтироблари» (1774) романи ўша давр немис адабиётида катта воқеа бўлди. 1786 – 1788 йилларда Италияга сафари даврида «Ифигения Таврида» (1779 – 1781), «Эгмонт» (1788), «Торквато Тассо» (1780 – 1789) каби драмалар ёзади.

Гёте Шарқ мамлакатлари тарихи, маданияти, адабиётини чуқур ўрганади. Фирдавсий, Фаридиддин Аттор, Румий, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий каби шоирлар ижоди билан танишади. Бу пайтда Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий ижодларидан намуналар немис тилига таржима қилинган эди. Гёте «Мағрибу Машриқ девони»ни (1814 – 1819) Шарқ шеъриятдан илҳомланиб ёзган. Девон «Муғаннийнома», «Ҳофизнома», «Ишқнома», «Тафриқнома», «Ранжнома», «Ҳикматнома», «Зулайҳонома», «Темурнома», «Соқийнома», «Маталнома», «Форсийнома», «Хулднома» каби 12 бўлимдан иборат.

Гётенинг «Фауст» фожиаси (1768 – 1832) жаҳон адабиётидаги шоҳ асарлардан ҳисобланади.

Германиянинг маърифий-маданий тадқиқотлар олиб борувчи нуфузли маркази Гёте номи билан аталади. Гёте институтининг филиаллари жаҳоннинг 78 мамлактада, шу жумладан, Тошкентда ҳам фаолият кўрсатмоқда (1998 йилдан).

ISBN 978-9943-27-312-2



9 789943 273122